

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**



**МАХСУС ФАНЛАР ЦИКЛИ**

**“ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ФАОЛИЯТИ” МУТАХАССИСЛИГИ  
БУЙИЧА СЕРЖАНТЛАР ТАРКИБИ ХОДИМЛАРИНИ МАХСУС  
КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ ЎҚУВ КУРСИ”НИНГ “ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ  
ФАОЛИЯТИ” МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент-2023 йил**

Мазкур ўқув-услугий мажмуа ички ишлар органлари ходимлари учун “Жазони ижро этиш фаолияти” мутахассислиги бўйича сержантлар таркиби ходимларини махсус касбий тайёрлаш ўқув дастури асосида тайёрланган.

**Муаллифлар:**

**К.С.Бейсенов**

Махсус фанлар цикли ўқитувчиси.

**Ф.С.Ахмедов**

Махсус фанлар цикли ўқитувчиси.

**Такризчилар:**

**Ж.Қ.Султонов**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
ЖИЭД Тарбиявий ва ижтимоий  
психологик ишларни ташкил этиш  
бошқармаси бошлиғи, полковник

**Ж.С.Мухторов**

ИИВ Малака ошириш институти  
Махсус фанлар кафедраси доценти,  
подполковник

Ўқув-услугий мажмуа ички ишлар органлари ходимлари учун “Жазони ижро этиш фаолияти” мутахассислиги бўйича сержантлар таркиби ходимларини махсус касбий тайёрлаш курсида таҳсил оладиган тингловчилар учун жазони ижро этиш муассасаларининг турлари, муассасаларга қабул қилиш тартиби, режим, маҳкумлар билан тарбиявий ижтимоий-психологик ишлар, уларнинг моддий-маиший ва тиббий-санитария таъминоти, меҳнатга жалб этиш тартиби, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўйича назарий билим ва амалий кўникмалар ҳосил қилдириш ва малакаларини шакллантириш хусусиятлари ёритиб берилган.

Ўқув-услугий мажмуа Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари учун мўлжалланган.

Ўқув-услугий мажмуа Малака ошириш институти Илмий кенгашининг 2023 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_даги “\_\_\_”- сонли йиғилиш муҳокамасидан ўтказилган ва маъқулланган.

УДК 355.54:351.74(07)(575.1)

Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОИ, 2023.

## Мундарижа

Кириш.....	6
Модул бўйича дарслар тақсимоти.....	9
1-Мавзу: Жазо тушунчаси, мақсади ва вазифалари. Жиноят-ижроия ҳуқуқи нормаларининг тушунчаси.....	11
2-Мавзу: Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тушунчаси, унинг ижросини ташкил этиш.....	24
3-мавзу: Жиноий жазони ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати .....	28
4-Мавзу: Маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти.....	34
5-мавзу: Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш .....	40
6-Мавзу: Маҳкумларга тиббий хизмат кўрсатиш асослари ва тартиби.....	52
7-Мавзу: Маҳкумларни айрим касалликларда даволашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши.....	59
8-Мавзу: Маҳкумлар шахсий хавфсизлиги ҳуқуқини таъминлаш ва уларнинг устидан назоратни ташкил этиш .....	64
9-Мавзу: Маҳкумларни ахлоқан тузатиш тушунчаси ва унинг асосий йўналишлари.....	68
10-Мавзу.Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида режим.....	72
11-Мавзу: Маҳкумларнинг назоратини ташкил этишда инженер-техник воситалар .....	85
12-Мавзу: Жазони ижро этиш хизматининг фавқулодда вазиятларда фаолияти.....	92
13-Мавзу: Жазони ижро этиш хизматининг ички ишлар органлари ҳудудий ва соҳавий хизматлари билан ҳамкорлиги .....	97
14-Мавзу: Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш.....	103
15-Мавзу: Маҳкумларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими.....	132
16-Мавзу: Маҳкумларга оид халқаро стандартлар ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш.....	145
17-Мавзу: Жазони ижро этиш муассасаларининг турлари .....	163
18-Мавзу: Манзил-колониялар ва умумий тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ҳамда шартлари .....	170
19-Мавзу: Қаттиқ ва махсус тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ҳамда шартлари.....	180
20-Мавзу: Турмада жазони ўташ тартиби ва тергов ҳибсхоналарининг вазифалари.....	186
21-Мавзу: Жазони ижро этиш тизимида тарбия колониялари фаолиятининг ўзига хослиги .....	201
22-мавзу: Айрим тоифадаги маҳкумлар томонидан жазони ўташ хусусиятлари ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш.....	212
23-Мавзу: Жазони ўташдан озод қилиш .....	222
24-Мавзу: Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни амнистия ёки афв этиш акти асосида жазодан озод қилиш.....	233
25-Мавзу: Жазо ижросини ташкил қилинишининг шаклланиши ва уни ташкил этишда хорижий давлатлар тажрибаси .....	250
Мавзуга оид тест саволлари.....	264
Глоссарий.....	278
Адабиётлар.....	281

**Ватанга ва халққа садоқат билан  
хизмат қилиш – олий бурчимиздир  
Шавкат Мирзиёев**

**Кириш**

Ҳурматли тингловчилар! Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, ички ишлар органлари ходимларини **"Инсон қадри учун"** тамойили асосида давлатнинг **юксак маънавий-ахлоқий** фазилатларга эга, **ўз бурчига содиқ, ватанпарвар** ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали **аҳолининг чинакам розилигига** эришиш, ички ишлар органлари ходимларида хизмат вазифаларига ҳалол, виждонан, **Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин** дилдан ҳис этган ҳолда, юксак **масъулият билан** ёндашиш, жамиятда умумэътироф этилган одоб- ахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш **туйғусини** шакллантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Шу сабабли, Ички ишлар органларининг жазони ижро этиш хизмати сержантлар таркиби ходимларини махсус касбий тайёрлаш ўқув курсларига келган тингловчилар озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазолар ва уларнинг аҳамияти, жазони ижро этиш муассасалари ва Тергов ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидалари, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида режим, жиноий жазони ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти, озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, Маҳкумларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими, жазони ижро этиш тизимида тарбия колониялари фаолиятининг ўзига хослиги, айрим тоифадаги маҳкумлар томонидан жазони ўташ хусусиятлари ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш ва жазони ўташдан озод қилиш турлари ва асослари тўғрисида билим, кўникма ва малакаларини шакллантириши керак.

Ички ишлар органларининг жазони ижро этиш хизмати сержантлар таркиби ходимларини махсус касбий тайёрлаш курсларида ўқитиш инновацион педагогик технологиялар, интерфаол методлар ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали амалга ошириш, уларнинг касбий тайёргарлик бўйича билимлари ҳамда амалий

кўникмаларини юксалтиришга қаратилган.

**Жазони ижро этиш фаолияти модулининг мақсади** – Ички ишлар органларининг жазони ижро этиш хизмати сержантлар таркиби ходимларда (бундан буён матнда тингловчилар деб юритилади) ҳуқуқий ва хизмат мажбуриятларини самарали бажаришлари учун касбий билимларини шакллантириш ва касбий тайёргарлик бўйича амалий кўникма ва маҳоратларини оширишни узлуксиз таъминлашдан иборат.

### **Жазони ижро этиш фаолияти модулининг вазифалари:**

- тингловчиларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ички ишлар вазирлиги томонидан ички ишлар органлари ходимларига қўйилаётган бугунги кун талабларига жавоб берадиган юксак касбий маҳоратини ривожлантириш;

- тингловчиларни юксак даражадаги Ватанпарварлик, довжораклик, мардлик ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш;

- тингловчиларнинг блок-модуль тизими асосида бошланғич касбий тайёрлашни сифатли ва тизимли ташкил этиш;

- тингловчиларнинг юқори даражада касбий тайёргарлигини ошириш ва ҳар томонлама такомиллаштириб бориш;

- хизмат фаолияти давомида рўй берадиган ҳодисаларга тўғри баҳо бериш, мураккаб вазиятларга қисқа фурсатларда мослашиш, кескин ва фавқулодда вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш;

- хизмат вазифаларини бажаришда учрайдиган ҳолатларга етарли даражада аниқ баҳо бера олиш, мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва тўғри қарорлар қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш;

- тингловчиларни хизмат фаолиятини амалга ошириш жараёнида тузиладиган ҳужжатлар ҳамда уларнинг мажбуриятлари ва вазифалари билан таништириш;

- тингловчиларда тезкор ва криминоген вазиятни таҳлил қилиш, прогнозлаш ва баҳолашнинг замонавий усулларини ўргатиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар органларининг мавжуд куч, восита ва усулларида самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш;

- тингловчиларни Ички ишлар органларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, Ички ишлар органлари томонидан айрим мажбурлов чораларининг қўлланилиши, Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби билан таништириш;

- тингловчиларда Ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича кўникмаларини шакллантириш;

- тингловчиларда Жазони ижро этиш департаменти тўғрисидаги Низомнинг мазмун-моҳияти, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазолар ва уларнинг аҳамияти, жазони ижро этиш муассасалари ва Тергов

ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидалари, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида режим, жиноий жазони ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти, озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, Маҳкумларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, жазони ижро этиш тизимида тарбия колониялари фаолиятининг ўзига хослиги, айрим тоифадаги маҳкумлар томонидан жазони ўташ хусусиятлари ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш ва жазони ўташдан озод қилиш турлари ва асослари тўғрисида билим, кўникма ва малакаларини шакллантириши.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

#### **Тингловчи:**

- “Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни ўз хизмат бурчи деб биладиган, хизмат вазифаларини виждонан бажарадиган, касбий тайёргарлиги юқори даражада бўлишини англаши;
- Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодексига белгиланган қоида ва талабларни билиши, уларга қатъий ва сўзсиз амал қилиши;
- миллий мафкура, маданий меросимиз ва тарихий анъаналаримиз, миллий ва маънавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда мафкуравий иммунитет, шунингдек, ахборот хуружи ва оммавий маданият каби омил ва жараёнларнинг мазмун-моҳиятини;
- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, унда шахснинг ҳуқуқий мақоми, инсон ҳуқуқлари, давлат органлари тизими, уларни ташкил этиш, ваколати ва фаолият шакллари, қонунчилик соҳасидаги ислохотлар талабларини;
- хизмат соҳаси фаолиятини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи норматив ҳужжатлар талабларини;
- қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ижросини ўз вақтида, бир хилда ва тўлиқ бажарилишини;
- Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилишни улуғ ва олижаноб мақсад деб биладиган, хизмат қийинчиликларига (экстремал ҳолат, руҳий оғир ва қийин вазиятлар) руҳий бардошли бўладиган касбий кўникма ва маҳоратга;
- ички ишлар органлари ходимларнинг фуқаролар билан муомала маданият қоидаларини;
- ўз иш кўрсаткичларига танқидий қарашни;
- ижрочилик интизомига риоя этиш ва уни ташкил этиш асосларини;

- ахборотларни тўплаш, таҳлил қилишни;
- хизмат фаолияти мобайнида турли этник ижтимоий гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда ўзига хос жиҳатларини ҳурмат қилиш ижтимоий барқарорликка миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш;
- ўз фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашни;
- ички ишлар органларида ходимларнинг хизмат кийимини кийиш маданиятини *билиши* керак.
- Тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар бошланғич касбий тайёрлаш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

### Модул бўйича дарслар тақсимоти:

№	Блок ва ўқув модуллар номи	Ўқув юкласи (соатларда)							
		Умумий юклама ҳажми	Аудитория соати	Маъруза	Семинар	Амалий машғулот	Аудиториядан ташқари соат	Мустақил тайёргарлик	Назорат
<b>7</b>	<b>Жазони ижро этиш фаолияти</b>	<b>190</b>	130	50	46	34	<b>60</b>	54	6
1	Жазо тушунчаси, мақсади ва вазифалари. Жиноят-ижроия ҳуқуқи нормаларининг тушунчаси	<b>6</b>	4	2	2		<b>2</b>	2	
2	Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тушунчаси, унинг ижросини ташкил этиш	<b>6</b>	4	2	2		<b>2</b>	2	
3	Жиноий жазони ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати	<b>6</b>	4	2	2		<b>2</b>	2	
4	Маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти	<b>6</b>	4	2	2		<b>2</b>	2	
5	Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш	<b>6</b>	4	2	2		<b>2</b>	2	
6	Маҳкумларга тиббий хизмат кўрсатиш	<b>6</b>	4	2	2		<b>2</b>	2	
7	Маҳкумларни айрим касалликларда даволашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши	<b>6</b>	4	2	2		<b>2</b>	2	
8	Маҳкумлар шахсий хавфсизлиги ҳуқуқини таъминлаш ва уларнинг устидан назоратни ташкил этиш	<b>6</b>	4	2	2		<b>2</b>	2	
9	Маҳкумларни ахлоқан тузатиш тушунчаси ва унинг асосий йўналишлари	<b>6</b>	4	2	2		<b>2</b>	2	
10	Озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони ижро этиш муассасаларида режим	<b>10</b>	8	2	2	4	<b>2</b>	2	
11	Маҳкумларнинг назоратини ташкил этишда инженер-техник воситалар	<b>6</b>	4	2	2		<b>2</b>	2	
12	Жазони ижро этиш хизматининг фавқулодда вазиятларда фаолияти	<b>6</b>	4	2	2		<b>2</b>	2	
13	Жазони ижро этиш хизматининг ички	<b>6</b>	4	2	2		<b>2</b>	2	

	ишлар органлари ҳудудий ва соҳавий хизматлари билан ҳамкорлиги								
<b>Оралик назорат</b>		<b>2</b>					<b>2</b>		<b>2</b>
14	Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2		<b>2</b>	2	
15	Маҳкумларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2		<b>2</b>	2	
16	Маҳкумларга оид халқаро стандартлар ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2		<b>2</b>	2	
17	Жазони ижро этиш муассасаларининг турлари	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2		<b>2</b>	2	
18	Манзил-колониялар ва умумий тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ҳамда шартлари	<b>10</b>	<b>8</b>	2		6	<b>2</b>	2	
19	Қаттиқ ва махсус тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ҳамда шартлари	<b>10</b>	<b>8</b>	2		6	<b>2</b>	2	
20	Турмада жазони ўташ тартиби ва тергов ҳибсхоналарининг вазифалари	<b>14</b>	<b>10</b>	2	2	6	<b>4</b>	4	
21	Жазони ижро этиш тизимида тарбия колониялари фаолиятининг ўзига хослиги	<b>14</b>	<b>10</b>	2	2	6	<b>4</b>	4	
22	Айрим тоифадаги маҳкумлар томонидан жазони ўташ хусусиятлари ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш	<b>12</b>	<b>10</b>	2	2	6	<b>2</b>	2	
23	Жазони ўташдан озод қилиш	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2		<b>2</b>	2	
24	Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни амнистия ёки афв этиш акти асосида жазодан озод қилиш	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2		<b>2</b>	2	
25	Жазо ижросини ташкил қилинишининг шаклланиши ва уни ташкил этишда хорижий давлатлар тажрибаси	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2		<b>2</b>	2	



## **1-Маъруза: Жазо тушунчаси, мақсади ва вазифалари. Жиноят-ижроия ҳуқуқи нормаларининг тушунчаси.**

Маъруза машғулоти (2 соат).

### **Режа:**

1-савол. Жазо тушунчаси, мақсади ва вазифалари. Жиноят-ижроия ҳуқуқи нормаларининг амал қилиши.

2-савол. Жиноий жазо классификацияси. Жазо ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассаса ва органлар, уларнинг турлари, вазифалари.

### **1-савол. Жазо тушунчаси, мақсади ва вазифалари. Жиноят-ижроия ҳуқуқи нормаларининг амал қилиши.**

Жазолаш деганда инсонга нисбатан унинг бўйсунмаганлиги ёки ахлоққа зид хулқига жавобан бирон бир нохуш, маъқулланмайдиган чорани қўллаш тушунилади. Индивиднинг ижтимоий мақбул ахлоқ модели ва ижтимоий ҳаракатини шакллантириш учун жазолашдан фойдаланилади. Жазолашдан кўзда тутилган мақсад – инсонни тегишли хулқ-атворга ундаш. Бу инсон хулқи назоратининг энг умумий кенг тарқалган услубидир.

Болаларни унинг ота-онаси ёки уларни ўрнини босувчилар, тарбиячилар, ўқитувчилар жазоласалар, катталарни, масалан, ишчи-хизматчиларни уларнинг иш берувчилари ёки унинг ваколатли шахслари жазолашлари мумкин. Ҳарбийларни ноҳўя қилмишлари учун уларнинг командирлари, кул ва крепостнойларни уларнинг хўжайинлари жазолаш эди. Жиноятчилик учун эса, суднинг ҳукми билан қўлланиладиган жиноий жазолаш кўзда тутилган.

Ҳуқуқ соҳасида жиноий жазо (*содир этилган жиноят учун суд томонидан қўлланиладиган*), маъмурий жазо (*маъмурий ҳуқуқбузарлик учун суд ҳамда ижро ҳокимияти томонидан қўлланиладиган*) ҳамда интизомий жазолаш (*интизомбузарлик учун иш ёки хизматда раҳбарлар томонидан қўлланилади*) фарқланади.

Юридик луғатда “жазолаш” – қонун билан ўрнатилган ҳуқуқий чеклашлар комплекси тушунчаси сифатида намоён бўлади. Шу йўсинда жазолаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларидан маҳрум қилиш, улар ҳажмини камайтириш ёхуд амалга оширилишини бошқача алоҳида тартибга киритиш, бошқа фуқароларга одатда қўлланмайдиган мажбуриятлар ўрнатишда ифодаланади.

Азалдан жазолаш учун жиноятчини қилмишнинг оғирлигини ҳисобга олган ҳолда мажбурлаш, ишчи уйларига жойлаштириш, бирон имтиёздан маҳрум қилиш, жисмоний жазолаш, озодликдан маҳрум қилиш, сургун қилиш, қатл этиш каби усуллар қўлланилган.

Жисмоний жазолаш энг қадимги жазолаш чораларидан бири бўлиб, у жазоланувчига жисмоний оғриқ етказиш ёки тана аъзосини майиб қилиш орқали амалга оширилган, уни икки хил турга ажратиш мумкин:

❖ оғриқли, азобловчи жисмоний қийнаш – танага турли қурол-воситалар орқали шикаст етказиш (хивчин билан савалаш, қамчилаш, уриш, калтаклаш ва б.);

❖ жароҳатловчи майиблаш – одамни бирон аъзосидан маҳрум қилиш ёки шикаст етказиш (кўр қилиш, тилни суғуриб олиш, қўлни, қулоқларни, бурунни кесиб ташлаш, ахталаш ва ҳ.з.).

❖ Жисмоний жазолашнинг қўлланилиши Хамураппи қонунлари орқали ҳам тарихга маълум, кейинчалик улар буюк Рим империясида ҳам кенг қўлланилган, феодал тузум даврида айниқса оммалашган. Фақат ХУШ асрларга келиб европа Маърифатчилиги уйғониши даврида улардан воз кечишга тўғри келган.

Қатл этиш – инсонни ҳаётдан маҳрум қиладиган ўлим жазоси. Мазкур жазо тури ҳам энг қадимийлардан ҳисобланади. Азалдан талион, яъни “қонга қон, жонга жон” тамойилларини амалга ошириш мобайнида вужудга келган. Ушбу тамойилга асосан, бир инсонни ўлдирганлик учун ўлимни қўллаш адолатли жазо ҳисобланган. Бундан ташқари, кўп мамлакатларда мавжуд бўлган қонли қасос олиш, хун олиш одатини ўлим жазосига алмаштирилишининг давлат томонидан тайинланиши ўзгача аҳамиятга эга бўлган.

Сургун (бадарға) қилиш ҳам – жиноий жазонинг бир тури бўлиб, маҳкум этилганнинг доимий ёки вақтинча яшаш жойидан мамлакат ёки давлат доирасида ҳукмда кўрсатилган муддатга бирор узоқ манзилга жўнатишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси 42-моддасида жазо тушунчасига таъриф берилган. Унга кўра, **жазо** – жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат томонидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш **мақсади**да қўлланилади.

Жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси 43-моддасида нисбатан қуйидаги асосий жазолар қўлланилиш мумкин, булар:

- а) жарима;
- б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- б<sup>1</sup>) мажбурий жамоат ишлари;
- в) ахлоқ тузатиш ишлари;

- г) хизмат бўйича чеклаш;
- д<sup>1</sup>) озодликни чеклаш;
- е) интизомий қисмга жўнатиш;
- ж) озодликдан маҳрум қилиш;
- з) умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсу унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланиши мумкин.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланади ҳамда Жиноят-ижроия Кодексидан, шунингдек унга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонун ҳужжатларидан ташкил топади. Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари: жиноий жазони, бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш принциплари, тартиби ва шартларини; маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомини; маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситалари ҳамда уларни қўллаш тартибини; маҳкумларни жазони ўташдан озод қилиш тартибини; жазони ижро этувчи муассаса ва органлар фаолияти тартибини; маҳкумларни ахлоқан тузатишда давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхона, муассаса, ташкилотларнинг, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг иштирокини белгилайди.

**2-савол. Жиноий жазо классификацияси. Жазо ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассаса ва органлар, уларнинг турлари, вазифалари.**

### Жарима тариқасидаги жазони тартиби (ЖИК 19-модда.)



Жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жаримани ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида ихтиёрий равишда тўлаши шарт.

Маҳкум белгиланган муддатда жаримани ихтиёрий равишда тўламаган тақдирда, жарима давлат ижроси томонидан мажбурий тартибда ундириб олинади. Жаримани мажбурий ундириш ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган маҳкумга нисбатан қўлланилмайди.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган жиноят содир этган ва жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб олти ойлик муддат ичида жаримани ихтиёрий равишда тўлаши шарт.

Агар белгиланган муддатда жаримани тўлиқ миқдорда тўлашга маҳкумнинг имкони бўлмаса, суд унинг илтимосномасига кўра ҳукмнинг ижросини Жиноят-процессуал кодексининг 533-моддасида белгиланган тартибда кечиктириши ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этиши мумкин.

### **Жаримани тўлашдан бўйин товлаш оқибатлари (ЖИК 20-модда.)**

Маҳкумнинг жаримани тўлашдан бўйин товлаши бу жазони Жиноят кодексининг 44 ва 82-моддаларида назарда тутилган тартибда ва доирада бошқа жазо билан алмаштиришга сабаб бўлади.

### **Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби (ЖИК 21-модда.)**

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижроси маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога қўшимча равишда тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ижроси асосий жазони ижро этувчи орган томонидан амалга оширилади.

### **Жазоларни ижро этиш инспекциясининг мажбуриятлари(ЖИК 22-модда.)**

Ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси:

- ✚ муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган маҳкумларни рўйхатга олади;

- ✚ маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятига ва (ёки) муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органга ҳукм талабларини ижро этиш тўғрисида хабарнома юборади;

- ✚ маҳкумнинг ҳукмда кўрсатилган тақиқларга риоя этишини текширади;

- ✚ маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти, шунингдек муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органлар томонидан ҳукм талаблари қандай бажарилаётганлигини текширади.

Маҳкум ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган ёхуд кирган тақдирда инспекция ҳукмнинг нусхасини мудофаа ишлари бўлимига ёки маҳкум хизматни ўтаётган жойга юборади.

### **Корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг ҳукми ижро этиш борасидаги мажбуриятлари(ЖИК 23-модда.)**

Маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан бошлаб уч кун ичида қуйидагиларни амалга оширишга мажбур:

- ❖ маҳкум эгаллаш ва шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган лавозимдан ёки меҳнат фаолияти туридан уни озод қилиш;

❖ жазоларни ижро этиш инспекциясига ҳукм талаблари ижро этилганлиги тўғрисида, тегишли ҳужжатларни илова этган ҳолда, хабар йўллаш;

❖ маҳкум бошқа ишга ўтказилган ёки у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда, бу ҳақда жазоларни ижро этиш инспекциясига хабар қилиш.

**Муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органнинг мажбуриятлари(ЖИК 24-модда)**

Муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли орган жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан бошлаб уч кун ичида маҳкум шуғулланиши тақиқланган фаолият тури учун берилган рухсатномани бекор қилиб, тегишли ҳужжатни олиб қўйишга ва бу ҳақда инспекцияга хабар йўллашга мажбур.

**Маҳкумнинг мажбуриятлари(ЖИК 25-модда).**

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс ҳукм талабларини бажаришга, жазоларни ижро этиш инспекциясига мазкур жазони ўташ билан боғлиқ ҳужжатларни тақдим этишга, яшаш ва иш жойидаги ўзгаришлар ёки меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида инспекцияни хабардор қилишга, чақирувга биноан инспекцияда ҳозир бўлишга мажбур. Маҳкум ҳозир бўлмаган тақдирда у белгиланган тартибда мажбуран келтирилиши мумкин.

**Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ижро этиш ва ўташ.**

**Жазони ижро этиш тартиби ва шартлари(ЖИК 25<sup>1</sup>-модда)**

Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ижро этиш маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади. Маҳкум мажбурий жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг турлари жазоларни ижро этиш инспекциялари томонидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг таклифига кўра белгиланади.

Мажбурий жамоат ишларига ҳукм қилинган шахс жазони ўташга суднинг ҳукм қонуний кучга кирганлиги ҳақидаги хабарномаси жазоларни ижро этиш инспекциясига келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай жалб қилинади.

Маҳкумга асосий иш жойидан навбатдаги ҳар йилги меҳнат таътилининг берилиши мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг ижросини тўхтатиб турмайди.

Маҳкум мажбурий жамоат ишларини ўташи даврида Жиноят кодекси 75-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар юзага келган тақдирда, жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан судга маҳкумни жазони ўташдан озод қилиш тўғрисида тақдимнома юборилади.

Мажбурий жамоат ишлари бепул асосда бажарилади.

Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг ижросини ташкил этиш тартиби ва мажбурий жамоат ишлари турларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **Жазоларни ижро этиш инспекциясининг мажбуриятлари(ЖИК 25<sup>2</sup>-модда) .**

- ➔ Жазоларни ижро этиш инспекцияси:
- ➔ маҳкумларнинг ҳисобини юритиши;
- ➔ маҳкумларга жазони ўташ тартиби ва шартларини тушунтириши;
- ➔ маҳкум томонидан жазони ўташ шартларига риоя этилишини назорат қилиши;
- ➔ мажбурий жамоат ишларига ҳукм қилинган шахслар жазони ўтайдиган жойда (объектда) ташкилотлар (органлар) томонидан ҳукм талабларининг бажарилишини назорат қилиши;
- ➔ маҳкумлар ишлаган вақт ҳисобини юритиши ва ташкилотларнинг (органларнинг) мажбурий жамоат ишлари ўталадиган жойлар (объектлар) бўйича маҳкумлар ишлаган вақт ҳисобга олиниши тўғрисидаги маълумотларни солиштириб чиқишни вақти-вақти билан амалга ошириши шарт.

### **Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мажбуриятлари(ЖИК 25<sup>3</sup>-модда)**

**Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари:**

- ➔ жазоларни ижро этиш инспекциясига маҳкумлар мажбурий жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойларнинг (объектларнинг) рўйхатини ва мажбурий жамоат ишларининг турларини келишув учун тақдим этади;
- ➔ маҳкумлар томонидан мажбурий жамоат ишларини ўташ учун зарур шароитлар ташкил этилишини таъминлайди;
- ➔ мажбурий жамоат ишларига ҳукм қилинган шахсларнинг меҳнатини қўллаш самарадорлигини ўрганади.

### **Ташкилот (орган) маъмуриятининг ҳукмни ижро этиш борасидаги мажбуриятлари(ЖИК 25<sup>4</sup>-модда)**

Маҳкумлар томонидан мажбурий жамоат ишлари ўталадиган жойдаги (объектдаги) ташкилотнинг (органнинг) маъмурияти:

- ❖ мажбурий жамоат ишларига ҳукм қилинган шахслар томонидан бажариладиган ишларни ташкил этиши;
- ❖ ишларни бажариш учун тегишли шароитларни таъминлаши;
- ❖ маҳкумларни жазони ўташ соатларига мос бўлган иш ҳажми билан таъминлаши;
- ❖ маҳкумлар томонидан ўзлари учун белгиланган ишларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириши;
- ❖ жазоларни ижро этиш инспекциясига маҳкумлар томонидан ишлаб берилган соатлар миқдори, улар бажарган ишларнинг сифати ва маҳкумларнинг хулқ-атвори ҳақида маълумотлар тақдим этиши;
- ❖ маҳкумлар мажбурий жамоат ишларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган тақдирда, уларга қонунчиликда белгиланган тартибда зарарнинг ўрнини қоплаш чораларини кўриши шарт.

### **Мажбурий жамоат ишларига ҳукм қилинган шахснинг мажбуриятлари(ЖИК 25<sup>5</sup>-модда)**

Мажбурий жамоат ишларига ҳукм қилинган шахс:

- ➔ суднинг ҳукми, ажрими ёки қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан ўн кун ичида яшаш жойидаги жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга туриши;
- ➔ мажбурий жамоат ишларини бажариш ва ўташ шартларига риоя этиши;
- ➔ ўзи учун белгиланган жойда (объектда) ишлаши ҳамда мажбурий жамоат ишларининг белгиланган муддатлари ва ҳажмларини ишлаб бериши;
- ➔ мажбурий жамоат ишларини ўташ жойидаги (объектидаги) ташкилотнинг (органнинг) ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя этиши, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиши;
- ➔ яшаш жойи ўзгарганлиги ҳақида жазоларни ижро этиш инспекциясини хабардор қилиши, шунингдек унинг чақирувига биноан етиб келиши шарт.

### **Жазо муддатини ҳисоблаш (ЖИК 25<sup>6</sup>-модда)**

Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо муддати маҳкум мажбурий жамоат ишларини ўташи мобайнидаги соатлар билан ҳисобланади.

Мажбурий жамоат ишлари вақти дам олиш кунлари ва маҳкум ўқишда ёки асосий ишда банд бўлмаган кунлари тўрт соатдан, иш кунлари, ўқув дарслари (машғулотлар) ўтказиладиган кунлари эса, иш ёки ўқишдан олдин ёки кейин икки соатдан, маҳкумнинг илтимосига кўра эса, тўрт соатдан ошмаслиги лозим. Маҳкум ўтайдиган мажбурий жамоат ишларининг вақти, қоида тариқасида, ҳафтасига ўн икки соатдан кам бўлмаслиги лозим.

Вояга етмаган маҳкум томонидан ўталадиган мажбурий жамоат ишлари вақти дам олиш кунлари ва маҳкум ўқишда ёхуд асосий ишда банд бўлмаган кунлари уч соатдан, иш кунлари, ўқув дарслари (машғулотлар) ўтказиладиган кунлари эса, икки соатдан, бироқ ҳафтасига уч кундан ошмаслиги лозим.

Маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда, жазоларни ижро этиш инспекцияси маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишилган ҳолда маҳкумга ҳафта ёки ой мобайнида мажбурий жамоат ишлари соатларининг камроқ миқдорини ишлаб бериш учун рухсат этишга ҳақли.

### **Жазони ўташ тартиби ва шартларини бузиш оқибатлари(ЖИК 25<sup>7</sup>-модда)**

Мажбурий жамоат ишларига ҳукм қилинган шахс жазони ўташ тартиби ва шартларини бузганлиги учун жазоларни ижро этиш инспекцияси уни қоидабузарлик оқибатлари ҳақида қонунчиликка мувофиқ ёзма шаклда огоҳлантиради.

Мажбурий жамоат ишларини ўташдан бўйин товлаган маҳкумга нисбатан жазоларни ижро этиш инспекцияси Жиноят кодексининг 45<sup>1</sup>ёки 82<sup>1</sup>-моддаларига мувофиқ мажбурий жамоат ишларини жазонинг бошқа тури билан алмаштириш тўғрисида судга тақдимнома юборади.

### **Мажбурий жамоат ишларини ўташдан бўйин товлаш(ЖИК 25<sup>8</sup>-модда).**

Қуйидагилар мажбурий жамоат ишларини ўташдан бўйин товловчилар деб эътироф этилади:

❖ ўн кун ичида ҳисобга турмаган, шунингдек жазони ўташдан бўйин товлаш мақсадида яширинган маҳкум;

❖ ёзма огоҳлантириш олганидан сўнг, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар мавжуд бўлмаса-да, мажбурий жамоат ишларида бир ой давомида икки мартадан кўп иштирок этмаган маҳкум;

❖ ёзма огоҳлантириш олганидан сўнг мажбурий жамоат ишларини ўташ жойидаги (объектидаги) ташкилотнинг ички меҳнат тартиби қоидаларини бир ой давомида уч мартадан кўп бузган маҳкум.

Жазони ўташдан бўйин товлаётган маҳкумнинг турган жойи номаълум бўлган тақдирда, унга нисбатан қидирув эълон қилинади.



## **Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони ижро этиш.**

### **Жазони ижро этиш тартиби(ЖИК 26-модда)**

Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо ижроси маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Маҳкум доимий яшаш жойига эга бўлмаган тақдирда ҳукмнинг ижроси ҳукм чиқарилган жойдаги жазоларни ижро этиш инспекцияси зиммасига юкланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда ўталади.

Жазони ўз иш жойида ўташ шарти билан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар судлангунга қадар ўзлари ишлаган корхона, муассаса ёки ташкилотда меҳнат фаолиятини давом эттираверадилар.

Жазони бошқа жойларда ўташ шарти билан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар жазоларни ижро этиш инспекцияси белгилаб берадиган корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилади. Вояга етмаган маҳкумлар яшаш жойидаги корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилади.

### **Жазоларни ижро этиш инспекциясининг мажбуриятлари (ЖИК 27-модда)**

Ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси:

- ➔ ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларни рўйхатга олади;
- ➔ маҳкумга жазони ўташнинг тартиби ва шартларини тушунтиради;
- ➔ бошқа жойларда ўталадиган ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларни ишга жўнатади;
- ➔ маҳкумлар томонидан жазони ўташ шартларига риоя этилишини текширади;
- ➔ маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти томонидан ҳукм талаблари ижро этилишини текширади;
- ➔ маҳкумни қидириб топиш юзасидан дастлабки тадбирларни ўтказди, зарур материалларни тайёрлайди ва тегишли хизматга оширади;
- ➔ ахлоқ тузатиш ишларини бошқа жойларда ўтаётган шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш учун рухсатнома бериш масаласини кўриб чиқади.

### **Корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг ҳукмни ижро этиш борасидаги мажбуриятлари (ЖИК 28-модда.)**

Маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти куйидагиларга мажбур:

- маҳкумнинг иш ҳақидан тўғри ва ўз вақтида чегириб қолинишини ҳамда чегириб қолинган сумма давлат фойдасига ўтказилишини таъминлаш;

■ маҳкумга нисбатан қўлланилган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари ҳақида, унинг жазони ўташдан бўйин товлаётгани, бошқа ишга ўтказилганлиги ёки у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида жазоларни ижро этиш инспекциясини хабардор этиш.

### **Маҳкумнинг мажбуриятлари (ЖИК 29-модда)**

Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс ҳукм талабларини бажаришга, жазоларни ижро этиш инспекциясига мазкур жазони ўташ билан боғлиқ ҳужжатларни тақдим этишга, яшаш ва иш жойидаги ўзгаришлар ёки меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида инспекцияни хабардор қилишга, чақирувга биноан инспекцияда ҳозир бўлишга мажбур. Маҳкум ҳозир бўлмаган тақдирда у белгиланган тартибда мажбуран келтирилиши мумкин.

Жазоларни ижро этиш инспекцияси белгилайдиган жойларда жазони ўташ муддати мобайнида инспекциянинг ёзма рухсатсиз меҳнат шартномасини маҳкумнинг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланади. Инспекция рухсатнома беришни рад этган тақдирда юқори мансабдор шахсга ёки судга шикоят қилиш мумкин.

### **Жазо муддатини ҳисоблаш (ЖИК 30-модда)**

Ахлоқ тузатиш ишлари муддати маҳкум ишлаган ва унинг иш ҳақидан ушлаб қолинган давр мобайнидаги йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисобланади. Маҳкум ишлаб берган кунлар миқдори суд томонидан белгиланган жазо муддатининг ҳар ойига тўғри келадиган иш кунлари миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Агар маҳкум ана шу миқдордаги иш кунларини ишлаб бермаган бўлса ва ишланмаган кунларни жазо муддатига қўшиб ҳисоблаш учун ушбу Кодексда белгилаб қўйилган асослар бўлмаса, ахлоқ тузатиш ишларини ўташ маҳкум белгиланган иш кунлари миқдорини тўлиқ ишлаб бергунига қадар давом этади.

Иш вақти жамлаб ҳисобга олинадиган корхона, муассаса ва ташкилотларда ишлаётган маҳкумларнинг жазони ўташ муддати иш соатларининг нормал миқдорига амал қилинган ҳолда, ҳисобга олинадиган даврдаги иш вақти муддатидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Жазони ўташ муддати корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан, бошқа жойларда ўталадиган ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар учун эса — улар жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошланади.

Маҳкум ишламаган, аммо қонунга мувофиқ унинг иш ҳақи сақланиб турган вақт, шунингдек маҳкум ишсиз деб топилган вақт ахлоқ тузатиш ишларини ўташ муддатига қўшиб ҳисобланади.

### **Жазони ўташ муддатига қуйидагилар қўшиб ҳисобланмайди:**

■ қонунчиликка мувофиқ вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланмайдиган касаллик вақти;

■ қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони ўташ вақти, бошқа жиноят содир этганлиги муносабати билан қамоқда сақланган вақт.

### **Маҳкумнинг иш ҳақидан чегириб қолиш тартиби (ЖИК 31-модда)**

Ҳукмда назарда тутилган чегирма маҳкумнинг асосий иш жойидаги иш ҳақининг барча туридан, ҳар бир ишланган ой учун маош тўлаш чоғида, қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **Ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товлаш оқибатлари (ЖИК 32-модда)**

Маҳкум ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товлаган тақдирда жазоларни ижро этиш инспекцияси ўталмаган муддатни озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш ҳақида Жиноят кодексининг 46 ва 83-моддаларида назарда тутилган тартибда судга тақдимнома киритади.

### **Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш.**

#### **Жазони ижро этиш тартиби (ЖИК 44<sup>1</sup>-модда)**

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан ёки суд белгилайдиган, маҳкумларнинг суд белгилаган тақиқларга (чеклашларга) риоя этиши устидан назоратни амалга оширадиган бошқа орган томонидан амалга оширилади.

#### **Озодликни чеклаш муддатини ҳисоблаш (ЖИК 44<sup>2</sup>-модда)**

Озодликни чеклаш муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Маҳкум узрли сабабларсиз ўзбошимчалик билан яшаш жойида бўлмаган вақти озодликни чеклаш муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

#### **Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби (ЖИК 44<sup>3</sup>-модда)**

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс суд томонидан белгиланган тақиқларга (чеклашларга) риоя этиши, шунингдек ўзининг жазони ўташи билан боғлиқ масалалар бўйича оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар бериш учун чакирув бўйича жазоларни ижро этиш инспекциясига келиши шарт.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсга нисбатан

электрон кузатув воситалари қўлланилиши мумкин.

Муайян вақтда яшаш жойидан кетишга, тегишли маъмурий ҳудуд доирасида жойлашган маълум жойларга боришга ёхуд тегишли маъмурий ҳудуд доирасидан чиқиш учун рухсатнома, шунингдек яшаш жойини ўзгартириш учун рухсатнома жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан берилади. Қарор тақиқларнинг (чеклашларнинг) хусусиятидан, маҳкумнинг шахсидан, унинг хулқ-атворидан, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлигидан келиб чиқиб, алоҳида ҳолларда қабул қилинади.

Уй-жойидан чиқиб кетишига бутунлай тақиқ белгиланган маҳкумнинг доимий яшаш жойидан кетиши учун рухсатномага, маҳкумнинг тегишли маъмурий ҳудуд доирасидан чиқиши учун рухсатномага, шунингдек маҳкумнинг яшаш жойини ўзгартириши учун рухсатномага прокурор томонидан санкция берилади.

Агар озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етгани, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказган моддий ва маънавий зарарининг ўрнини қоплаган бўлса, жазоларни ижро этиш инспекцияси илгари маҳкумга белгиланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритади.

#### **Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби ва шартларини бузганлик учун жавобгарлик (ЖИК 44<sup>4</sup>-модда)**

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби ва шартлари маҳкум томонидан бузилганлиги учун жазоларни ижро этиш инспекцияси унга нисбатан огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чорасини қўллайди.

Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, жазоларни ижро этиш инспекцияси судга маҳкум учун озодликни чеклашнинг ўталмаган муддатини жазонинг бошқа турига алмаштириш ҳақида тақдимнома киритади.

Қуйидагилар озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товловчилар деб эътироф этилади:

а) ўзига нисбатан суд томонидан белгиланган тақиқларни (чеклашларни) бузишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида огоҳлантириш тарзида интизомий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида жазони ўташ тартиби ва шартларини бузишга йўл қўйган маҳкум;

б) ўзига нисбатан техник назорат воситаларидан фойдаланиш коидаларини бузган маҳкум;

в) яшаш жойидан яширинган, қаерда эканлиги уч суткадан ортиқ вақт ичида аниқланмаган маҳкум;

г) яшаш жойидаги жазоларни ижро этиш инспекциясига белгиланган муддатдан уч суткадан ортиқ вақт мобайнида келмаган маҳкум.

### Мустақил тайёргарликучун топширик:

Жазо тушунчаси, мақсади ва вазифалари. Жиноят-ижроия ҳуқуқи нормаларининг тушунчаси мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### Назорат учун саволлар туркуми:

1. Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия тизими.
2. Жазони ижро этиш муассасаларининг таснифи ва улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Жарима, ахлоқни тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ-тузатиш ишлари, қамоқ тариқасидаги жазолар ижросини ташкил қилиш.


### 1-Мавзу: Жазо тушунчаси, мақсади ва вазифалари. Жиноят-ижроия ҳуқуқи нормаларининг тушунчаси

Семинар машғулоти (2 соат).

### “САВОЛ-ЖАВОБ” МЕТОДИ

Ушбу метод мавзунинг тингловчилар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлиқ.

Таълим жараёнида методни қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:



## Гуруҳларга топшириқлар:

**1-гуруҳга топшириқ.** Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия тизими.

**2-гуруҳга топшириқ.** Жазони ижро этиш муассасаларининг таснифи ва улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.

**3-гуруҳга топшириқ.** Жарима, ахлоқни тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ-тузатиш ишлари, қамоқ тариқасидаги жазолар ижросини ташкил қилиш.

**ИЗОХ:** Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир гуруҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.

**2-мавзу. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тушунчаси, унинг ижросини ташкил этиш.**

Маъруза машғулот (2 соат).

### **Режа:**

1-савол. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тушунчаси. Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия тизимида озодликдан маҳрум қилиш жазоси ижросини ташкил этиш.

2-савол. Озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро этувчи муассасалар тавсифи.

**1-савол. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тушунчаси. Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия тизимида озодликдан маҳрум қилиш жазоси ижросини ташкил этиш.**

Жазони ижро этиш тартиби ва шартларини тартибга соладиган ҳуқуқ соҳаси жиноят-ижроия ҳуқуқи деб аталади ва республикада мустақил ҳуқуқ тармоғи сифатида ўрганилади. Ҳар қандай ҳуқуқ соҳаси каби жиноят-ижроия ҳуқуқи ижтимоий муносабатларнинг маълум бир гуруҳини тартибга соладиган нормалар тизимидан иборатдир.

Ҳозирги кунга келиб республикамиз Президенти Республикамиз жинойи жазони ижро этиш тизими кеча ёки бугун шаклланган тизим эмас. Бу соҳада мамлакатимизда етарли тажриба ва кўникмалар мавжуд. Шу билан бирга хато ва камчиликлар йўқ эмас. Шунинг учун ҳам жазони ижро этиш тизими соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг қисқа даври ичида нихоясига етади дейиш, назаримизда нотўғридир. Бу жараён республикамизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар билан бевосита боғлиқ жараён бўлиб, жиноятчиликка қарши курашнинг умумий аҳволи, қабул қилинаётган қонунларимизнинг сифат даражаси-ю, уларнинг амалдаги

ижроси ҳам узвий равишда алоқадордир.

Ихтисослашган даволаш муассасаларидан бошқа ЖИЭМларида эркаклар ва аёллар, вояга етмаганлар ва катта ёшлилар, озодликдан маҳрум этишга биринчи марта ҳукм қилинган шахслар ва илгари бу жазо турини ўтаган маҳкумлар алоҳида-алоҳида, шунингдек, ўта хавфли рецидивистлар ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилган маҳкумлар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахс мақомига эга маҳкумлар, суд ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи органларнинг собиқ ходимларига мансуб маҳкумлар, турли юқумли касалликларга чалинган маҳкумлар ажратилган ҳолда сақланадилар ва бир жойдан иккинчи бир жойга кўчириладилар.

Маҳкумларни кўчириш тартиби Жиноят-ижроия кодексининг 60-моддасида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва тергов қилинаётган шахслардан, ҳомиласи йигирма тўрт ҳафталикдан ошган ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар (ҳомиладор аёл ва бошқа бемор маҳкумлар зарурат бўлганда тиббий ходимлар кузатувида) бошқа маҳкумлардан алоҳида кўчирилади.

Кўчириш чоғида маҳкумлар зарур моддий-маиший ва санитария-гигиена шароитлари билан таъминланади, уларга мавсумий кийим ва пойабзал, белгиланган норма бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари берилади ҳамда кўчириш давлат ҳисобидан амалга оширилади (ЖИК 60-м.).

Маҳкумларни муассасаларга қабул қилиш муассаса бошлиғи раҳбарлигидаги комиссия томонидан амалга оширилади. Комиссия таркибига муассаса бошлиғининг ўринбосарлари, махсус, тезкор, тартибот, интендантлик ва хўжалик хизматларининг, тиббиёт бўлими ходимлари, Қоровул кўшинларининг ҳарбий бўлинмаси вакиллари киради. Манзил-колонияга келган ҳамда хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун тергов хибсхоналари ва турмаларда қолдирилган шахслардан ташқари муассасага етиб келган барча маҳкумлар уларнинг шахсини ўрганиш ва шароитга мослашиб олишлари учун ўн беш суткагача муддатга, одатда, қабул бўлимига жойлаштирилади ва маҳкумларга жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида керакли ахборот берилади, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади (ЖИК 56-м.).

Маҳкумларни жазони ижро этиш колониясига қабул қилиш пайтида тўлиқ тинтув қилинади ва уларга тегишли буюмлар кўздан кечирилади. Маҳкумлар сақлаши ман этилган нарса ва буюмлар муассаса бошлиғининг қарорига асосан олиб қўйилади ҳамда маҳкум озод бўлгунга қадар сақлаш учун омборга топширилади ёки йўқ қилинади ёхуд давлат фойдасига ўтказилади ва бу ҳақда тегишли ҳужжат (далолатнома, квитанция, қарор) тайёрланади.

Муассаса омборига сақлаш учун топширилган буюмларга квитанция тўлдирилиб, бир нусхаси маҳкумнинг қўлига берилади, иккинчиси эса маҳкум озод бўлгунга қадар ёки бошқа муассасага ўтказилгунча муассаса омборида сақланади.

Маҳкумлар сақлаши ман этилган нарса ва буюмларни давлат фойдасига ўтказиш муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори асосида амалга оширилади.

Жазони ижро этиш колониясига қабул қилинган ҳар бир маҳкум

тўғрисидаги маълумотлар маҳкумларнинг ҳаракати ҳисобини юритиш ва маҳкумларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини қайд этиш дафтарига киритиб борилади. Муассасага келган ҳар бир маҳкумга арматура карточкалари билан шахсий ҳисобварақалар очилади, уларга белгиланган нормалар бўйича ва мавсумга қараб зарур буюмлар, кўрпа-тўшак ва чойшаб берилади.

ЖИЭЖдаги махсус бўлим судларнинг ҳукм(ажрим)ларига биноан моддий зарарни қоплаш ва алимент тўлаши лозим бўлган маҳкумлар рўйхатини тузиб бухгалтерияга, алкоголизм ва гиёҳвандликдан мажбурий даволаниши лозим бўлган шахсларнинг рўйхатини эса тиббиёт бўлимига топширади. Маҳкумлар қабул бўлинмасида сақланган вақт мобайнида тиббий кўриқдан ўтказилади ҳамда уларнинг шахсиятини ўрганиш мақсадида тезкор-тартибот, тарбиявий ва ишлаб чиқариш хизматлари ходимларининг суҳбатидан ўтади ва шундан кейингина комиссия томонидан туркумларга тақсимланиб, ишчи бригадаларга киритилади. Манзил-колонияларда жазони ўтаётган маҳкумларга белгиланган намунадаги гувоҳномалар берилади.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг принциплари орасида (ЖИК 6-м.) жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципи муҳим ўрин тутди. Бу принципга асосан озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг ахлоқан тузалишини тўғри белгилаш ва жазо самарадорлигини ошириш учун маҳкумларни тўғри таснифлаш зарурати келиб чиқади.

## **2-савол. Озодликдан маҳрум этиш жазони ижро этувчи муассасалар таснифи.**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 50-моддасига мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш маҳкумни жамиятдан ажратиб жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборатдир. Озодликдан маҳрум қилиш олти ойдан йигирма йилгача муддатга берилади. Амалдаги Жиноят кодексига озодликдан маҳрум қилишнинг яна икки тури алоҳида жиноий жазо тури сифатида ажратилган булар: узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш (йигирма йилдан йигирма беш йилгача муддатга берилади) ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоларидир.

Озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазо ижроси жазони ижро этиш муассасалари томонидан амалга оширилади. Қонунда жазони ижро этиш муассасаларининг (ЖИЭМ) қуйидаги турлари кўрсатилган (ЖИК 45-м.): жазони ижро этиш колониялари (ЖИЭЖ); тарбия колонияси (ТК); турма. Тергов ҳибсхоналари (ТХ) озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилган шахсларга, шунингдек ҳозирги кунда махсус камоқ уйларининг йўқлиги муносабати билан камоқ жазосини ўтаётган маҳкумларга нисбатан жазони ижро этиш муассасаси вазифасини бажаради. Жазони ижро этиш колониялари ўз навбатида манзил колониялари, умумий тартибли, қаттиқ тартибли, махсус тартибли колонияларга бўлинади.

Республикамиз ҳудудида ҳозирги кун кўринишидаги дастлабки озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазони ижро этиш муассасаларининг қурилиши ўн



тўққизинчи асрнинг иккинчи ярмида бошланди ва йигирманчи асрларнинг биринчи ярмида бирмунча замонавийлашган кўринишга эга бўлди.

Айтиш лозимки, ҳозирги кунда мамлакатимиз жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини ривожлантириш, уни халқаро ҳуқуқ нормалари ва стандартларига мослаштириш, жазо ўтаётган маҳкумлар ҳаётини ижобий томонга ўзгартириш, айтиш вақтда у ерда инсонпарварлик тамойилларини қўллаш борасида ҳам талайгина ташкилий ишлар амалга оширилмоқда.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тушунчаси, унинг ижросини ташкил этиш мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Жазони ижро этиш колониялари, турмалар ҳамда тергов ҳибсхоналарининг вазифаси, уларда жазо ижросини ташкил этиш.

2. Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар.

**2-Мавзу: Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тушунчаси, унинг ижросини ташкил этиш.**

Семинар машғулот (2 соат).

### **“САВОЛ-ЖАВОБ” МЕТОДИ**

Ушбу метод мавзунинг тингловчилар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлиқ.

Таълим жараёнида методни қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:



## Гуруҳларга топшириқлар:

**1-гуруҳга топшириқ.** Жазони ижро этиш колониялари, турмалар ҳамда тергов ҳибсхоналарининг вазифаси, уларда жазо ижросини ташкил этиш.

**2-гуруҳга топшириқ.** Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар

**ИЗОХ:** Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир гуруҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.

### 3-мавзу: Жиноий жазони ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати.

Маъруза машғулот (2 соат).

#### Режа:

1-савол. Жиноий жазони ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси. Маҳкумлар ҳуқуқий мақомининг тузилиши ва турлари. Жиноий жазони ижро этувчи давлат муассаса ва органлари фаолиятини текшириш ва назорат қилиш.

2-савол. Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолати асослари, улар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг мазмуни ва моҳияти.

3-савол. Жазони ижро этувчи муассасалар фаолиятини назорат этиш тушунчаси ва унинг турлари.

#### 1-савол. Жиноий жазони ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати. Маҳкумлар ҳуқуқий мақоми тушунчаси, унинг тузилиши ва турлари.

Маҳкумлар қонунларда белгиланган истисно ҳамда чеклашлар инobatга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўладилар ва мажбуриятларни бажарадилар. Маҳкум ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўлишлари ва мажбуриятларни бажаришлари мумкин.



Маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари муайян жазо турини ижро этиш тартиби ва шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатини мустақил Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексида бу муҳим масалаларга алоҳида олтита моддадан иборат боб ажратилган бўлиб, унда маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатининг умумий масалалари тартибга солинган. Бундан ташқари жазонинг тури ва қандай эканлигига нисбатан ЖИҚнинг Махсус қисмида ҳам бу масала янада

аниқлаштирилган. Бундай ёндашув Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши муносабати билан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг эътироф этилиши ва уларни ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқ. Ҳозирги кунда маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати ва уларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ости норматив ҳужжатларда эмас, балки қонун даражасида мустаҳкамланган. Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг қонун даражасида белгилаб олиниши алоҳида аҳамиятга эга масалан, биринчидан, маҳкумлик ҳолатини қонун даражасида белгиланишини таъминласа, иккинчидан, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур ҳисобланади, учинчидан эса, қонун устуворлигини кафолатлашда муҳим аҳамиятга эга.

## **2-савол. Жиноий жазони ижро этувчи давлат муассаса ва органлари фаолиятини текшириш ва назорат қилиш.**

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари жазоларни ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда текширадilar.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасига мувофиқ мамлакатдаги давлат ҳокимияти тизими ҳокимиятнинг бўлиниши принципига асосан қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятига ажратилган.



Конституциянинг 89-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат бошлиғи бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси сифатида жазони ижро этувчи муассаса ва органлар бошқарувини амалга оширувчи давлат органларидан ташкил топган ижро этиш ҳокимияти органларининг фаолиятини назорат қилади.

Президентнинг топшириғига биноан давлат ҳокимияти ва бошқарувининг тегишли органлари, шунингдек мансабдор шахслари зикр этилган муассаса ва органлар фаолиятини текширишлари мумкин. Шунингдек, Президент давлатнинг ички сиёсатини, шу қаторда жиноят-ижроия сиёсатини белгилаб беради. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига мувофиқ Президент амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Бошқа функцияларни бажариш билан бир қаторда Олий Мажлис Сенати Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги

хужжатларни қабул қилади. Шу мақсадларда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасига асосан, доимий ёки вақтинча ишлаш асосида депутатлик, ревизион ёхуд бошқа комиссиялар тузилиши мумкин.



Олий Мажлис депутатлари, қонун чиқарувчи орган ходими сифатида, ижро этувчи органларга нисбатан, демак, унинг таркибий қисми ҳисобланадиган жазони ижро этиш муассаса ва органларга нисбатан муайян назорат қилиш функцияларига эга.

Хусусан, Олий Мажлис депутати Ҳукуматнинг ҳар қандай аъзосига расмий талаб билан мурожаат қилиши мумкин, бундан ташқари у давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, ташкилотларнинг раҳбарлари ва Қуролли кучлар бошлиқларининг бошқа мансабдор шахслари билан зудлик билан қабул қилиниши, улардан зарур бўлган маълумот ва ҳужжатларни олиш ҳуқуқига эга.

### **3-савол. Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолати асослари, улар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг мазмуни ва моҳияти.**

ЎзР ЖИК 10-моддасида таъкидлаб ўтилганлардан ташқари маҳкумлар адвокатлардан *малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига* эга.

Юридик ёрдам олиш учун адвокатлар билан ҳоли учрашувлар маҳкумларга уларнинг аризаси ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра берилади.

Адвокатга маҳкум билан учрашув ордер ёки адвокат гувоҳномаси асосида берилади. Адвокат билан учрашувни маҳкумнинг ўзи рад этганлиги сабабли адвокатнинг маҳкум юридик ёрдам олиши учун у билан учрашув берилиши туғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш рад этилганлиги адвокат маҳкум билан ҳоли суҳбатлашгандан кейин тасдиқланиши керак, бу ҳақда *баённома* тузилиб, у маҳкум, адвокат ва ЖИЭМ маъмуриятининг вакили томонидан имзоланади.



Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлари Жиноят-ижроия кодексига белгиланган учрашувлар сони ҳисобига қирмайди, бундай учрашувларнинг сони ва муддати чекланмайди.

Маҳкумлар *шахсий дахлсизлик ҳуқуқига* эга. Қамоқ жазосига, интизомий қисмга жўнатиш ва озодликдан маҳрум этилган шахснинг хавфсизлигига таҳдид юзага келганда келган тақдирда у ўз шахсий хавфсизлигини таъминлаш ҳақида илтимос билан жазони ижро этувчи муассаса ёки органнинг ҳар қандай мансабдор шахсига мурожаат этишга ҳақли.

Жазони ижро этиш муассасаси ёки органининг бошлиғи ёки ушбу муассаса ва органларнинг ҳар қандай мансабдор шахслари дарҳол маҳкумнинг шахсий хавфсизлигига бўлган таҳдидни бартараф этиш юзасидан зарур чораларни кўради (*ЎЗР ЖИК 11-моддаси*).

*Жазони ўташ жойларида маҳкумларнинг виждон эркинлиги кафолатланади.* Виждон эркинлиги - фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

#### **4-савол. Жазони ижро этувчи муассасалар фаолиятини назорат этиш тушунчаси ва унинг турлари.**

Жазоларни ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар қонунда белгиланган тартибда амалга оширадilar.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига кўра Ўзбекистон республикаси ҳудудида бир хилда ижро этилишини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратураси тўғрисида”ги қонунига кўра қуйидагилар прокурор назорати предмети ҳисобланади:

❖ жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этувчи муассасаларда шахслар сақланишининг қонунийлиги;

❖ жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш тартиби ва шароитлари ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши;

❖ маҳкумларнинг, шунингдек жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари қўлланилган шахсларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя этилиши;

❖ жиноят-ижроия қонун ҳужжатларини қўллаётган орган ва муассасалар, мансабдор шахслар фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя этилиши.

Назоратни амалга оширишда маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатини, моддий-техник таъминоти ва тиббий хизматини белгиловчи ва мажбуриятларини белгиловчи жиноят-ижроия қонунчилигида белгиланган қоидаларига алоҳида эътибор берилади.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари халқаро назоратнинг кўшимча шакллари сифатида жазони ижро этувчи муассаса ва органларга ташриф буюриш ҳам киради. Мазкур ташрифлар Ўзбекистон ратификация қилган БМТ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт асосида амалга оширилади. Ушбу ҳужжатлар асосида ўз фаолиятини амалга оширувчи халқаро ташкилотлар ҳар қандай қийноққа солинаётган ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган муомала ва жазо қўлланилаётган шахслар

ҳузурига ташриф буюриб улардан озодликдан маҳрум этиш жойларидаги аҳвол ҳақида ахборот олишлари мумкин. Бунда уларнинг ҳаракатлари чекловларсиз амалга оширилади ҳамда таҳкирланган шахслар билан яқка тарзда суҳбатлашиши мумкин.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Жиноий жазони ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Жиноий жазони ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси.
2. Маҳкумлар ҳуқуқий мақомининг тузилиши ва турлари.
3. Жиноий жазони ижро этувчи давлат муасасса ва органлари фаолиятини текшириш ва назорат қилиш.
4. Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолати асослари, улар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг мазмуни ва моҳияти.
5. Жазони ижро этувчи муасассалар фаолиятини назорат этиш тушунчаси ва унинг турлари.

### 3-Мавзу. Жиноий жазони ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати.


Семинар машғулот (2 соат).

#### Семинар машғулот

Ушбу амалий машғулот «Блиц-сўров» интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Блиц-сўров» (инглизча «блиц» – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда ушбу методни қўллаш қуйидагича кечади:



#### Ўқув машғулотнинг саволлари:

1-савол. Жиноий жазони ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси.

2-савол. Маҳкумлар ҳуқуқий мақомининг тузилиши ва турлари.

3-савол. Жиноий жазони ижро этувчи давлат муасасса ва органлари фаолиятини текшириш ва назорат қилиш.

4-савол. Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолати асослари, улар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг мазмуни ва моҳияти.

5-савол. Жазони ижро этувчи муассасалар фаолиятини назорат этиш тушунчаси ва унинг турлари.

#### 4-мавзу: Маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти.

Маъруза машғулот (2 соат).

##### Режа:

1-савол. Маҳкумларнинг яшаш жойи.

2-савол. Маҳкумларнинг овқати.

3-савол. Маҳкумларни уст-бош билан таъминлаш. Маҳкумларнинг тиббий-санитария таъминоти.

##### 1- савол. Маҳкумларнинг яшаш жойи.



Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақлаш шароитига қараб умумий турар жойларда, хоналарда ёки камераларда яшайди, ушбу турар жойлар, хоналар ёки камералар белгиланган тартибда тасдиқланган санитария-гигиена ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларига мос келиши керак.

Бир маҳкумга тўғри келадиган яшаш майдони нормаси қуйидаги миқдордан кам бўлиши мумкин эмас:

- ❖ умумий турар жойларда — икки квадрат метр;
- ❖ тергов ҳибсхоналари ва турмаларнинг умумий камераларида — икки ярим квадрат метр;
- ❖ аёллар ва вояга етмаганлар сақланадиган колониялардаги умумий турар жойларда — уч квадрат метр;
- ❖ бемор маҳкумлар сақланадиган палаталарда — тўрт квадрат метр;
- ❖ интизомий бўлинмаларнинг камераларида ҳамда соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқидан фойдаланаётган маҳкумлар яшаши учун, шунингдек жазони манзил-колонияларда ўтаётган шахслар учун мўлжалланган хона типигаги турар жойларда — тўрт ярим квадрат метр.

Маҳкумларга ётиш учун алоҳида жой, кўрпа-тўшак, чойшаб ва керакли инвентар берилади.



Яшаш хоналари маҳкумларни туркум(отряд)лар, бригадалар бўйича жойлаштиришдан келиб чиқиб ётоқхоналар, маънавий-маърифий ишлар учун мўлжалланган хоналар, шахсий буюмлар сақланадиган хоналар кабилар тарзида санитария-гигиена талабларига риоя этган ҳолда қурилади. Жумладан, хоналар қурук бўлиши, шамоллатиб туриш имконига эга бўлиши, табиий ва сунъий (электр) ёруғлигига, тегишли жиҳозларга, шу жумладан стол, табуретка, тумбочка каби амалдаги норматив ҳужжатларда белгиланган туриши лозим инвентарларга эга бўлиши, ҳар бир хонага радио уланган бўлиши керак.



Йилнинг соvuқ пайтларида маҳкумлар яшайдиган хоналардаги ҳаво иссиқлиги 18–20 даражадан кам бўлмаслиги лозим.

Нормал маиший-коммунал шароитларни яратиш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларининг маҳкумлар яшайдиган жойларида (ёки қисмида) ошхона, ҳаммом, сартарошхона, дезинфекция ва кир ювиш хоналари, кийим-бош, пойабзал устахоналари ва бошқа шу каби бино ва хоналар жойлаштирилади.

## 2- савол. Маҳкумларнинг овқати.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга организмнинг энергияга ва озуқавий моддаларга бўлган физиологик эҳтиёжини таъминлайдиган овқат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда республика бюджети ҳисобидан берилади, бундан манзил-колонияларда жазони ўтаётганлар мустасно.



Овқат нормаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маҳкумларнинг соғлиғи ҳолатига, уларнинг ёши, бажараётган ишининг хусусияти ва оғирлигига қараб белгиланади. Маҳкумларга уларни ишга жалб этган корхона, муассаса ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан қўшимча овқат берилиши мумкин

Маҳкум ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар, вояга етмаганларга, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларига бериладиган овқат оширилган нормаларда белгиланади. Тиббий хулоса асосида уларга қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари олишга рухсат этилиши мумкин.



Манзил-колонияларда жазони ўтаётган ҳомиладор аёлларга ва эмизикли оналарга ишдан озод этилган даврида республика бюджети ҳисобидан овқат берилади.

Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, касаллиги туфайли ёки интизомий бўлинмага киритилиб ишдан озод қилинган маҳкумларга манзил-колонияларнинг корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳисобидан овқат берилиб, овқатнинг қиймати кейинчалик маҳкумларнинг ойлик иш ҳақидан ушлаб қолинади.

### **3- савол. Маҳкумларни уст-бош билан таъминлаш. Маҳкумларнинг тиббий-санитария таъминоти.**

#### **Маҳкумларни уст-бош билан таъминлаш.**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилган шахслар, жазони манзил-колонияларда ўтаётган шахслар бундан мустасно республика бюджети ҳисобидан белгиланган намунада кийим, мавсумга қараб, маҳкумнинг жинси ва иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда ички кийим ва пойабзал билан таъминланадилар.



Маҳкумларга мавсумга қараб бериладиган кийим, кўрпа-тўшак ва инвентарларнинг қайд варақалари (арматура карточкалари) (бундан буён матнда таъминот варағи деб юритилади) берилиб, шахсий ҳисобварақлар очилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар, тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган шахслар, шунингдек, маҳсул қабулхоналарда маъмурий қамоқ жазосини ўтаётган шахслар учун шарт-шароитларни янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган.

#### **Ушбу қарорга асосан:**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар, тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган шахслар,

шунингдек, махсус қабулхоналарда маъмурий қамоқ жазосини ўтаётган шахсларни озиқ-овқат билан таъминлаш меъёрлари 1-иловага мувофиқ тасдиқланган;

### Маҳкумларнинг тиббий-санитария таъминоти

Озодликдан маҳрум этиш жойларида даволаш-профилактика ёрдами ва санитария иши ҳамда эпидемияга қарши ишлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади ва ўтказилади.



Маҳкумларга тиббий-санитария хизмати кўрсатиш учун стационарлари бор тиббий бўлимлар, сил касаллигига чалинган беморларни даволаш ва сақлаб туриш учун даволаш муассасаси ҳуқуқига эга бўлган колониялар, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган касалхоналар ташкил этилади

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс жазони ижро этиш муассасасига қабул қилиш чоғида, жазони ўташ пайтида вақти-вақти билан, бироқ олти ойда камида бир марта, шунингдек мурожаатларга кўра тиббий кўрикдан ўтказилади. Тиббий текширувдан ўтказиш махфийлик шартлари асосида амалга оширилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс жазони ижро этиш муассасасига қабул қилинган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида у билан суҳбат ўтказилади, маҳкум жазони ижро этиш муассасасининг карантин хоналарида тиббий кўрикдан ва санитария-гигиена тадбирларидан ўтади.

Жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазони ижро этиш муассасасига қабул қилинаётганда ҳам, шошилинич тиббий ёрдамга муҳтож бўлганда ҳам тиббиёт ходимлари ушбу шахсларнинг ёнига зудлик билан киришини таъминлаши керак.

Шошилинич тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлганда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий муассасаларига жойлаштирилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож бўлган шахслар даволаш муассасаси ҳуқуқига эга бўлган колонияларга ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган касалхоналарга юборилади, шунингдек улар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий муассасаларига жойлаштирилиши мумкин.



Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс оғир касалликка чалинган тақдирда, жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳкумнинг розилиги билан унинг яқин қариндошларига ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахснинг ўзи кўрсатган бошқа шахсларга бу ҳақда дарҳол хабар беради.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс оғир касалликка чалинган тақдирда, телефон орқали қўшимча сўзлашишга, шунингдек шифокорнинг рухсати билан қўшимча учрашувга рухсат берилади.

Маҳкумларга тиббий ёрдам кўрсатиш, уларга дори-дармон воситалари бериш, санитария назоратини ташкил этиш ва олиб бориш, даволаш-профилактика муассасаларидан фойдаланиш, соғлиқни сақлаш органларининг тиббий ходимларини жалб этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг тиббий-санитария таъминоти республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Маҳкумлар шахсий ва умумий гигиена қоидаларига, санитария талабларига риоя этишлари шарт.

### **Мустақил тайёргарлик учун топширик:**

Маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Маҳкумларнинг яшаш жойи.
2. Маҳкумларнинг овқати.
3. Маҳкумларни уст-бош билан таъминлаш.
4. Маҳкумларнинг тиббий-санитария таъминоти.

## 4-мавзу: Маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти.


Семинар машғулот (2 соат).

### Семинар машғулот

Ушбу амалий машғулот **«Блиц-сўров»** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Блиц-сўров» (инглизча «блиц» – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда ушбу методни қўллаш қуйидагича кечади:



### Ўқув машғулотнинг саволлари:

- 1-савол. Маҳкумларнинг яшаш жойи.
- 2-савол. Маҳкумларнинг овқати.
- 3-савол. Маҳкумларни уст-бош билан таъминлаш. Маҳкумларнинг тиббий-санитария таъминоти.

## 5-мавзу: Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш.

Маъруза машғулот (2 соат).

### Режа:

1-савол. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг меҳнати.

2-савол. Маҳкумларни иш билан таъминлаш. Маҳкумларнинг иш вақти. Маҳкумларнинг дам олиш вақти.

3-савол. Маҳкумлар меҳнатига ҳақ тўлаш. Маҳкумларни меҳнат ҳақи тўламай ишга жалб этиш.

4-савол. Маҳкумларнинг иш ҳақидан чегириб қолиш. Маҳкумларнинг моддий жавобгарлиги. Маҳкумлар ижтимоий суғуртаси ва пенсия таъминоти.

### 1- савол. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумлар меҳнати.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 88-моддасида маҳкумларни меҳнатга жалб этишдан асосий мақсад уларда ижтимоий-фойдали фаолият билан шуғулланиш эҳтиёжини шакллантиришдан иборат.



Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жинси, ёши, соғлиғининг ҳолати, меҳнат қобилияти ва иложи борича, ихтисосини инобатга олган ҳолда меҳнатга жалб этилади.

Маҳкумларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан, ушбу Кодексда назарда тутилган истисно ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда, тартибга солинади.



Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар, одатда, шу муассасаларнинг корхоналарида, айрим ҳолларда эса керакли тарзда қўриқлаш ва батамом ажратиб қўйиштаъминлангантақдирда, бошқа корхоналарда меҳнатга жалб этилади. Маҳкумларнинг хусусий шахслар фойдасига меҳнат қилишига йўл қўйилмайди.

Республикада маҳкумларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан, шунингдек Жиноят-ижроия кодексининг 88–96-моддаларида назарда тутилган истисно ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда, тартибга солинади.

“Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари”нинг 73-моддаси 1-қисмида муассасалардаги саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилишни хусусий пудратчилар зиммасига эмас, балки турма бошқармасининг зиммасига юклаш энг мақбул иш эканлиги таъкидланган. Худди шу қоидалар Ўзбекистон Республикаси

Жиноят-ижроия кодексининг 88-моддаси 3-қисмида ўз аксини топган, яъни озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар, одатда, шу муассасаларнинг корхоналарида, айрим ҳолларда эса, керакли тарзда кўриқлаш ва батамом ажратиб қўйиш таъминланган тақдирда, бошқа корхоналарда меҳнатга жалб этилади. Маҳкумларнинг хусусий шахслар фойдасига меҳнат қилишига йўл қўйилмайди.

Олтмиш ёшдан ошган эркаклар, эллик тўрт ёшдан ошган аёллар, I ва II гуруҳ ногиронлари меҳнатга ўз хоҳишларига кўра жалб этилиши, маҳкума аёллар ҳомиладорлик ва туғиш муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатга ишдан озод қилиниши, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бажариш тақиқланган ишларда аёл ва вояга етмаган маҳкумлар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.



Маҳкумлардан фойдаланиш тақиқланган ишлар ва лавозимлар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Масалан, жазони ижро этиш муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 241-моддасига биноан ўн саккиз ёшга тўлмаган маҳкумлар меҳнатидан шу тоифадаги шахсларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади. Шунингдек, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди.

Вояга етмаган маҳкумларнинг иш вақти муддати Меҳнат кодексининг 242-моддасига мувофиқ қисқартирилган иш вақти муддатлари асосида ташкил этилади, яъни ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган маҳкумлар ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн тўртдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.

Маҳкумлар топширилган ишни ҳалол, виждонан бажаришга, меҳнат ва технология интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича талабларга риоя этишлари шарт. Уларнинг меҳнатга оид ва бошқа низоларни ҳал этиш мақсадида ишни тўхтатиб қўйиши тақиқланади.

Маҳкумларни иш билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қуйидагиларни эътиборга олган ҳолда олиб борилади:

- ❖ жазони ижро этиш муассасаларида ишлаб чиқариладиган муайян маҳсулот турлари учун буюртмаларни тақсимлайди;
- ❖ ишлаб чиқариш корхоналарини моддий-техника билан таъминлаш чораларини кўради;
- ❖ ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантиришни, ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилишни молиявий таъминлайди;
- ❖ корхона, муассаса ва ташкилотларни маҳкумлар меҳнатидан фойдаланишга жалб этишга имкон яратиб беради;
- ❖ корхона, муассаса ва ташкилотларда меҳнат қилаётган маҳкумларга ёзиладиган иш ҳақи миқдорини белгилаб беради.

Маҳкумларни иш билан таъминлаш жазони ижро этиш муассасаларида

ёки улардан ташқарида иш ўринларини ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган вояга етган шахслар учун меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган иш вақтининг энг кўп нормасига риоя этган ҳолда, одатда, олти кунлик иш ҳафтаси белгиланади.

Маҳкумларни иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишга жалб этишга ишлаб чиқариш зарурати бўлган тақдирда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган иш вақтидан ташқари ишларнинг энг кўп муддатига риоя этган ҳолда йўл қўйилади.

Маҳкума ҳомиладор аёллар, шунингдек жазони ижро этиш муассасалари қошидаги болалар уйларида боласи бор аёллар иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишга ёки иш вақти жамлаб ҳисобга олинмайдиган режимда ишлашга ўзларининг розилиги билан жалб этилиши мумкин. Мазкур шахслар тунги ишларга, уларнинг розилигини олган ҳолда ва тегишли тиббий хулоса бўлган тақдирда, жалб қилинади (ЖИК 90-м. 5-қ.).

Маҳкумларнинг иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларидаги ишлари учун икки ҳисса ҳақ тўланади, жазони манзил-колонияларда ўтаётган (Жиноят-ижроия кодексининг 91-моддаси 3-қисмига асосан манзил-колониялардаги маҳкумлар муддати ўн беш иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган ҳар йилги меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқига эга) маҳкумлардан ташқари бошқа барча маҳкумларга ҳар йилги меҳнат таътили берилмайди.



Меҳнат нормаларини ва меҳнат вазифаларини бажарган маҳкумлар меҳнатига меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақ тўланади ва тўланадиган ойлик ҳақ белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас.

Барча чегирмалардан қатъи назар, маҳкумлар шахсий ҳисоб варағига уларга ёзилган иш ҳақининг камида йигирма беш фоизи, олтмиш ёшдан ошган эркакларнинг, эллик тўрт ёшдан ошган аёлларнинг, I ва II гуруҳ ногиронларининг, ҳомиладор аёлларнинг ҳамда жазони ижро этиш муассасалари қошидаги болалар уйида боласи бор аёлларнинг, шунингдек манзил-колониялар ва тарбия колонияларидаги маҳкумларнинг ҳисобварағига эса, камида эллик фоизи ўтказиб қўйилади.

Маҳкумлар жазони ижро этиш муассасаларини ва уларга туташ



худудларни ободонлаштириш, шунингдек маданий-маиший шароитни яхшилаш ишларигагина меҳнат ҳақи тўламай жалб этилиши мумкин.

Маҳкумлар меҳнат ҳақи тўланмайдиган ишга, одатда, навбатма-навбат, ишдан ташқари вақтда, ҳафтасига кўпи билан икки соатга жалб этилади. (ЖИК 93-м.);

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 95-моддасида маҳкумларнинг моддий жавобгарлиги белгиланган бўлиб, унга мувофиқ маҳкумлар:

### **Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар:**

❖ меҳнат вазифаларини адо этиш чоғида етказилган зарар учун – меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда;

❖ бошқа хатти-ҳаракатлар оқибатида етказилган зарар учун – фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда моддий жавобгар бўладилар.

Агарда маҳкумнинг моддий жавобгарлиги қонунга хилоф равишда ҳал этилганлиги аниқланса, нотўғри чегирилган сумма маҳкумга қайтарилиб, унинг шахсий ҳисоб варағига ўтказилади.

Маҳкумларнинг иш ҳақидан давлат ижтимоий суғуртасига ажратмалар чегириб қолинмайди ва жазодан озод бўлганларидан сўнг қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар меҳнатини ташкил этишда, энг аввало, мавжуд “корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш” га эътибор берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

**2-савол. Маҳкумларни иш билан таъминлаш. Маҳкумларнинг иш вақти. Маҳкумларнинг дам олиш вақти.**

### **Маҳкумларни иш билан таъминлаш.**

#### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:**

➤ жазони ижро этиш муассасаларида ишлаб чиқариладиган муайян маҳсулот турлари учун буюртмаларни тақсимлайди;

➤ ишлаб чиқариш корхоналарини моддий-техника билан таъминлаш чораларини кўради;

➤ ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантиришни, ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилишни молиявий таъминлайди;

➤ корхона, муассаса ва ташкилотларни маҳкумлар меҳнатидан фойдаланишга жалб этишга имкон яратиб беради;

➤ корхона, муассаса ва ташкилотларда меҳнат қилаётган маҳкумларга ёзиладиган иш ҳақи миқдорини белгилаб беради.

Маҳкумларни иш билан таъминлаш жазони ижро этиш муассасаларида ёки улардан ташқарида иш ўринларини ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

### **Маҳкумларнинг иш вақти.**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар учун меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган иш вақтининг энг кўп нормасига риоя этган ҳолда, одатда, олти кунлик иш ҳафтаси белгиланади.

Маҳкумлар иш вақти режимини жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ишлаб чиқариш хусусиятига қараб белгилайди.

Маҳкумларни иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишга жалб этишга ишлаб чиқариш зарурати бўлган тақдирда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган иш вақтидан ташқари ишларнинг энг кўп муддатига риоя этган ҳолда йўл қўйилади.

Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий этилганда, маҳкумлар иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ёки тунги ишларга жалб этилган тақдирда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида вояга етмаган шахслар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларига нисбатан белгиланган чеклашларга риоя этиш шарт.

Маҳкума ҳомиладор аёллар, шунингдек жазони ижро этиш муассасалари қошидаги болалар уйларида боласи бор аёллар иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишга ёки иш вақти жамлаб ҳисобга олинмайдиган режимда ишлашга ўзларининг розилиги билан жалб этилиши мумкин. Мазкур шахслар тунги ишларга, уларнинг розилигини олган ҳолда ва тегишли тиббий хулоса бўлган тақдирда, жалб қилиниши мумкин.

Маҳкумларнинг иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларидаги ишлари учун икки ҳисса ҳақ тўланади.

### **Маҳкумларнинг дам олиш вақти**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, меҳнатга жалб этилган маҳкумларга ҳар ҳафтада камида бир дам олиш куни берилади. Улар байрам (ишланмайдиган) кунларида ишдан озод қилинади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга ҳар йилги меҳнат таътили берилмайди, жазони манзил-колонияларда ўтаётганлар бундан мустасно.

Манзил-колониялардаги маҳкумлар муддати ўн беш иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган ҳар йилги меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқига эга. Таътил ушбу Кодекснинг 82-моддасида белгиланган тартибда манзил-колония доирасидан четга чиқиш ҳуқуқи билан берилади. Маҳкум жазони

иждо этиш колониясининг интизомий бўлинмаси турар жойларида сақланган вақт ҳақ тўланадиган ҳар йилги меҳнат таътили бериш учун зарур муддатга қўшиб ҳисобланмайди.

Манзил-колонияси, умумий тартибли, қаттиқ тартибли колонияларда ва турма қамоғида жазони ўтаётган маҳкумлар ҳам бир ҳафтада бир иш куни тўлиқ дам олишлари мумкин. Давлат томонидан меҳнат қонунчилигида байрам кунлари деб эълон кунларда эса меҳнатга жалб этилмасдан дам оладилар.

Тарбия колонияларда беш кунлик иш ҳафтаси режими белгиланган бўлиб, унда маҳкумлар тўлиқ икки кун дам оладилар. 3. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларга, манзил-колонияларидан жазони ўтаётган маҳкумлар бундан мустасно, нисбатан меҳнат қонунчилигидаги йиллик меҳнат таътили татбиқ этилмайди.

Манзил-колониялар анча енгиллаштирилган режими биланажралиб туради. Буни қуйидагича изоҳлашимиз мумкин, масалан, манзил-колониясида жазони ўтаётган маҳкумлар муддати ўн беш иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган йиллик таътилга чиқишлари бевосита ЖИКнинг ушбу моддасида кўрсатиб ўтилган.

Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг барчаси меҳнат қонунчилигида бевосита кўрсатиб ўтилган байрам кунлар ишламасдан тўлиқ дам олишлари мумкин.

Бу байрам кунларига қуйидагилар киради:

- ✚ 1 январь янги йил куни,
- ✚ 8 март халқаро хотин-қизлари куни,
- ✚ 21 март Наврўз миллий байрам куни,
- ✚ 9 май хотира ва қадрлаш куни,
- ✚ 1 сентябрь мустақиллик куни,
- ✚ 8 декабрь конституция қабул қилинган куни,
- ✚ муқаддас динимизнинг Рамазон ҳайити ва Қурбон ҳайит диний байрамларнинг биринчи кунлари шулар жумласидандир.

**3- савол. Маҳкумлар меҳнатига ҳақ тўлаш. Маҳкумларни меҳнат ҳақи тўламай ишга жалб этиш.**

### Маҳкумлар меҳнатига ҳақ тўлаш.



Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар меҳнатига меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақ тўланади.

Меҳнат нормаларини ва меҳнат вазифаларини бажарган маҳкумлар меҳнатига тўланадиган ойлик ҳақ белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас.

Барча чегирмалардан қатъи назар, маҳкумлар шахсий ҳисобварағига

уларга ёзилган иш ҳақининг камида йигирма беш фоизи, олтмиш ёшдан ошган эркекларнинг, эллик беш ёшдан ошган аёлларнинг, I ва II гуруҳ ногиронларининг, ҳомиладор аёлларнинг ҳамда жазони ижро этиш муассасалари қошидаги болалар уйида боласи бор аёлларнинг, шунингдек манзил-колониялар ва тарбия колонияларидаги маҳкумларнинг ҳисобварағига эса, камида эллик фоизи ўтказиб қўйилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар меҳнатига амалдаги қонун ва қонун ости ҳужжатлари ҳамда уларда белгиланган тарифлар ва баҳолаш мезонлари бўйича ишнинг миқдори ҳамда сифатига мувофиқ ҳақ тўланади. Ушбу давр мобайнида меҳнат қонунчилиги нормалари ва меҳнат вазифаларини бажарган маҳкумлар меҳнатига тўланадиган ойлик иш ҳақи қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлиши ва энг юқори миқдор билан чегараланиши мумкин эмас. Энг кам иш ҳақига қўшимча тўловлар, устамалар, раҳбатлантирувчи тўловлар, нормалар иш вақтидан ташқари қилинган меҳнат учун оширилган тўлов, шунингдек, туман коэффицентлари кирмайди. Маҳкумлар меҳнатига ишбай ва вақтбай тартибида ҳақ тўланади. Маҳкумлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг асосий тизими барча ишларда меъёрлаштириш ва аниқ ҳисоб-китобни таъминловчи ишбай ҳақ тўлаш тизимидир. Ишбай ҳақ тўлаш индивидуал ёки жамоавий бўлиши мумкин. Меҳнатга индивидуал ҳақ тўлашда маҳкумнинг бутун маоши у тайёрлаган яорқли маҳсулот миқдори ва ҳар маҳсулот бирлиги учун ишбай баҳолаш билан аниқланади. Жамоавий ҳақ тўлашда жамоа (бригада)нинг умумий маоши муайян вақт, (смена, ҳафта, ой) давомида бажарилган бутун иш натижаларига қараб ҳисобланади. Лекин жамоанинг ҳар бир аъзосига бу маош унга белгиланган тартибда берилган малакавий разряди ва жамоада ишлаган вақтни ҳисобга олган ҳолда ажратилади. Вақтбай ҳақ тўлаш фақат меъёрлаштирилмаган ва аниқ ҳисобга асосланмаган ишларда қўлланилади.

Маҳкумларга вақтбай ҳақ тўлашда ҳар ойлик иш куни учун кунлик таъриф ставкаси ажратилади. Ойлик ҳақ тўлашда маҳкумнинг ойлик маоши календарь бўйича бу ойдаги иш куни миқдоридан қатъи назар қатъий ойлик ставкаси шаклида, лекин ҳар бир кунда ишлаган вақтни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Маҳкумларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва рентабеллигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ҳоказо мақсадида вақтбай-мукофотлаш тарзида ҳақ тўлаш тизими жорий қилинади.

Маҳкумлар ёш бўйича муофотлаш, ноқулай табиий-иқлим ва маиший шароити жойларидаги ишлаш учун устама ва имтиёзлардан ташқари, иссиқ, оғир, зарарли ва ўта зарарли меҳнат шароитидаги ишлардаги ишчилар учун белгиланган таъриф ставкалари бўйича ҳақ тўланадиган касблар ва ишларга жалб қилинади. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари туғилганда, технология ўзгарганда ишлаб чиқариш ва меҳнат ташкил қилинган ҳолларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг олдинги шартларини сақлаб қолиш мумкин бўлмаса, шунингдек, маҳкумлар томонидан меҳнат интизоми ва белгиланган жазони ўташ қоидалари бузилганда, муассаса маъмурияти маҳкумнинг розилигисиз унинг учун фойдали бўлмаган томонга меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини

ўзгартиришга ҳақлидир.

Маҳкумлар дам олиш ва байрам (иш кунида ташқари) кунларида ишга, шунингдек, ҳашар ишларига жалб қилинганда икки барабардан кам бўлмаган ҳақ тўланади.

Тунги вақтдаги ишга (22-0 дан 6-00 гача) бир ярим барабар миқдорда ҳақ тўланади. Тунги вақтдаги ишлар учун ҳақ тўлаш таъриф ставкаларига киритилмайди. Маҳкумнинг айби билан йўл қўйилган ишдаги тўлиқ ёки ушлаб қолиш учун ҳақ тўланмайди. Маҳкумнинг айби билан йўл қўйилган қисман сифатсиз ишлар учун камайтирилган миқдорда ҳақ тўланади. Маҳсулотнинг яроқлилиқ фоизи бундай ҳолларда муассаса маъмурияти томонидан белгиланади. Агар тўлиқ сифатсиз ёки ушланиб қолишга маҳкум айби билан йўл қўйилмаган бўлса, унинг ўртача маоши сақланади. Янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилгунга қадар сифатсиз маҳсулотлар учун тегишли разряддаги таъриф ставкаси ҳисобидан тўланади.

Маҳкумлар тайёрланаётган маҳсулотнинг сифатсизлиги, шунингдек, ишлаб чиқаришда хавф келтириб чиқариш мумкин бўлган барча ҳолатлар ҳақида маъмуриятга дарҳол хабар беришлари лозим. Агар маҳкум яроқсиз маҳсулот тайёрланаётганлиги ҳақида маъмуриятга хабар қилмаса ёки маъмуриятнинг ишлаб чиқаришни тўхтатиб туриш тўғрисидаги топшириғига қарамасдан ишлашда давом этган бўлса, кейинги сифатсиз иш учун сарфланган харажатларни ўз ҳисобидан тўлайди, бузилган материал учун меҳнат қонунчилигида назарда тутилган миқдорда маошдан чегириб қолинади.

Ушланиб қолиш натижасида ишдан озод қилинган маҳкумлар имкониятларига қараб бошқа ишга ўтказиладилар, бунда меҳнатга ҳақ тўлаш амалда бажарилган ишга қараб амалга оширилади.

Маҳкумлар ишлаб топган маблағлари уларнинг шахсий ҳисоб варағига ўтказилади. Манзил колонияларда иш ҳақи маҳкумларнинг қўлига берилади.

Маҳкумларнинг меҳнатга виждонан ёндашишларини таъминлаш мақсадида қонунда маҳкумнинг маошидан шахсий ҳисобварағига озиқ-овқат маҳсулотлари ва биринчи эҳтиёждаги буюмларни сотиб олишини таъминлайдиган қисмини кафолатли ўтказиш назарда тутилган. Кафолатланган энг кам ойлик иш ҳақининг миқдоридagi маош эса, умумий, қаттиқ, махсус режимли колонияларда, қамоқларда сақланаётган 60 ёшда ошган эркеклар, 55 ёшдан ошган аёллар, 1 ва 2-гурӯҳ ногиронлари, ҳомиладор аёллар ҳамда жазони ўташ муассасалари қошидаги болалар уйларида бола аёллар учун 25% дан кам бўлмаган миқдорда, шунингдек, манзил колониялар ва тарбия муассасаларидаги маҳкумлар учун белгиланган маошнинг 50% дан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

Маҳкумлар томонидан бажариладиган ишларни таърифлаш ва уларга малакавий разрядлар бериш ишчиларнинг иш ва касб таъриф малакавий қўлланмаларига мувофиқ амалга оширилади. Бунинг учун жазони ўташ муассасаларида қарорлари муассаса бошлиғи ёки корхона директори томонидан тасдиқланадиган ва уларнинг буйруқ ёки фармойиши билан расмийлаштириладиган малакавий комиссиялар ташкил этилади. Маҳкумга

берилган малакавий разряд унинг шахсий жилдга киритилади.

### **Маҳкумларни меҳнат ҳақи тўламай ишга жалб этиш.**

Маҳкумлар жазони ижро этиш муассасаларини ва уларга туташ худудларни ободонлаштириш, шунингдек маданий-маиший шароитни яхшилаш ишларигагина меҳнат ҳақи тўламай жалб этилиши мумкин.

Маҳкумлар меҳнат ҳақи тўланмайдиган ишга, одатда, навбатма-навбат, ишдан ташқари вақтда, ҳафтасига кўпи билан икки соатга жалб этилади.

Маҳкумлар озодликдан маҳрум қилиш муассасаларини ва уларга туташ худудларда ободонлаштириш, шунингдек, маданий-маиший шароитни яхшилаш ишларигагина иш ҳақи тўламай жалб этилиши мумкин. Бу ҳар бир маҳкумга сақлаш режими талаблари, яъни жазони ижро этиш ва ўташнинг унинг мақсадларига кўра белгиланган тартиблари тегишлилигини билдиради. Сақлаш режимининг функцияларидан бири тарбиялаш функциясидир. У судланган шахсга интизомий таъсир кўрсатиш, ўз мажбуриятларини ихтиёрий бажаришга одотлантириш, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, қонунларни аниқ бажариш, умумий яшаш жойи қоидаларини ҳурмат қилишни ифодалайди.

Шуни ҳисобга олган ҳолда маҳкумлар қоидага кўра, кетма-кет тартибда, иш вақтидан ташқари меҳнат ҳақи тўламай ишга жалб этилади ва бу иш кунни таркибга кирмайди. Бундан ишларнинг давомийлиги бир ҳафтада икки соатдан ошмаслиги керак. Вақтни ҳисоблаш ва маҳкумларни меҳнат ҳақи тўламай ишларга жалб этиш кетмакетлиги ва бундай ишларни амалга ошириш отрядлар бошлиқларига юклатилади.

Маҳкумларни меҳнат ҳақи тўламай ишга жалб этишнинг ўрнатилган нормасидан қатъи назар, уларнинг барчаси жазони ўташ муассасаларидаги муайян шароитларга боғлиқ бўлади. Бир муассаса доирасида барча маҳкумлар бундай ишларда бир вақтда ишлашлари лозим. Касаллик бўйича ишдан озод қилинган маҳкумлар 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари, ҳомиладор аёллар, эмизувчи аёллар ишга меҳнат ҳақи тўламай жалб қилинмайдилар.

**4-савол. Маҳкумларнинг иш ҳақидан чегириб қолиш. Маҳкумларнинг моддий жавобгарлиги. Маҳкумлар ижтимоий суғуртаси ва пенсия таъминоти.**

### **Маҳкумларнинг иш ҳақидан чегириб қолиш.**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг иш ҳақидан чегирмалар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ушбу Жиноят-ижроия кодексда назарда тутилган истисно ва чеклашлар билан амалга оширилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг иш ҳақидан чегириб қолиш манзил колонияларда, қамоқларда жазони ўтаётган шахслар, шунингдек, қамоқ ва тергов изоляторларида хўжалик хизмати бўйича

ишларни бажариш қолдирилган маҳкумларга нисбатан қўлланилади. Маҳкумлар иш ҳақидан чегириб қолиш фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг иш ҳақидан чегириб қолиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- суд қарорларини ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш;
- ойлик иш ҳақи ҳисобидан берилган ёрдам пулини тўлаш ва хи-
- соб-китобдаги хатолар оқибатида ортиқча тўланган пулни қайтариш;
- зарарни қоплаш, башарти зарар миқдори маҳкумнинг ўртача иш

ҳақидан ошиб кетса.



Даромад солиғи маҳкумга ўтган ойда ажратилган иш ҳақи миқдоридан чегириб қолинади.

Даромад солиғи ва бошқа мажбурий тўловлар чегириб қолинганидан кейин ижро рўйхати ва бошқа ижро ҳужжатларида бўйича чегирмалар амалга оширилади.

Бундай ҳужжатларга: суд ҳукми, қарори, ажрими асосида бериладиган ижро рўйхатлари: нотариат органлари қайдлари: ўртоқлик судлари қарорлари асосида бериладиган ижро рўйхатлари киради.

Суд қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатлари бўйича чегириб қолинган пул маблағи даромад солиғи ва бошқа мажбурий тўловлар айриб ташланган иш ҳақидан аниқланади. Ундириб олиш ЖИКнинг 92-моддасида назарда тутилган маҳкумнинг шахсий ҳисобвариғига энг кам ойлик иш ҳақи суммаси ўтказилганидан кейин ҳисобланади.

Маҳкумда бир нечта ижро ҳужжатлари бўлиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақидан ундириб олиш кетма-кетлиги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодексида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Жазони ўташ вақтида давлатга етказилган зарарни қоплаш учун кетадиган иш ҳақидан чегирмалар жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи қарори асосида амалга оширилади. Агар моддий зарар жазони ўташ вақтида содир қилинган жиноят натижасида етказилган бўлса, зарарни қоплаш Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси талабларига мувофиқ умумий тартибларда амалга оширилади.

Озиқ-овқат, маҳкумларнинг кийим, ич кийим ва оёқ кийими харажатлари баҳоси маҳкумлар иш ҳақидан чегириб қолинмайди.

Манзил колонияларида жазони ўтаётган маҳкумларга озиқовқат, буюмлар, тураржой-коммунал ва маданий-маиший хизматлар ҳақ эвазига, умумий тартибларда тақдим қилинади.



Касаллик бўйича ишламайдиган, шунингдек, ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра иш ҳақига эга бўлмаган маҳкумларни маъминлашнинг кўрсатилган турлари манзил колониялари сметаси ҳисобидан маҳкумларни сақлашнинг белгиланган нормалари бўйича амалга оширилади

### **Маҳкумларнинг моддий жавобгарлиги.**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар:

❖ меҳнат вазифаларини адо этиш чоғида етказилган зарар учун — меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда;

❖ бошқа хатти-ҳаракатлар оқибатида етказилган зарар учун — фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда моддий жавобгар бўладилар.

Нотўғри чегирилган сумма маҳкумга қайтарилиб, унинг шахсий ҳисобварағига ўтказилади.

### **Маҳкумлар ижтимоий суғуртаси ва пенсия таъминоти.**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг иш ҳақидан давлат ижтимоий суғуртасига ажратмалар ажратилмайди.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод бўлганларидан сўнг қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлади.

«Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза бевосита манзил-колония жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига берилади»;

### **Озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсиялар тўлаш.**

Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга пенсиялар тўлаш манзил-колония жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тегишли пенсиялар суммаларини маҳкумларнинг шахсий ҳисобварақларига ўтказиш орқали амалга оширилади.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш мазусини ўқиб ўрганиш ва консектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг меҳнати.
2. Маҳкумларни иш билан таъминлаш.
3. Маҳкумларнинг иш вақти.
4. Маҳкумларнинг дам олиш вақти.
5. Маҳкумлар меҳнатига ҳақ тўлаш.



6. Маҳкумларни меҳнат ҳақи тўламай ишга жалб этиш.
7. Маҳкумларнинг иш ҳақидан чегириб қолиш.
8. Маҳкумларнинг моддий жавобгарлиги.
9. Маҳкумлар ижтимоий суғуртаси ва пенсия таъминоти.

### **5-Мавзу: Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш.**


Семинар машғулот (2 соат).

#### **Семинар машғулот.**

Ушбу амалий машғулот **«Блиц-сўров»** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Блиц-сўров» (инглизча «блиц» – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда ушбу методни қўллаш қуйидагича кечади:



#### **Ўқув машғулотнинг саволлари:**

- 1-савол. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг меҳнати.
- 2-савол. Маҳкумларни иш билан таъминлаш.
- 3-савол. Маҳкумларнинг иш вақти.
- 4-савол. Маҳкумларнинг дам олиш вақти.
- 5-савол. Маҳкумлар меҳнатига ҳақ тўлаш.
- 6-савол. Маҳкумларни меҳнат ҳақи тўламай ишга жалб этиш.

7-савол. Маҳкумларнинг иш ҳақидан чегириб қолиш.

8-савол. Маҳкумларнинг моддий жавобгарлиги.

9-савол. Маҳкумлар ижтимоий суғуртаси ва пенсия таъминоти.

## **6-мавзу: Маҳкумларга тиббий хизмат кўрсатиш асослари ва тартиби.**

Маъруза машғулот (2 соат).

### **Режа:**

1-савол. Маҳкумлар тиббий санитария таъминоти, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш.

2-савол. Тиббий бўлимларнинг ЖИЭМда сақланаётган шахсларга даволаш-профилактика тадбирларини ўтказиш асосий вазифалари.

3-савол. Соғлиқни сақлаш ходимлари вазифасига тааллуқли бўлган врачларга тегишли Тиббиёт Этикаси Тамойилларини ўрганиш ва муҳокама қилиш.

4-савол. Маҳкумлар тиббий хизматига оид ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби.

### **1-савол. Маҳкумлар тиббий санитария таъминоти, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш.**

Озодликдан маҳрум этиш жойларида даволаш-профилактика ёрдами ва санитария иши ҳамда эпидемияга қарши ишлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади ва ўтказилади.

Маҳкумларга тиббий-санитария хизмати кўрсатиш учун стационарлари бор тиббий бўлимлар, сил касаллигига чалинган беморларни даволаш ва сақлаб туриш учун даволаш муассасаси ҳуқуқига эга бўлган колониялар, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган касалхоналар ташкил этилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс жазони ижро этиш муассасасига қабул қилиш чоғида, жазони ўташ пайтида вақти-вақти билан, бироқ олти ойда камида бир марта, шунингдек мурожаатларга кўра тиббий кўрикдан ўтказилади. Тиббий текширувдан ўтказиш махфийлик шартлари асосида амалга оширилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс жазони ижро этиш муассасасига қабул қилинган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида у билан суҳбат ўтказилади, маҳкум жазони ижро этиш муассасасининг карантин хоналарида тиббий кўрикдан ва санитария-гигиена тадбирларидан ўтади.

Жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазони ижро этиш муассасасига қабул қилинаётганда ҳам, шошилинич тиббий ёрдамга муҳтож бўлганда ҳам тиббиёт ходимлари ушбу шахсларнинг ёнига зудлик билан киришини таъминлаши керак.

Шошилинич тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлганда озодликдан

махрум этишга ҳукм қилинган шахслар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий муассасаларига жойлаштирилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож бўлган шахслар даволаш муассасаси ҳуқуқига эга бўлган колонияларга ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган касалхоналарга юборилади, шунингдек улар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий муассасаларига жойлаштирилиши мумкин.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс оғир касалликка чалинган тақдирда, жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳкумнинг розилиги билан унинг яқин қариндошларига ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахснинг ўзи кўрсатган бошқа шахсларга бу ҳақда дарҳол хабар беради.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс оғир касалликка чалинган тақдирда, телефон орқали қўшимча сўзлашишга, шунингдек шифокорнинг рухсати билан қўшимча учрашувга рухсат берилади.

Маҳкумларга тиббий ёрдам кўрсатиш, уларга дори-дармон воситалари бериш, санитария назоратини ташкил этиш ва олиб бориш, даволаш-профилактика муассасаларидан фойдаланиш, соғлиқни сақлаш органларининг тиббий ходимларини жалб этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг тиббий-санитария таъминоти республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Маҳкумлар шахсий ва умумий гигиена қоидаларига, санитария талабларига риоя этишлари шарт.

Маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналар 52<sup>1</sup>-модда.

Маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналар бемор маҳкумларни сақлаш ва уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжаллангандир.

54-моддасига асосан, қуйидаги мазмундаги иккинчи — тўртинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

#### **Ушбу муддат давомида маҳкум:**

■ қариндошлари ёки бошқа шахслар билан бир марта қисқа муддатли учрашиш;

■ ўз шахсий маблағлари ҳисобидан тўланадиган, ўн беш дақиқа давом этадиган бир марта телефон орқали сўзлашиш ҳуқуқига эга.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар суд ҳукми билан белгиланган режимнинг турига мувофиқ жазони ижро этиш муассасаларига жўнатилади.

59-модданинг биринчи қисмидаги «Ихтисослашган даволаш муассасаларида» деган сўзлар «Даволаш ҳуқуқи асосидаги колонияларда ва маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналарда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

60-модда қуйидаги мазмундаги саккизинчи қисм билан тўлдирилсин:

Жазони ўташ жойига бораётган ёки бир жазони ижро этиш муассасасидан бошқа жазони ижро этиш муассасасига кўчириладиган маҳкумларни вақтинча сақлаш учун жазони ижро этиш муассасалари ва тергов хибсхоналари ҳузурида транзит-жўнатиш участкалари ташкил этилиши мумкин. Маҳкумлар транзит-жўнатиш участкаларида режимининг тури суд ҳукми билан белгиланган жазони ижро этиш муассасасида ўзининг жазони ўташига оид шартлар асосида, ушбу Кодекснинг 58-моддаси талабларига риоя этган ҳолда сақланади. Маҳкумларни транзит-жўнатиш участкаларида сақлашнинг энг кўп муддати кўпи билан 20 суткани ташкил эта.

69-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Жисмоний куч ишлатилиши натижасида маҳкумнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган ҳар бир ҳолат тўғрисида прокурорга дарҳол хабар берилди.

## **2-савол. Тиббий бўлимларнинг ЖИЭМда сақланаётган шахсларга даволаш-профилактика тадбирларини ўтказиш асосий вазифалари.**

Озодликдан маҳрум этиш жойларида даволаш-профилактика ёрдами ва санитария иши ҳамда эпидемияга қарши ишлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади ва ўтказилади.

Маҳкумларга тиббий-санитария хизмати кўрсатиш учун стационарлари бор тиббий бўлимлар, сил касаллигига чалинган беморларни даволаш ва сақлаб туриш учун даволаш муассасаси ҳуқуқига эга бўлган колониялар, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган касалхоналар ташкил этилади.

Маҳкумларга тиббий ёрдам кўрсатиш, уларга дори-дармон воситалари бериш, санитария назоратини ташкил этиш ва олиб бориш, даволаш-профилактика муассасаларидан фойдаланиш, соғлиқни сақлаш органларининг тиббий ходимларини жалб этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг тиббий-санитария таъминоти Республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Маҳкумлар шахсий ва умумий гигиена қоидаларига, санитария талабларига риоя этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 87-моддаси бўйича маҳкумлар тиббий-санитария хизматидан фойдаланади.

Маҳкумларга кўрсатиладиган тиббий хизмат барча фуқароларга кўрсатилган бепул ва чеклашларсиз тиббий хизматдан фарқ қилмайди. Маҳкумларга кўрсатиладиган тиббий хизмат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли йўриқномалари ва ўзаро Ички

ишлар вазирлиги билан қабул қилинган махсус буйруқ, йўриқномалари билан тартибга солинади. Жазони ижро этиш муассасалари маъмуриятига маҳкумлар тиббий хизмат кўрсатиш учун махсус вазифалар билан белгилаб берилади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун маъмурият таркибида махсус тиббий хизмат бўлимлари ташкил этилади.

### **Маҳкум овқат ейишни рад этганда қўлланиладиган чоралар. 69<sup>1</sup>-модда.**

Маҳкумнинг овқат ейишни рад этганлиги факти аниқланганда муассаса бошлиғи ёхуд унинг ўрнини босувчи шахс бу ҳақда зудлик билан прокурорни хабардор қилади.

Овқат ейишни рад этадиган маҳкум имкон қадар бошқа маҳкумлардан алоҳида сақланади ва тиббиёт ходимининг кузатуви остида бўлади.

Овқат ейишни рад этган маҳкумнинг соғлиғини сақлаб туришга қаратилган мажбурлов йўсинидаги (сунъий ва мажбурий овқатлантириш тарзидаги) чоралар, агар унинг ҳаётига ёки соғлиғига хавф таҳдид солса, шифокорнинг ёзма хулосаси асосида ҳамда тиббиёт ходими ҳозирлигида амалга оширилади.

Маҳкумнинг овқат ейишни рад этганлиги уни бошқа жазони ижро этиш муассасаларига ўтказишга ёхуд тергов ҳаракатларида ва суд мажлисларида иштирок этиш учун бошқа ерга кўчиришга тўсқинлик қилмайди. Зарур ҳолларда, маҳкумни бошқа ерга кўчириш тиббиёт ходими кузатувида амалга оширилади.

Маҳкумлар овқат ейишни рад этганда қўлланиладиган мажбурлов йўсинидаги чораларни қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади»;

71-модданинг еттинчи қисмидаги «прокурорга хабар қилинади» деган сўзлар «дарҳол прокурорга хабар қилинади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

76-модданинг олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юқумли касалликларга чалинган ва стационар даволанишда бўлган маҳкумларга учрашувлар шифокор рухсати билан берилади»;

77-модда: биринчи қисмидаги «бундай сўзлашувлар муассаса маъмурияти назорати остида ўтказилади ва уларнинг ҳақи маҳкумнинг шахсий ҳисоб-варағидан тўланади» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

➔ Умумий, қаттиқ, махсус тартибли колонияларда, тарбия колонияларида, турмаларда ва маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналарда жазони ўтаётган маҳкумларнинг телефон орқали сўзлашувлари муассаса маъмурияти назорати остида ўтказилади ҳамда уларнинг ҳақи маҳкумнинг шахсий ҳисобварағидан тўланади;

85-модда: биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга организмнинг энергияга ва озуқавий моддаларга бўлган физиологик эҳтиёжини таъминлайдиган овқат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда республика бюджети ҳисобидан берилади, бундан манзил-колонияларда жазони ўтаётганлар мустасно.

қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

Манзил-колонияларда жазони ўтаётган ҳомиладор аёлларга ва эмизикли оналарга ишдан озод этилган даврида республика бюджети ҳисобидан овқат берилади.

Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, касаллиги туфайли ёки интизомий бўлинмага киритилиб ишдан озод қилинган маҳкумларга манзил-колонияларнинг корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳисобидан овқат берилиб, овқатнинг қиймати кейинчалик маҳкумларнинг ойлик иш ҳақидан ушлаб қолинади.

### **3-савол. Маҳкумларни даволаш-профилактика таъминоти.**

Жазони ижро этиш муассасаларида яшаш учун мўлжалланган қисмида яшаш уйларида овқатланиш хонаси, дам олиш хонаси, шифохона, ўқиш ва касб-ҳунар ўргатиш хоналари, дўкон, клуб, кир ювиш ва ҳаммом, кутиш ва учрашув хоналари, кир қуриши хонаси, кийим-бош ва пойабзалларни таъмирлаш хоналари, маҳкумларнинг штаблари, камера типидagi хоналари, назорат қилиш ва ўтказиш жойлари, ёз мавсумларида маҳкумларнинг саф тортиши, спорт билан шуғулланиши ва тарбиявий тадбирларни ўтказиш майдони, ибодат қилиш учун мўлжалланган хоналари ва бошқа иншоотлар бўлиши шарт. Маҳкумларни яшаш уйларида ювиниш, хожатхоналар, аёллар колонияларида гигиена хоналаридан иборат бўлади.

Қишки мавсумда маҳкумлар яшаш жойлари иситилиб, ҳарорат 18-20 даража бўлиши таъминланади. Ҳар бир маҳкум ўзи билан совун, тиш чўткаси, тиш пастаси, тароқ, рўмолча, ручка, китоб ва дафтар сақлашлари мумкин.

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларга қуйидаги йуналишларда тиббий-санитария хизмати кўрсатилади:

Маҳкумларга тиббий-санитария хизмати кўрсатишда тиббий фаолиятнинг тегишли тури, ҳажми ва амалга оширишда керак бўладиган моддий-техник базаси, тиббиёт асбоб-ускуналари ва бошқа техника воситалари ҳамда тиббиёт анжомларидан фойдаланилади.

### **4-савол. Тиббий бўлим ишини ташкиллаштириш, унинг жиҳозланиши ва асбоб ускуналар билан таъминланиши.**

Жазони ижро этиш муассасаларида назорат-ўтказиш пункти биноси ёки унинг ёнида қисқа ва узоқ муддатли учрашувлар ўтказиш, посилка ва йўқловлар бериш, телефон орқали сўзлашувни олиб бориш учун хоналар бир-биридан алоҳида, шунингдек, муассаса худудига кириб келаётган шахсларни ҳамда уларнинг буюмларини кўздан кечириш учун мўлжалланган

бино мавжуд бўлади. Бундан ташқари, маҳкумларни тинтув қилиш жойлари назорат майдончаси яқинида ҳамда турар-жой ва ёнма-ён бўлган ишлаб чиқариш зоналари ўртасидаги ички назорат ўтказиш пункти қурилиб, маъмурий бино колония худудидан ташқарида жойлашган бўлади.

Маҳкумлар турар жойларидаги шароит ҳақида тўхталадиган бўлсак, уларга алоҳида каравот, кўрпа-ёстик, икки кишига битта тумбочка, стол билан таъминланади. Ҳар бир каравотнинг оёқ тарафига маҳкум ҳақидаги маълумотлар ёзилган белгилар осиб қўйилади. Ҳафтада камида бир марта маҳкумлар ҳаммомга туширилиб, ўрин-кўрпа жилдлари алмаштирилади. Муассасада тозалик маҳкумларнинг бепул ёрдамларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Маҳкумлар учун зарур турар-жой ва маиший шароитлар яратилади. Йилнинг совуқ мавсумида жазони ижро этши муассасаларнинг турар жойларида ҳарорат цельсий бўйича +18-20 даражада сақлаб турилади.

Жиноят-ижроия кодексининг 84-моддаси озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг яшаш жойи ҳақида фикр юритилган. Унда айтилишича, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақлаш шароитига қараб умумий турар жойларда, хоналарда ёки камераларда яшайдилар.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Маҳкумларга тиббий хизмат кўрсатиш асослари ва тартиби мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Маҳкумлар тиббий санитария таъминоти, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш.
2. Тиббий бўлимларнинг ЖИЭМда сақланаётган шахсларга даволаш-профилактика тадбирларини ўтказиш асосий вазифалари.
3. Соғлиқни сақлаш ходимлари вазифасига тааллуқли бўлган врачларга тегишли Тиббиёт Этикаси Тамойилларини ўрганиш ва муҳокама қилиш.
4. Маҳкумлар тиббий хизматига оид ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби.

## 6-мавзу: Маҳкумларга тиббий хизмат кўрсатиш асослари ва тартиби.


Семинар машғулот (2 соат).

### Семинар машғулот.

Ушбу амалий машғулоти «*Блиц-сўров*» интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Блиц-сўров» (инглизча «блиц» – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда ушбу методни қўллаш қуйидагича кечади:



### Ўқув машғулотнинг саволлари:

1. Маҳкумлар тиббий санитария таъминоти, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш.
2. Тиббий бўлимларнинг ЖИЭМда сақланаётган шахсларга даволаш-профилактика тадбирларини ўтказиш асосий вазифалари.
3. Соғлиқни сақлаш ходимлари вазифасига тааллуқли бўлган врачларга тегишли Тиббиёт Этикаси Тамойилларини ўрганиш ва муҳокама қилиш.
4. Маҳкумлар тиббий хизматига оид ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби.



**7-мавзу: Маҳкумларни айрим касалликларда даволашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши.**

Маъруза машғулот (2 соат).

**Режа:**

1-савол. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг асослари ва уларни тайинлаш.

2-савол. Айрим касалликларда даволаш-профилактика тадбирлари.

**1-савол. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг асослари ва уларни тайинлаш.**

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг тиббий-санитария таъминоти – жазони ижро этишнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Жазони ижро этиш муассасаларидаги бундай таъминот Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида белгиланган конституциявий нормалардан келиб чиқади. Жиноят-ижроия қонунчилиги маҳкумларга тиббий-санитария хизмати кўрсатишнинг фақат умумий қоидалари ва йўналишлари кўрсатилган (ЎзР ЖИК 87-моддаси). Маҳкумларга бевосита тиббий-санитария хизмати кўрсатиш соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунлар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг ҳамкорликдаги буйруқлари асосида ташкиллаштирилади.

*Ҳар бир жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти таркибида маҳкумларга тиббий-санитария хизматини кўрсатувчи махсус тиббий бўлим (қисм)лар ташкил этилади.*

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни моддий-маиший таъминлашни ҳуқуқий тартибга солиш халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Жиноят-ижроия кодекси, “Жиноят ишини юритиш чоғида қамокда сақлаш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг норматив ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**ЖИЭМда сақланаётган маҳкумларни мажбурий даволаш бўйича асосий вазифалар.**

*Маҳкумларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини амалга ошириш.*

Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус даволаш-олдини олиш муассасаларида меҳнатга муқаррар жалб этиш орқали, касал даволанишга ётқизилган кундан бошлаб **беш кун ичида**, даволаш муассасасининг комиссияси томонидан мажбурий даволаш белгиланади. Даволаниш муддати бир ярим йилдан ошмаслиги лозим.

Мажбурий даволаш жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган, ёхуд аҳолининг осойишталигига, саломатлигига ва

маънавиятига хавф туғдираётган сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка мубтало бўлган беморларга нисбатан қўлланади.

Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка мубтало бўлган шахсни мажбурий даволашга юбориш, уларга нисбатан тиббий хулоса бўлган тақдирда:

- ички ишлар идоралари томонидан;
- беморнинг оила аъзолари ёхуд қариндошларининг аризасига кўра;
- меҳнат жамоаларининг ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларининг илтимосномалари асосида ҳужжатлар тайёрланади ва расмийлаштирилади.

Қонунда беморни ўз ташаббусига кўра ҳам сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликдан даволаш учун мажбурий даволашга юбориш белгиланган.

Вафот этган касал ҳақида руҳий шифохона маъмурияти бу ҳақда зудлик билан марҳумнинг яқин қариндошларидан бирига телеграф орқали хабар қилади. Беморнинг жасадини олиш ҳақида қариндошларига 24 соат ичида шифохона маъмурияти хабардор қилишлари, агар улар хоҳиш билдирмасалар, хабарнома берилгандан кейин шифохона маъмурияти ўзи 48 соат ўтгач марҳумни Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 10 ноябрдаги “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Қонуни 12-моддасига биноан дафн этадилар.

1. Айрим касалликларда даволаш-профилактика тадбирлари.

2. Бириктирилган контингентни соғлиғини ва тиббиёт хизмати фаолиятини статистик таҳлили.

## **2-савол. Айрим касалликларда даволаш-профилактика тадбирлари.**

Барча фуқаролар каби маҳкумларнинг ҳам соғлиғи ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этилади.

Ҳар бир жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти таркибида маҳкумларга тиббий-санитария хизматини кўрсатувчи махсус тиббий бўлим (қисм)лар ташкил этилади.

Жазони ижро этиш муассасасига етиб келган ҳар бир маҳкум тиббий кўриқдан ўтказилади ва маҳкум тергов ҳибсхонасида бўлган пайти очилган тиббий амбулатория варағи (тиббий китобча)га бу ҳақда қайд этиб қўйилади. Ушбу тиббий амбулатория варағи маҳкум жазо муддатини ўтаб бўлгунга қадар муассаса тиббий бўлимида сақланади ва унда маҳкумнинг касаллиги ҳамда уни даволаш бўйича олиб борилган муолажалар, тиббий эмлашлар ҳақидаги барча маълумотлар қайд этиб борилади.

Жазони ижро этиш муассасаларининг маъмурияти маҳкумларга тиббий хизмат кўрсатиш билан бир қаторда, *маҳкумларга етказилган турли хил тан жароҳатларига алоҳида эътибор қаратишлари* лозим. Чунки озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкум жазони ижро этиш муассасасида *тан жароҳатлари олганда жазони ижро этиши*

муассасаларининг тиббий ходимлари томонидан ёрдам кўрсатилиши ва кечиктирмасдан тиббий гувоҳлантириши ўтказилиши шарт. Тиббий гувоҳлантириш натижалари белгиланган тартибда қайд этилади ва жабрланувчига маълум қилинади. Тиббий гувоҳлантириш жазони ижро этиш муассасаси бошлиғининг ёхуд жинойт ишини юритаётган мансабдор шахс ёки органнинг шахсий ташаббусига ёки маҳкумнинг ҳимоячисини илтимосига кўра чиқарилган қарор асосида давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасалари ходимлари томонидан амалга оширилади.

### **Бириктирилган контингентни соғлиғини ва тиббиёт хизмати фаолиятини статистик таҳлили.**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақлаш шароитига қараб умумий турар жойларда, хоналарда ёки камераларда яшайдилар.

Бир маҳкумга тўғри келадиган яшаш майдони нормаси қуйидаги миқдордан кам бўлиши мумкин эмас:

- умумий турар жойларда - икки квадрат метр;
- тергов ҳибсхоналари ва турмаларнинг умумий камераларида - икки ярим квадрат метр;
- аёллар ва вояга етмаганлар сақланадиган колониялардаги умумий турар жойларда - уч квадрат метр;
- бемор маҳкумлар сақланадиган палаталарда - тўрт квадрат метр;
- интизомий бўлинмаларнинг камераларида ҳамда соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқидан фойдаланаётган маҳкумлар яшаши учун, шунингдек жазони манзил-колонияларда ўтаётган шахслар учун мўлжалланган хона типигаги турар жойларда – тўрт ярим квадрат метр.

Маҳкумларга ётиш учун алоҳида жой, кўрпа-тўшак, чойшаб ва керакли инвентар берилади.

Маҳкумлар учун зарур турар-жой ва маиший шароитлар яратилади. Йилнинг совуқ мавсумида жазони ижро этиш муассасаларнинг турар жойларида ҳарорат цельсий бўйича +18-20 даражада сақлаб турилади.

Жинойт-ижроия кодексининг 84-моддаси озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг яшаш жойи ҳақида фикр юритилган. Унда айтилишича, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақлаш шароитига қараб умумий турар жойларда, хоналарда ёки камераларда яшайдилар.

Бир маҳкумга тўғри келадиган яшаш майдони нормаси қуйидаги миқдордан кам бўлиши мумкин эмас:

- умумий турар жойларда-икки квадрат метр;
- тергов ҳибсхоналари ва турмаларнинг умумий камераларида икки ярим квадрат метр;
- аёллар ва вояга етмаганлар сақланадиган колониялардаги умумий турар жойларда-уч квадрат метр;
- бемор маҳкумлар сақланадиган палаталарда-тўрт квадрат метр;

■ интизомий булинмаларнинг камераларида ҳамда соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқидан фойдаланаётган маҳкумлар яшаши учун, шунингдек жазони манзил-колонияларда ўтаётган шахслар учун мўлжалланган хона типигаги турар жойларда-тўрт ярим квадрат метр.

Жазони ижро этиш муассасасига етиб келган шахслар (эркаклар учун бош ва энгақда мавжуд соч, соқол-мўйлов, қўлтиқ ости ва ҳоказоларни қириш ишларини ўз ичига олган) комплекс санитария ишловидан ўтказилади. Бундай ишлов ҳар ойда камида бир марта такрорланади. Ҳар етти кунда камида бир мартаба маҳкумларга ички кийим, кўрпа-ёстик жилдлари ва чойшабни алмаштирган ҳолда, ҳаммом ташкил этилади.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Маҳкумларни айрим касалликларда даволашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши асослари мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг тайинлаш асосларини ўзлаштириш ва шарҳини конспектлаштириш.

2. Маҳкумлар тиббий хизматига оид ҳужжатлардан намуна олиб расмийлаштириш тартибини ўрганиш.


## 7-Мавзу: Маҳкумларни айрим касалликларда даволашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши.

Семинар машғулот (2 соат).

### Семинар машғулот.

Ушбу ўқув машғулотини “Давра суҳбати” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган саволлар юзасидан тингловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.



“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир тингловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида ўқитувчи мавзунини бошлаб беради ва

тингловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар.

Сўзлаётган тингловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса тингловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

### Ўқув машғулотнинг саволлари:

1. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг тайинлаш асосларини ўзлаштириш ва шарҳини конспектлаштириш.

2. Маҳкумлар тиббий хизматига оид ҳужжатлардан намуна олиб расмийлаштириш тартибини ўрганиш.

## **8-Мавзу: Маҳкумлар шахсий хавфсизлиги ҳуқуқини таъминлаш ва уларнинг устидан назоратни ташкил этиш.**

Маъруза машғулот (2 соат).

### **Режа:**

1-савол. Маҳкумлар шахсий хавфсизлиги ҳуқуқини таъминлаш. Маҳкумлар устидан назоратини ташкил этиш.

2-савол. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг кўриқланиши.

### **1-савол. Маҳкумлар шахсий хавфсизлиги ҳуқуқини таъминлаш. Маҳкумлар устидан назоратини ташкил этиш.**

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни кўриқлаш - ҳарбий тадбирлардан бўлиб, тезкор-тартибот (тезкор-режим) нақлиёт-техник ва тарбиявий таъсир чораларни ҳам ўз ичига олади. Бу тадбирлар жазони ижро этувчи муассасалар маъмурияти томонидан Ички ишлар вазирлиги қоровул кўшинлари билан ҳамкорликда амалга оширилади. Жанговор хизмат вазифасини бажаришда шахсий таркиб қуроллар, жанговор ва махсус техникалар, нақлиёт-техник воситалари, алоқа воситалари, транспорт воситалари, хизмат итлари ва махсус воситалардан фойдаланади.

Жазони ижро этиш муассасаларининг ҳудуди ва унинг чегарасида муассаса ходимлари томонидан хизмат олиб боришни ташкиллаштириш, яъни маҳкумлар хулқ-атвори устидан назорат қилиш, муассасани кўриқлаш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия қонунлари ҳамда меъёрий ҳужжатлари, шунингдек Ички ишлар вазирлиги Қоровул кўшинлари Низоми асосида амалга оширилади.

Озодликдан маҳрум қилиш ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этувчи жазони ижро этиш колонияларида маҳкумларни кўриқлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қоровул кўшинлари тузилмаларига юклатилган.

### **Маҳкумларни назорат қилишда ҳарбий назоратчилар ва муассаса ходимларининг мажбурият ва вазифалари.**

Жазони ижро этиш жойлари ходимларининг маҳкумлар билан боғлиқ ишлари ниҳоятда маънавий, жисмоний зўриқиш, баъзида эса шахсий хавфсизлигига таҳдид билан тўқнашишдан иборат. Кўрилаётган чоралардан қатъий назар, маҳкумлар томонидан ходимларга нисбатан тажаввузкор хулқнинг пайдо бўлиши, улардан гаровга олиш, ҳужум қилиш ва бошқа зўравонлик ҳаракатларини содир этилиши хавфи сақланиб қолаверади.

Шунинг учун жазони ижро этиш муассаса ва органлар ходимларининг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, маҳкумлар томонидан шахс дахлсизлигига жиноий ёки бошқа суиқасд қилишларни олдини олиш долзарб аҳамият касб этади.

## **2-савол. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг кўриқланиши.**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни батамом ажратиб қўйиш ва кўриқлаш, шунингдек улар сақланадиган ва меҳнат қиладиган объектларни кўриқлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларида ажратиб қўйиш ва кўриқлаш билан боғлиқ бўлган муҳим режим талабларини бир мунча аниқлаштиради.

Маҳкумларни батамом ажратиш билан боғлиқ режим талаби маҳкумларни суднинг қонуний кучга кирган ҳукми асосида жазони ижро этиш муассасасига жойлаштириш билан таъминланади ва уларни бошқа фуқаролардан фарқли равишда ҳуқуқлари чекланган ҳолда ажратиб қўйилишида ифодаланади. Ажратиб қўйишнинг жиддийлиги жазони ижро этиш муассасаси тури ва унда белгиланган режимга боғлиқ. Маҳкумларни бошқалардан ажратиб қўйишга кўпроқ турмаларда, махсус тартибли колонияларда эришилади, манзил-колонияларида қуролланган соқчиларнинг йўқлиги туфайли маҳкумларни ажратиб қўйиш тартиби турма ва махсус тартибли коллонияларга нисбатан камроқ.

Жазони ижро этиш муассасаларини бир-биридан жиддий равишда фарқлайди, шунингдек маҳкумнинг ёши (воёга етмаганлар тарбия коллонияларида), жинси, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳам уларни ажратган ҳолда сақлаш даражасига таъсир қиладди. Шунингдек, ажратилганлик даражасига маҳкумнинг интизомий бўлимга жойлаштирилиши ҳам таъсир қиладди.

### **Жазони ижро этиш муассасаларида қўйиладиган постлар. ЖИЭМ навбатчилик хизмати таркиби.**

Муассаса ҳудуди бир-бирини алмаштириб турувчи 4та навбатчилик хизмати томонидан кўриқланади. Муассаса ҳудуди ва унинг чегарасини назорат қилиш ва кўриқлаш учун қўйиладиган постлар ва уларда хизмат олиб борувчи шахсий таркиб сони Ўзбекистон Республикаси Жазони ижро этиш Бош бошқармаси томонидан тасдиқланадиган пост табели бўйича ўрнатилади.

Пост табеллари 2 (икки) нусхада тузилади ва унинг биринчи нусхаси жазони ижро этиш муассасаларида, иккинчи нусхаси эса Жазони ижро этиш Бош бошқармасида сақланади.

Жазони ижро этиш муассасаларидаги навбатчилар ва назоратчилар сони эса ҳар бир муассасадаги постлар сони, кўриқлаш тизимига қараб ўрнатилади. Ходимларнинг хизмат фаолиятини ташкил этиш, постларга қўйиладиган ходимлар сонини белгилашда, албатта, муассасада сақланаётган маҳкумлар лимити ҳам инобатга олинади.

Муассаса ҳудудини кўриқлаш учун қўйиладиган ички ва ташқи постлар у ердаги муайян аҳволдан келиб чиққан ҳолда бир суткалик

(круглосуточный), ярим кунлик (полусуточный, яъни 12 соатлик), ёки сутканинг учдан бир қисмига тенглаштирилган (8 соатга) вақт миқдорида бўлиши мумкин. Ҳар бир пост учун тартиб рақами белгиланади, масалан: 1, 2, 3 ва ҳ.з.лар ҳамда пост табелида ҳар бир постдаги ходим томонидан нимани қўриқлаш ва назорат қилиш аниқ қилиб белгилаб қўйилади.

Жазони ижро этиш муассасалари учун қўриқлаш ва назорат қилиш учун қўйидаги тартибда *ички* ва *ташқи* постлар ўрнатилади ва уларда ходимлар томонидан хизмат олиб бориш ташкиллаштирилади.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Маҳкумлар шахсий хавфсизлиги ҳуқуқини таъминлаш ва уларнинг устидан назоратни ташкил этиш мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг тайинлаш асосларини ўзлаштириш ва шарҳини конспектлаштириш.

2. Маҳкумлар тиббий хизматига оид ҳужжатлардан намуна олиб расмийлаштириш тартибини ўрганиш.




## 8-Мавзу: Маҳкумлар шахсий хавфсизлиги ҳуқуқини таъминлаш ва уларнинг устидан назоратни ташкил этиш.

Семинар машғулот (2 соат).

### Семинар машғулот.

Ушбу ўқув машғулотини “Давра суҳбати” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган саволлар юзасидан тингловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.



“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир тингловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида ўқитувчи мавзунини бошлаб беради ва

тингловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар.

Сўзлаётган тингловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса тингловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

### Гуруҳларга топшириқлар:

**1-гуруҳга топшириқ.** Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг тайинлаш асосларини ўзлаштириш ва шарҳини конспектлаштириш.

**2-гуруҳга топшириқ.** Маҳкумлар тиббий хизматига оид ҳужжатлардан намуна олиб расмийлаштириш тартибини ўрганиш.

**ИЗОХ:** Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир гуруҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамага келинади.

## **9-Мавзу: Маҳкумларни ахлоқан тузатиш тушунчаси ва унинг асосий йўналишлари.**

Маъруза машғулот (2 соат).

### **Режа:**

1-савол. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг ахлоқан тузатиш тушунчаси ва унинг асосий воситалари.

2-савол. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг ахлоқан тузатиш асосий воситаларини ҳуқуқий тартибга солиш, ички тартиб-қоидалар ва тартибот самарадорлигини ошириш.

### **1-савол. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг ахлоқан тузатиш тушунчаси ва унинг асосий воситалари.**

Жиноят-ижроия ҳуқуқи мустақил фан сифатида ўрганилиб, ўзининг принципларига (ЖИКнинг 6-моддаси) ҳам эга, жумладан, қонунийлик, адолат, инсонпарварлик, демократизам, жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш, мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш ва маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш принципларига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 7-моддасида режим маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаси ва жазодан кўзланган мақсадга эришиш учун жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби сифатида берилган (ЖИК 62-м.).

Жазони ижро этиш ва ўташ тартиби (режими) махсус адабиётларда юридик ва педагогик нуқтаи назардан кўриб чиқилади. Юридик нуқтаи назардан олиб қаралганда режим – жазони ижро этиш ва ўташнинг жиноят-ижроия ҳуқуқи нормалари томонидан белгиланган тартиби ва бу нормаларга риоя этиш ёки риоя этмаслик натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатдир.

Педагогик нуқтаи назардан *режим* тарбия воситаси бўлиб, у маҳкумнинг онгига шундай таъсир кўрсатиш билан боғлиқки, унга кўра маҳкум жамият учун зарарли бўлган қарашлари ва одатларини ташлаши лозим. Шунинг учун ҳам режимни ҳуқуқий тартибга солиш маълум маънода педагогик вазифаларга ҳам бўйсундирилган.

### **Жазони ижро этиш муассасаларида режимнинг моҳияти ва унинг асосий талаблари.**

Жазони ижро этиш муассасасида ички тартиб қоидаларнинг ўзига хос хусусиятлари деганда, Биз асосан, жазо самарадорлигини ошириш ва ижросини таъминлаш мақсадида, жазони ижро этувчи органлар ёки муассасаларнинг вазиятлари ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда жазони ижро этиш муассасаларнинг ички тартиби қоидалари белгиланишини тушунамиз. Ички тартиб қоидаларда хусусан жазони ижро этиш билан

боғлиқ бўлган ташкилий техник муаммолари белгиланган бўлиб, ушбу нормалар Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг норматив ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этувчи муассасаларнинг ички тартиб қоидалари 15та боб, 83та параграф, 431та банддан иборат.

Биринчи боб умумий қоидалар деб юритилади ва унда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этувчи муассасаларнинг ички тартиб қоидалари жазони ижро этувчи муассасалар турлари ва уларни ташкил этиш ҳамда тугатиш, яшаш майдони ва жазони ижро этувчи муассасаларнинг тўлдириш лимити, жазони ижро этувчи муассасаларнинг текшириш ва юридик мақоми белгиланган.

Жумладан, жазони ижро этувчи муассасаларни текшириш ҳуқуқига, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ бошлиғи, унинг ўринбосарлари шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВнинг, вилоятлар ИИБларнинг бошлиқлари (бўйсунувчи муассасаларда) эгадирлар.

**2-савол. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг ахлоқан тузатиш асосий воситаларини ҳуқуқий тартибга солиш, ички тартиб-қоидалар ва тартибот самарадорлигини ошириш.**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 7-моддасида режим маҳкуми ахлоқан тузатишнинг асосий воситаси ва жазодан кўзланган мақсадга эришиш учун жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби сифатида берилган (ЖИК 62-м.).

Озодликдан маҳрум этиш жойларида режимнинг қандай бўлиши ва унинг асосий талабларини белгилашда *биринчидан*, жазонинг муайян тури (хукмда қамоқ ёки озодликдан маҳрум этиш жазоси, шу жумладан турмага қамаш тариқасидаги ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони кўрсатилиши) билан боғлиқ бўлса, *иккинчидан*, жазони ижро этиш колонияларининг тартиб турига ҳам бевосита боғлиқдир (масалан, манзил-колония, умумий, қаттиқ, махсус тартибли колониялар ёки турма).

Шундай қилиб, режим – жазони ижро этиш ва ўташнинг жиноят-ижроия қонунчилиги ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар томонидан белгиланган тартибидир. Ушбу тартибга риоя этиш ёки этмаслик натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибат эса озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумнинг сақлаш шароитини енгилаштириши ёки оғирлаштириши ва айни вақтда, унинг ҳуқуқий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

**Интизомий жазо чораларини қўллашга ваколатли мансабдор шахслар.**

Жазони ижро этиш муассасаларида режим талабларига қатъий риоя қилиниши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг гаровидир. Кейинги йилларда жиноят-ижроия тизимини инсон ҳуқуқларини таъминлаш

борасидаги халқаро ҳужжатларга мувофиқлаштириш мақсадида ислоҳ қилишга қаратилган бир қатор қонунлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди. Илгари амалда бўлган ёзишмаларни чеклаш бекор қилинди, маҳкумларнинг қариндошлари билан учрашувлари сони кўпайтирилди. Панжара ортига тушиб қолган одамда қоунга итоаткор хулқ-атвор учун сезиларли рағбатлар пайдо бўлди. Масалан, ҳар йили Президент фармонлари билан байрам кунлари арафасида маҳкумларни амнистия қилиш амалга оширилмоқда. Бу акт кўплаб маҳкумларга нисбатан қўлланилмоқда. Режимни ташкил қилиш в таъминлашда режим хизматлари муҳим роль ўйнамоқда. Режимни таъминлаш тартиби ЖИК ва бошқа идоравий ҳужжатларда белгиланган (масалан ИИВ буйруқларида).

#### **Муассасаларнинг режим хизматларига қуйидаги вазифалар юклатилган:**

■ ИИВ қоровул қўшинлари тузилмалари билан биргаликда маҳкумларни назорат қилиш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келадиган сабабларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш; тарбиявий иш бўлими билан биргаликда маҳкумларга жиноят-ижроия ҳуқуқи ва ички кун тартиби талабларини тушунтириш;

■ ИИВ қоровул қўшинларининг қўмондонлиги билан ҳамкорликда энг самарали назорат учун назоратчилар постини қўйиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни киритиш;

■ маҳкумларнинг кун тартибини ташкил қилиш, уларни текшириш, ишга олиб чиқиш ва олиб келиш; муассасадаги ўтказиш режимини назорат қилишни таъминлаш;

■ муассасанинг интизомий бўлинмасида маҳкумлар сақланишини назорат қилиш;

■ маҳкумлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш санкцияси билан ишлаш.

#### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Маҳкумларни ахлоқан тузатиш тушунчаси ва унинг асосий йўналишлари мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

#### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг ахлоқан тузатиш тушунчаси ва унинг асосий воситалари.

2. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг ахлоқан тузатиш асосий воситаларини ҳуқуқий тартибга солиш, ички тартиб-қоидалар ва тартибот самарадорлигини ошириш.


## 9-мавзу: Маҳкумларни ахлоқан тузатиш тушунчаси ва унинг асосий йўналишлари.

Семинар машғулоти (2 соат).

### Семинар машғулоти.

Ушбу ўқув машғулоти **“Давра суҳбати”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган саволлар юзасидан тингловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.



“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир тингловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида ўқитувчи мавзунини бошлаб беради ва

тингловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар.

Сўзлаётган тингловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса тингловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

### Гуруҳларга топшириқлар:

**1-гуруҳга топшириқ.** Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг ахлоқан тузатиш тушунчаси ва унинг асосий воситалари.

**2-гуруҳга топшириқ** Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг ахлоқан тузатиш асосий воситаларини ҳуқуқий тартибга солиш, ички тартиб-қоидалар ва тартибот самарадорлигини ошириш.

**ИЗОХ:** Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир гуруҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамага келинади.

## 10-мавзу. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида режим.

Маъруза машғулот (2 соат).

### РЕЖА:

1-савол. Режимнинг асосий талаблари.

2-савол. Хавфсизлик чораларини қўллаш асослари ва тартиби.

3-савол. Маҳкумларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш. Тинчлантириш қўйлагини қўллаш. Махсус воситаларни ишлатиш. Ўқотар қурол қўллаш тартиби.

### 1-савол. Режимнинг асосий талаблари.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 7-моддасида режим маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаси ва жазодан кўзланган мақсадга эришиш учун жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби сифатида берилган (ЖИК 62-м.).

Озодликдан маҳрум этиш жойларида режимнинг қандай бўлиши ва унинг асосий талабларини белгилашда *биринчидан*, жазонинг муайян тури (хукмда қамоқ ёки озодликдан маҳрум этиш жазоси, шу жумладан турмага қамаш тариқасидаги ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони кўрсатилиши) билан боғлиқ бўлса, *иккинчидан*, жазони ижро этиш колонияларининг тартиб турига ҳам бевосита боғлиқдир (масалан, манзил-колония, умумий, қаттиқ, махсус тартибли колониялар ёки турма).

Жазони ижро этиш ва ўташ тартиби (режими) махсус адабиётларда юридик ва педагогик нуқтаи назардан кўриб чиқилади. Россиялик ҳуқуқшунос олим С.И. Кургановнинг фикрича, режим – жазони ижро этиш ва ўташнинг амалдаги қонун ва қонуности нормалари томонидан белгиланган тартибидир<sup>1</sup>.



Режим орқали жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларга нисбатан жазолаш, тарбиялаш ва шу каби бир қанча функциялар ҳам амалга оширилади. Айни вақтда, режим кўрсатиб ўтилган функцияларни бажариш билан биргаликда, маҳкумларга нисбатан баъзи бир ҳуқуқий чеклашларни вужудга келтиради ва бу айнан жазолашда намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, режим талаблари фақат маҳкумлардан эмас, балки муассасада фаолият кўрсатаётган барча ходимлар, ишчи ва хизматчилардан ҳам жиноят-ижроия қонунчилигига ва ўрнатилган ички тартиб қоидаларига риоя этишни талаб қилиш орқали турли қонунчилик ва хизмат интизомини бузилиши ҳолатларининг олдини олиш функциясини бажаради.

<sup>1</sup>Қаранг: Курганов С.И. Уголовно-исполнительное право. – М., 2004. – С. 70.

Режим маҳкумларга ахлоқан тузатишнинг бошқа асосий воситаларини (тарбиявий иш, ижтимоий фойдали меҳнат, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва касб тайёргарлиги, жамоатчилик таъсирини) қўллаш учун ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратади ва албатта, озодликдан маҳрум этиш жойларида етарлича тартиб бўлмаса, бу чоралардан бирортаси ҳам самара бермайди. Бунда режимнинг таъминловчи функцияси намоён бўлади.

Шундай қилиб, режим – жазони ижро этиш ва ўташнинг жиноят-ижроия қонунчилиги ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар томонидан белгиланган тартибидир. Ушбу тартибга риоя этиш ёки этмаслик натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибат эса озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумнинг сақлаш шароитини енгиллаштириши ёки оғирлаштириши ва айни вақтда, унинг ҳуқуқий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ тартиби, яъни режимнинг аҳамияти амалиётда жуда каттадир. Айнан маҳкумлар ахлоқини тузатишнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланган режим орқали жазони ўташ жойларида маҳкумлар ва муассаса ходимларининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш (ЖИК 11-м.), маҳкумларни турли тоифаларга ажратган ҳолда сақлаш (ЖИК 58-м.), уларни ўрнатилган тартибдаги намунавий қийим-бошда юриши, қуролланган соқчилар томонидан қўриқланиши, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни яшаш, мажбурий меҳнатга жалб этиш, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар, ўқотар қуролларни қўллаш, тинчлантириш қўйлагини кийдириш, жазони ижро этиш муассасаларида қайси ҳолатларда алоҳида ҳолатни жорий этиш, маҳкумларнинг учрашувлари, телефон орқали сўзлашувлари ва бошқа шу каби чоратadbирларни ўтказиш тартиби белгилаб берилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 62-моддасида кўрсатилишича, жазони ижро этувчи муассасаларда режим жазодан кўзланган мақсадга эришиш учун белгиланади ва қуйидагиларни таъминлайди:

- ❖ маҳкумларни батамом ажратиб қўйиш, уларни қўриқлаш ва назорат қилиб туришни;
- ❖ маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш, шунингдек, уларнинг ўз мажбуриятларини адо этишини;
- ❖ муайян тоифадаги маҳкумларни алоҳида-алоҳида сақлашни;
- ❖ муассаса турига қараб маҳкумларни ҳар хил шароитда сақлашни;
- ❖ маҳкумларнинг ва муассаса ходимларининг хавфсизлигини таъминлаш.

Режим талаблари жазони ўташ жойларидаги барча маҳкумлар тоифаси учун бир хил бўлса-да, бироқ қонунчиликда баъзи ҳолатларда шахснинг соғлиғи, ёши, жинси ёки жазонинг қонунда белгиланган маълум бир муддатини ўтаган ёки ўтамаганлигини ҳамда ижобий хулқ-атворини эътиборга олган ҳолда маҳкумларга енгилликлар берилиши мумкин. Масалан, маҳкумни жазонинг маълум бир муддатини ўтагандан кейин уни

енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилиши ёки айрим тоифадаги маҳкумлар (маҳкума ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар) учун қўшимча ҳуқуқлар (ЖИК 130–133-м.) берилиши шулар жумласидандир.

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар, муассаса ходимлари ва бошқа шахслар хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек маҳкумлар томонидан мазкур муассасага етиб келгунга қадар содир этган, лекин жавобгарликка тортилмай қолган жиноятларни аниқлаш ва фош этиш; белгиланган сақлаш режимини бузиш ҳолларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, жазони ижро этиш муассасаларида содир этилган жиноятларни фош этиш, озодликдан маҳрум этиш жойларидан қочган маҳкумларни қидириб топиш ва бошқа жиноятларни фош этиш мақсадида тезкор-қидирув фаолияти муассаса тезкор хизматлар ходимлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади (ЖИК 68-м.).



Табиий офат рўй берган, жазони ижро этиш муассасаси жойлашган ерда фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат жорий этилган тақдирда, уруш даври мобайнида, маҳкумлар томонидан гуруҳ бўлиб бўйсунмаслик, шунингдек оммавий тартибсизлик содир этилганда Жиноят-ижроия кодексининг 74-моддасига асосан муассасаларда алоҳида ҳолат жорий этилади.

Алоҳида ҳолат Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда ўттиз суткагача бўлган муддатга жорий этилади, айрим вазиятларда алоҳида ҳолатнинг амал қилиш вақти қўшимча равишда ўттиз суткагача узайтирилиш мумкин. Ушбу муддат давомида муассасаларда қўриқлаш ва назоратнинг кучайтирилган тури, объектларга киришнинг алоҳида тартиби жорий этилади ҳамда кун тартиби ўзгартирилиши, айрим хизматларнинг фаолияти, шунингдек маҳкумларнинг айрим ҳуқуқлари чекланишига йўл қўйилади.

## **2-савол. Хавфсизлик чораларини қўллаш асослари ва тартиби.**

Жазони ижро этиш муассасаларида хавфсизлик чоралари режимнинг асосий талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Ушбу чораларга маҳкумларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш, тинчлантириш қўйлагини қўллаш, махсус воситаларни ишлатиш ва ўқотар қурол қўллашни киритишимиз мумкин.

Маҳкумлар томонидан содир этилаётган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни тўхтатиб қолиш мақсадида, шунингдек уларни ушлаш чоғида, агар бошқа усуллар билан муассаса маъмуриятининг қонуний талабларини таъминлашнинг иложи бўлмаса, маҳкумларга нисбатан



жисмоний куч ишлатилади ва бу ҳақда маҳкумлар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган ҳар бир ҳодиса юзасидан прокурорга маълум қилинади (ЖИК 69-м.). Жазавога тушган маҳкумларга нисбатан эса тинчлантириш кўйлаги тиббий ходим иштирокида, икки соатдан ошмаган муддатга қўлланилади. Тинчлантириш кўйлаги воёга етмаган маҳкумларга ва маҳкума аёлларга нисбатан ҳар қандай ҳолатда қўлланилиши қонун бўйича тақиқланади (ЖИК 70-м.).

Жиноят-ижроия кодексининг 71-моддасида маҳкумларнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларини тўхтатиш, шунингдек ўзига ўзи зарар етказишнинг олдини олиш мақсадида уларга нисбатан махсус воситалар ишлатилиши мумкинлиги кўрсатилган. Ушбу воситалар жумласига резина таёқлар, қўлкишанлар ёки бошқача боғлаш воситалари, хизмат итлари, кўздан ёш чиқарувчи моддалар, чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламалари, тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар, сув билан зарба берувчи ва зирҳли машиналар, иншоатларни очиш, транспортни мажбурий тўхтатиш мосламалари ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа воситалар киради.

#### **Улар куйидаги ҳолларда қўлланилади:**

❖ маҳкумларнинг муассаса маъмурияти вакилларига, бошқа маҳкумларга ва ўзга шахсларга ҳужумини даф этиш чоғида;

❖ маҳкумлар томонидан содир этилган оммавий тартибсизликларни, жамоат тартибини гуруҳ бўлиб бузишларни тўхтатиш, муассаса маъмуриятига ашаддий бўйсунмаётган ёки қаршилик кўрсатаётган ҳуқуқбузарларни ушлаш чоғида;

❖ гаровга олинганларни, маҳкумлар эгаллаб олган биноларни, иншоатларни, хоналарни ва транспорт воситаларини озод қилиш чоғида;

❖ маҳкумларни кўриқлаб бориш ва кўриқлаб туриш чоғида – қочишнинг олдини олиш учун;

❖ жазони ижро этиш муассасасидан қочган маҳкумларни ушлаш чоғида.

Махсус воситалар турлари, уларни ишлатиш интенсивлиги юзага келган вазият, ҳуқуқбузарлик хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг шахсини инобатга олган ҳолда белгиланади ҳамда махсус воситаларни қўллаш чоғида маҳкумларга ва бошқа шахсларга мумкин қадар кам зарар келтириши эътиборга олиниши лозим.

Қуролли қаршилик кўрсатилган ёки фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилинган ҳоллардан ташқари пайтда ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган шахсларга ҳамда ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган воёга етмаган шахсларга нисбатан махсус воситалар ишлатиш тақиқланади.

Махсус воситаларнинг қўлланилганлиги, шунингдек ушбу ҳолат натижасида маҳкумлар ва бошқа шахслар ҳаёти ҳамда соғлиғига зарар етказилган ҳар бир ҳодиса ҳақида прокурорга маълум қилинади.

Жазони ижро этиш муассасаларида алоҳида ҳолларда, агар жиноятни юқорида кўрсатилган махсус ва бошқа воситалар билан тўхтатишнинг иложи бўлмаса, энг сўнгги чора сифатида қуйидаги ҳолларда ўқотар қурол қўлланилиши мумкин:

- муассаса маъмурияти вакиллари, бошқа маҳкумларни ва ўзга шахсларни уларнинг ҳаёти ва соғлиғига аниқ таҳдид этувчи ҳужумдан ҳимоя қилиш, шунингдек қуролни қўлга киритиш мақсадида қилинган ҳужумни даф этиш чоғида;

- гаровга олинганларни, маҳкумлар эгаллаб олган биноларни, иншоотларни, хоналарни ва транспорт воситаларини озод қилиш чоғида;

- жазони ижро этиш муассасасининг қўриқланадиган объектларига, транспорт воситаларига гуруҳ бўлиб қилинган ёки қуролли ҳужумни даф этиш ёхуд маҳкумларни зўрлик билан озод қилишга уринишларни тўхтатиш чоғида;

- озодликдан маҳрум этиш жойларидан қочаётган ёки қуролли қаршилик кўрсатаётган маҳкумни ушлаш чоғида;

- маҳкумлар қочишда фойдаланаётган транспорт воситасини тўхтатиш чоғида (ЖИК 72-м.).

Ўқотар қуролни қўллашдан олдин қурол қўлланилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилади ва юқорига қараб огоҳлантирувчи ўқ узилади. Қонунда рухсат этилган қуйидаги ҳолларда ўқотар қурол огоҳлантиришсиз қўлланилиши мумкин:

- қўққисдан ҳужум қилинганда;

- қуролли ҳужумни ёки жанговар техника, транспорт воситалари, учиш аппаратлари, денгиз ва дарё кемаларидан фойдаланган ҳолда қилинган ҳужумни даф этишда;

- гаровга олинганларни озод қилишда;

- озодликдан маҳрум этиш жойларидан қурол билан, транспорт воситалари ёрдамида ёки юриб кетаётган транспорт воситаларида, тунда ёки кўриш чекланган шароитда қочилганда.

Ўқотар қурол қўлланилганда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун иложи борича барча чоралар кўрилиши зарур ва ўқотар қурол қўлланилган ҳар бир ҳодиса ҳақида дарҳол прокурорга рапорт билан ёзма равишда хабар қилинади (ЖИК 73-м.).

Юқорида билдириб ўтилган фикр ва мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, режим орқали жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларга нисбатан жазолаш, тарбиялаш ва шу каби бир қанча функциялар амалга оширилади. Айни вақтда, режим кўрсатиб ўтилган функцияларни бажариш билан биргаликда, маҳкумларга нисбатан баъзи бир

хукукий чеклашларни вужудга келтиради ва бу айнан жазолашда намоён бўлади.

Бинобарин, жазони ижро этиш муассасаларида режим талабларини сўзсиз таъминлаш мақсадида, бизнинг назаримизда, қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

❖ жазони ижро этиш муассасаси ходимларини, айниқса тартибот ва қўриқлаш хизмати ходимларининг назарий-хукукий билимларини ва амалий кўникмаларини мунтазам равишда ошириб бориш;

❖ маҳкумлар билан олиб борилаётган тарбиявий-профилактик ва тушунтириш ишлари сифатини юқори савияда ташкил этиш;

❖ жазони ижро этиш муассасаси вакиллари билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Дин ишлар бўйича қўмита, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон Муслмонлар идораси, расмий рўйхатдан ўтган диний ташкилот, маҳаллий ҳокимият, нодавлат ташкилот ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мунтазам равишда очиқ мулоқатлар, давра суҳбатлари ва маърузалар ташкил этиш мақсадида ўзаро ҳамкорлик ўрнатилиши лозим.

### **3-савол. Маҳкумларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш.**

#### **Тинчлантириш кўйлагини қўллаш. Махсус воситаларни ишлатиш.**

#### **Ўқотар қурол қўллаш тартиби.**

Маҳкумларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш ЖИКнинг 69-моддасида кўрсатиб ўтилган. Бунда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар томонидан содир этилаётган жиноятлар ва ҳукуқбузарликларни тўхтатиб қолиш мақсадида, шунингдек уларни ушлаш чоғида, агар бошқа усуллар билан муассаса маъмуриятининг қонуний талабларини таъминлашнинг иложи бўлмаса, маҳкумларга нисбатан жисмоний куч ишлатилиши мумкин. Жисмоний куч ишлатиш натижасида маҳкумлар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган ҳар бир ҳодиса ҳақида прокурорга хабар қилинади.

Маҳкумларга нисбатан улар томонидан содир этилаётган жиноятлар, ҳукуқбузарликлар ҳамда бошқа ғайрихукукий ҳаракатларни тўхтатиб қолиш, ўзига ўзи ёки атрофдагиларга зарар етказишнинг олдини олиш мақсадида, жазавага тушиш ҳоллари намоён бўлганда, шунингдек уларни ушлаш чоғида жисмоний куч ишлатиш мумкин. Бошқа усуллар билан муассаса маъмурияти вакиллари қонуний талаблари маҳкумлар томонидан бажарилишини таъминлашнинг иложи бўлмагандагина жисмоний куч ишлатилади. Жисмоний куч ишлатилганда маҳкумларга имкон қадар кам зарар келтирилиши керак. Жисмоний куч ишлатиш натижасида маҳкумларнинг ва бошқа шахсларнинг ҳаёти ҳамда соғлиғига зарар етказилган ҳар бир ҳодиса ҳақида муассаса раҳбари томонидан прокурорга хабар қилинади.

Тинчлантириш кўйлагини қўллаш ЖИКнинг 70-моддасида кўрсатиб ўтилган.

Маҳкумларга нисбатан, агар улар жазавага тушсалар, тинчлантириш кўйлагини қўллашга йўл қўйилади. Тинчлантириш кўйлаги тиббий ходим иштирокида қўлланилади ҳамда уни қўллаш муддати икки соатдан ошмаслиги керак. Тинчлантириш кўйлаги вояга етмаган маҳкумларга ва маҳкума аёлларга нисбатан қўлланилмайди.



Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига кўра маҳкумларга нисбатан улар жазавага тушсалар тинчлантириш кўйлагини қўллашга йўл қўйилади. Тинчлантириш кўйлагини қўллашга маҳкумнинг жазавага тушиши ва бебошлигини тўхтатишга қаратилган бошқа барча тадбирлар, шунингдек, унинг ўзига ва атрофдагиларга нисбатан зарар етказишини олдини олишга қаратилган тадбирлар самара бермаган тақдирдагина йўл қўйилади.

Тинчлантириш кўйлаги батамом ажратиб қўйилган жойда (интизомий бўлинмада ёки назоратчининг хонасида) фақат муассаса бошлиғи ёки унинг ўринини босувчи шахс кўрсатмаси асосида, тиббиёт ходимининг рухсати ва унинг кузатуви остида қўлланади. Жазавага тушган маҳкум тинчлантириш кўйлагида узил-кесил тинчлангунга қадар, лекин икки соатдан кўп турмаслиги керак. Тиббиёт ходимининг тиббий кўрсатмаларига кўра тинчлантириш кўйлагининг қўллаб бўлмаслиги ёки бундай кўйлакни қўллашни тўхтатиш тўғрисидаги талаби дарҳол бажарилиши керак. Тиббий кўйлак қўлланилган ҳар бир ходиса ҳақида далолатнома тузилади ва далолатнома муассаса бошлиғи ёки унинг ўрнини босувчи шахс томонидан тасдиқланади. Ушбу модданинг 3-қисмига кўра вояга етмаганлар ва ҳомиладор аёлларга нисбатан тинчлантириш кўйлагини қўллашга йўл қўйилмаслиги мустаҳкамланган.

Махсус воситаларни ишлатиш ЖИКнинг 71-моддасида маълумот тариқасида кўрсатиб ўтилган.

Маҳкумларнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларини тўхтатиш, шунингдек ўзига ўзи зарар етказишининг олдини олиш мақсадида уларга нисбатан махсус воситалар ишлатилиши мумкин. Махсус воситалар жумласига резина таёқлар, қўлкишанлар ёки бошқача боғлаш воситалари, хизмат итлари, кўздан ёш чиқарувчи моддалар,



чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламалари, тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар, сув билан зарба берувчи ва зирҳли машиналар, иншоотларни очиш, транспортни мажбурий тўхтатиш мосламалари ҳамда

қонунда назарда тутилган бошқа воситалар киради.

### Махсус воситалар қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

❖ маҳкумларнинг муассаса маъмурияти вакилларига, бошқа маҳкумларга ва ўзга шахсларга ҳужумини даф этиш чоғида;

❖ маҳкумлар томонидан содир этилган оммавий тартибсизликларни, жамоат тартибини гуруҳ бўлиб бузишларни тўхтатиш, муассаса маъмуриятига ашаддий бўйсунмаётган ёки қаршилик кўрсатаётган ҳуқуқбузарларни ушлаш чоғида;

❖ гаровга олинганларни, маҳкумлар эгаллаб олган биноларни, иншоотларни, хоналарни ва транспорт воситаларини озод қилиш чоғида; маҳкумларни қўриқлаб бориш ва қўриқлаб туриш чоғида қочишнинг олдини олиш учун;

❖ жазони ижро этиш муассасасидан қочган маҳкумларни ушлаш чоғида.

Махсус воситалар қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қўлланилиши мумкин. Махсус воситалар турлари, уларни ишлатиш интенсивлиги юзага келган вазият, ҳуқуқбузарлик хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг шахсини инобатга олган ҳолда белгиланади. Махсус воситаларни қўллаш маҳкумларга ва бошқа шахсларга мумкин қадар кам зарар келтириши лозим. Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган шахсларга ҳамда ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаган шахсларга нисбатан махсус воситалар ишлатиш тақиқланади, улар томонидан қуролли қаршилик кўрсатилган ёки фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилинган ҳоллар бундан мустасно. Махсус воситаларни қўллаш натижасида маҳкумлар ва бошқа шахслар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган ҳар бир ҳодиса ҳақида прокурорга хабар қилинади. Жазони ижро этиш муассасаларида тартибни сақлаш мақсадида маҳкумларнинг ижтимоий ҳавфи бўлган ғайриқонуний хаттиҳаракатларини тўхтатиш мақсадида ва ўзига ўзи зарар етказишини олдини олиш мақсадида уларга нисбатан махсус воситалар ишлатилиши мумкин. Махсус воситалар бошқа усуллар билан муассаса маъмурияти вакилларининг қонуний талаблари маҳкумлар томонидан бажарилишини таъминлашнинг иложи бўлмаган ҳоллардагина ишлатилади.

Шарҳланаётган моддага кўра махсус воситалар жумласига резина таёқлар, қўлкишанлар ёки бошқача боғлаш воситалари, хизмат итлари, кўздан ёш чиқарувчи моддалар, чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламалари, тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар, сув билан зарба берувчи ва зирҳли машиналар, иншоотларни очиш, транспортни мажбурий тўхтатиш мосламалари ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа воситалар киради. Махсус воситаларнинг барчаси ички сизлик шароитларидагина ишлатилади.

Ушбу модданинг 3-қисмида махсус воситаларни қўллаш учун асос бўлувчи ҳолатлар аниқ келтириб ўтилган. Улар сирасига қуйидагилар киради:

- ❖ маҳкумларнинг муассаса маъмурияти вакиллариغا, бошқа маҳкумларга ва ўзга шахсларга хужумини даф этиш чоғида;
- ❖ маҳкумлар томонидан содир этилган оммавий тартибсизликларни, жамоат тартибини гуруҳ бўлиб бузишларни тўхтатиш, муассаса маъмуриятига ашаддий бўйсунмаётган ёки қаршилик кўрсатаётган ҳуқуқбузарларни ушлаш чоғида;
- ❖ гаровга олинганларни, маҳкумлар эгаллаб олган биноларни, иншоотларни, хоналарни ва транспорт воситаларини озод қилиш чоғида;
- ❖ маҳкумларни қўриқлаб бориш ва қўриқлаб туриш чоғида қочишнинг олдини олиш учун;
- ❖ жазони ижро этиш муассасасидан қочган маҳкумларни ушлаш чоғида.

Юқорида келтириб ўтилган ҳолатлар қатъий бўлмай агар муассасадаги тартибни сақлаш зарурати сезилса бошқа ҳолларда ҳам махсус воситаларни ишлатишга йўл қўйилади. Масалан, маҳкумлар томонидан жиноят содир этилаётганда, атрофдагиларга зарар етказётганда, шунингдек маҳкум жазавага тушганда махсус воситалар ишлатилиши мумкин.

Махсус воситаларнинг турлари ва уларни ишлатиш интенсивлиги юзага келган вазият, мавжуд куч ва воситалар, ҳуқуқбузарликнинг хусусияти, ҳуқуқбузарларнинг шахси, уларнинг сони инobatга олинган ҳолда белгиланиши шарт. Сув билан зарба берувчи ва зирхли машиналар оммавий тартибсизликлар жараёнида ёки маҳкумлар томонидан бино ва иншоотлар эгаллаб олингандагина қўлланиши керак. Жиноят содир этаётган ёки жазони ижро этиш муассасасидан қочишга уринаётган шахсларни ушлашда резина таёқлар, қўлкишанлар хизмат итларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки хавфнинг даражасига қараб махсус воситаларнинг танланиши маҳкумларга ёки бошқа шахсларга имкон қадар минимал даражада зарар етказилишини таъминлашга ёрдам беради.

Юқорида келтириб ўтганимиз, махсус воситалар ҳар қандай шахсга ҳам қўлланилавермайди. Қонун чиқарувчи махсус воситаларни қўллаш мумкин бўлмаган шахслар доирасини қатъий белгилаб қўйган. Махсус воситаларни ишлатиш ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган шахсларга ҳамда ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаган шахсларга нисбатан мумкин эмас. Ҳомиладорлиги сезилиб турган аёллар деганда, унинг ташқи кўринишидан ҳомиладор эканлиги аниқ намоён бўлиши тушунилади. Гавда тузилиши катта, қорин солган аёллар, шунингдек ҳомиланинг дастлабки ойларида аёлнинг ҳомиладор эканлигини билиш қийиндир. Лекин шахсни ҳомиладорлиги ташқи кўринишидан билинмаса ҳам, бу ҳақда хабардор бўлган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳам махсус воситалар ишлатиш мумкин эмас. Ҳомиладор аёлларга нисбатан махсус воситалар фавқулотда

ҳоллардагина, яъни улар томонидан қуролли қаршилик қилинганда, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи гуруҳ бўлиб ҳужум қилинганда қўлланиши мумкин.

Махсус воситаларни ишлатиш натижасида маҳкумларнинг ва бошқа шахсларнинг соғлиғига зарар етказилган ҳар бир ҳодиса ҳақида муассаса раҳбари томонидан прокурорга маълумот берилиб, хабардор қилинади.

Ўқотар қурол қўллаш асослари ЖИКнинг 72-моддасида белгилаб қўйилган. Алоҳида ҳолларда, агар жиноятни бошқа воситалар билан тўхтатишнинг иложи бўлмаса, энг сўнгги чора сифатида ўқотар қурол қўллашга йўл қўйилади.

Ўқотар қурол қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

➤ муассаса маъмурияти вакиллари, бошқа маҳкумларни ва ўзга шахсларни уларнинг ҳаёти ва соғлиғига аниқ таҳдид этувчи ҳужумдан ҳимоя қилиш, шунингдек қуролни қўлга киритиш мақсадида қилинган ҳужумни даф этиш чоғида;

➤ гаровга олинганларни, маҳкумлар эгаллаб олган биноларни, иншоотларни, хоналарни ва транспорт воситаларини озод қилиш чоғида;

➤ жазони ижро этиш муассасасининг қўриқланадиган объектларига, транспорт воситаларига гуруҳ бўлиб қилинган ёки қуролли ҳужумни даф этиш ёхуд маҳкумларни зўрлик билан озод қилишга уринишларни тўхтатиш чоғида;

➤ озодликдан маҳрум этиш жойларидан қочаётган ёки қуролли қаршилик кўрсатаётган маҳкумни ушлаш чоғида;

➤ маҳкумлар қочишда фойдаланаётган транспорт воситасини тўхтатиш чоғида.



Ўқотар қурол қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қўлланилиши мумкин. Шарҳланаётган модда хавфсизликнинг истисно сифатида қўлланилувчи чораси бўлган ўқ отар қуролни қўллашнинг асосларини белгилайди. Ўқ отар қуроллар маҳкумни жисмоний куч ишлатиш йўли билан, резина таёқлар,

қўлкишанлар ёки бошқача боғлаш воситалари, хизмат итлари, кўздан ёш чиқарувчи моддалар, чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламалари, тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар, сув билан зарба берувчи ва зирхли машиналар, иншоотларни очиш, транспортни мажбурий тўхтатиш мосламалари воситалари билан тўхтатишнинг иложи бўлмагандагина қўлланиши мумкин. Шу сабабли ҳам ўқ отар қуролни энг сўнгги чора сифатида қўлланади.

Шунингдек, ушбу моддада ўқ отар қуролини қайси пайтда қўллаш мумкинлиги белгиланган:

❖ муассаса маъмурияти вакиллари, бошқа маҳкумларни ва ўзга шахсларни уларнинг ҳаёти ва соғлиғига аниқ таҳдид этувчи ҳужумдан ҳимоя қилиш, шунингдек қуролни қўлга киритиш мақсадида қилинган ҳужумни даф этиш чоғида; гаровга олинганларни, маҳкумлар эгаллаб олган биноларни, иншоотларни, хоналарни ва транспорт воситаларини озод қилиш чоғида;

❖ жазони ижро этиш муассасасининг қўриқланадиган объектларига, транспорт воситаларига гуруҳ бўлиб қилинган ёки қуролли ҳужумни даф этиш ёхуд маҳкумларни зўрлик билан озод қилишга уринишларни тўхтатиш чоғида;

❖ озодликдан маҳрум этиш жойларидан қочаётган ёки қуролли қаршилиқ кўрсатаётган маҳкумни ушлаш чоғида;

❖ маҳкумлар қочишда фойдаланаётган транспорт воситасини тўхтатиш чоғида ўқотар қурол қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин.

Шу билан бирга ўқотар қуролларни ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган шахсларга ва ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаган шахсларга қўллаш тақиқланади. Фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётига таҳдид қилувчи гуруҳ бўлиб ёки бошқача ҳужум қилиш, уларга анча миқдорда зарар етказиш ҳоллари бундан мустасно.

Ўқотар қурол қўллаш тартиби ЖИҚнинг 73-модда ўқотар қуролни қўллашдан олдин қурол қўлланилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш ва юқорига қараб огоҳлантирувчи ўқ отиш керак. Қуйидаги ҳолларда ўқотар қурол огоҳлантиришсиз қўлланилиши мумкин:

❖ қўққисдан ҳужум қилинганда, қуролли ҳужумни ёки жанговар техника, транспорт воситалари, учиш аппаратлари, денгиз ва дарё кемаларидан фойдаланган ҳолда қилинган ҳужумни даф этишда, гаровга олинганларни озод қилишда, озодликдан маҳрум этиш жойларидан қурол билан, транспорт воситалари ёрдамида ёки юриб кетаётган транспорт воситаларида, тунда ёки кўриш чекланган шароитда қочилганда.

Ўқотар қурол қўлланилганда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун иложи борича барча чоралар кўрилиши зарур.

Ўқотар қурол қўлланилган ҳар бир ҳодиса ҳақида рапорт тузилади ва дарҳол прокурорга хабар қилинади.



Ушбу Кодекснинг 72-моддасида белгиланган тартибда ўқотар қуролдан фойдаланишдан олдин қуйидаги талабларга риоя этиш лозим бўлиб, бу маҳқум ва муассаса ходимлари хавфсизлигини таъминлаш учун хизмат қилади:

❖ маҳқумни ўқ отар қуронинг қўлланилиши хусусида огоҳлантириш лозим (масалан, “тўхта отаман” деган сўзлар билан);

❖ шахсга ўқ отишдан олдин, юқорига огоҳлантирувчи ўқ отилиши керак. Ўқ отишдан олдин: ҳужум қилаётган шахсга имкон қадар кам зарар етказилишини таъминлаш (оёқ ёки қўлига отиш);

❖ жабрланувчига дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш ёки тез тиббий ёрдамни жалб қилиш; бошлиқни ўқотар қурол қўлланган барча ҳолатлар тўғрисида хабардор қилиш зарур.

Шунингдек, шарҳланаётган моддада ўқотар қуролдан огоҳлантиришсиз фойдаланиш мумкин бўлган ҳолатлар рўйхати берилган. Бу ҳолатларга қуйидагилар киради:

▪ қўққисдан ҳужум қилинганда, қуролли ҳужумни ёки жанговар техника, транспорт воситалари, учуш аппаратлари, денгиз ва дарё кемаларидан фойдаланган ҳолда қилинган ҳужумни даф этишда;

▪ гаровга олинганларни озод қилишда, озодликдан маҳрум этиш жойларидан қурол билан, транспорт воситалари ёрдамида ёки юриб кетаётган транспорт воситаларида, тунда ёки кўриш чекланган шароитда қочилганда.

Ўқотар қуролни қўллашнинг муҳим қоидаларидан бири жиноят содир этмаган фуқароларнинг хавфсизлигини таъминловчи барча чораларнинг кўрилганлигидир.

Бундай чоралар таъминланмаган ёки бузилган бўлса, бунинг натижасида шахслар зарар кўрган бўлса уларга нисбатан тезкор тиббий ёрда кўрсатилиши лозим.

Кодексда ўқотар қурол қўлланган ҳар бир ҳолат юзасидан рапорт тузилиб, жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти зудлик билан прокуратурага хабар берилиши лозим. Прокуратура томонидан муассасада ўқотар қуролнинг қонуний асосларда қўлланилганлиги текширилади.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида режим мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Режимнинг асосий талаблари.
2. Хавфсизлик чораларини қўллаш асослари ва тартиби.
3. Маҳқумларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш.
4. Тинчлантириш кўйлагини қўллаш.
5. Махсус воситаларни ишлатиш.
6. Ўқотар қурол қўллаш тартиби.

## 10-мавзу. Озодликдан махрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида режим.


Семинар машғулот (2 соат).

### Семинар машғулот.

Ушбу амалий машғулот «Блиц-сўров» интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Блиц-сўров» (инглизча «блиц» – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда ушбу методни қўллаш қуйидагича кечади:



### Ўқув машғулотнинг саволлари:

- 1-савол. Режимнинг асосий талаблари.
- 2-савол. Хавфсизлик чораларини қўллаш асослари ва тартиби.
- 3-савол. Маҳкумларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш.
- 4-савол. Тинчлантириш кўйлагини қўллаш.
- 5-савол. Махсус воситаларни ишлатиш.
- 6-савол. Ўқотар қурол қўллаш тартиби.
- 7-савол. Ўқотар қуролдан огоҳлантиришсиз фойдаланиш.

## **11-мавзу: Маҳкумларнинг назоратини ташкил этишда инженер-техник воситалар.**

Маъруза машғулот (2 соат).

### **Режа:**

1-савол. Жазони ижро этиш муассасаларида ишончли кўриқлаш тизимининг замонавий технологиялари

2-савол. Жазони ижро этиш муассасаси ходимлари ўз хизматини ўташ вақтида маҳкумлар томонидан содир этилган тартиббузарликлар жараёнида бодикамералардан фойдаланиш тартиби.

### **1-савол. Жазони ижро этиш муассасаларида ишончли кўриқлаш тизимининг замонавий технологиялари.**

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни кўриқлаш - ҳарбий тадбирлардан бўлиб, тезкор-тартибот (тезкор-режим) нақлиёт-техник ва тарбиявий таъсир чораларни ҳам ўз ичига олади. Бу тадбирлар жазони ижро этувчи муассасалар маъмурияти томонидан Ички ишлар вазирлиги қоровул кўшинлари билан ҳамкорликда амалга оширилади. Жанговор хизмат вазифасини бажаришда шахсий таркиб қуроллар, жанговор ва махсус техникалар, нақлиёт-техник воситалари, алоқа воситалари, транспорт воситалари, хизмат итлари ва махсус воситалардан фойдаланади.

Жазони ижро этиш муассасаларининг ҳудуди ва унинг чегарасида муассаса ходимлари томонидан хизмат олиб боришни ташкиллаштириш, яъни маҳкумлар хулқ-атвори устидан назорат қилиш, муассасани кўриқлаш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия қонунлари ҳамда меъёрий ҳужжатлари, шунингдек Ички ишлар вазирлиги Қоровул кўшинлари Низоми асосида амалга оширилади.

Озодликдан маҳрум қилиш ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш тартиқасидаги жазони ижро этувчи жазони ижро этиш колонияларида маҳкумларни кўриқлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қоровул кўшинлари тузилмаларига юклатилган.

*Муассасага кириб чиқётган ҳар бир шахс кўздан кечирилиши, тинтув қилиниши мумкин. Ҳар бир муассасада муассаса ҳудудига киришдан олдин қолдириб кетадиган буюмларни сақлаш учун махсус жой жиҳозланади. Кўздан кечириш ҳам тинтув каби тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилади.*

Учрашувга келган шахслар маҳкумга ман этилган буюм на нарсаларни бериши мумкин деб хавфсирашга асос бўлган ҳолларда, учрашувга қолган шахсга агар унинг нарсалари, кийимлари ва буюмлари учрашув ўтказишда олдин ва учрашувдан кейин кўздан кечирилишига рози бўлсагина, учрашув берилиши мумкинлиги эълон қилинади.

**2-савол. Жазони ижро этиш муассасаси ходимлари ўз хизматини ўташ вақтида маҳкумлар томонидан содир этилган тартиббузарликлар жараёнида бодикамералардан фойдаланиш тартиби.**

Жазони ижро этиш муассасаси ходимлари ўз хизматини ўташ вақтида маҳкумлар томонидан содир этилган тартиббузарликлар жараёнида бодикамералардан фойдаланиши тартибини ўрганишдан олдин куйидаги асосий тушунчаларига тариф бериш мақсадга мувофиқдир.

■ **махсус мосламалар** - махсус автоматлаштирилган аудио, фото ва видео қайд этиш техника воситалари ёки мобил комплекслар;

■ **маҳкум** - Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида белгиланган моддаларда кўрсатилган жиноятларни содир этиб, суд ҳукмига асосан жазони ижро этиш муассасасига жазо муддатини ўташ учун келтирилган шахс;

■ **назорат** - жазони ижро этиш муассасаси да маҳкумлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноят ва тартиббузарликларнинг олдини олишга қаратилган тизим;

■ **тартиббузарлик** - маҳкумлар томонидан жазони ўташ тартиби ва шартларига риоя қилмасдан, ўз мажбуриятларини бажармаслиги оқибатида содир этилган ҳолат.

Бодикамералар биринчи марта 2005 йилда буюк Британиядаги полиция ходимлари томонидан тақилган ва шу вақтдан бери бутун дунё бўйлаб кўплаб полиция кучлари томонидан қабул қилинган<sup>2</sup>.



Бодикамералар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан жамоатчилик билан ўзаро алоқаларини ёзиб олиш ёки жиноят жойларида видео далилларни тўплаш учун фойдаланилади. Ҳар бир камера асосан бир хил мақсадга хизмат қилади, лекин уларнинг баъзилари бошқаларга қараганда бир оз бошқача ишлайди ёки уларни маълум бир тарзда кийиш керак. Улардан баъзилари кўкрагига ёки елкасига ёпиштириш учун

<sup>2</sup> ["Цифровой партнер: вот как работают полицейские камеры для тела"](#). Новости NBC. марта 2018

мўлжалланган, бошқалари кўзойнакка ёпиштирилган ҳолда ишлатилиши мумкин<sup>3</sup>.

Ҳар кунлик иш фаолиятини олиб бораётган ёки кунлик хизматга жалб этилган ходим маҳкумларни узлуксиз назорат қилиш ҳамда улар томонидан жиноят ва тартиббузарликлар содир этилишини аниқлаш учун бодикамералар билан таъминланади.

#### Бодикамера қўйидаги ҳолларда ишлатилади:

■ кун тартибидаги тадбирларни амалга оширишда (уйқудан уйғотиш, нонушта, тушлик ва кечки овқат, саноқ текширувлари, олиб борилаётган тарбиявий профилактик тадбирлар);

■ умумий ва кунлик тинтувлар ўтказиш ҳамда кўздан кечириш жараёнида;

■ маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига қабул қилишда;

■ жиноят ва тартиббузарликлар содир этилганда;

■ маҳкумларнинг хулқ-атворини назорат қилишда;

■ маҳкумлардан тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари, нарса ва буюмлар олинганда;

■ маҳкумларга нисбатан жисмоний куч, махсус воситалар ҳамда тинчлантириш қўйлагини қўллаш чоғида;

■ маҳкумларни ишга олиб чиқиш ва ундан қайтишда;

■ маҳкумлар ва фуқароларни қабул қилиш жараёнида;

■ фуқаролардан олинган йўқловларни қабул қилишда ҳамда посилка ёки йўқлов ва бандеролларни тарқатиш вақтида;

■ маҳкумларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишда;

■ маҳкумларнинг учрашувларини ўтказиш жараёнида;

■ маҳкумларга нисбатан интизомий жазо ва рағбатлантириш чоралари қўлланилаётган вақтда ҳамда маҳкумлар интизомий бўлинмага киритилаётганда ва чиқарилаётганда;

■ маҳкумларнинг инсонпарварлик далолатномаларини кўриб чиқиш даврида.

Ходимларга бириктирилган бодикамераларнинг доимий равишда соз ва дастурий-техник таъминоти ишчи ҳолатда бўлиши юзасидан қатъий назорат олиб бориш вазифаси жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи, унинг ўринбосарлари ва муассаса бошлиғининг ёрдамчиси - тезкор навбатчи зиммасига юкланади.

Бодикамералар ишламаган ёки ходим томонидан рухсатсиз ўчириб қўйилган ҳолларда ва муассаса бошлиғининг ёрдамчиси - тезкор навбатчи зудлик билан бевосита жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи ёки унинг тегишли ўринбосарига ахборот беради.

<sup>3</sup> ["Как работают камеры для тела полицейского"](#). Популярная механика. 3 март 2017 года.

Ҳар бир ҳолат юзасидан хизмат текширувлари ўтказилиб, айбдор ходимларга нисбатан интизомий жазо чораси қўллаш тўғрисида таклифлар киритилади.

Бодикамера ходимга нарядни қабул қилиш жараёнида бодикамерани ходимга бириктириш ва қабул қилиш дафтарига қайд этилади ҳамда бириктирилади.

Бодикамераларни қабул қилиш жараёнида уларнинг аккумулятор батареялари тўлиқ қувватланган бўлиши лозим.

Бодикамера қувватини тўлдиришни автотранспортда ёки белгиланмаган жойларда амалга ошириш қатъиян тақиқланади.

Бодикамера ходим хизмат вазифасини бажаришга киришганидан бошлаб ишга туширилиши ва нарядни топширгунига қадар ишлатилиши лозим. (хизмат вазифаси билан боғлиқ бўлмаган ишларни бажариш вақти бундан мустасно).

Хизмат вазифасини бажариш давомида бодикамеранинг объективи ҳар қандай ҳолатда тўсилиши мумкин эмас.

Бодикамерадан шахсий мақсадларда фойдаланиш, уни бошқа ходимлар, маҳкумлар ва бошқа шахсларга бериш ҳамда ўз хоҳиши билан ўчириб қўйиш тақиқланади. Бодикамера хизмат вақтида доимо ишчи ҳолатда бўлиши шарт.

Хизмат якунида бодикамералардаги видео ёзувлар электрон маълумот сақлаш қурилмаларига юкланади (кўчирилади) ҳамда мазкур бодикамерадаги видеоёзувларни рўйхатдан ўтказиш дафтарида қайд этилади. Бодикамералардаги видеоёзувлар электрон маълумот сақлаш қурилмаларига юкланиб (кўчирилиб), электрон маълумот сақлаш қурилмалари ёки компьютер хотирасида 1 йил мобайнида тартибот бўлими (бўлинма) бошлиғининг хизмат хонасида сақланади.

Ходим меҳнат таътилига, хизмат сафарига кетганда ёки вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлганда, шунингдек, бодикамера носоз ҳолатга келган тақдирда, ходим томонидан жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи ёки унинг ўринбосарларига ахборот берилиб, тегишли жазони ижро этиш муассасасининг ташқи навбатчилик қисмига тоширилади ва мазкур маълум бир сабабларга кўра ходим томонидан зарар етказилган ҳамда носоз ҳолга келиб қолган бодикамераларни қабул қилиш дафтарида қайд этилади.

Ходим ўзига бириктирилган бодикамерани йўқотиб қўйган тақдирда, зудлик билан ва муассаса бошлиғининг ёрдамчиси - тезкор навбатчига хабар бериши, у эса мазкур ҳолат юзасидан жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи ёки унинг ўринбосарларига ахборот бериши лозим.

Ходимларга бириктирилган бодикамераларнинг мавжудлиги ва созҳолда эканлигини текшириб бориш ва муассаса бошлиғининг ёрдамчиси - тезкор навбатчи зиммасига юкланади.

Ходим маҳқум билан суҳбат жараёнида ўзини таништириб, "Ҳурматли маҳқум, Сиз билан суҳбатлашиш жараёни бодикамера орқали ёзиб олинаётганлигини маълум қиламан" деб огоҳлантириши шарт<sup>4</sup>.

**Маҳқум ходимга ўзини таништиришда қуйидагиларни баён этиши лозим:**

- фамилияси, исми, отасининг исми;
- туғилган йили ва санаси;
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қайси моддалари билан судланганлиги;
- жазо муддатини ўтаётган туркуми.

Маҳқум томонидан ходимга хизмат давомида берилган бодикамерага зиён етказиш, уни олиб қўйишга уриниш тақиқланади.

Агар ушбу ҳолат содир этилган тақдирда, ходим томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, маҳқум Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 105-моддасига мувофиқ интизомий жазога тортилади.

Ходим томонидан маҳқум билан суҳбат ўтказиш жараёнида ҳам бодикамерадан фойдаланилиши мумкин.

Ходимлар бодикамерадан фойдаланган ҳолда ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари шарт.

Маҳқумлар билан бодикамера орқали ёзиб олинган суҳбатларни Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш, маҳқумнинг оила аъзоларига ва бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

Бодикамера орқали ёзиб олинган ёзувлар хизматда фойдаланиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва адвокатура органлари томонидан юборилган сўровномага асосан тақдим этилади.

Ходимлар ва маҳқумлар суҳбат ўтказиш жараёнида муомала маданиятига алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Тартиббузарлик содир қилган маҳқумлар билан мулоқотга киришганда, уларни бодикамера орқали ёзиб олинаётганлиги тўғрисида огоҳлантириш шарт.

Маҳқумлар билан мулоқотга киришаётганда ходим хушёрликни йўқотмасдан, ўзини оғир, вазмин тутиб, ҳар қандай кутилмаган ҳаракатга қарши тайёр туриши лозим.

Бодикамералардан фойдаланиш даврида унда сақланаётган видеоёзувларнинг қўчирилиши, ўчирилиши, ўзгартирилиши ва ундан нусха олиниши, блокланиши, компьютер қурилмаларига уланиши, корпуси очилиши тақиқланади.

---

<sup>4</sup> Жазони ижро этиш тизими ходимларининг шахсий видеорежистраторлар (бодикамералар) билан таъминланган ҳолда хизматни ўташ тартиби тўғрисида Низом (ЎЗР ВМ 15.08.2022 й. 445-сон қарорига 2-илова)

Бодикамера орқали қайд этилган, юборилган ёки кўчирилган видео ёзувларни олиш, сўраш ёхуд уларни ўзгартириш, хизмат зарурати билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда диспетчерлик марказларидаги мавжуд маълумотлар базаларидан текшириш тақиқланади.

Бодикамера бузилган ёки йўқолган ҳолатда, зудлик билан ҳудудий жазони ижро этиш муассасаси бошлиғига (жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи бўлмаган ҳолларда, унинг вазифасини бажараётган раҳбарга) ахборот бериб, қурилмани вақтинча ёки доимий блоклаш чоралари кўрилади.

Ҳар бир ходим ўзига бириктирилган бодикамераларнинг бут сақланиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади. Ходим бодикамераларнинг йўқолишига, унга қасддан зарар етказилишига, хусусан, унга ўрнатилган дастур ва иловаларнинг яроқсиз ҳолга келишига йўл қўйган тақдирда, жавобгарликка тортилади ва зарарни ўз ҳисобидан қоплайди.

Бодикамера фойдаланувчининг эҳтиётсизлиги оқибатида бузилганда, таъмирлаш ва тиклаш билан боғлиқ барча сарф-харажатлар ушбу қурилмадан фойдаланаётган ходим ҳисобидан ундирилади.

Бодикамералар бириктирилиши лозим бўлган ходимлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти томонидан белгиланади.

Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар<sup>5</sup>.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Маҳкумларнинг назоратини ташкил этишда инженер-техник воситалар мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Жазони ижро этиш муассасаларида ишончли кўриқлаш тизимининг замонавий технологиялари
2. Озодликдан маҳрум қилинган шахсларни кўриқлаш, назорат қилиш, конвойлаш тизимини ривожлантириш.

---

<sup>5</sup> Жазони ижро этиш тизими ходимларининг шахсий видеорегистраторлар (бодикамералар) билан таъминланган ҳолда хизматни ўташ тартиби тўғрисида Низом (ЎзР ВМ 15.08.2022 й. 445-сон қарорига 2-илова)



## 11-мавзу: Маҳкумларнинг назоратини ташкил этишда инженер-техник воситалар.


Семинар машғулот (2 соат).

### Семинар машғулот.

Ушбу ўқув машғулооти “**Сухбат**” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Машғулотда ўқитувчи ва ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўртасида диалогик характерга эга савол-жавобга асосланувчи ушбу метод негизини жонли мулоқот ташкил этади. Методнинг афзаллиги сухбат жараёнида ойдинлашмаган масалалар юзасидан қўшимча саволлар бериш, ўқувчи (тингловчи ва курсант)нинг фикрлашга ундаш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Таълимий муносабатнинг жонли мулоқотга асосланиши эса ўқитувчи ва ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўртасида руҳий яқинликни қарор топтириб, фаол фикр алмашиш имконини беради.

#### Методни қўллашда қуйидаги тартибда иш кўрилади:



## Гуруҳларга топшириқлар:

**1-гуруҳга топшириқ.** Жазони ижро этиш муассасаларида ишончли кўриқлаш тизимининг замонавий технологиялари.

**2-гуруҳга топшириқ.** Озодликдан маҳрум қилинган шахсларни кўриқлаш, назорат қилиш, конвойлаш тизимини ривожлантириш.

**ИЗОХ:** Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир гуруҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.

**12-мавзу: Жазони ижро этиш хизматининг фавқулодда вазиятларда фаолияти.**

Маъруза машғулот (2 соат).

### Режа:

1-савол. Алоҳида шароитлар тушунчаси, турлари ва таснифи.

2-савол. Фавқулодда вазиятларда ички ишлар идоралари бошқарувини ташкил этиш.

### 1-савол. Алоҳида шароитлар тушунчаси, турлари ва таснифи.

Ички ишлар органлари учун «алоҳида шароитлар» тушунчаси кенгрок маънони билдиради ва ифодаланиш мазмунини ҳам, шаклини ҳам ўз ичига олади. У табиий, техноген ва экологик ҳодисалар натижасида юзага келадиган вазиятнинг хусусиятларини акс эттириш билан чекланмайди, балки ижтимоий хусусиятга эга бўлган кенг доирадаги ҳолатларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, ушбу тушунча мазкур шароитларнинг ажралиб турувчи асосий жиҳатларини, яъни ушбу вазиятда ички ишлар органларининг фаолияти учун хос булган хусусиятларни акс эттиради. Булар махсус ҳуқуқий режим, вақтинчалик штат тузилмаларининг ташкил қилиниши, қўшимча куч ва воситаларнинг жалб этилиши, шунингдек бошқарув ва алоқанинг янги тизими яратилиши, бир қатор ҳолларда махсус операцияларнинг ўтказилишидир.

Ички ишлар органлари фаолиятининг алоҳида шароитлари ижтимоий, табиий, техноген ва экологик хусусиятга эга бўлган ҳодисалар туфайли келиб чиқиши мумкин.

Фавқулодда вазиятларда ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари. ЖИЭББ оператив штабларининг ташкилий тузилиши, вазифа ва функциялари.

Фавқулодда ҳолатнинг жорий этилиши ҳар доим одамларнинг ноқонуний ҳаракатлари ёхуд табиий ёки фавқулодда ҳодисалар туфайли

келиб чиққан ҳамда юзага келган вазиятни, одамларнинг нормал ҳаёт шароитлари бузилишини махсус чекловчи чораларни қўлламай туриб бартараф этиш мумкин бўлмаган алоҳида фавқулодда (экстраординар) вазиятлар билан боғлиқ.

Жамоат тартибини таъминлаш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, хавфсизлиги, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишда фавқулодда ҳолат эълон қилинган ҳудуддаги ички ишлар органларининг куч ва воситаларидан фойдаланилади.

Фавқулодда ҳолат даврида бир қатор чекловчи чоралар белгиланиши мумкин: фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудга кириш ёки чиқишнинг махсус тартиби, шунингдек *ҳудудда* ҳаракатланиш эркинлигининг чекланиши; жамоат тартибини ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятини таъминловчи объектларни муҳофаза қилиш-нинг кучайтирилиши; иш ташлашлар, мажлислар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар ўтказишнинг тақиқланиши, шунингдек транспорт воситалари ҳаракатининг чекланиши ва уларнинг кўздан кечирилиши.

Ғайриқонуний фаолият билан боғлиқ асослар бўйича фавқулодда ҳолат жорий этилган тақдирда, хусусан, қўшимча равишда қуйидаги чоралар киритилиши мумкин: комендантлик соати (яъни сутканинг белгиланган вақтида кўчаларда ва бошқа жамоат жойларида махсус берилган рухсатномаларсиз ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз бўлишнинг тақиқланиши); тегишли огоҳлантиришдан сўнг шароитнинг нормаллашувига тўсқинлик қилувчи сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатлар фаолиятининг тўхтатиб қўйилиши; фуқаролар туўпланган жойларда ҳужжатларни текшириш, айрим ҳолларда эса фуқароларда қурол мавжудлигига доир маълумотлар бўлганда уларни шахсий кўриқдан ўтказиш, уларнинг нарсаларини, уй-жойларини ва транспорт воситаларини кўздан кечириш; қурол-яроғ, захарли моддалар, спиртли ичимликлар сотишни чеклаш ёки тақиқлаш (айрим ҳолларда фуқаролардан ўқотар ва совуқ қурол, ўқ-дорилар, захарли ва портловчи моддаларни, корхона, муассаса, ташкилотлардан эса ўқув техникаси ва радиоактив моддаларни ҳам вақтинча олиб қўйишга йўл қўйилади).

## **2-савол. Фавқулодда вазиятларда ички ишлар идоралари бошқарувини ташкил этиш.**

Жиноят-ижроия кодексининг 74-моддасида *Жазони ижро этиш муассасаларида алоҳида ҳолат жорий этиш* асослаб берилган. Унга кўра табиий офат рўй берган, жазони ижро этиш муассасаси жойлашган ерда фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат жорий этилган тақдирда, уруш даври мобайнида, маҳкумлар томонидан гуруҳ бўлиб бўйсунмаслик, шунингдек оммавий тартибсизлик содир этилганда муассасаларда алоҳида ҳолат жорий этилиши мумкин.

Алоҳида ҳолат Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда ўттиз суткагача бўлган муддатга жорий этилади. Алоҳида ҳолатнинг амал қилиш

вақти алоҳида ҳолларда қўшимча равишда яна ўттиз суткагача узайтирилиши мумкин.

Алоҳида ҳолат амал қилиб турган даврда муассасаларда қўриқлаш ва назоратнинг кучайтирилган тури, объектларга киришнинг алоҳида тартиби жорий этилади, кун тартиби ўзгартирилиши, айрим хизматларнинг фаолияти чекланиши мумкин.

Айни вақтда маҳкумларнинг айрим ҳуқуқлари чекланишига йўл қўйилади.

Табиий офат рўй берган, жазони ижро этиш муассасаси жойлашган ерда фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат жорий этилган тақдирда, уруш даври мобайнида, маҳкумлар томонидан гуруҳ бўлиб бўйсунмаслик, шунингдек оммавий тартибсизлик содир этилганда муассасаларда алоҳида ҳолат жорий этилиши мумкин.

Алоҳида ҳолат Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда ўттиз суткагача бўлган муддатга жорий этилади. Алоҳида ҳолатнинг амал қилиш вақти алоҳида ҳолларда қўшимча равишда яна ўттиз суткагача узайтирилиши мумкин.

Алоҳида ҳолат амал қилиб турган даврда муассасаларда қўриқлаш ва назоратнинг кучайтирилган тури, объектларга киришнинг алоҳида тартиби жорий этилади, кун тартиби ўзгартирилиши, айрим хизматларнинг фаолияти чекланиши мумкин. Айни вақтда маҳкумларнинг айрим ҳуқуқлари чекланишига йўл қўйилади.

Жазони ижро этиш жазони ижро этиш муассасасида алоҳида ҳолат жорий этишнинг тартиб ва шартларини белгиловчи норма ҳисобланади. Шарҳланаётган 74-моддада алоҳида ҳолат жорий этилиши мумкин бўлган ҳолатлар рўйхати берилган. Бунга муассасаси жойлашган ерда фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат жорий этилиши, уруш даври, маҳкумлар томонидан гуруҳ бўлиб бўйсунмаслик, шунингдек оммавий тартибсизлик содир этилган пайтлар киради. Бу ҳолатларнинг барчаси юзага келиши алоҳида ҳолат жорий этишга асос бўлади.

Фавқулодда ҳолатлар табиий характерга эга бўлиб (ер қимирлаши, сув тошқини, қурғоқчилик, тузли кўчкилар, бўронлар, ёнғинлар, эпидемиялар ва бошқалар), жазони ижро этиш муассасасини фавқулотда мураккаб вазиятга солиб қўяди. Республика миқёсидаги фавқулотда ёки ҳарбий вазиятлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан эълон қиланди ва ушбу ҳудудда жойлашган барча жазони ижро этиш муассасаларида алоҳида ҳолат эълон қилинади.

### **Оммавий тартибсизликларни бартараф этишда тузиладиган махсус режалар.**

Маҳбусларнинг оммавий бўйсунмасликлари одатда пассив хулқ шаклда намоён бўлади, бу овқатларни қабул қилмаслик, бинодан чиқмаслик, ишга чиқмаслик, колония ҳудудини тарк этишни рад этишларда (масалан, ишлаб чиқариш ёки яшаш зонасини) ифодаланади.

Маҳкумларнинг оммавий тартибсизликлари жазони ижро этиш муассасасидаги хавфли ҳодисадир. Бу маҳкумлар томонидан маъмурият вакиллари ёки бошқаларга қаршилик кўрсатиш, қирғин ва ўт қўйиш, мулкларни йўқ қилиш ёки шикаст етказиш, ҳокимият вакилларига, асосан, колония маъмуриятига, қоровул қўшинларининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар ходимларига қаршилик кўрсатишда, қурол ва қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашёлардан фойдаланишда, гаровга олишларда намоён бўлади. Оммавий тартибсизликларни тугатиш жараёнида маҳкумларнинг ҳамда муассаса ходими ёки бошқа шахслар ҳаёти ва соғлиғига шикаст етиши, муассаса моддий зарар кўриши мумкин.

Умумий қисм муайян вақтга ва аниқ шахс томонидан жорий этилади. Алоҳида ҳолат Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда жорий этилади. Алоҳида ҳолат ўттиз суткагача бўлган муддатга жорий этилади ва истисно ҳолатларда қўшимча равишда яна ўттиз суткагача узайтирилиши мумкин. Бундай узайтириш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган бўлиши лозим.

Алоҳида ҳолат жорий этишда муассасада қатор ишлар амалга оширилади. Хусусан, муассасаларда қўриқлаш ва назоратнинг кучайтирилади, бунга муассаса ходимлари ва қоровул хизматидаги ҳарбий хизматчиларнинг иш вақти узайтирилиб, дам олишлари қисқартириш ҳамда таътиллари тақиқлаш орқали эришилади. Объектларга киришнинг алоҳида тартиби жорий этилиб, муассасага кириш чекланади ёки махсус рухсатнома режими жорий қилинади; муассасанинг кун тартиби маданий–оқартув, маиший, тиббий-санитар, ишлаб чиқариш ва бошқа хизматларни қисқартириш ҳисобига ўзгартирилади; ишларини камайтириш, кун тартиби ўзгартирилиши, айрим хизматларнинг фаолияти чекланиши мумкин. Шунингдек, маъмурият томонидан маҳкумларнинг ЖИКодексида назарда тутилган (75-83 моддалар) ҳуқуқларининг амалга оширилиши тўхтатилади. Шунинг учун ҳам алоҳида ҳолатнинг жорий этилиши ҳам маҳкумларнинг, ҳам муассаса ходимларининг ҳуқуқларини чекланишига сабаб бўлади.

Маҳкумларнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларини тўхтатиш, шунингдек ўзига ўзи зарар етказишининг олдини олиш мақсадида уларга нисбатан махсус воситалар ишлатилиши мумкин.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Жазони ижро этиш хизматининг фавқулодда вазиятларда фаолияти мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Алоҳида шароитлар тушунчаси, турлари ва таснифи.
2. Фавқулотда вазиятларда ички ишлар идоралари бошқарувини ташкил этиш.


## 12-мавзу: Жазони ижро этиш хизматининг фавқулодда вазиятларда фаолияти.

Семинар машғулот (2 соат).

### Семинар машғулот.

Ушбу ўқув машғулотини “Кичик гуруҳларда ишлаш” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари



### Гуруҳларга топшириқлар:

**1-гуруҳга топшириқ.** Фавқулотда вазиятларда ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари. ЖИЭББ оператив штабларининг ташкилий тузилиши, вазифа ва функциялари.

**2-гуруҳга топшириқ** Оммавий тартибсизликларни бартараф этишда тузиладиган махсус режалар

**ИЗОХ:** Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир гуруҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамага келинади.

### **13-мавзу: Жазони ижро этиш хизматининг ички ишлар органлари худудий ва соҳавий хизматлари билан ҳамкорлиги.**

Маъруза машғулот (2 соат).

#### **Режа:**

1-савол. Жазони ижро этиш муассасаларнинг худудий ички ишлар органлари билан ҳамкорлигини ташкиллаштириш.

2-савол. Жазони ижро этиш муассасаларида тезкор-қидирув фаолиятини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари ва аҳамияти.

#### **1-савол. Жазони ижро этиш муассасаларнинг худудий ички ишлар органлари билан ҳамкорлигини ташкиллаштириш.**

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этишдаги ўзаро ҳамкорлик - ушбу фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига асосланиб, ўзаро келишилган ҳолда фаолиятнинг шакл ва усуллари, хизмат ваколатларидан самарали фойдаланиши бўлиб, бунда икки ёки ундан ортиқ хизмат, яъни бошқарувнинг бир-бирига бўйсунмаган алоҳида иштирокчилари ўз ҳаракатларини ўзаро келишиб бажаришади. Ҳамкорликни ташкил қилиш ички ишлар органлари тизимидаги меҳнат тақсимоли, таркибий бўлинмалар ўртасида вазифалар ва мажбуриятларнинг тақсимланиши каби масалаларни қамраб олган мақсаднинг вужудга келиши сифатида ҳам қараш мумкин. Ўзаро ҳамкорликнинг мақсади бошқарув тизими олдида турган умумий вазифаларини ҳал этишда куч ва воситаларни тўғри тақсимлашни англатади.

#### **Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар:**

❖ Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчиларга нисбатан эса — улар хизматни ўтаётган жойдаги ҳарбий қисмлар (муассасалар) қўмондонлиги томонидан амалга оширилади.

❖ ижтимоий хавфли қилмиш содир этган руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан — соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан амалга оширилади.

❖ алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиққан ёхуд руҳий ҳолати ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда бузилган маҳкумларга нисбатан — соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда эса, жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида ҳамда маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган шифохонада.

## **Вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чоралари:**

- жабрланувчидан узр сўраш, етказилган зарарни тўлаш ёки бартараф этиш мажбуриятини юклаш — суд томонидан амалга оширилади;
- махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш — халқ таълими органлари томонидан ижро этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари жазоларни ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар фаолиятини қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда текширадилар.

### ***Прокурор назорати. 17-модда.***

Жазоларни ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар қонунда белгиланган тартибда амалга оширадилар.

### ***Жазони ўташ жойларига кириш***

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқа шахслар жазони ижро этувчи муассасалар ва органларга кириш ҳуқуқига эга.

Шикоятларни кўриб чиқиш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ходимлари ўз ваколатлари доирасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз киришга, зарур ҳужжатлар билан танишишга ҳақли.

Жазони ижро этувчи муассасалар ва органларга кириш тартиби қонунчилик билан белгиланади.

Маҳкумларни кино-, фото-, видеотасвирга туширишга ва улардан интервью олишга уларнинг ёзма розилиги билан, шунингдек жазони ижро этувчи органнинг рухсатига асосан йўл қўйилади. Маҳкумларнинг хавфсизлигини ва кўриқланишини таъминловчи объектларни тасвирга олишга жазони ижро этувчи муассасанинг ёки органнинг рухсати билан йўл қўйилади.

**2-савол. Жазони ижро этиш муассасаларида тезкор-қидирув фаолиятини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари ва аҳамияти.**

### **Жазони ижро этиш муассасаларида тезкор-қидирув фаолияти:**

- маҳкумлар, муассаса ходимлари ва бошқа шахслар хавфсизлигини таъминлаш;



- маҳкумлар мазкур муассасага етиб келгунга қадар содир этган жиноятларни аниқлаш ва фош этиш;
- жиноятларни ҳамда белгиланган сақлаш режимини бузиш ҳолларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш;
- жазони ижро этиш муассасаларида содир этилган жиноятларни фош этиш; - озодликдан маҳрум этиш жойларидан қочган маҳкумларни қидириш;
- бошқа жиноятларни фош этишда ёрдам бериш мақсадида амалга оширилади.

Тезкор-қидирув фаолиятини жазони ижро этиш муассасаларининг тезкор хизматлар ходимлари, шунингдек бошқа ваколатли органлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширадilar.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига янги киритилган моддалардан биридир. Ички ишлар, шахсий хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари органлари тезкор-қидирув чораларини амалга оширишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 38-моддасида белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро департаментининг бошлиқлари, қамоқ тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов изоляторлари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари – шу муассасалар ходимлари хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилган жиноятларга доир ишлар, худди шунингдек мазкур муассасалар ҳудудида содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар бўйича суриштирувни амалга оширади.

Шунингдек, Жиноят процессуал кодекси 339-моддаси 2-қисмига кўра, суриштирув органлари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларини қўллаган ҳолда зарур чораларни кўриш юклатилади.

*Жазони ижро этиш муассасаларнинг соҳавий хизматлари ўзаро ҳамкорлиги жиноят-ижроия тизими самарадорлигини белгиловчи омили сифатида.*

Жиноят-ижроия кодекси – жазони ижро этиш хизматлари фаолиятини тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда жиноий жазоларни ижро этиш тартиби ва шартлари, жазони ижро этиш муассасаларидаги режим, маҳкумларнинг моддий маиший таъминоти ва уларга тиббий хизмат кўрсатиш, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар меҳнати, уларга тарбиявий таъсир кўрсатиш, таълими ва касб тайёргарлиги, қўлланиладиган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари, муассасаларнинг турлари ва жазо ижросини ташкил этиш тартиби, айрим

тоифадаги маҳкумлар томонидан жазони ўташ хусусиятлари, умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби ва шартлари, жазони ўташдан озод қилиш масалаларини тартибга солинган.

**Жазони ижро этиш муассасалари ходимлари ички ишлар органларининг қуйидаги бошқа хизмат ходимлари билан ҳамкорлик қиладилар:**

- навбатчилик қисми;
- профилактика (катта) инспектори;
- пробация хизмати;
- тезкор-қидирув хизмати ходими;
- терговчи;
- патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ходимлари;
- йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари;
- хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати ходимлари;
- ёнғин хавфсизлиги ходимлари;
- - озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг ижросини таъминлаш хизмати ходими;
- ахборот маркази.

Жазони ижро этиш хизматлари ходимларининг ички ишлар органлари бошқа хизматлари ходимлари билан ҳамкорлигининг турли шакллари мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда иккига: *ўзаро ахборот алмашиши* ҳамда фаолиятга доир муайян чора-тадбирларни ҳамкорликда режалаштириш, амалга ошириш, натижаларини умумлаштириш, муайян вазифаларни ҳал қилишда ўзаро ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашда намоён бўладиган *амалий ҳамкорликка* ажратиш мумкин.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида нафақат жиноят-ижроия тизими демократлаштирилди, қолаверса ички ишлар органлари жазони ижро этиш хизматларининг янги тизими шаклланди ҳамда уларнинг фаолияти такомиллаштириб борилди.

### **Психологик хизматнинг мақсад ва вазифлари.**

Маҳкумлар томонидан такрорий жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларнинг хулқ-атворларини психологик жиҳатдан ўрганиш, кўникиш даврида мослашишга руҳий жиҳатдан ёрдамлашиш, тарбиявий ишнинг самарадорлигини ошириш ва соҳавий хизмат ходимларга зарур маълумотларни етказиб бериш мақсадида, Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар ўртасида психологик ишларни олиб борувчи психолог хизмати ташкил этилади.

Маҳкумлар ўртасида ўтказиладиган психологик тадбирлар Жазони ижро этиш муассасаларнинг соҳавий хизмат ходимлари билан узвий ҳамкорликда амалга оширилади.

Амалга оширилаётган психологик тадбирлар натижалари ҳақида ҳар ойда ҳисобот тузилади ва юқори турувчи идораларга тақдим этилади.

Маҳкумлар тўғрисидаги психологик ҳужжатлар психологнинг сейфида сақланади ва маҳкум тўғрисидаги индивидуал маълумотларни бошқа шахслар томонидан маҳкумга қарши ишлатиши мумкинлигини олдини олиш мақсадида маҳкум шахсининг сир сақланишини кафолатлайди.

Психолог мунтазам равишда шахс психологияси, шахсга ижобий руҳий таъсир кўрсатиш, руҳий зўриқишни ечиш, шахс характери аниқлаш ва бошқа шу йўналишдаги янги усул ва услубларни ўрганиш бўйича доимий малакасини ошириши ҳамда касбига оид махсус ўқув курслар ва семинар-машғулотларда қатнашиши шарт.

Маҳкумлар ўртасида ўтказилаётган психологик ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг руҳиятидаги ўзгаришларни аниқлаш ва ёрдам кўрсатиш мақсадида, психолог фуқаролик кийимида психологик тадбирлар ўтказиши мумкин.

Психологик хизматнинг асосий мақсади замонавий психологик билимлар ва амалиётларни қўллаган ҳолда жазони ўташнинг таъсирчанлигини оширишдир.

Психолог маҳкум шахсини индивидуал психологик хусусиятларини ўрганиш орқали ташхис қўйиб, бу бўйича тавсиялар ишлаб чиқади ва маҳкумлар билан яққа тартибда тарбиявий ишларни олиб бориш дафтарига психологик портрети бўйича маълумотлар киритади.

Жамиятдан ажратилган шароитга мослаштириш, кризисли ва стресс ҳолатларидан чиқиб кетиш, шахслараро муносабатларни ўрнатиш ва озодликка тайёрлаш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

Психологнинг махсус усуллари ва хизмати тааллуқли айрим ҳолатлар сирини бошқа шахслар томонидан билиб олиншига йўл қўйилмайди, шунингдек суҳбат, текширув ва шахсни ўрганиш жараёнида олинган шахсий маълумотлар ҳамда ишонч сирларининг тарқатилмаслик чоралари кўрилади.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Жазони ижро этиш хизматининг ички ишлар органлари ҳудудий ва соҳавий хизматлари билан ҳамкорлиги мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Жазони ижро этиш муассасаларнинг ҳудудий ички ишлар органлари билан ҳамкорлигини ташкиллаштириш.

2. Жазони ижро этиш муассасаларида тезкор-қидирув фаолиятини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари ва аҳамияти.

### 13-Мавзу: Жазони ижро этиш хизматининг ички ишлар органлари худудий ва соҳавий хизматлари билан ҳамкорлиги.


Семинар машғулот (2 соат).

#### Семинар машғулот.

#### “САВОЛ-ЖАВОБ” МЕТОДИ.

Ушбу метод мавзунинг тингловчилар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлиқ.

Таълим жараёнида методни қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:



#### Ўқув машғулотнинг саволлари:

1-савол. Жазони ижро этиш муассасаларининг худудий ички ишлар органлари билан ҳамкорлигини ташкиллаштириш.

2-савол. Жазони ижро этиш муассасаларида тезкор-қидирув, навбатчилик қисми, махсус бўлим, тартибот бўлими каби соҳавий хизматлари фаолиятида бирдамлик.

3-савол. Жазони ижро этиш муассасаларида тезкор-қидирув фаолиятини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари ва аҳамияти.

4-савол. Жазони ижро этиш муассасаларда соҳавий хизматлари ўзаро ҳамкорлиги жинойт-ижроия тизими самарадорлигини белгиловчи омили сифатида.

## **14-мавзу: Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш.**

Маъруза машғулот (2 соат).

### **Режа:**

1-савол. ЖИЭМларида маҳкумлар билан тарбиявий ва ижтимоий-психологик ишларнинг йўналишлари, шакллари ва уларни режалаштириш.

2-савол. Туркум тарбиячилар кенгаши ишларини ташкиллаштириш ва ўтказиш.

3-савол. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг онгини ўзгартириш, уларда содир этган жиноятдан пушаймон бўлиш ҳиссини уйғотиш мақсадида ижодий кўрик-танлов ва спорт мусобақаларини ташкиллаштириш ва ўтказиш тартиби.

4-савол. Маҳкумларнинг ташаббускор ташкилотлари ва уларнинг вазифалари.

**1- савол. ЖИЭМларида маҳкумлар билан тарбиявий ва ижтимоий-психологик ишларнинг йўналишлари, шакллари ва уларни режалаштириш.**

### **Тарбиявий ва ижтимоий психологик ишларнинг асосий йўналишлари.**

ЖИЭМларида маҳкумлар билан тарбиявий-профилактик ишлар маънавий, ҳуқуқий, жисмоний, меҳнат ва эстетик йўналишлар бўйича олиб борилади.

Ушбу йўналишлар бўйича ўтказиладиган тадбирлар туркум бошлиғининг чораклик режасига киритилган ҳолда ҳафтанинг белгиланган кунларида амалга оширилади ва ҳар бир йўналиш бўйича маърузалар колония бошлиғининг ўринбосари томонидан тасдиқланади ҳамда ушбу маърузалар йил якунига қадар туркумларда алоҳида жамланиб борилади.



### **Улар қуйидагилар:**

■ Маънавий тарбия маҳкумнинг маънавий дунёсини бойитиш, миллий ғоя асосидаги мафкуравий иммунитетини шакллантириш, маҳкумларни ён атрофдагилар билан муносабати, ақл-идрок билан иш кўриши, жамиятдаги ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилиш заруриятини тушунтиришдан иборат.

Ушбу йўналишда ҳафтанинг жума куни маҳкумлар билан ўтказиладиган маънавий-маърифий мавзуларга оид суҳбатлар, маърузалар ўтказиш, оталиқ, кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар уюштириш, кино ва видеофильмлар намойиш этиш каби тадбирларни ўз ичига қамраб олади. Маънавий тарбия гуруҳ таркибида ва оммавий шаклда маъруза ва суҳбат кўринишида амалга оширилади.

■ Ҳуқуқий тарбия маҳкумларда қонунларга онгли равишда итоат қилиш, конституциявий мажбуриятлар ва жамиятда ўрнатилган мавжуд ҳуққ-атвор меъёрларини виждонан бажариш руҳини шакллантиришга қаратилади. Шу билан бирга, маҳкумларга амалдаги меъёрий ҳужжатларда қайд этилган мажбурият ва ҳуқуқларини ўргатиш, уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ишлари мунтазам равишда олиб борилади. Ушбу тарбиявий тадбирлар ҳафтанинг пайшанба куни ЖИЭМнинг соҳавий хизматлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ҳуқуқий мавзулардаги суҳбат ва маърузалар, ҳуқуқий маслаҳатлар бериш усулида ҳам ўтказилади. Шунингдек, ҳафтанинг чоршанба кунлари ҳуқуқий мавзуларга доир “Ҳуқуқий саводхонлик” дарслари ташкил этилади. Ҳуқуқий тарбия яқка тартибда, гуруҳ таркибида ва оммавий шаклда амалга оширилади.

■ Жисмоний тарбия маҳкумларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган бўлиб, бунда маҳкумлар билан эрталабки бадан тарбия машғулоти ўтказилади ҳамда дам олиш ва байрам кунлари спорт мусобақалари ташкиллаштирилади. Шу билан бир қаторда, ҳафтанинг шанба ёки якшанба кунлари ЖИЭМнинг соҳавий хизматлари томонидан маҳкумларга жисмоний тарбия ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи мавзуларда суҳбат ва маърузалар ўтказилади ҳамда ушбу йўналишга оид телекўрсатувлар намойиш этилади.

■ Меҳнат орқали тарбиялаш маҳкумларни меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш ва ижтимоий-фойдали меҳнат шахс ҳаётида, унинг фаровон турмуш кечиришига асос бўлиб хизмат қилувчи энг муҳим омил эканлигини тарғиб қилишга қаратилган бўлиб, ушбу йўналишда маҳкумларнинг касб эгаллаши юзасидан ўқитиш ҳамда ҳафтанинг сешанба куни меҳнатга оид муносабатлар юзасидан суҳбат ва маърузалар ўтказилади.

■ Эстетик тарбия маҳкумларда чиройли ҳуққ-атвор ва меҳр-оқибатни ривожлантириш табиат ва ҳаётдан завқланиш, санъат ва бадий ижодиётдаги нафосат, санъатни яратишдаги нафислик ва гўзаллик ҳиссини уйғотишга йўналтирилган тадбирларни ўзида акс эттиради. Ушбу йўналиш бўйича ҳафтанинг душанба куни инсондаги дид, гўзаллик, ҳаёлилик, ахлоқийлик, нафосатлилик, ҳуққий гўзаллик каби мавзуларни қамраб олувчи адабиётлардан фойдаланган ҳолда китоб мутолаасига қаратилган тадбирлар ва маърузалар ўтказиш.



### **Тарбиявий ва ижтимоий психологик ишларнинг шакллари.**

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни маълум мақсадларга

йўналтирадиган тарбиявий ишлар якка тартибда, гуруҳ таркибида ва оммавий шаклда олдиндан ишлаб чиқилган режа асосида олиб борилади. Ушбу шакллар психологик-педагогик методларни кенг қўллаган ҳолда ташкиллаштирилади.

Якка тартибдаги тарбиявий ишлар бир мунча самарали ҳисобланиб, унда тарбиявий иш мазмунини қуйидагилар ташкил қилади:

- а) маҳкумлар билан якка тартибда ишларни олиб бориш режаларини тузиш ва ташкил этиш;
- б) норасмий етакчи (лидер)ларни аниқлаш;
- в) жинойтчи шахсини ўрганиш ва турли хил тоифага мансуб маҳкумлар билан ишни ташкил этиш;
- г) ўзаро муносабатларда маҳкумларнинг характерини ўрганиш;
- д) сақлаш режимини қўпол тарзда ёки ашаддий бузувчи маҳкумлар билан ишлашни ташкиллаштириш;
- е) маҳкумларни озод қилишга тайёрлаш ва бошқа шу кабиларни ўз ичига олади.

Якка тартибдаги тарбиявий ишлар озодликдан маҳрум қилинган шахснинг жазо муддатини ўташ учун муассасага келган кунидан бошлаб амалга оширилади. Кўникиш (карантин) бўлинмасига қабул қилингандан сўнг маҳкум қуйидаги тарзда ўрганиб чиқилади:

● маҳкумнинг шахсий йиғмажилди ҳужжатлари бўйича содир этган жинойти, жинойий шериклари, оилавий шароити;

● маҳкумнинг соғлиғи ва руҳий ҳолати бўйича мавжуд тиббиёт варақаси;

● маҳкум билан танишув суҳбат: содир этган жинойти, унга муносабати, жинойий шериклари, уларга муносабати, яқин қариндошлари билан алоқаси.

**Шунингдек, унга:**

● ички тартиб-қоидалар талабларини тушунтириш;

● меҳнатга лаёқати ва касбидан келиб чиққан ҳолда меҳнатга жалб этиш (ижро варақаси мавжудлигидан қатъи назар);

● маҳкумнинг шахси, руҳий ҳолати, қизиқувчанлиги ва жисмоний имкониятини ҳисобга олган ҳолда жамоатчилик ишларига, шунингдек турли ташаббускор ташкилотлар шохобчаларига ихтиёрий равишда жалб қилиш.

Тарбиявий хизматнинг маҳкумлар билан ишловчи психологи томонидан кўникма (карантин) бўлинмасида якка тартибда маҳкумнинг шахсини чуқур ўрганиш амалга оширилади. Психолог томонидан ҳар бир маҳкумга ташхис қўйилади ва лозим топилган маҳкум бўйича хулоса тайёрланиб, тавсиялари муассасанинг хизмат (тезкор, тартибот ва тарбиявий бўлим)ларига тақдим этилади. Соҳавий хизматлар маҳкум билан якка тартибда ўз йўналишлари бўйича суҳбатлар ўтказади.

Гуруҳ таркибида тарбиявий иш суҳбатлар ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий, иқтисодий ва бошқа мавзуларда олдиндан режалаштирилган ва белгилаб олинган тадбирлар асосида

ташкिलाштирилади. Мазкур шакл бўйича туркумда ўтказиладиган “Туркум жамоа кенгаши” йиғилишлари, “Ҳуқуқий саводхонлик” дарслари ва “Маънавият” машғулоти, психолог томонидан туркумлараро олиб борадиган амалиётлари, маҳкумларни озодликка тайёрлаш, шунингдек “Туркумлар куни”да белгиланган тадбирларнинг барчаси шулар жумласига киради.

Оммавий шаклда тарбиявий ишларни ташкिलाштириш ҳам олдиндан режалаштирилган тадбирлар асосида олиб борилади. Оммавий шаклда ўтказиладиган тарбиявий тадбирлардан кўзланган асосий мақсад, режалаштирилган тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, жазони ўташ тартиби ва интизомини мустаҳкамлаш, маҳкумларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлашга қаратилиши лозим.

Маҳкумлар ўртасида ташкिलाштириладиган оммавий шаклдаги тарбиявий тадбирлар, маълум мақсадга қаратилиши, маҳкумларни ижобий фаолликка ундаши лозим. Оммавий тадбирлар турлича кўринишда, жумладан ҳуқуқий, жисмоний тарбия ҳамда маънавий-маърифий йўналиш (маъруза, савол-жавоб, ижодий ва адабий кечалар, концертлар ва бошқа шу каби) ларда ташкिलाштирилади.

### **Тарбиявий ва ижтимоий-психологик ишларни режалаштириш.**

ЖИЭМ тарбиявий ишлар бўлимининг чораклик иш режаси, туркум тарбиячилар кенгашининг ойлик режаси, туркум бошлигининг намунавий ҳафталик иш режаси ва байрам кунларига мўлжалланган режалар асосида тузилади:

**Ж**Тарбиявий ва ижтимоий-психологик ишлар ЖИЭМ фаолиятининг ўтган давридаги иш жараёнини ҳар томонлама таҳлил қилган ҳолда маҳкумлар таркиби, жиноятчилик ҳолати, тартиб ва интизом, иш ва ўқиш яқунлари, юқори ташкилотлардан тушган кўрсатмалар ҳамда маънавий, ҳуқуқий, меҳнат, жисмоний ва эстетик тарбиялашнинг йўналишлари асосида режалаштирилади.

Тузилаётган режаларда маҳкумлар билан яқка тартибда, гуруҳ таркибида ва оммавий шаклдаги тарбиявий тадбирларни, туркум тарбиячилар кенгаши фаолияти, ташаббускор ташкилотларининг фаолияти, шаҳодатлаш ишлари, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш ва сақлаш шароитини ўзгартиришга тақдим этиш ишлари, уларни озод этишга тайёрлаш фаолиятини ўз ичига қамраб олади.

Тарбиявий ишлар бўлимининг чораклик иш режалари колония бошлигининг тезкор-қидирув, тартибот ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари билан келишган ҳолда колония бошлиғи томонидан чорак яқунига қадар тасдиқланади.

Тарбиявий ишлар бўлимининг чораклик иш режаси асосида, тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи билан келишган ҳолда, ҳар бир туркум бошлиғи ўз чораклик режасини туркумдаги ҳолат ва ички имкониятдан келиб чиққан



ҳолда ишлаб чиқади ва ижросини таъминлайди. Туркум тарбиявий ишларини режалаштириш ва ҳисоботини олиб бориш дафтари мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ юритилади. Дафтар ҳар йил бошида янги тутилади ва йил якунида ЖИЭМ котибиятига топширилади.

Туркум тарбиячилар кенгаши туркум миқёсида ташкиллаштириладиган амалий тадбирларнинг ойлик режасини туркум тарбиячилар кенгаши раиси ишлаб чиқиб, тарбиявий ишлар бўлими бошлиғига тасдиқлатади ва ижросини ташкиллаштиради.

Туркум бошлиғи туркум миқёсида ташкиллаштириладиган тарбиявий тадбирларнинг ҳафталик режасини тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи билан келишган ҳолда тузиб, колония бошлиғининг тезкор-қидирув, тартибот ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарига тасдиқлатади ва ижросини таъминлайди.

Режаларда қуйидаги тадбирлар акс эттирилиши лозим:

Душанба: ҳар ойнинг 2 ва 4-душанба кунлари туркум жамоа кенгашининг йиғилишини ўтказиш;

● маҳкумлар ўртасида “Эстетик тарбия” йўналиши бўйича тадбирлар ва маърузалар ўтказиш;

● туркум кунини ўтказиш.

Сешанба: ҳар ойнинг 2 ва 4-сешанба кунлари туркум тарбиячилар кенгашининг йиғилишини ўтказиш;

❖ муассаса маслаҳат кенгаши йиғилишини ўтказиш (ойнинг охириги сешанба куни);

❖ маҳкумлар ўртасида “Меҳнат орқали тарбия” йўналишида тадбирлар ва маърузалар ўтказиш.

Чоршанба: туркум тарбиячилар кенгаши аъзолари томонидан туркумларда “Ҳуқуқий саводхонлик” дарсларини ташкиллаштириш;

● муассаса жамоа кенгашининг йиғилишини ўтказиш (ойнинг охириги чоршанба куни).

Пайшанба: “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, диний ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида белгиланган тадбирларни ташкиллаштириш;

➤ маҳкумлар ўртасида “Ҳуқуқий тарбия” йўналишида тадбирлар ва маърузалар ўтказиш.

Жума: туркум тарбиячилар кенгаши аъзолари томонидан туркумларда “Маънавият” машғулоти хамда адабий-бадиий кечаларни ташкиллаштириш;

● туркум жамоа кенгаши шохобчалари йиғилишларини ўтказиш (ойнинг охириги жума куни).

Шанба: маҳкумлар ўртасида “Ўзингни намоен қил” мавзусида бадиий ҳаваскорлик тадбирларни уюштириш;

✚ маҳкумларни озод этишга тайёрлаш ишлари бўйича тадбирларни ўтказиш (ойда бир мартаба шанба куни).

**Якшанба: кино ва видеофильмлар томоша қилиш, концерт ҳамда спорт мусобақаларини ўтказиш, шунингдек тарбия колониясида маҳкумларнинг яқинлари билан учрашувлар уюштириш.**

а) маҳкумларни шахсий масалаларда қабул қилиш ҳар куни тасдиқланган жадвал асосида ташкиллаштирилади;

б) “Ҳукукий саводхонлик” дарслари ва “Маънавият” машғулотлари ЖИЭББ томонидан юбориладиган мавзулар режаси асосида олиб борилади;

в) маслаҳат кенгаши ҳар йили шахсан колония бошлиғи раҳбарлигида соҳавий хизмат бошлиқлари таркибидан тузилади. Туркумдаги тарбиявий йўналишда эришилган ижобий кўрсаткичлар маслаҳат кенгаши ҳузурида ўрганиб чиқилиб, бошқа туркумларга татбиқ этиш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва тарбиявий ишларни жадаллаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланади;

г) туркум кунида маҳкумларнинг маиший-санитар ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишлари, туркумдаги ободонлаштириш ишлари, сафда юриш, туркум шеърини куйлаш кун тартибига мувофиқ ўтказилади.

### **Тарбиявий иш дифференциацияси ва воситалари.**

ЖИЭМлари зиммасига жазо ижросини таъминлаш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш билан бирга, маҳкумларни ахлоқан тузатиш вазифаси ҳам юклатилган. Амалдаги қонунчилик талабига кўра, маҳкумларни ахлоқан тузатишда таъсир кўрсатувчи асосий воситалардан бири шубҳасиз тарбиявий иш ҳисобланади. Тарбиявий ишларни самарали ва талаб даражасида ташкиллаштириш дифференциация тарзда амалга оширилади.

Тарбиявий иш дифференциация асосида, яъни ЖИЭМ турини, жазо муддатини ва сақлаш шароитини, шунингдек маҳкум шахсининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

Туркумларга маҳкумларни тақсимлаш ЖИЭМ ички тартиб-қоидаларида белгиланган тартибда, маҳкумларнинг руҳий, жинсий ва бошқа хислатларини ҳисобга олиб, ЖИЭМ тарбиявий, тезкор-қидирув, тартибот, ишлаб чиқариш ва тиббиёт хизматлари иштирокида амалга оширилади.

Маҳкумлар жазони, одатда, бир туркумда ўтайдилар. Уларни ЖИЭМдаги бир туркумдан бошқасига ўтказиш фақатгина сақлаш шароити ўзгартирилганда ёки айрим фавқулодда ҳолларда колония бошлиғининг ёзма қарори ёки ёзма буйруғи билан ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида ёки тиббиёт хулосасига кўра амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарлиги учун интизомий бўлинмага киритилган маҳкум туркум рўйхатидан ўчирилмайди.

Туркумда олиб бориладиган тарбиявий ишларни ташкиллаштиришда ҳамда маҳкумларни ахлоқан тузатиш ишларида “Ҳар бир ходим тарбиячи” шиори остида ЖИЭМнинг барча соҳавий хизматлари бирдек масъул ҳисобланади.

Туркумни туркум бошлиғи бошқаради, унга эса бевосита шу туркумга

колония бошлигининг буйруғи билан бириктирилган туркум тарбиячилар кенгаши аъзолари амалий ёрдам кўрсатади.

Маҳкумлар ўртасида тарбиявий ва ижтимоий-психологик ишларни ташкиллаштириш фаолиятига колония бошлигининг тезкор-қидирув, тартибот ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари бевосита раҳбарлик қилади.

Туркумлардаги ижтимоий-психологик ва тарбиявий ишларни, шунингдек меҳнат жараёнини ташкиллаштиришда умумий назоратни колония бошлиғи таъминлайди.

## **2-савол. Туркум тарбиячилар кенгаши ишларини ташкиллаштириш ва ўтказиш.**

Туркум тарбиячилар кенгаши доимий ҳаракатдаги маслаҳатчи ташкилот бўлиб, туркум бошлиғига маҳкумлар билан тарбиявий ишларни ташкил этиш ва ўтказишда ёрдам беради. Кенгаш ўз фаолиятини ойлик режа асосида олиб боради.

Туркум тарбиячилар кенгаши бир йил муддатга тузилади ва унинг таркиби қуйидагилардан иборат бўлади:

● туркум тарбиячилар кенгаши раиси–туркум бошлиғи;

● туркум тарбиячилар кенгаши таркиби колония бошлигининг буйруғига асосан барча шаҳодатланган соҳавий хизмат ходимлари ҳамда эркин ёлланган ишчи ва хизматчиларидан тайинланади.

Туркум тарбиячилар кенгаши қарорлари мажлис баённомасида расмийлаштирилади, туркум бошлиғи ва кенгаш аъзолари томонидан имзоланади. Мажлисда кенгаш аъзоларининг эллик фоиздан ортиғи қатнашгандагина у ҳуқуқий кучга эга бўлади. Туркум тарбиячилар кенгаши мажлисларига зарурат бўлганда ЖИЭМнинг бошқа ходимлари, ҳарбий хизматчилар, оталиқ ва жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари таклиф этилади.

Туркум тарбиячилар кенгаши ўз мажлисларида қуйидаги масалаларни муҳокама қилади:

■ яқка тартибда, гуруҳ таркибида ва оммавий шаклда тарбиявий ишларни ташкил этиш ва ўтказиш аҳволини;

■ маҳкумларнинг меҳнат, ўқишга муносабатларини;

■ маҳкумларнинг интизомий ҳолатини;

■ оғир тарбияланадиган, тузалиш йўлига ўтган ва тўлиқ тузалган маҳкумлар рўйхатига киритиш ва ундан чиқариш ҳақидаги масалаларни ҳамда оғир тарбияланадиган, тузалиш йўлига ўтган маҳкумларни оталиққа бириктиришни, шунингдек оғир тарбияланадиганларни тузалиш йўлига ўтказишдаги иштироки учун оталиққа олган маҳкумларни рағбатлантиришга тавсиялар бериш;

■ маҳкумларни шаҳодатлаш кўригидан ўтказиш масалаларини;

■ маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш ва сақлаш шароитини ўзгартириш

масаласини кўриб чиқиш ҳамда озод этилаётган маҳкумларни меҳнат ва турар жой билан таъминлаш ишларини;

■ маҳкумларни интизомий тарзида жазолаш ёки рағбатлантириш бўйича ЖИЭМ раҳбариятига таклифлар киритиш ва бошқа масалаларни.

Туркум тарбиячилар кенгаши аъзоси тарбияси оғир маҳкумлар билан бевосита яқка тартибда тарбиявий ишларни олиб боради, шунингдек маҳкумларни шаҳодатлаш, уларнинг сақлаш шароитлари ўзгариши, тузалиш даражаларини аниқлаш, маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш ва сақлаш шароитини ўзгартиришга тақдим этиш ишларида қатнашади. Яқка тартибда тарбиявий ишларни олиб бориш дафтарига маҳкумларнинг хулқи, меҳнати, ўтказилган суҳбатлар ва бошқа тарбиявий тадбирлар тўғрисида қайд этиб боради. Тасдиқланган режа асосида маҳкумлар ўртасида “Ҳуқуқий саводхонлик” дарслари ва “Маънавият” машғулотларини ташкиллаштиради. Туркум жамоа кенгаши ўртасида ўтказиладиган йиғилишларда иштирок этади. Туркум бошлиғи билан келишган ҳолда туркум ташаббускор ташкилотларидан бирига раҳбарлик қилади. Маҳкумларнинг ташаббускор ташкилотлари аъзоларининг фаолияти ва уларнинг ЖИЭМ ички тартиб-қоидаларига риоя этишларини назорат қилади. Маҳкумлар ўртасида тарбиявий ишларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади.

Маҳкумларни қуйидаги тоифаларга ажратишни назарда тутган ҳолда тарбиявий ишларни индивидуаллаштиради:

● тарбияси оғир маҳкумнинг ахлоқий қиёфасини яхшилаш, содир этган жиноятига нисбатан пушаймонлик ва онгли равишда тузалиш йўлини танлаш, келгусида қонунга итоаткорлик ҳаёт тарзига ўтиш ҳиссини шакллантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида, колония бошлиғининг буйруғига асосан, туркум тарбиячилар кенгаши ва туркум жамоа кенгаши аъзоларига ҳамда фаол маҳкумларга бириктириш орқали тасдиқланган режа асосида тарбиявий ишларни олиб боради;

● тузалиш йўлига ўтган маҳкумлар онгида мустақил меҳнат қилиш кўникмаларини шакллантириш ва ижтимоий фаол ҳаёт позициясини ривожлантириш мақсадида туркумга бириктирилган ходимлар ҳамда фаол маҳкумлар томонидан индивидуал тарзда тадбирлар ўтказилади;

● тўлиқ тузалган маҳкумлар ўртасида тўлиқ ресоциализация қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади, озод қилишга тайёрлаш ишларини олиб боради, шунингдек ҳар ой якунида тузалиш йўлига ўтган ҳамда тарбияси оғир маҳкумлар билан оталиқ асосида жамоат ишларига жалб этилган маҳкумларни рағбатлантиришга тавсия этади;

● тарбияси оғир, амалдаги интизомий жазоси мавжуд бўлган, жинойий ғояларни қўллаб-қувватловчи, ўқиш ва меҳнатга салбий муносабатда бўладиган маҳкумлар;

● тузалиш йўлига ўтганлар, амалдаги интизомий жазоси йўқ, жазони ўташ тартиби ва шартларига риоя этувчи ҳамда ЖИЭМ маъмуриятининг

конуний талабларини бажарадиган, ўқишга ва касб-ҳунар эгаллашга кизиқиши бўлмаган маҳкумлар;

● тўлиқ тузалганлар, шаҳодатлашда ижобий тавсифланган, тарбиявий-профилактик тадбирларда ва жамоатчилик ишларида фаол иштирок этувчи, ташаббускор, тузалиш йўлига ўтган ва тарбияси оғир маҳкумларга оталикқа бириктирилган ҳамда содир этган жиноятдан чин кўнгилдан пушаймон бўлган намунали маҳкумлар.

Ҳар ойда колония бошлиғининг тезкор-қидирув, тартибот ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари ҳузурида туркум тарбиячилар кенгашининг ҳисоботи тингланади ва унинг фаолиятига баҳо берилади.

### **Жамоатчилик ва фуқароларнинг маҳкумларни тарбиялашдаги иштироки.**

Корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар маҳкумларни тарбиялашда қонун ҳужжатларида назар тутилган ҳолларда ва тартибда иштирок этадилар.

Маҳкумларни тарбиялашда ЖИЭМ маъмурияти ташаббуси билан уларнинг яқин қариндошлари, яшаш жойидаги жамоатчилик вакиллари жалб этилиши мумкин. Мазкур тадбирлардаги учрашувлар маҳкумларнинг учрашувлар сони ҳисобига кирмайди.

**3-савол. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг онгини ўзгартириш, уларда содир этган жиноятдан пушаймон бўлиш ҳиссини уйғотиш мақсадида ижодий кўрик-танлов ва спорт мусобақаларини ташкиллаштириш ва ўтказиш тартиби.**

Маҳкумлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, уларда қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик ҳиссини шакллантириш, ҳуқуқий билимини ошириш орқали такрорий жиноят содир этилишининг олдини олиш, жамиятдаги ижобий ўзгаришлар ҳамда ислохотларга дахлдорлик ҳиссини уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда уларни ижобий фаолликка ундайдиган ташвиқот ишларининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида кўрик-танловлар ташкиллаштирилади.

### **“Жаҳолатга қарши маърифат” кўрик-танлови**

ЖИЭМларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар ўртасида мустақилликнинг мазмун-моҳияти, турли кўринишдаги экстремистик ва мутаассиблик руҳдаги тузилмаларнинг инсоният ва жамият хавфсизлигига таҳдидидан огоҳ этиш, миллий, диний ҳамда умуминсоний қадриятларни улар онгига сингдириш, ўзбек халқининг тинчлик



ва бирдамликка, Ватанни севишга чақирувчи анъана ва удумларини тарғиб қилишга қаратилади.

Кўрик-танлов барча ЖИЭМларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар иштирокида ташкил этилади.

Манзил ЖИЭМлари, тергов ҳибсхоналари ва маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган касалхоналарида ушбу тадбир ички имкониятдан келиб чиққан ҳолда ихтиёрий равишда ташкил этилади.

Кўрик-танловни ташкил этиш ва уни ўтказишда колония бошлиғининг буйруғи билан соҳавий хизмат ходимларидан иборат ташкилий ишчи гуруҳ тузилади. Ишчи гуруҳга шахсан колония бошлиғи раҳбарлик қилади.

### Кўрик-танлов қуйидаги шартлар асосида ўтказилади:

● “Алломаларимиз–фаҳримиз” рукни остида жаҳон илм-фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва ижоди;

● турли кўринишдаги жинойтларнинг жамият тараққиёти ва хавфсизлигига таҳдиди;

● юртимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва қўлга киритилаётган ютуқлар;

● одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат ва фуқаролик масъулияти ҳиссини оширишга чақирувчи сахна кўриниши, шу мазмундаги кўшиқ, шеър, монолог, савол-жавоб каби шартлар асосида ташкиллаштирилади.

Кўрик-танлов ЖИЭББ томонидан белгилаб берилган режага мувофиқ, йилнинг иккинчи чорагида ўтказилади.

Кўрик-танлов қатъий белгиланган вақт (регламент) ва тартибга риоя этилган ҳолда ўтказилиши лозим.

Тадбир ўтказилганлиги юзасидан хужжат (баённома, фото ва видеолавҳа)лар тадбирдан сўнг 10 кундан кечиктирмаган ҳолда якуний баҳолаш бўйича ЖИЭББда тузиладиган ҳакамлар ҳайъатига юборилади.

Кўрик-танловнинг ЖИЭМда ҳар томонлама сифатли ва ўз вақтида ўтказилиши ҳамда маҳкумларнинг фаол иштирокини таъминлашга колония бошлиғи шахсан масъул бўлиб, тадбирларни ЖИЭМ соҳавий хизматларининг ҳамкорлигида ўтказилишини таъминлайди.

Кўрик-танловни баҳолашда ҳакамлар ҳайъати қуйидаги мезонларни ҳисобга олади:

а) кўрик-танлов ушбу йўриқнома талаблари асосида ташкиллаштирилиши;  
б) ЖИЭМнинг барча соҳавий хизматлари ҳамкорлигида тадбирларнинг ўтказилиши ва ўтказилган тадбирларда маҳкумларнинг фаоллиги;

в) республикада маънавият ва соғлом авлод тарбияси йўналишида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тадбирда қанчалик ақс эттирилганлиги ҳамда ташкилотчи ва иштирокчилар томонидан ушбу ислоҳотларнинг қай даражада ёритилганлиги;

г) саволларга тушунарли, аниқ ва мустақил фикрга таянган ҳолда жавоб берилиши, қатнашчиларнинг кўрик-танловга тайёрланиш мобайнида билим

ва дунёқарашининг ижобий томонга ўзгарганлиги;

д) сахна кўринишлари, бадиий чиқишлар ва ижроларда “оммавий маданият”нинг таъсирига берилмаганлиги, маънавий ва миллий кадриятларга мос бўлмаган элементлар кўринишларининг йўқлиги;

е) кўрик-танловдаги бадиий чиқишларда тарбиявий, бадиий-эстетик, маънавий завқ бера олиш каби жиҳатларни акс этганлиги.

Шунингдек, кўрик-танловнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб бошқа мезонларини ҳам инобатга олиб якуний қарор қабул қилинади.

Кўрик-танлов сахна кўринишлари, ижодий чиқишларида ходимлар ва таклиф этилган мутахассисларнинг иштирок этиши, шунингдек тадбир давомида иштирокчиларнинг соғлиги ва ҳаётига хавф солувчи хатти-ҳаракатларни намойиш қилиш қатъиян тақиқланади.

Кўрик-танловни ташкил қилиш ва ўтказишда юқорида санаб ўтилган мезонларга қатъий амал қилиниши лозим.

### **“Истеъдод” кўрик-танлови**

Маҳкумларнинг билими, онги ва маданиятини юксалтириш, уларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ва янада мустаҳкамлаш, иқтидори юксак шахсларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида ўтказилади.

Кўрик-танловни ўтказишдан мақсад маҳкумлар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш, оммавий-маданий фаолиятнинг барча турларини жадаллаштириш, маҳкумларни бадиий ҳаваскорлик ва ижодкорликнинг бошқа турларида фаол иштирокини таъминлаш, клуб ва кутубхоналар имкониятидан кенгроқ фойдаланишдан иборатдир.

Кўрик-танлов барча ЖИЭМларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар иштирокида ташкил этилади.

Манзил-колониялари, тергов ҳибсхоналари ва маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган касалхоналарда ички имкониятдан келиб чиққан ҳолда ихтиёрий равишда ташкил этилади.

Кўрик-танловни ташкил этиш ва уни ўтказишда колония бошлиғининг буйруғи билан соҳавий хизмат ходимларидан иборат ташкилий ишчи гуруҳ тузилади. Ишчи гуруҳга шахсан колония бошлиғи раҳбарлик қилади.

Кўрик-танлов ЖИЭББ томонидан белгилаб берилган режага мувофиқ йилнинг учинчи чорагида ўтказилади.

Тадбир қатъий белгиланган вақт (регламент) ва тартибга риоя этилган ҳолда ўтказилиши лозим.

**Кўрик-танловни баҳолашда қуйидаги мезонлар эътиборга олинади:**

а) ЖИЭМ барча соҳавий хизматларининг ҳамкорликда тадбирларни ўтказиши ва ўтказилган тадбирларда маҳкумларнинг қай даражада қамраб олинганлиги;

б) сахна кўринишлари, бадиий чиқишлар ва ижроларда “оммавий маданият”нинг таъсирига берилмаганлик, маънавий ва миллий кадриятларга

мос бўлмаган элементлар кўринишларининг йўқлиги;

в) кўрик-танловдаги бадий чикишларда тарбиявий, бадий-эстетик, маънавий завқ бера олиш каби жиҳатларни акс этганлиги.

Концерт дастурида бадий композиция, яккахон ва хор ашулалар, рақс, вокал-чолғу миллий ансамбллари, ҳажвий, байналмилал, фольклор ва санъатнинг бошқа турлари ҳамда спортчиларнинг чикишлари киритилади. Ушбу чикишларнинг жонли ижро қилинишига катта эътибор берилиб, кўллаб-қувватланади. Кўрик-танлов якунида оммавийлик, сахнанинг безатилиши, кийимларни танланиши, белгиланган мавзунинг ёритилиши ва концерт дастурининг умумий ижроси ҳисобга олинади.

Шунингдек, кўрик-танлов мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб бошқа мезонларни ҳам инобатга олиб якуний қарор қабул қилинади.

Кўрик-танлов сахна кўринишлари, ижодий чикишларида ходимлар ва таклиф этилган мутахассисларнинг иштирок этиши, шунингдек тадбир давомида иштирокчиларнинг соғлиги ва ҳаётига хавф солувчи хатти-ҳаракатларни намойиш қилиш қатъиян тақиқланади.

Кўрик-танловни ташкил қилиш ва ўтказишда юқорида санаб ўтилган мезонларга қатъий амал қилиниши лозим.

Тадбир ўтказилганлиги юзасидан хужжат (баённома, фото ва видеолар)лар тадбирдан сўнг 10 кундан кечиктирмаган ҳолда якуний баҳолаш бўйича ЖИЭББда тузиладиган ҳакамлар ҳайъатига юборилади.

### “Соғлом ҳаёт” спорт мусобақалари

Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад маҳкумларнинг соғлиғини сақлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтишини таъминлаш, шунингдек улар ўртасида спорт ва жисмоний тарбияни, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва шакллантиришдан иборат.

Маҳкумлар ўртасида спорт мусобақалари ЖИЭББ томонидан белгиланган режага мувофиқ ўтказилади ва ЖИЭМ ички имкониятидан келиб чиққан ҳолда колония бошлиғи томонидан белгиланган спорт турлари бўйича йилнинг биринчи чорагида ўтказилади.



Спорт мусобақалари ҳар бир спорт турининг белгиланган қоидалари асосида ўтказилади. Бунда ЖИЭМ раҳбарияти тегишли спорт тури бўйича тажрибага эга ходимлар ва маҳкумлардан ҳакамларни белгилайди.

Маҳкумлар ўртасида спорт мусобақалари ЖИЭББ томонидан белгиланган режага мувофиқ ўтказилади ва ЖИЭМ ички имкониятидан келиб чиққан ҳолда колония бошлиғи томонидан белгиланган спорт турлари бўйича йилнинг биринчи чорагида ўтказилади.

Спорт мусобақалари ҳар бир спорт турининг белгиланган қоидалари



асосида ўтказилади. Бунда ЖИЭМ раҳбарияти тегишли спорт тури бўйича тажрибага эга ходимлар ва маҳкумлардан ҳакамларни белгилайди.

ЖИЭМда ўтказиладиган спорт мусобақаларида иштирок этадиган маҳкумлар дастлаб шифокор кўригидан ўтказилади ва шифокор хулосасига асосан маҳкумларни спорт мусобақаларида қатнашишига рухсат берилади. ЖИЭМда ўтказиладиган оммавий ҳамда яқка тартибдаги спорт мусобақаларида шифокор иштироки қатъий таъминланиши шарт. Спорт мусобақаларини ўтказишда маҳкумларнинг хавфсизлигига, санитария-гигиена талабларига қатъий риоя қилиниши лозим.

Мусобақаларни жойларда ташкиллаштириш учун ЖИЭМ ходимлари ва ташаббускор ташкилот аъзоларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, колония бошлиғининг бўйруғи билан тасдиқланади. Мусобақаларнинг ташкиллаштирилиши ва ўтказилиши ЖИЭМ тарбиявий ишлар бўлими томонидан амалга оширилади. Колония бошлиғи спорт мусобақаларини ўтказишда барча бўлимларнинг ҳамкорликда ишлаши ва мусобақаларнинг кўнгилдагидек ўтишига масъул ҳисобланади.

Спорт мусобақасини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар (спорт инвентарлари, майдон, спорт зал, спорт кийимлари ва ҳ.к.лар) ҳамда рағбатлантириш ва мукофот учун маблағлар ЖИЭМ бюджети ва жамоа фонди ҳисобидан таъминланади.

Спорт мусобақаларига давлат, жамоат ташкилоти вакиллари ҳамда бошқа меҳмонлар кузатувчи ва томошабин сифатида таклиф этилиши мумкин.

Спорт мусобақалари ўтказилганидан сўнг маълумотнома тузилиб, унда мусобақа қатнашчиларининг умумий сони, спорт иншоотлари ва анжомларининг ҳолати, қатнашувчиларнинг спорт кийимлари билан таъминланиши, мусобақа натижаси ва бошқа тегишли маълумотлар кўрсатиб ўтилади.

Ўтказилган спорт мусобақаларининг ғолиблари колония бошлиғининг ваколати доирасида рағбатлантирилади.

Турма, манзил-колониялари, тергов ҳибсхоналари ва маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган касалхоналарда спорт тадбирлари ички имкониятдан келиб чиққан ҳолда ўтказилади.

### **“Деворий нашр” кўрик-танлови.**

Мазкур тадбирнинг мақсади тарбиявий таъсирнинг асосий воситаларидан бири бўлиб, маҳкумларни тартибот ва интизомни мустаҳкамлашдаги мавқеини ошириш, уларни ижобий фаолликка ундайдиган ташвиқот кўринишидаги ишлар таъсирчанлигини кучайтиришдир.

Кўрик-танлов йилнинг тўртинчи чорагида ўтказилади.

**“Деворий нашр” кўрик-танлови куйидаги мезонлар асосида баҳоланади:**

а) деворий рўномаларнинг кўриниш мазмунига тўлиқ ёзма изох берилганлиги;

б) деворий рўзномаларда республика миқёсида нишонланадиган байрамларнинг ёритилиши;

в) деворий рўзномаларнинг мунтазам (*ҳар ойда бир мартоба*) чиқарилиб турилиши, жиҳозланиш сифати, маъноси, белгиланган стандарт (*бир ярим ватман қозозидан ортиқ бўлмаслиги керак*) ҳажми, белгиланган мавзунинг ёритилиши ва долзарблиги ҳамда ЖИЭМ ҳаётини акс эттира олганлиги;

г) деворий нашрларда кўтарилаётган масалаларнинг ЖИЭМ ҳаётида ўз ечими топилаётганлиги, маҳкумларга таъсирчанлиги, ғояларнинг чуқур ва мулоҳаза билан акс эттирилганлиги.

Кўрик-танловга ЖИЭМда жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг оммавий тарзда қатнашганлигига алоҳида эътибор қаратилади.

“Деворий нашр” кўрик-танлови ғолиблари колония бошлиғининг ваколати доирасида рағбатлантирилади.

### **Кўрик-танлов ғолибларини аниқлаш ва рағбатлантириш**

“Жаҳолатга қарши маърифат” кўрик-танлови ғолиблари қуйидаги тартибда тақдирланади:

- I ўрин энг кам ойлик иш ҳақининг 30 (ўттиз) баробари миқдорида пул мукофоти ва фахрий ёрлик;

- II ўрин энг кам ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) баробари миқдорида пул мукофоти ва фахрий ёрлик;

- III ўрин энг кам ойлик иш ҳақининг 15 (ўн беш) баробари миқдорида пул мукофоти ва фахрий ёрлик.

- “Истеъдод” кўрик-танлови ғолиблари қуйидаги тартибда тақдирланади:

- I ўрин энг кам ойлик иш ҳақининг 30 (ўттиз) баробари миқдорида пул мукофоти ва фахрий ёрлик;

- II ўрин энг кам ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) баробари миқдорида пул мукофоти ва фахрий ёрлик;

- III ўрин энг кам ойлик иш ҳақининг 15 (ўн беш) баробари миқдорида пул мукофоти ва фахрий ёрлик.

Мазкур кўрик-танловларнинг ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ЖИЭББнинг буйруғи билан йил якунига қадар эълон қилинади.

“Жаҳолатга қарши маърифат” ва “Истеъдод” кўрик-танловлари ғолибларига фахрий ёрликлар кўрик-танловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ЖИЭББнинг ҳайъати раиси томонидан топширилади, ушбу тадбирларнинг ўтказилишида жонбозлик кўрсатиб, ҳар томонлама ғоя бериб борган ЖИЭББдан 1 нафар ҳамда ЖИЭМларда тадбирларни уюшқоқлик билан ташкил этган 1 нафар ходим амал маоши миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Шунингдек, ЖИЭМда кўрик-танловларни ташкиллаштиришда фаол қатнашган тарбиявий ишлар бўлими ходимлари колония бошлиғи ваколати доирасида пул мукофоти билан тақдирланади.

Пул мукофотлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ЖИЭББ смета харажатлари ҳисобидан тўланиб, кўрик-танловлар ғолибларини тақдирлаш ҳақидаги ЖИЭББ буйруғига асосан совриндор ЖИЭМларнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Ўтказилган пул мукофотларини тадбирни ташкил этган ходимларга ва иштирокчи маҳкумларга тенг тақсимланиши назоратини колония бошлиғи олиб боради.

Кўрик-танлов натижалари ва кўрик-танловда совринли ўринларни эгаллаган ЖИЭМларни тақдирлаш ЖИЭББнинг “Вақт-Время” газетаси саҳифаларида кенг ёритилади.

#### **4- савол. Маҳкумларнинг ташаббускор ташкилотлари ва уларнинг вазифалари. Маҳкумлар жамоасидан иборат ташаббускор ташкилотларнинг тузилиши.**

Маҳкумлар ташкилотларини тузиш ва уларнинг ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Ташаббускор ташкилотлар маҳкумларнинг жамоа тузилиши бўлиб, у ЖИЭМ маъмурияти раҳбарлиги остида, ўзининг меҳнати, ўқиши ва хулқ-атворида ижобий тавсияга эга бўлган ҳамда ЖИЭМнинг ички тартиб-қоидаларини онгли равишда бажариб, тарбиявий тадбирларга фаол иштирок этаётган тўлиқ тузалган маҳкумлардан ихтиёрий равишда ташкил этилади.

Ташаббускор ташкилот таркибига кирувчи маҳкумлар маъмурият назоратида жамоатчилик шаклида иш олиб борадилар. Улар қонунда белгиланган тартибда тақдирланиб, меҳнат жараёнлари ва умумий тадбирларни ўтказишдан озод этилмайдилар.

#### **Ташаббускор ташкилотларнинг мақсади ва вазифаси.**

ЖИЭМларида жазо муддатини ўтаётган тарбияси оғир ва тузалиш йўлига ўтган маҳкумларда жамиятда ўрнатилган тартиб қоидаларга ҳурмат ҳиссини ривожлантириш, уларнинг фойдали ташаббусларини тақдирлаш, шунингдек уларни тузатиш ва қайта тарбиялашда жамоа таъсиридан тўлиқ фойдаланиш мақсадида тўлиқ тузалган фаол маҳкумлар жамоасидан иборат ташаббускор ташкилотлар тузилади.

#### **Ташаббускор ташкилотларга аъзо маҳкумлар маъмуриятга қуйидаги ҳолатларда ёрдам кўрсатади:**

- маҳкумлар орасида ижобий жамоа тушунчаси йўналишидаги маҳкумлар жамоасини тузишда;
- маҳкумларнинг фаоллиги ва фойдали қизиқишларини ривожлантиришда;
- меҳнат мусобақасини ташкил қилиш, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишда;

- маҳкумларни интизомли тарбия қилиш ва ЖИЭМ ички тартиб-қоидаларига қатъий амал қилишда;
- маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ва ўқитиш ишларида.

### **Ташаббускор ташкилотларнинг тузилиши.**

ЖИЭМларида муассаса жамоа кенгаши, туркум жамоа кенгаши ва уларнинг шохобчалари тузилади.

#### **Муассаса жамоа кенгашида қуйидаги шохобчалар тузилади:**

- а) ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш;
- б) меҳнатни ташкил этиш;
- в) жисмоний тарбия ва спорт;
- г) маиший тозалик;
- д) умумий овқатланиш;
- е) маданий-маърифий ва ўқитиш.

Туркум жамоа кенгашида қуйидаги шохобчалар тузилади:

- а) ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш;
- б) меҳнатни ташкил этиш;
- в) жисмоний тарбия ва спорт;
- г) маиший тозалик;
- д) маданий-маърифий ва ўқитиш.

Барча шохобчалар жамоа кенгашининг таркибий тузилмаси ҳисобланиб, тенг ҳуқуқдан фойдаланади.

ЖИЭМ ташаббускор ташкилотлари таркибига тенг ҳуқуққа эга бўлган кутубхона кенгаши ва жамоа фонди киради.

### **Ташаббускор ташкилотлар тузиш тартиби.**

Муассаса ва туркум жамоа кенгаши умумий, қаттиқ тартибли ЖИЭМларида тузилади. Манзил колонияларида муассаса жамоа кенгаши ва унинг шохобчалари тузилади ва уларга туркумлардаги фаол маҳкумлар аъзо қилинади.

Махсус тартибли колонияларда камера типига хонадан оддий яшаш хонасига ўтказилган маҳкумлар орасида, тергов ҳибсхоналарида эса хўжалик хизмат ишларига қолдирилган маҳкумлар ўртасида туркум жамоа кенгашлари тузилади. Кенгашлар ЖИЭМ тарбиявий ишлар бўлими бошлиғининг бевосита раҳбарлиги остида ишлайди. Жамоа кенгаши шохобчаларининг ишларига умумий раҳбарлик ва ўзаро мувофиқлаштиришни ЖИЭМ тарбиявий ишлар бўлими амалга оширади.

Муассаса жамоа кенгаши маҳкумларнинг умумий йиғилишида 9 кишидан кам бўлмаган таркибда, 1 йил муддатга, очиқ овоз бериш йўли билан сайланади.

Туркум жамоа кенгашига аъзолар туркум маҳкумларининг умумий йиғилишида 7 тадан кам бўлмаган таркибда, 1 йил муддатга, очиқ овоз бериш йўли билан сайланади.

Муассаса ва туркум жамоа кенгаши таркибига сайланган маҳкумлар колония бошлиғининг буйруғи билан тасдиқланади.

Муассаса ва туркум жамоа кенгаши шохобчалари аъзолари сони ЖИЭМ маъмурияти томонидан белгиланади ва тартибга солиб турилади.

Манзил-колониаларда туркум жамоа кенгаши ва унинг шохобчалари, тергов ҳибсхонаси ва махсус тартибли колонияларида муассаса жамоа кенгаши ва унинг шохобчалари зарур ҳолларда ЖИЭМ маъмурияти ихтиёри билан ташкил қилинади.

Муассаса жамоа кенгаши шохобчаларининг таркиби туркум жамоа кенгаши шохобчалари раисларидан тузилади. Шохобча умумий мажлисида унинг раиси очиқ овоз бериш йўли билан сайланади ва муассаса жамоа кенгаши томонидан тасдиқланади.

Муассаса ва туркум жамоа кенгашлари ҳамда шохобчалари аъзолари мавжуд сабаблар билан ЖИЭМдан кетган ёки ўзларига билдирилган ишончли оқламаган тақдирда муассаса ва туркум жамоа кенгаши йиғилишларида уларнинг ўрнига бошқа маҳкумлар сайлаб олинади.

### **Жамоа кенгаши ва унинг шохобчалари ишини ташкил этиш.**

Муассаса ва туркум жамоа кенгашлари, кутубхона ва жамоа фонди таркиби очиқ овоз бериш билан раис ҳамда котибини сайлайди. Раисга кенгашнинг умумий раҳбарлиги, котибга эса иш юритиш вазифалари юклатилади.

Муассаса жамоа кенгаши ўз ишини кенгаш мажлисида маъқулланган ва колония бошлиғининг тезкор-қидирув, тартибот ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланган чораклик режаси асосида ташкиллаштиради.

Муассаса жамоа кенгашининг мажлиси ойда бир марта ўтказилади ва мажлис баёни расмийлаштирилади. Кенгаш мажлисида муҳокама қилинаётган масалаларнинг моҳиятидан қатъи назар колония бошлиғи, унинг ўринбосари ёки соҳавий хизмат бошлиқлари қатнашади.

Туркум жамоа кенгашининг иши жамоа йиғилишида маъқулланган ва туркум бошлиғи томонидан тасдиқланган ойлик режа асосида ташкил қилинади.

Туркум жамоа кенгаши йиғилиши бир ойда икки марта ўтказилади ва мажлис баёни расмийлаштирилади. Жамоа кенгаши йиғилишида туркум бошлиғи қатнашади.

Муассаса ва туркум жамоа кенгашлари ўзларининг ишлари тўғрисида ярим йилда бир марта маҳкумларнинг умумий йиғилишида ҳисобот беради. Ҳисобот йиғилишида колония бошлиғи ёки унинг ўринбосари ҳамда туркум тарбиячилар кенгаши аъзолари қатнашади.

Шохобчалар йиғилишлари бир ойда бир марта туркум тарбиячилари кенгаши аъзоларининг вакили иштирокида ўтказилади.

Муассаса жамоа кенгаши шохобчалари ишини мувофиқлаштириш ва уларга умумий раҳбарликни ЖИЭМ тарбиявий ишлар бўлими амалга оширади.

## **Муассаса жамоа кенгашининг вазифалари ва ҳуқуқлари.**

**Муассаса жамоа кенгаши колония бошлиғи раҳбарлиги остида:**

а) тасдиқланган режада кўрсатилган тадбирларни бажаради;  
б) туркумларга “Намунали туркум” мақомини бериш тўғрисидаги материалларни (маълумотларни) кўриб чиқади ва колония бошлиғига таклиф киритади;

в) маҳкумларнинг жамоат ишларида қатнашишини, ЖИЭМ маъмуриятининг қонуний талабларини бажаришларини ташкил қилади;

г) муассаса жамоа кенгаши меҳнатда, ахлоқ-одобда, ўқишда ва жамоатчилик ишларида ўзини ижобий томондан кўрсатган маҳкумларни белгиланган тартибда рағбатлантириш бўйича таклифлар киритади.

ЖИЭМ ички тартиб-қоидаларини бузишга йўл қўйган маҳкумларга нисбатан муассаса жамоа кенгаши қуйидаги чораларни қўллаш ҳуқуқига эга:

а) жамоа кенгаши йиғилишида ҳуқуқбузарларнинг ножўя ҳаракатларини муҳокама қилади;

б) колония ички тартиб-қоидаларини бузишга йўл қўймаслик, меҳнат вазифаларини бажаришга виждонсизларча муносабатда бўлмаслик тўғрисида огоҳлантиради;

в) тарбияси оғирларнинг ахлоқий қиёфасини яхшилаш, келгусида қонунга итоаткорлик ҳиссини шакллантиришда колония маъмуриятига кўмаклашади ҳамда тарбияси оғирлар ҳисобига киритиш ва чиқариш бўйича таклифларини беради;

г) колониядаги ҳуқуқбузарлик ва салбий иллатларни бартараф этиш юзасидан деворий рўзномалар, бадий чикиш ҳамда бошқа воситалар орқали маҳкумларнинг руҳиятига ижобий таъсир ўтказади;

д) ҳуқуқбузарларга нисбатан белгиланган тартибда интизомий жазо қўллаш тўғрисида маъмуриятга таклиф киритади.

## **Туркум жамоа кенгашининг вазифалари ва ҳуқуқлари.**

**Туркум жамоа кенгаши туркум бошлиғи раҳбарлиги остида:**

а) шохобчалар фаолиятини режа асосида белгиланган тадбирларни бажаришга йўналтиради;

б) маҳкумлар жамоатчилик фаолиятини ривожлантиради, фаоллар сафини кенгайтириш чораларини кўради, улар томонидан доимий ва бир марталик топшириқларнинг бажарилишини ташкиллаштиради;

в) “Касб устаси”, “Ишлаб чиқариш илғори” унвони бериш тўғрисида туркум бошлиғига тегишли таклифларни киритади;

г) меҳнатда, юриш-туришда, ўқишда ва жамоатчилик ишларида, ўзини ижобий томондан кўрсатган маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш чораларини қўллаш бўйича туркум тарбиячилар кенгашига таклифлар киритади.

Ҳуқуқбузарликлар содир этган ва салбий тавсифланаётган маҳкумларга нисбатан туркум жамоа кенгаши қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ҳуқуқбузарларнинг хатти-ҳаракатини жамоа кенгашида муҳокама қилиб, ички тартиб-қоидаларни бузишга йўл қўймаслик, меҳнат вазифаларини бажаришга виждонан муносабатда бўлиши тўғрисида огоҳлантириш;

б) туркум тарбиячилари кенгашига маҳкумларининг умумий йиғилишида интизомни бузган маҳкумларга белгиланган жазо чораларни қўллаш тўғрисида таклифлар киритиш.

### **Жамоа кенгаши шохобчалари.**

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш шохобчаси ЖИЭМ маъмуриятига маҳкумларнинг қонун талаблари ва ЖИЭМ ички тартиб-қоидаларига риоя қилишда, ҳуқуқбузарликка йўл қўйган, ўзаро низони юзага келтиришга интилган ва салбий йўналишдаги гуруҳбозликлар келиб чиқишининг олдини олишда, оммавий тарбиявий тадбирлар ўтказишда, янги келган маҳкумларга ҳуқуқбузарликнинг салбий оқибатларини тушунтиришда кўмаклашади.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш шохобчаларининг фаолиятига умумий раҳбарлик колония бошлиғининг тезкор-қидирув, тартибот ва тарбиявий ишлари бўйича ўринбосари зиммасига юклатилади. Туркумларда эса туркум тарбиячилар кенгаши аъзолари масъул ҳисобланади.

Меҳнатни ташкил этиш шохобчаси маъмуриятга маҳкумларни меҳнатга ҳалол ва виждонан муносабат руҳида тарбиялаш, режа топшириқларини ўз вақтида бажариш, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқарилаётган ёки етиштирилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашда, меҳнат мусобақаларини ташкиллаштиришда, “Касб устаси”, “Ишлаб чиқариш илғори” унвонлари билан тақдирлаш тўғрисида таклифлар тайёрлашда, ишлаб чиқариш воситаларини асраб-авайлашда, меҳнат муҳофазасини таъминлашда кўмаклашади. Инновацион ғоялар киритиш ва ихтирочиликни авж олдиришда, маҳкумлар жамоасининг ишлаб чиқаришдаги фаолиятини ёритиб боровчи кўргазмалар, ишлаб чиқариш бўйича кўргазмали ташвиқот воситаларини жойлаштиришда маъмуриятга амалий ёрдам беради.

Меҳнатни ташкил этиш шохобчалари фаолиятига умумий раҳбарликни корхона раҳбари амалга оширади ва ишлаб чиқаришдаги фаолиятига жавоб беради. Туркумларга эса, давлат унитар корхонаси ходимлари масъулдир.

Жисмоний тарбия ва спорт шохобчаси маҳкумлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида, ЖИЭМ маъмуриятига маҳкумлар ўртасида эрталабки бадантарбия машқларини ўтказишда, жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларини ташкиллаштириш ва муваффақиятли ўтказишда, ушбу йўналишда ташвиқот қилиш ҳамда шохобча аъзолари орасидан спорт турлари бўйича йўриқчилар танлашда, спорт майдонлари ва жиҳозларини асраш ҳамда тузатишда, спорт тадбирлари давомида керакли тартибни таъминлашда амалий ёрдам кўрсатади.

Шохобча ишига раҳбарликни ЖИЭМ тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи амалга оширади ва унинг ЖИЭМдаги фаолияти учун жавоб беради. Туркумларда эса туркум бошлиғи масъулдир.

Маиший тозалик шохобчаси ЖИЭМ маъмуриятига маҳкумларни тозаликка чақириш ва озодалик ишларини ўтказишда, маҳкумлар томонидан шахсий ва санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинишида, ЖИЭМ ва туркумлар ҳудудида, ётоқхоналар, маиший хизмат кўрсатиш хоналари, умумий овқатланиш жойларида тозаликка риоя қилишнишини таъминлашда ёрдам кўрсатади. Мазкур йўналишда деворий рўзнома ва мақолалар тайёрлайди ҳамда тарғибот ишларини олиб боради.

Шохобча ишига раҳбарликни ЖИЭМ даволаш-профилактик ёрдам кўрсатиш бўлими бошлиғи амалга оширади ва унинг фаолияти учун жавобгар ҳисобланади. Туркумларда эса, даволаш-профилактик ёрдам кўрсатиш бўлими ёки бошқа хизмат ходимлари орасидан тарбиячилар кенгашига аъзо бўлган ходим масъул бўлади.



Умумий овқатланиш шохобчаси ЖИЭМ маъмуриятига яшаш ва ишлаб чиқариш ҳудудларида ошхоналарнинг бир меъёردа ишлашини таъминлашда, маҳкумларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ҳамда тарқатиш меъёрига риоя қилинишида, ошхонада овқат тарқатилаётган вақтда зарур тартибни

сақлашда, санитария-гигиена қоидаларига риоя этишда, озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш воситаларини асраб-авайлашда, шунингдек техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этишда кўмаклашади

Шохобча ишига раҳбарликни колония бошлиғининг умумий масалалар бўйича ўринбосари ёки хўжалик ва моддий-техник таъминот бўлими бошлиғи амалга оширади.

Маданий-маърифий ва ўқитиш шохобчаси маъмуриятга маҳкумларни одоб-ахлоқ ва эстетик тарбиялашда, уларни маданий-маърифий даражасини оширишда, бўш вақтлари унумли ўтишини ташкиллаштиришда, маданий-маърифий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда, маҳкумларнинг ижодиёти ҳамда бадий ҳаваскорлигини ривожлантиришда, китобхонлик ва савол-жавоб кечалари, ижодий учрашувларни ўтказишда, кутубхона, маърифатхона ишларининг самарадорлигини оширишда, телерадио кўрсатувлари ва эшиттиришларини тинглашни ташкил қилишда, кўргазмали ташвиқотларни жойлаштириш ва даврий рўзномаларни тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатади.

Шунингдек, ЖИЭМда ташкил этилган таълим жараёнида маҳкумларда билимга қизиқишини уйғотишда, билим доирасини оширишда, ўқув машғулотларга мунтазам иштирок этишида, касбга эга бўлмаган маҳкумларни талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича ўқитишни ташкил қилишда, ишлаб чиқариш малакаси ва касб-ҳунар билимларини оширишга қизиқишни ривожлантиришда, ўқишда орқада қолаётганларга



ёрдам беришда, ўқув синфларида керакли тартибни сақлашда, маҳкумлар билан ўтказиладиган синфдан ташқари ишлар ва бошқа профилактик тадбирларни ташкиллаштиришда маъмуриятга кўмаклашади.

Шоҳобча ишига раҳбарликни колония бошлиғининг тезкор-қидирув, тартибот ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари ҳамда тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи амалга оширади. Туркумларда эса туркум бошлиғи унинг фаолиятига масъулдир.

### Кутубхона кенгаши.



Кутубхона кенгаши ЖИЭМ маъмуриятига маҳкумлар орасида китобхонлик кечалари ўтказиш орқали китоб ўқишга ўргатишда, ўқиш маданиятини оширишда, китобларни ташвиқот қилишда, китобхонлар сонини кўпайтиришда, адабиёт кечалари, санъат ва маданият ходимлари билан учрашувлар ўтказишда, китоб тарқатиш варақаларини тўғри юритишда, газета ва журналларни жамлаб боришда,

кутубхонава ўқиш залига тегишли бўлган хоналарда тартибни сақлашда, ихтиёрий равишда газета ва журналларга обуна бўлишни ташкил қилишда, китоблар фондини рўйхатдан ўтказишда амалий ёрдам кўрсатади.

Кутубхона кенгаши ишига тарбиявий ишлар бўлими (катта) йўриқчиси (туркум бошлиғи) масъулдир.

### Маҳкумларнинг жамоа фонди.

Маҳкумларнинг жамоа фонди уларнинг ёзма аризасига асосан ихтиёрий равишда ўтказган маблағлари, улар томонидан ҳашарларда ишлаб топилган маблағлар, қонун билан тақиқланмаган жамоатчилик ва бошқа ташкилотлар, идоралар ҳамда алоҳида беғараз ҳомийларнинг ихтиёрий равишда ўтказган мақсадли маблағлари ҳисобидан ташкил этилади.

Жамоа фонди маблағи, шахсий ҳисобида етарли пулга эга бўлмаган эҳтиёжманд маҳкумларга моддий ёрдам кўрсатишга, маҳкумларнинг маиший-ижтимоий шароитларни яхшилашга, кутубхона фондини бойитишга, газета ва журналларга обуна бўлишда, ўтказиладиган кўрик-танловларни ташкиллаштиришда сарфланадиган моддий харажатларни қоплашда, шунингдек тарбиявий тадбирларда ва кўрик-танловларда фаол қатнашган, тузалиш йўлига ўтган ҳамда тарбияси оғир маҳкумлар билан оталиқ асосида жамоат ишларида иштирок этишга жалб қилинган маҳкумларни моддий рағбатлантиришда сарфланиши мумкин.

Жамоа фонди ишини колония бошлиғининг тезкор-қидирув, тартибот

ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари назорати остида тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи ва туркум бошлиқлари ташкиллаштиради.

Жамоа фондининг 5 кишидан кам бўлмаган таркибдаги раиси ва унинг аъзолари ҳар йили маҳкумларнинг умумий мажлисида маҳкумлар орасидан сайланади ва колония бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Жамоа фонди раиси ҳар чорақда муассаса ва туркум жамоа кенгаши олдида сарф харажатлар тўғрисида, ярим йилда эса маҳкумлар жамоаси олдида ҳисобот беради.

Жамоа фонди маблағини сарфлаш мажлис қарори асосида тузилади ва колония бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Жамоа фонди маблағининг йиғилиши ва сарфи ҳисоби колония бухгалтерия бўлимининг махсус ҳисобида қайд этилади.

### **Ташаббускор ташкилотлар ишининг ҳисоби.**

Маҳкумларнинг барча ташаббускор ташкилотлари муассаса ва туркум жамоа кенгашлари, уларнинг шохобчалари, кутубхона кенгашлари ва жамоа фонди ўзининг ишлари бўйича ҳисобот дафтари юритади.

Дафтарда кенгаш ва шохобча аъзоларининг рўйхати, иш режалари, мажлис қарорлари сақланиши керак, шунингдек ташаббускор ташкилотларнинг маъмурият вакиллари билан текшириш ишларининг натижалари ёритилиши лозим.

Муассаса жамоа кенгашининг ҳисоб ишлари дафтари маҳкумларнинг умумий мажлиси қарорлари билан олиб борилади.

Муассаса жамоа кенгаши ўзининг ишини шохобча ва туркум жамоа кенгаши билан умумлаштиради ва таҳлил қилади.

Ташаббускор ташкилотларнинг ҳужжатлари сақланиш муддати 1 йил ва ҳужжатларнинг сақланиш муддати тугагач ўрнатилган тартибда йўқ қилинади.

### **Маҳкумлар билан психологик ишларни ташкил этиш тартиби. Психологик хизматнинг мақсад ва вазифлари.**

Маҳкумлар томонидан такрорий жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларнинг хулқ-атворларини психологик жиҳатдан ўрганиш, кўникиш даврида мослашишга руҳий жиҳатдан ёрдамлашиш, тарбиявий ишнинг самарадорлигини ошириш ва соҳавий хизмат ходимларга зарур маълумотларни етказиб бериш мақсадида, ЖИЭМларида маҳкумлар ўртасида психологик ишларни олиб боровчи психолог хизмати ташкил этилади.

Маҳкумлар ўртасида ўтказиладиган психологик тадбирлар ЖИЭМнинг соҳавий хизмат ходимлари билан узвий ҳамкорликда амалга оширилади.

Амалга оширилаётган психологик тадбирлар натижалари ҳақида ҳар ойда ҳисобот тузилади ва юқори турувчи идораларга тақдим этилади.

Маҳкумлар тўғрисидаги психологик ҳужжатлар психологнинг сейфида

сақланади ва маҳкум тўғрисидаги индивидуал маълумотларни бошқа шахслар томонидан маҳкумга қарши ишлатиши мумкинлигини олдини олиш мақсадида маҳкум шахсининг сир сақланишини кафолатлайди.

Психолог мунтазам равишда шахс психологияси, шахсга ижобий рухий таъсир кўрсатиш, рухий зўриқишни ечиш, шахс характерини аниқлаш ва бошқа шу йўналишдаги янги усул ва услубларни ўрганиш бўйича доимий малакасини ошириши ҳамда касбига оид махсус ўқув курслар ва семинар-машғулотларда қатнашиши шарт.

Маҳкумлар ўртасида ўтказилаётган психологик ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг руҳиятидаги ўзгаришларни аниқлаш ва ёрдам кўрсатиш мақсадида, психолог фуқаролик кийимида психологик тадбирлар ўтказиши мумкин.

Психологик хизматнинг асосий мақсади замонавий психологик билимлар ва амалиётларни қўллаган ҳолда жазони ўташнинг таъсирчанлигини оширишдир.

Психолог маҳкум шахсини индивидуал психологик хусусиятларини ўрганиш орқали ташхис қўйиб, бу бўйича тавсиялар ишлаб чиқади ва маҳкумлар билан яқка тартибда тарбиявий ишларни олиб бориш дафтарида психологик портрети бўйича маълумотлар киритади.

Жамиятдан ажратилган шароитга мослаштириш, кризисли ва стресс ҳолатларидан чиқиб кетиш, шахслараро муносабатларни ўрнатиш ва озодлиққа тайёрлаш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

Психологнинг махсус усуллари ва хизматига тааллуқли айрим ҳолатлар сирини бошқа шахслар томонидан билиб олиншига йўл қўйилмайди, шунингдек суҳбат, текширув ва шахсни ўрганиш жараёнида олинган шахсий маълумотлар ҳамда ишонч сирларининг тарқатилмаслик чоралари кўрилади.

### **Психологик хизматни ташкил этишнинг асосий функциялари ва режалари.**

ЖИЭМларида маҳкумлар билан психологик хизмат қуйидаги жиҳатларни инобатга олган ҳолда ташкил этилади. Маҳкумларни қилган жиноятига бўлган муносабатини аниқлаш, маҳкумларнинг рухий ҳолатини ўрганиш, агрессия, депрессия (рухий тушкунлик), стресс ҳолатидан чиқиб кетишига кўмаклашиш, маҳкумлар орасида соғлом рухий муҳит яратиш, ҳар бир маҳкум характерига хос бўлган хусусиятларни (кузатувчанлик, хушчақчақлик, тетиклик, мақсадга интилувчанлик, мустақиллик, чидамлилиқ, мардлик, ташаббускорлик, ҳақгўйлик, инсонийлик, раҳимдиллик, ростгўйлик, виждонийлик ва б.) аниқлаш, маҳкумлар орасида фаол, бошқаларни ўзига қарата олиш қобилиятига эга, лидерлик хусусиятлари мавжуд маҳкумларни саралаш, маҳкумнинг билим савиясини, фикрлаш доирасини ўрганиш, маҳкум қобилиятлари ва қизиқишларини аниқлаш, маҳкумнинг иш фаолиятга яроқли ёки яроқсизлигидан келиб чиқиб, мутахассислиги тўғрисидаги билимларини текшириш, агар мутахассислиги бўлмаса, қобилиятларидан келиб чиқиб маълум бир касбга йўналтириш,

махкумлар орасида ЖИЭМ ички тартиб-қоидаларини бузишга мойил, ўз хатти-ҳаракатларини бошқаришга қийналадиганларни (тажовузкор) аниқлаш ва чора-тадбирлар кўриш.

Психолог маҳкумларнинг психологик ҳолати (кайфияти, руҳиятидаги ўзгаришлар, агрессивлик, стресс ва б.), билиш жараёнлари (сезги, идрок, тасаввур, тафаккур, хаёл), индивидуал хусусиятлари (темперамент, характер, қобилият, қизиқишлар), оилавий аҳволи (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари, қариндошлари билан муносабати, турмуш тарзи), хулқ-атворидаги ўзгаришларни (атрофидагиларга муносабати, юриш-туриши, хатти-ҳаракатлари, туркумда ўзини тутиши ва б.) ўрганиб, психологик тарғибот, психопрофилактика, психодиагностика, психокоррекция ва психоконсултация ишларини олиб боради.

Маҳкумларнинг психологик портретларини яратишда психологик ташхис қўйиш, алоҳида эътибор талаб қиладиган гуруҳларга аъзо шахсларни ҳар томонлама объектив ўрганиш орқали индивидуал психологик хусусиятларини аниқлашда психодиагностикадан фойдаланилади.



Ушбу ишларни амалга оширишда махсус психодиагностик методлар (кузатиш, суҳбат, биографик метод, тестлар ва б.) қўлланилади.

Психологик консултация жараёни маҳкумларга муаммоли вазиятларда ечим топишига кўмаклашади. Психологик консултациянинг асосий вазифалари эмоционал кўмак, маҳкумларнинг хавотирига эътибор, муаммога бошқача ёндашиш (иложсизликдан ечимгача), масъулиятни ошириш, ҳаётга реал ва ижодий қарашни шакллантиришдир.

Психологик консултация қуйидаги босқичларда амалга оширилади: маҳкум билан алоқа ўрнатиш, маҳкумга ўз ичидаги дардларини, уни қийнаётган муаммоларни айтиб олишига имконият яратиш, эмоционал кўмаклашиш, биргаликда муаммога тўғри ечим топиш, маҳкумнинг консултациядан кутаётганларини аниқлаштириш ва тўғрилаш, муаммонинг ечим вариантларини ишлаб, ўрганиб чиқиш, маҳкумга тўғри келадиган мос вариантни танлаш, танланган муаммо ечимини режалаштириш (қўллаб-қувватлаш ёки умуман ечим нотўғрилигини тушунтириш).

Психокоррекция шахснинг мақсади ва ижтимоий-психологик қарашларини мақсадга йўналтирган ҳолда ўзгартириш, ўзини ўзи бошқариш, назорат қилиш, муомалага киришиш малакаларини шакллантириш, шахс муносабатларини ривожлантириш ва коррекция қилиш, ноқулай психологик шароитлар ва омилларга чидамлилиқни ошириш (стресс, кризис ва низоли ҳолатлар).

Маҳкумларнинг руҳий ҳолатини яхшилаш, соғлом фикрларни шакллантириш, янги муҳитга мослашишида кўмаклашиш, низоларнинг олдини олишда ёрдам бериш, руҳий тушкун ҳолатдан чиқиб кетишида ҳамда соғлом руҳий муҳитни шакллантириш мақсадида психологик тренинг машғулотлари ўтказилади. Психологик тренинг ташкил этишда дастур

тузилади ва ушбу дастур асосида маҳкумларнинг ёши, муаммоси, фаоллик даражасига эътибор қаратилади.

Психолог олдиндан мукамал ва пухта ишлаб чиқилган колония бошлиғининг тезкор-қидирув, тартибот ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари билан келишилган ҳамда колония бошлиғи томонидан тасдиқланган чораклик режа асосида маҳкумлар ўртасида якка тартибда, гуруҳ таркибида ва оммавий шаклда психологик профилактик тадбирлар олиб боради.

Колония психологи учун колониянинг ички ҳудудидан алоҳида иккита хона (психолог иш юритиш, рухий енгиллаштириш ва тренинглар ўтказиш учун хона) ажратилади.

Психологнинг иш юритиш хонасида компьютер столи, стул, компьютер, темир сейф, китоб жавони, кийим жавони, парда, гилам ва бошқа жиҳозлар бўлиши лозим.

Рухий енгиллаштириш ва тренинглар ўтказиш хонаси стол ва 12–15 киши учун мўлжалланган стуллар, юмшоқ ўриндиқлар, психоаналитик кушетка, китоб жавони, телевизор, ДВД, проектор, секундомер, мусиқа маркази ва 4–6 та қулоқчин (наушник), аквариум, хонага мос парда, гилам, шахснинг руҳиятига ижобий таъсир этувчи расмлар билан жиҳозланади.

Психологик хизмат зарур канцелярия буюмлари (А3, А4 форматдаги ҳамда рангли қоғозлар, дафтар, журнал, ручка, оддий ва рангли қаламлар, буёқ, акварель, гуаш, фламастер, пластилин ва б.) билан таъминланади.

Маҳкумлар ўртасида ўтказиладиган психологик ишлар ЖИЭМнинг соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда олиб борилади. Шунингдек, психолог маҳкумларни шахсий саволлар бўйича қабул қилади ва натижалари юзасидан колония бошлиғининг тезкор-қидирув, тартибот ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарига ахборот бериб боради.

Психолог томонидан ЖИЭМнинг соҳавий хизматларига (маҳкум билан қандай тартибда ишлаш лозимлиги тўғрисида) тавсиялар ёзма равишда топширилади, ҳар бир соҳавий хизмат ходими тавсиянинг белгиланган ижро муддати ичида ўз натижаларини маълумотнома тарзида расмийлаштириб, психологга қайтариб бериши лозим.

Маҳкумларни ўрганиш жараёнида психолог томонидан ЖИЭМ соҳавий хизмат ходимларига оғзаки тарзда тавсиялар, маслаҳатлар, йўлланмалар ҳам бериб борилиши мумкин.

ЖИЭМларида жазо муддатини ўтаётган барча маҳкумларни психологик портретларини яратиб боради ва маҳкумнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига умумлаштириш учун ЖИЭМнинг махсус ҳисоб бўлимига тақдим этади.

ЖИЭМнинг соҳавий хизматлари (тезкор, тартибот, тарбия, тиббиёт, ишлаб чиқариш ва махсус ҳисоб бўлими)дан маҳкумнинг шахси ва ҳуқуқига оид ахборот ҳамда маълумотлар ёзма ёки оғзаки олиниши мумкин.

ЖИЭМ маъмурияти номидан маҳкумнинг озодликда яшаган, даволанган, меҳнат қилган жойидаги ташкилотларга маҳкумга оид керакли маълумотларни сўраб мурожаат этилиши мумкин.

Маҳкумни шаҳодатдан ўтказиш ёки уларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш ва сақлаш шароитини ўзгартириш масаласини кўриб чиқишга тақдим этиш ишлари юзасидан ёзма психологик тавсифнома берилади.

Озодликда тўғри юриш-туришига шубҳа бўлган ва тўлиқ тузалиш йўлига ўтмаган маҳкумлар ҳақида профилактик тавсиялар ишлаб чиқилади ва келгусида ушбу маҳкум билан тарбиявий ишларни давом эттириш учун маҳкум танлаган яшаш ҳудудидаги ички ишлар органларига психологик хабарномалар юборилади.

**Психолог маҳкумларни тоифага ажратган ҳолда ҳафта давомида қуйидаги ишларни ташкиллаштиради:**

● янги келган ҳар бир маҳкумга индивидуал тарзда ёндашиб, психологик хусусиятларини ўрганиш, онгини ўзгартириш, содир этган жиноятдан пушаймон бўлиш ҳиссини уйғотиш бўйича психологик ишларни олиб боради;

● тарбияси оғир, кучли руҳий зўриққан, ички тартиб-қоидаларни мунтазам бузувчи, ўзига ёки ўзгага тажовуз қилишга ва жиноят содир этишга ҳамда бесоқолбозликка мойил бўлган маҳкумлар билан мунтазам равишда бевосита психологик усулларни қўллаб профилактик тадбирлар ўтказди;

● тарбияси оғир маҳкумлар билан ишлаш бўйича индивидуал режалар ишлаб чиқади ҳамда маҳкумнинг психологик хусусиятларидаги ўзгаришларга мувофиқ, зарур ҳолатларда дастурга тузатишлар киритиб бориш орқали тадбирларни режалаштиради;

● маҳкумлар билан экстремизм, терроризм ва бошқа салбий ғояларнинг шахс руҳиятига таъсири юзасидан ишлар олиб боради, уларга анъанавий-маърифий, диний кадрятлар ҳамда ватанга садоқат ҳиссини оширишда таъсир кўрсатадиган энг самарали усулларни қўллайди;

● маҳкумларнинг руҳий ҳолатини яхшилаш, соғлом фикрларни шакллантириш, янги муҳитга мослашишида кўмаклашиш, низоларнинг олдини олишда ёрдам бериш, руҳий тушкун ҳолатдан чиқиб кетишида ҳамда соғлом руҳий муҳитни шакллантириш мақсадида психологик тренинг машғулотларини ташкиллаштиради;

● маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш ва сақлаш шароитини ўзгартириш масаласи кўриб чиқилаётган ва озодликка чиқаётган маҳкумлар билан психологик тренинглар ўтказди, озод этилаётган маҳкумларни, жазо муддатини ўташ даврида шахс сифатида муайян равишда ўзгарганлиги ва ривожланганлигини текшириб чиқади ва уларни озодликдаги ҳаётга амалий ва руҳий жиҳатдан тайёрлаш бўйича (жамият қоидаларига, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлишга, оилавий ҳаётга, меҳнат жамоаларида ўрнатилган муносабатларга ижтимоий мослашиши бўйича) тарбиявий профилактик тавсиялар беради;

● маҳкумлар билан умумий психологик тадбирлар, ҳафта давомида қилинган ишларни умумлаштириб, алоҳида ёндашиш лозим бўлган

маҳкумларнинг руҳий ҳолатини яхшилаш юзасидан бошқа соҳавий хизматлар билан комплекс тадбирлар ташкиллаштиради.

### **Психологик хизматнинг иш ҳужжатлари.**

Тарбияси оғир, негатив ҳисобда турувчи, руҳиятида оғиши бор маҳкумлар ҳамда хавфли рецидивистлар билан олиб бориладиган психологик ишлар дафтарга қайд этиб борилади.

Маҳкумларни озодликка тайёрлашда психологик ёрдам кўрсатиш ва руҳий ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш бўйича ўтказилган психологик тадбирлар натижалари белгиланган дафтарга қайд этиб борилади.

ЖИЭМга янги келган маҳкумларнинг руҳий ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича ўтказилган психологик тадбирлар белгиланган кўрсатилган дафтарга қайд этиб борилади.

Психолог томонидан маҳкумларнинг шахсий саволларига асосан қабул қилинганлиги бўйича маълумотлар белгиланган дафтарга қайд этиб борилади.

Маҳкумга оид зарур маълумотларни олиш бўйича ЖИЭМнинг соҳавий хизматлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан олиб борадиган ёзишмалари, шунингдек маҳкумларнинг руҳий ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш юзасидан расмийлаштириладиган ҳамда тўпланадиган ҳужжатларни умумлаштириш учун алоҳида йиғма жилд юритилади.

Психолог ўзининг иш режасига мувофиқ, маҳкумларнинг руҳий ҳолатини махсус психологик услублар асосида ўрганиш, тренинглар ва тадбирлар ташкил қилиш натижалари ва улар юзасидан расмийлаштириладиган ҳамда тўпланадиган ҳужжатларни умумлаштириб бориши учун алоҳида йиғмажилд юритади.

### **Маҳкумларни шаҳодатдан ўтказиш тартиби.**

Маҳкумнинг шахсини ҳар томонлама чуқур ўрганишда шаҳодатдан ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, бу усул маҳкумга берилган тарбияни мустаҳкамлаб, унинг кейинги ҳаётий режаларини белгилаб беради.

Шаҳодатлашдан ўтказиш маҳкумнинг ўз қилмишига, озодликдан маҳрум этилишига, унга нисбатан чиқарилган ҳукмга, жазони ўташ жойидаги тартиботга, уни тарбиялашга қаратилган тадбирларга, меҳнатга, ЖИЭМ маъмуриятига, маҳкумлар жамоасига, қариндош-уруғларига ва ўзининг келажагига бўлган муносабатларини аниқлаб олишда улар билан иш олиб боровчи тарбиячилар учун тўғри йўналиш ва амалий имкониятларни аниқлаб олишда ёрдам беради.

Маҳкумларни шаҳодатлаш, туркум тарбиячилар кенгашининг ойлик режаларига асосан, ой давомида кенгаш йиғилишларида қуйидаги тартибда ўтказилади:

- ЖИЭМга янги келган маҳкумлар 3 ой ўтгач;

- тузалиш йўлига ўтганлар 6 ойда;
- тарбияси оғир маҳкумлар ҳар 3 ойда;
- тўлиқ тузалган маҳкумлар йилда 1 марта шаҳодатланади.

Шаҳодатланаётган маҳкум туркум тарбиячилар кенгаши мажлисига таклиф этилади ва шаҳодатлаш натижаси ўқиб эшиттирилади.

**Маҳкумлар туркум тарбиячилар кенгаши аъзолари томонидан қуйидаги мезонлар асосида шаҳодатланади:**

а) маҳкумнинг хулқи, одоби, руҳий ҳолати, меҳнатга бўлган муносабати (белгиланган иш нормаларининг бажариши, меҳнатга виждонан ёндашиши ва бошқалар);

б) ЖИЭМда жазо муддатини ўташ даврида ўрнатилган тартиб-қоидаларга бўлган муносабати (олган интизомий жазолари ёки рағбатлантиришлари);

в) ўқув машғулотидаги ва ЖИЭМ ҳаётидаги иштироки (ташаббускор ташкилотларга аъзолиги, оммавий тадбирлардаги иштироки ва бошқалар);

г) ЖИЭМдаги яқин алоқалари, оиласи ва қариндошлари билан муносабати;

д) давлат ва фуқаролар олдидаги қарздорлигини қоплаганлик даражаси;

е) содир этган жиноятига ва олиб борилаётган тарбиявий тадбирларга муносабати.

Маҳкумнинг шахси ва унинг хулқ-атворини аниқловчи юқоридаги маълумотлар таҳлили асосида туркум тарбиячилар кенгаши аъзолари қонун олдидаги ўз масъулиятини ҳис этган ҳолда маҳкумга ҳолисона баҳо беришлари шарт.

Шаҳодатлаш хулосаси ва таклифлар туркум тарбиячилар кенгаши котиби томонидан баённомаларда акс эттирилади ва маҳкумлар билан якка тартибда тарбиявий суҳбат ўтказиш дафтарига ёзиб қўйилади. Маҳкумни шаҳодатдан ўтказилганлиги бўйича қайдлар мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ тўлдирилади ҳамда шаҳодатлаш тавсифнома бланкаси ЖИЭМ махсус ҳисоб бўлимига топширилади ва маҳкумнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади.

### **Мустақил тайёргарлик учун топширик:**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. ЖИЭМларида маҳкумлар билан тарбиявий ва ижтимоий-психологик ишларнинг йўналишлари, шакллари ва уларни режалаштириш.

2. Туркум тарбиячилар кенгаши ишларини ташкиллаштириш ва ўтказиш.

3. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг онгини ўзгартириш, уларда содир этган жиноятдан пушаймон бўлиш ҳиссини уйғотиш мақсадида ижодий кўрик-танлов ва спорт мусобақаларини ташкиллаштириш ва ўтказиш тартиби.



4. Маҳкумларнинг ташаббускор ташкилотлари ва уларнинг вазифалари.
5. Маҳкумларни шаҳодатдан ўтказиш тартиби.
6. Психологик хизматнинг иш ҳужжатлари.
7. Ташаббускор ташкилотлар тузиш тартиби.

## 14-мавзу. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш.


Семинар машғулот (2 соат).

### Семинар машғулот.

Ушбу амалий машғулот **«Блиц-сўров»** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Блиц-сўров» (инглизча «блиц» – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олиншига кўра белгиланади.

Машғулотларда ушбу методни қўллаш қуйидагича кечади:



### Ўқув машғулотнинг саволлари:

1-савол. ЖИЭМларида маҳкумлар билан тарбиявий ва ижтимоий-психологик ишларнинг йўналишлари, шакллари ва уларни режалаштириш.

2-савол. Туркум тарбиячилар кенгаши ишларини ташкиллаштириш ва ўтказиш.

3-савол. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг онгини ўзгартириш, уларда содир этган жиноятидан пушаймон бўлиш ҳиссини уйғотиш мақсадида ижодий кўрик-танлов ва спорт мусобақаларини ташкиллаштириш ва ўтказиш тартиби.

4-савол. Маҳкумларнинг ташаббускор ташкилотлари ва уларнинг вазифалари.

5-савол. Маҳкумларни шаҳодатдан ўтказиш тартиби.

6-савол. Психологик хизматнинг иш ҳужжатлари

7-савол. Ташаббускор ташкилотлар тузиш тартиби

## **15-мавзу: Маҳкумларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими.**

Маъруза машғулот (2 соат).

### **Режа:**

1-савол. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг умумий, ҳунар таълими.

2-савол. Маҳкумлар умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва касб тайёргарлиги

### **1-савол. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг умумий, ҳунар таълими.**

Мамлакатимизда барча фуқаролар учун билим олиб, касб-ҳунар эгаллаш ҳуқуқи кафолатланган. Ҳатто жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган, озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ҳам таълим олиши учун шароит яратилмоқда.

Зеро, қонунга итоаткорлик, жамиятда юриш-туриш қоидаларига амалга қилиш, ижтимоий ҳаётга мослашувчанлик кўникмасини шакллантириш, янги жиноят содир этилишининг олдини олиш учун маҳкумларни ўқитиб, касб-ҳунарга йўналтириш муҳим саналади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг мутлақо янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш мақсадида Президентимизнинг 2018 йил 14 майдаги 3723-сонли қарорига биноан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди. Концепция доирасида жазоларни либераллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Ўтган қисқа даврда озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг умумий ўрта ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олиши учун олти та жазони ижро этиш муассасасида умумтаълим, тўрттасида эса касб-ҳунар ўргатиш марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, “Уста-шогирд” тизими

асосида маҳкумларни касб-хунарга йўналтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Умумтаълим ва касб-хунар ўргатиш марказлари фаолият кўрсатмаётган жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими олиши, шунингдек, барча жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг олий таълим эгаллаши учун имконият ва шароитлар яратиш, қолаверса, пробация хизмати учун кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш зарурати мавжуд. Шу боис, Ўзбекистон Президентининг “Жиноий жазони ижро этиш тизимида таълимни ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойиҳаси жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жойлаштирилди.

Илк бор қарор лойиҳасида умумтаълим муассасалари ва касб-хунарга ўқитиш марказлари фаолият кўрсатмаётган жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими олиши, шунингдек, барча жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг олий маълумотли бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш назарда тутилган.

Шунингдек, меъёрий ҳужжат лойиҳасида 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг масофавий таълим шакли орқали умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими олиши учун жазони ижро этиш муассасаларида фаолият кўрсатаётган умумтаълим ва касб-хунар ўргатиш марказларида, олий маълумот олиши учун эса тегишли олий таълим масканларида махсус ўқув гуруҳлари ташкил этилиши кўрсатилган. Махсус ўқув гуруҳида таълим олувчиларнинг ўрни олий таълим муассасаларининг белгиланган умумий қабул квоталарига кирмайди ва давлат бюджетидан молиялаштирилади.

Шунингдек, қарорда китобхонлик маданиятини шакллантиришга қаратилган вазифалар ҳам белгиланган. Жазога ҳукм қилинганлар ҳар ойда камида битта тавсия этилган адабиётни ўқиши лозим. Хулқ-атворини баҳолаш, жазосини енгиллатиш, муддатидан илгари шартли озод қилишда маҳкумларнинг билим ва касб-хунар эгаллашга виждонан ёндашувини ҳисобга олиш назарда тутилган. Бу уларнинг китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда таълим олишга интилишини рағбатлантирувчи ўзига хос механизмдир.

Қарор лойиҳасида тегишли вазирлик ва идоралар олдига масофавий таълим шакли орқали билим олиш истагида бўлган маҳкумларни ўқишга қабул қилиш, шу жумладан, ҳужжатларини расмийлаштириш, топшириш, имтиҳонларни ўтказиш ва натижасини эълон қилиш, маҳбусларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим олишини ташкил этиш, уларга муайян маълумот олганини тасдиқловчи ҳужжатларни бериш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган собиқ ўқувчи ёки талабаларнинг таълим муассасаларидаги ўқишини давом эттириш тартиби каби қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш вазифаси қўйилган.

Жиноят-ижроия кодексининг 18-моддасига асосан, шикоятларни кўриб чиқиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатлари бузилгани ҳолларини ўз ташаббуси билан текширишда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга. Ушбу қоидадан келиб чиқиб, таълим олиш истагидаги маҳкумларни ўқишга қабул қилиш, шу жумладан, ҳужжатларини расмийлаштириш, топшириш, имтиҳонларни ўтказиш ва натижасини эълон қилишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи миллий институтлар вакиллари иштироқи назарда тутилса, жараённинг адолатли ва шаффоф ўтиши таъминланади.

Бизнингча, қарор лойиҳасидаги “ўрта махсус касб-ҳунар таълими” жумласи ўрнида “ўрта махсус профессионал таълим” жумласини ишлатиш мақсадга мувофиқ. Шунда қарор лойиҳаси Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони талабларига мувофиқ келади.

Озодликдан маҳрум этилган шахслар орасида билиб-билмай жиноят содир этган зиёлилар, илм-фан вакиллари ҳам мавжудлигини инобатга олсак, бу тоифа маҳкумлар учун олий таълимдан кейинги таълимни давом эттириш, илм-фан билан шуғулланиш, муайян соҳаларда тадқиқотлар олиб бориш, мавзуларни танлаш, тасдиқлаш ёки олдин танлаган мавзусини давом эттириш имконияти яратилса, электрон кутубхоналар ташкил этилиб, улардан илм йўлида фойдаланилса, бу саъй-ҳаракатлар, албатта, ижобий натижа беради.

Бугунги давр талабидан келиб чиққан ҳолда озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсларнинг билим олиши, яъни, умумий ва ҳунар таълимнинг инсоннинг онгини шаклланиш жараёни, унинг ахлоқий фазилатлари, хулқ-атвори шаклланишида таълимнинг аҳамиятини доимо эътиборда тутишимиз лозим.

Жиноятга оид статистик маълумотлар таҳлиliga кўра судлар томонидан 2011 йилда жазо тайинланган маҳкумларнинг 32-35%гача бўлган қисмини тўлиқ умумий ўрта маълумотга эга бўлмаганлар ёки уларнинг маълумот даражаси 4-5-синф маълумоти даражасида қолиб кетганлар ташкил этади.

Шу нуқтаи назардан жазони ўташ жойларида маҳкумнинг умумий таълим даражасини ошириш унинг жазони ўташ пайтидаги ва ундан кейинги даврдаги хулқ-атвори билан узвий боғлиқдир. Бунда шу нарса аниқланганки, маҳкумнинг умумий таълим даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг хулқ-атвори ҳам шунга мос даражада яхшиланиб боради. Бундан ташқари, юқори даражада таълим олиш маҳкум озодликка чиққанидан сўнг унинг ижтимоий мослашишига ҳам кўмаклашади. Шунинг учун ҳам умумий ва ҳунар таълими маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларидан ҳисобланади.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида маҳкумларнинг таълим олиши Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Жиноят-ижроия кодекси, “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топган.



# "ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА"ги Қонун

Манба: ЎРҚ-637, 23.09.2020. @huquqiyaxborot



Давлат олий таълим ва профессионал таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш давлат гранти ва (ёки) тўлов-шартнома асосида амалга оширилади



Чет эллик фуқароларни Ўзбекистоннинг давлат таълим муассасаларига қабул қилиш тўлов-шартнома асосида амалга оширилади (давлат гранти ажратилган ҳоллар бундан мустасно)



Олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш параметрлари Президент томонидан белгиланади



Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш чоғида имтиёзли контингент учун қўшимча қабул параметрлари белгиланади

Давлат олий таълим, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, шунингдек давлат иштирокидаги олий, ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари Президент ёки Ҳукумат қарорлари билан ташкил этилади



## НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ



Таъсисчилар томонидан ташкил этилади

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан лицензия берилади

Ўқишга қабул қилиш тартибини мустақил белгилайди

## ҚУЙИДАГИ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАНЛОВ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ



олий таълим муассасаларига

академик лицейларга

Президент, ижод, ихтисослаштирилган мактаблар ва бошқаларга



# "ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА"ги Қонун

Манба: ЎРҚ-637, 23.09.2020. @huquqiyaxborot



### МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ



болаларни ўқитиш ва тарбиялашга, уларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган таълим туридир. Унда 6 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни бошланғич таълимга бир йиллик мажбурий тайёрлаш ҳам назарда тутилади.

### УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ



1-XI синфларни ўз ичига олади

### ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ



академик лицейларда 9 йиллик таянч ўрта таълим асосида 2 йил мобайнида амалга оширилади

### ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ БОШЛАНҒИЧ, ЎРТА ВА ЎРТА МАХСУС ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ДАРАЖАЛАРИГА АЖРАТИЛАДИ



#### Бошланғич профессионал таълим

касб-хунар мактабларида IX синф битирувчилари негизида кундузги таълим шаклида 2 йиллик интеграциялашган дастур асосида бепул амалга оширилади

#### Ўрта профессионал таълим

коллежларда давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида давомийлиги 2 йилгача бўлган кундузги, кечки ва сиртки таълим шакллари буйича амалга оширилади

#### Ўрта махсус профессионал таълим

техникумларда давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида давомийлиги камида 2 йил бўлган кундузги, кечки ва сиртки таълим шакллари буйича амалга оширилади

#### ОЛИЙ ТАЪЛИМ



2 босқимдан иборат: бакалаврият ва магистратура

#### ОЛИЙ ТАЪЛИМДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМДА



таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчанлик асосида илмий даражага эга илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрланади

#### КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ



касбий билим, малака ва кўникмаларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда янгилаб борилишини таъминлаб, кадрларнинг тоифаси, даражаси, разряди ва лавозими ошишига хизмат қилади

#### МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИГА



болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, "Баркамол авлод" болалар мактаблари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, студиялар, ахборот-кутубхона ҳамда соғломлаштириш муассасалари қиради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида 1955 йилда қабул қилинган ва умумэътироф этилган "Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал

стандарт қоидалари”да маҳкумларни тўлақонли таълим олишлари учун жазони ижро этувчи муассасалар маъмурияти томонидан зарурий шарт-шароитлар яратиб берилиши лозимлиги қайд этилган. Чунончи, маҳкумлар кундузги ёруғликда ўқишлари ва ишлай олишлари учун деразалар етарли ўлчамларга эга бўлиши ҳамда сунъий шамоллатиш тизимининг мавжудлиги ва мавжуд эмаслигидан қатъий назар тоза ҳаво кирадиган тарзда ясалган, сунъий ёритиш эса маҳкумларнинг кўзларига хавф туғдирмайдиган ҳолда ўқишлари ёки ишлашлари учун етарли даражада бўлиши керак. Ҳар бир жазони ижро этиш муассасаси барча тоифадаги маҳкумлар фойдаланиши мумкин бўлган бадиий ва таълим мазмунига эга китоблар мавжуд бўлган кутубхонага эга бўлишлари, ушбу кутубхоналардан барча маҳкумларни фойдаланишга рағбатлантириш кераклиги белгиланган.

Бундан ташқари ушбу минимал стандат қоидаларнинг 77-қоидасида “Таълимдан фойда топишга қодир бўлган маҳкумлар билимини ошириши, уларнинг таълим олиш имкониятлари таъминланиши лозим. Саводсиз кишилар ва ёшларга таълим бериш мажбурий ҳисобланиши керак ва камоқхона бошқарув органлари бунга алоҳида эътибор қаратишлари зарур.

Маҳкумларни ўқитишни йўлга қўйишда улар жазодан озод этилгандан кейин ҳам қийналмасдан ўқишни давом эттиришлари учун жазони ижро этиш муассасаларининг маъмуриятлари бор имкониятларини ишга солишлари ҳамда мамлакатда амал этаётган таълим тизими билан уйғун ҳолда олиб бориши керак” деб эътироф этилган.

Мамлакатимиз Конституциясининг 41-моддасида эса “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир” деб бежизга белгилаб қўйилмаган. Чунки, таълим кенг маънода инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олади. Инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳам таълим четда қолмаган. Бу ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган шахсларга ҳам тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 24-моддаси ва Жиноят-ижроия кодексининг 100-моддасига асосан озодликдан маҳрум этиш тарикасидаги жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг умумий ўрта таълими ташкил этилади. Ўз навбатида, жойлардаги жазони ижро этиш муассасаларининг маъмурияти маҳкумларга уларнинг таълим олиши ва мустақил тайёрланишлари учун юқорида кўрсатиб ўтилган қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратади ҳамда зарур кўмак кўрсатади.

**Жазони ижро этиш муассасаларида ёши ўттизгача бўлган маҳкумлар мажбурий равишда, ёши ўттиздан ошган маҳкумлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари эса хоҳишларига кўра таълим олишга жалб этиладилар.**

Маҳкумларнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олишига йўл қўйилмайди, манзил-колониялардаги маҳкумлар бундан мустасно бўлиб, улар ўқув юртларининг сиртқи бўлимларида таълим олишлари мумкин. Бироқ ҳозирги пайтда муайян сабабларга кўра, яъни олий таълим

муассасаларида сиртки таълим тўхтатилганлиги боис манзил-колониялардаги маҳкумларнинг ушбу ҳуқуқини руёбга чиқаришнинг имкони бўлмайди.



Маҳкумларнинг умумий ўрта таълимини ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, *мажбурий равишда умумий таълим олиш фақат 30 ёшга етмаган маҳкумларга тааллуқли*. Ёши 30дан ошган ёки I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган маҳкумлар мажбурий таълим олишдан озод қилинадилар.

Улар ўз хоҳишларига кўра, умумий ўрта таълим олишга жалб қилинадилар. Бу инсоний мақсадларда қилинган. Чунки озодликдан маҳрум қилиш жойларида таълим олиш ўз ичига жазоловчи, қўшимча мажбурият элементларини олмаслиги лозим.

Маҳкумларнинг умумий ўрта таълимни олишлари қонун томонидан рағбатлантирилади ва уларнинг хулқ-атворини баҳолашда, яъни уларни ахлоқан тузалиш даражасининг мезонини аниқлашда ҳисобга олинади. Бу эса жазони ўташ муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш, жазони ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш, амнистия актини қўллаш, афв этиш, маҳкумни жазони енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказиш, шунингдек бошқа турдаги белгиланган рағлантириш чораларини қўллашда муҳимдир.

Асосий умумий ўрта таълим олиш мажбурияти жорий қилинадиган маҳкумлар учун агар улар сабабсиз равишда дарс қолдирсалар ёки ўқишдан бош тортсалар интизомий жазога тортиладилар.

Асосий умумий ўрта таълим олиш жараёни умрбод озодликдан маҳрум қилинган шахслар жазони ўтаётган муассасаларидан бошқа ҳамма муассасаларда ташкил қилинади. Бунинг учун жазони ўташ тартибига зид бўлмаган барча шароитлар яратилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган асрнинг охириги йилларида бир канча жазони ижро этиш муассасаларида асоссиз равишда тарқатиб юборилган умумий ўрта мактаблар эндиликда қайтадан замон руҳига мос равишда ташкил этилмоқда. Бугунги кунда кўплаб жазони ижро этиш муассасаларида умумий ўрта таълим мактаблари, ҳудудий (туман ва шаҳар) касб-ҳунар коллежларининг ўқув-маслаҳат пунктлари фаолият кўрсатмоқда ҳамда янгилари қурилмоқда. Мазкур ўқув масканлар маҳаллий ҳокимиятларнинг ихтиёрида бўлиб, улар томонидан маблағ билан таъминланади. Жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти эса маҳкумларга ўқиши учун шароит яратиб бериши керак. Бу дегани маҳкумларга дарсликлар, ўқув-ёзув қуролларидан фойдаланиш имкониятини бериш демакдир. Маъмурият маҳкумларни уларнинг ўқишлари вақтида режадан ташқари ишларга жалб қилмаслиги, уларнинг мустақил таълим олишларига кўмаклашиши зарур.

Имтиҳонлар топшириш пайтида таълим олаётган маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунларига биноан ишдан озод қилинадилар. Таъкидлаш жоизки, жиноят-ижроия қонунчилиги маҳкумларнинг олий ва ўрта махсус таълим олишини ташкиллаштиришни назарда тутмаган бўлса-да, бироқ бу масала Жиноят-ижроия кодекси 100-моддасининг 3-қисмида бир қадар тартибга солинган.

Жазони ижро этиш муассасаларида 5-синф ва ундан юқори бўлган *синфлар сони камида тўрттани* ташкил этган ва ушбу синфларнинг ҳар бирида *йигирма кишидан кам бўлмаган ўқувчи* жамланган тақдирда умумий ўрта таълим мактаблари очилишига йўл қўйилади. Бу мактаблардаги ўқувчиларга 5-синф ва ундан юқори бўлган синфлар учун мўлжалланган дастур асосида умумий ўрта таълими берилади.

Жазони ижро этиш муассасаларидаги умумтаълим мактабларда таълим олаётган 9-синфни битирувчи маҳкумлар имтиҳонларни топширишлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ишдан озод қилинадилар. Ўқувчи маҳкумларга имтиҳон сессиялари даврида ишдан озод қилинганлиги учун меҳнат ҳақи тўланмайди, бироқ имтиҳонлар сессияси жараёнида ўқувчи-маҳкумлар озиқ-овқат билан бепул таъминланадилар.

Жазони ижро этиш тизимидаги умумий ўрта мактаблардаги битирув имтиҳонлари ҳам барча умумтаълим мактаблари каби ҳар били 15 июнигача ўтказилади ва 20 июнга қадар ҳудудий умумтаълим мактаб директорлари томонидан битирувчи маҳкумларнинг шаҳодатномаларини расмийлаштирилиши таъминланади.

Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари ўзларининг танлаган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича жазони ижро этиш муассасасидаги мавжуд бўлган ҳудудий(туман ва шаҳар) касб-ҳунар коллежларининг ўқув-маслаҳат пунктларида ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июндаги “Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олишни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисидаги 109-сонли Қарорига биноан 9-синф битирувчиларининг ўқишни давом эттириш тўғрисидаги аризалари асосида умумтаълим мактабларида ҳар йили 20 июнигача битирувчиларнинг ҳужжатлари билан биргаликда шахсий ҳужжатлар йиғма жилди ҳам шакллантирилади. Умумтаълим мактаб директордари ёки директор ўринбосарлари ҳар йили битирувчилар ҳужжатлари йиғма жилдиини муассасада фаолият кўрсатаётган ҳудудий (туман, шаҳар) касб-ҳунар коллежларининг ўқув-маслаҳат пунктлари маслаҳат марказига топширадилар.

Умумтаълим мактаб битирувчисининг ҳужжатлари қабул қилинганлиги тўғрисида муассасада фаолият олиб бораётган ҳудудий (туман ва шаҳар) касб-ҳунар коллежлари директори томонидан тўрт нусхада топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади.



Жазони ижро этиш муассасаларида фаолият олиб бораётган ҳудудий (туман ва шаҳар) касб-ҳунар коллеж директорлари ҳар йили 5 июлга қадар жазони ижро этиш муассасаларида фаолият кўрсатаётган умумтаълим мактабларидан қабул қилинган ҳужжатлар йиғма жилдлари асосида биттирувчиларни қабул қилиш бўйича буйруқларни расмийлаштиради ва янги ўқув йилидан бошлаб маҳкум муассасадаги ҳудудий (туман ва шаҳар) касб-ҳунар коллежларининг ўқув-маслаҳат пунктларида ўқишни давом эттириши учун шароитларни яратиб берадилар.

Маҳкумларнинг таълим олишга интилишлари уларнинг жинси, ёши ва соғлиғининг ҳолатидан қатъий назар рағбатлантирилиши керак. Бу сезиларли тарбиявий самара беради ва маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолатини ўзгартиришга олиб келади. Жазони ижро этиш муассасаларининг педагогик жамоалари жазони ижро этиш муассасаларнинг маъмуриягига маҳкумлар билан тарбиявий иш олиб боришда кўмаклашадилар. Ўқитувчилар одатда салбий психик ўзгаришларга эга шахсларга психологик-педагогик таъсир кўрсатиш тажрибисига эга инсонлардир. Шунинг учун ҳам улар жазони ижро этиш муассасаларида тарбиявий жараёнга ижобий ёндашишлари мумкин.

### Маҳкумларни ҳунар таълими ва касб тайёргарлиги.

Жиноят-ижроия кодексининг 101-моддасига мувофиқ жазони ижро этиш муассасаларида ҳунар таълими берилади ва (ёки) маҳкумлар ишлаб чиқаришда касбга ўргатилади.

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларга ҳунар таълимини бериш ва уларни касбга ўргатишдан асосий мақсад - бу маҳкумларга касб-ҳунар эгаллаб олишдаги билим ва малакаларни бериш, жазодан озод бўлгандан кейинги даврда меҳнат фаолиятига киришиб кетиш учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ахлоқан тузалиши учун ижобий таъсир кўрсатиш ҳисобланади.

Маҳкумларга ҳунар таълимини бериш ва уларни касбга ўргатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Маҳкумларга ҳунар таълимини бериш ва уларни касбга ўргатишдан асосий мақсад уларни ижтимоий-фойдали фаолиятга жалб этиш ва касб-ҳунар ўргатишдир. Бунда ихтисослиги бўлмаган маҳкумларга касб ўргатишга эътибор қаратилади. Фақат I ва II гуруҳ ногиронлари, 60 ёшдан ошган эркаклар ва 55 ёшдан ошган аёллар бундан мустаснодирлар. Уларга бирор касбни эгалламоқчи бўлсаларгина бундай имконият берилади. Қонунда бу ҳолатга эътибор берилишининг боиси шундан иборатки, маҳкумлар фақат озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётганларидагина эмас, балки озодликка чиққанларидан кейин ҳам қонунга итоаткор хулқ-атворга эга бўлишлари, озодликка чиққанларидан кейин ҳаётга қўшилиб кета олишлари учун зарурдир. Юқори малакали ишчиларни тайёрлаш фақат жазони ижро этиш муассасалари учунгина эмас, балки бутун жамият учун ҳам зарурдир. Бу айниқса, ишчи кучи кўп бўлган, ходимларга нисбатан талаб ошиб бораётган ҳозирги шароитларда жуда ҳам муҳимдир.

*Маҳкумларнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими.* Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг хунар таълими асосан ишлаб чиқаришдан ажратилмаган ҳолда олиб борилади. Турли касбларни (мутахассисликлар) ўрганиш бўйича курсларда ўқишнинг муддати олти ойдан бир йилгача, мураккаброқ касбларга ўргатиш муддати эса муассасада ташкил этилган ҳудудий касб-хунар коллежларининг ўқув-маслаҳат пунктларида **уч йилгача муддатга** белгиланади. Шунинг учун жазони ижро этиш муассасаларида ташкил этиладиган ҳудудий (туман ва шаҳар) касб-хунар коллежларининг ўқув-маслаҳат пунктларида маҳкумлар ишлаб чиқаришдан ажратилган ҳолда таълим оладилар.

**Маҳкумлар касб тайёргарлиги.** Маҳкумлар касб тайёргарлиги бевосита ишлаб чиқаришда уларга касб ўргатиш орқали амалга оширилади. Касб ўргатиш якка тартибда(индивидуал), бригада(гурух) ёки **курс** таълими шаклида олиб борилади. Бу жараёнда дастлабки касб **тайёргарлиги** ҳам, малака ошириш ҳам йўлга қўйилиши мумкин.

Янги мутахассисликка ўргатиш қуйидагича амалга оширилади: **ўқув касбий-техник устахоналарда**– якка тартибда, бригада **ва курс методлари асосида**, шунингдек, мақсадга йўналтирилган курсларда. Шунинг учун касбга ўргатиш маҳкумлар ишлайдиган корхона фаолиятининг хусусияти, у ёки бу мутахассисликка бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Айни пайтда маъмурият алоҳида минтақаларнинг оммавий касбларга бўлган талабини ҳисобга олиши керак. Бунда маҳкумлар озодликка чиққанларидан кейин уларнинг мутахассисликларидан фойдаланиш мумкинлиги назарда тутилмоғи лозим.

Жазони ижро этиш муассасаларида ҳозирги пайтда маҳкумларни касб ва хунарга ўргатиш учун қуйидаги йўналишлар бўйича курслар ташкил этилиши мумкин:

**Якка тартибда касбга ўргатиш** - касб-хунар ўрганаётган маҳкумга бошқа бир тажрибали ишчи маҳкумни бириктириш ва унга касб-хунарнинг сир-асрорларини ўргатиш ҳамда амалий малакани шакллантириш орқали амалга оширилади;

**Бригада усулида касбга ўргатиш** – маҳкумни бригададаги тажрибали мутахассис ёки инструкторга тайинлаш орқали маҳкумга касб-хунар ўргатиш йўлга қўйилади;

**Муассасада турли касб (мутахассислик)ларни ўрганиш бўйича курслар ташкил этиш** ва уларга маҳкумларни жалб этиш. Бунда муассасадаги ишлаб чиқариш тури, иш ўринларининг миқдори, ишлаб чиқаришдаги зарур бўлган мутахассисликлар инобатга олинади;

Жазони ижро этиш муассасаларидаги мавжуд бўлган ҳудудий (туман ва шаҳар) касб-хунар коллежларининг ўқув-маслаҳат пунктларида маҳкумларни турли хил касб ва хунарга ўргатиш.

Бевосита ишлаб чиқаришда янги касб ўрганган ёки малакасини оширган ва малака ошириш имтиҳони муваффақиятли топширган шахсларга олган мутахассислиги ва берилган разряди, даражаси, тоифаси тўғрисидаги ягона

намунадаги ҳужжат топширилади. Бу ҳужжат маҳкумнинг шахсий йиғма жилдда сақланади ва жазони ижро этиш муассасасидан бўшатилаётган пайтда унинг қўлига берилади.

Ихтисослиги бўлмаган маҳкумларнинг касб ўрганишлари уларнинг ўзига хос мажбуриятларидан бўлиб, бундан бош тортган маҳкумларга нисбатан Жиноят-ижроия кодексида кўрсатилган таъсир чоралари қўлланилади.

Маҳкумларнинг ҳунар таълими вазифаларини ҳал қилишнинг муҳим жойи муассасада ташкил этиладиган ҳудудий (туман ва шаҳар) касб-ҳунар коллежларининг ўқув-маслаҳат пунктларини ва ўқитишнинг бошқа шакллари юқори малакали муҳандислик-педагогик кадрлар билан таъминлашдир. Гарчи бу халқ таълими вазирлиги ва жойлардаги мутасадди органларининг мажбурияти ҳисобланса-да, озодликдан маҳрум қилиш муассасалари маъмуриятига ҳудудий (туман ва шаҳар) касб-ҳунар коллежларининг ўқув-маслаҳат пунктлари, мактаблар, курслар ва шу кабиларни юқори малакали кадрлар билан комплектлаштиришга ҳар томонлама ёрдам бериши керак.

Маълумки, маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларига жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (режими), ижтимоий-фойдали меҳнат, тарбиявий иш, умумий ва ҳунар таълими, касб тайёргарлиги ва жамоат таъсири киради.

## **2-савол. Маҳкумлар умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва касб тайёргарлиги.**

Маҳкумларнинг умумий ўрта таълими Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг умумий ўрта таълими ташкил этилади. Муассаса маъмурияти маҳкумларга улар таълим олиши ва мустақил таълим олиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратади ҳамда зарур қўмак кўрсатади.

Ёши ўттиздан ошган маҳкумлар, I ва II гуруҳ ногиронлари хоҳишларига қўра таълим олишга жалб этиладилар. Маҳкумларнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олишига йўл қўйилмайди, манзил-колониялардаги маҳкумлар бундан мустасно бўлиб, улар ўқув юртларининг сиртки бўлимларида таълим олишлари мумкин.

Ўқув юртларида таълим олаётган маҳкумлар имтиҳонларни топшириш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ишдан озод қилинади. Маҳкумларнинг умумий ўрта таълимини ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жазон ижро этиш муассасаларидаги маҳкумларнинг умумий ўрта ва касб-ҳунар таълими ҳамда уларнинг ишлаб чиқаришдаги касб тайёргарлиги ташкил этилади. Ўқув жараёни ва касбга ўргатишни ташкил этиш таълими органларининг норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ равишда ҳамда сақлаш режими, кун тартиби ва турли тоифадаги маҳкумларни батамом ажратиб қўйиш қонунларида риоя этилишини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Маҳкумларнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олишига йўл қўйилмайди, жазони манзил-колонияларида ўтаётган шахслар бундан мустасно бўлиб, улар ўқув юртларининг сиртқи бўлимларида таълим олишлари мумкин.

Муассасаларнинг маъмурияти мактаблар ҳамда касб-ҳунар таълими йўналишидаги ўқув даргоҳлари ишига ҳар тарафлама ёрдам беради ҳамда ўқув жараёнини назорат қилиб боради.

Ўқув юртларида таълим олаётган маҳкумлар имтиҳонларни топшириш вақтида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари мажмуасида белгиланган тартибда ишдан озод этиладилар. Ана шу давр учун уларга иш ҳақи Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мажмуасига мувофиқ ҳисолаб чиқарилади.

Маҳкумларнинг таянч маълумот олишлари ишдан бўш вақтларида ташкил этилади. Маҳкумларнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олишларига йўл қўйилмайди. Фақат манзил колонияларида сақланаётган маҳкумларга ўқув юртларининг сиртқи бўлимларида таълим олишларига йўл қўйилиши мумкин. Маъмурият ўқув юртининг хусусиятларини инобатга олиб, нодавлат ўқув юртларида ўқишларига рухсат бермаслиги мумкин. Маҳкумларнинг сиртдан ўқиш вақтларида уларнинг имтиҳонлари учун ажратилган вақтларида ишдан озод қилинадилар. Маҳкумларнинг сиртдан ўқишларига кетадиган харажатлар маҳкумларнинг ўз ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Агар жазони ўтаётган маҳкумларнинг ёши 30 дан ошганлари, 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари бўлишсалар улар фақат ўзларининг розиликлари билангина ўрта талимни олишга жалб қилинишлари мумкин. Уларни мажбуран ўрта таълим олишларига тўғридан-тўғри қонуннинг ўзида тақиқланмоқда.

Жазони ижро этиш муассасаларида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими берилади ва (ёки) маҳкумлар ишлаб чиқаришда касбга ўргатилади.

Маҳкумларга ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бериш ва уларни касбга ўргатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жазони ижро этиш муассасаларида озодликдан маҳрум этилиб жазони ўтаётган маҳкумлар учун ахлоқ тузатиш муассасасида ва ундан кейин ҳам ишлаш имконини берувчи мажбурий бошланғич касб-ҳунар таълими (маълум бир мутахасисликка эга бўлмаган ҳолда) ва касб-ҳунарга тайёрлаш ташкил қилинади.

1-ва 2-гуруҳ ногирони бўлган маҳкумлар ва 60 ёшдан катта, 55 ёшдан катта бўлган аёллар (маҳкумалар) ўз хоҳишларига биноан ўзларига мос келувчи касб-ҳунар олишлари мумкин. Уларга нисбатан мажбурий тартибда ўрта касб-ҳунарга олишга йўл қўйилмайди.

Маҳкумларнинг касб-ҳунар таълими ва тайёргарлигини олишлари уларнинг ахлоқ тузатиш даражаларига оид (шунини ҳисобга олган ҳолда белгиланади) тарзда ташкил қилинади.

Маҳкумларнинг бошланғич касб-ҳунар таълими ва касб-ҳунар тайёрлови Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон

Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан келишилган тартибда белгиланади.

Озодликдан маҳрум қилинганларнинг касб-хунар таълимини олишлари ҳақида қонун нормалари аввалги амалда бўлган қонун нормаларидан фарқ қилмайдиган хусусиятга эгадир. Шунингдек, меҳнат-фаолиятига бўлган муносабатларини ҳам кўриб чиқади. Унда озодликдан маҳрум этилганлар ахлоқ тузатиш муассасаларида мажбурий бошланғич касб-хунар таълими (маълум бир мутахассисликка йўналтирилмаган умумий) олишлари қайд этилган ва бу тайёрлов уларга ахлоқ тузатиш муассасаларида ёки ундан кейин (озодликка чиққандан кейин) ҳам ишлаш имконини беради.

Бошланғич касб-хунар таълими амалдаги қонунларга мувофиқ ҳолда таълим программаларининг намуналари ишлаб чиқилган. Уни (таълим программаларини) судланганлар Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган махсус касб-хунар билим юртларида оладилар. Касб-хунар таълими умумий таълим стандартлари даражасида ва программалари асосида ташкил қилинади, фақатгина озодликдан маҳрум этилганларнинг шарт-шароитлари, тартиб қоида талаблари ва кун тартибига мос келадиган ҳолда ўқитишни ташкил қилишда баъзи мослаштиришлар (ўзгартириш) киритилиши мумкин. Ўқитиш вақти тугагач эса тегишли имтиҳонларни топширишиб, бир хил наъмунадаги (кўринишдаги) ва маълум бир касб ёки мутахассисликка тегишли бўлган хужжат берилади. Бу ишчи кадрларни шу аснода тайёрлаш бирмунча самаралироқдир. Бу маҳкумларни озодликка чиққанларидан сўнг озодликнинг шарт-шароитларига ва бозор масалаларига тезроқ ва осонроқ мослашиш имконини беради.

Мутахассисликка асосланган (маълум бир касб эгаси, мутахассис бўлолмайдиган) бу ўқитиш (таълим олиш турлари) озодликдан маҳрум этилганларнинг муайян бурчи ҳисобланиб, ундан бош тортиш ҳоллари кузатилса жазони ижро этиш муассасасининг ички тартиб қоидалари асосида маълум бир чора-тадбирлар кўрилади ва ҳатто кучайтирилган (қаттиқ) жазо турлари қўлланиши кўзда тутилади. Фақатгина бундай мажбуриятдан, 1-чи ва 2-чи гуруҳ ногиронлари, 55 ёшдан катта бўлган аёллар ва 60 ёшдан катта эркак маҳкумлар озод қилинади, улар маълум бир таълимни ўз хоҳишларига ва ўзларига мос келадиган шароитларга биноан олишлари мумкин. Тайёрлов формалари турли кўринишда, алоҳида (якка) ёки гуруҳ шаклида, турли хил курслар ва мактаб ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин. Судланганлар бу ерда маълум бир касб-хунарга йўналтирилган ҳолда ўз малакаларини оширишади. Бундай касб-хунар таълимининг устунлик тарафи, судланганлар ҳар кунги бажарадиган ишларида амалиёт ўтаб билимларни мустаҳкамлашади, ишлаб чиқариш унумини оширади. Кейинги йилларда амалиётни ўташ судланганларнинг хоҳишига биноан ўтказилиб, уларда у ёки бу мутахассислик ҳақида 10-15 та гувоҳномаларга эга бўлишарди, лекин касбий амалиёт ўташмас эди. Қолаверса, маҳкумларнинг тайёргарликларини (таълим олишлари) оширишга бўлган интилишлар доим яхши қабул қилинар эди. Шу боис изоҳланаётган моддада маҳкумларнинг бошланғич таълим ва

касб-хунарга тайёрланишлари уларнинг интизомга чақирилиши даражалари мезони асосида йўлга қўйилган. У маҳкумларнинг хулқ-атвори ва жамиятда (озодликка чиқгач) муваффақият билан ўрнашиб кетишлари ҳам кўзда тутган.

Хулоса шуки, маҳкумларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш ва китобхонлик маданиятини шакллантириш орқали уларнинг тафаккурини кенгайтириб, жамиятга ижтимоий мослашувида ёрдам берилган, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва кафолатлашда яна бир муҳим кадам қўйилган бўлар эди.

### Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

Маҳкумларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### Назорат учун саволлар туркуми:

1. Жазони ижро этиш муассасаларининг турлари
2. Манзил-колонияларда жазони ўташ.
3. Қаттиқ тартибли колонияларда жазони ўташ.
4. Умумий тартибли колонияларда жазони ўташ.
5. Махсус тартибли колонияларда жазони ўташ.
6. Турмаларда жазони ўташ.


## 15-Мавзу: Маҳкумларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими.

Семинар машғулот (2 соат).

### Семинар машғулот.

Ушбу ўқув машғулот **“Давра суҳбати”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган саволлар юзасидан тингловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.



“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир тингловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир.

Оғзаки давра суҳбатида ўқитувчи мавзуни бошлаб беради ва тингловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар.

Сўзлаётган тингловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса тингловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

### **Ўқув машғулотнинг саволлари:**

1-савол. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг умумий, ҳунар таълими.

2-савол. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни касбга йўналтириш.

**ИЗОХ:** Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир гуруҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.

## **16-мавзу: Маҳкумларга оид халқаро стандартлар ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш.**

Маъруза машғулоти (2 соат).

### **Режа:**

1-савол. Маҳкумларга оид халқаро стандартлар тушунчаси ва турлари.

2-савол. Халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш.

### **1-савол. Маҳкумларга оид халқаро стандартлар тушунчаси ва турлари**

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни кенгайтириш, одил судловни амалга оширишда қонунчиликни таъминлаш бўйича тизимли ва изчил чоралар кўрилмоқда. Жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчиликни либераллаштириш жараёнларини тадрижий амалга ошириш инсон ҳуқуқларига амал этилишининг муҳим кафолати бўлди. Жумладан, Жиноят-ижроия кодексига киритилган ўзгартиришлар жазони ўташ жойларида маҳкумлар шароитларини сезиларли даражада яхшилаш, ҳуқуқ-тартибот органлари, шу жумладан жазони ижро этиш муассасалари фаолияти устидан

назорат қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш имконини берди.

1997 йил 25 апрелда қабул қилинган ҳамда 1997 йил 1 октябрда кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси жиноий жазони ижро этишнинг умумэтироф этилган, шу жумладан халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган демократик ва инсонпарварлик тамойилларига риоя этишга йўналтирилган.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 70 тадан кўпроқ халқаро шартномаларнинг, шу жумладан Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕҲҲТ) инсон ўлчовлари бўйича ҳужжатларининг иштирокчиси ҳисобланади. Ана шу халқаро ҳужжатлар асосида Ўзбекистон ўз қонунчилигини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларга, шу жумладан жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мувофиқлаштириш мажбуриятини олган. Бу халқаро ҳужжатларга кўра, иштирокчи давлатлар “қамокда бўлган барча шахслар билан инсонпарварлик билан ҳамда инсон шахси учун хос бўлган кадр қимматни ҳурмат қилган ҳолда муомала қилинишини таъминлайдилар”.

Халқаро шартномаларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва маҳкумлар билан муомала қилиш юзасидан белгилаб қўйилган тамойиллар ва умумий қоидаларнинг Ўзбекистон жиноят-ижроия қонунчилиги учун аҳамияти улар давлатлараро хусусиятга эгаллиги. Барқарорлиги, мамлакатдаги турли сиёсий, мафкуравий, иқтисодий ва жиноий омиллар таъсири остида таркиб топадиган ижтимоий конъюнктура таъсиридан холи, демак миллий қонунчиликни ривожлантириш ва ҳуқуқни қўллашда аниқ мўлжал эканлиги билан аҳамиятлидир. Мазкур тамойиллар БМТга аъзо давлатларнинг кўп йиллик ҳуқуқшунослик амалиёти асосида ишлаб чиқилган.

Ўзбекистоннинг миллий қонунчилигида фақат ҳуқуқ-тартибот органларининг тасарруфидаги инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, қўллаб-қувватлаш ва уларга риоя этишни кафолатловчи тамойилларгина мустаҳкамлаб қўйилмасдан, шу билан бирга уларни амалга оширишнинг механизми ҳам белгиланган. Шунини ҳам ҳисобга олиш керакки. Халқаро шартномаларда умумий хусусиятга эга нормалар (норма-тамойиллар) билан бирга мазкур шартномаларни ратификация қилган давлатлар учун мажбурий бўлмаган норма-таъсиялар ҳам мавжуддир. Миллий қонунчиликда ҳам, шунингдек давлат органларининг фаолиятида ҳам норма-тамойиллардан бирон тарзда четга чиқишга йўл қўйилмайди. Мазкур қоида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 30-моддаси ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 5-моддасида белгилаб қўйилган. “Хатто истисно шароитлар ҳам қийноқларни қўллаш ёки бошқа турдаги шафқатсиз. Ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситадиган муомала ва жазоларни оқлаш учун асос бўла олмайди” (барча шахсларни қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз ёки кадр-қимматни камситадиган муомала ва жазо турларидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги декларациянинг 3-моддаси). Турли халқаро шартномаларда қайд қилинган бундай норма-тамойиллар инсоннинг барча асосий ҳуқуқлари ва эркинликларни қамраб олади.



Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро битимларда қайд этилган бошқа қоидалар давлатлар учун тавсия хусусиятига эга бўлса ҳам миллий қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳисобга олиши лозим. Бунга маҳкумлар билан муомала минимал стандартларининг айрим қоидалари мисол бўла олади: “Жаҳонда ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва жўғрофий шароитларнинг турлича эканлигини эътиборга олган ҳолда, бу қоидаларнинг ҳаммасини ҳам ҳамма жойда ва бир йўла қўллаб бўлмаслиги равшандир”. Шу билан бир қаторда уларни амалга ошириш учун мунтазам интилиш кераклиги таъкидланади, чунки улар БМТ мақбул деб ҳисоблайдиган энг минимал шартларни акс эттиради. ЕҲҲТнинг Инсон ўлчовлари бўйича 1989 йил 15 январдаги Вена битимида “иштирокчи давлатлар БМТ томонидан қабул қилинган Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ-тартиботни сақлаб туришдаги хулқ-атворлари кодексига риоя этадилар” деб махсус қайд қилинган.

Шу муносабат билан маҳкумлар эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган шахслар билан муомала қилиш норма-тамойиллари ва норма-тавсияларини чегаралаб қўйиш масаласи юзага чиқади. Бундай чегаралаб қўйиш Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси(1948), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт(1966), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966), Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган муомала ва жазо турларига қарши конвенция (1984)да эълон қилинган инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларига асосланиши керак деган фикрдамиз.

Бевосита ана шу халқаро ҳужжатларда инсоннинг асосий ҳуқуқларига доир асосий қоидалар мустаҳкамланган ва уларнинг энг устуворлари белгилаб қўйилган. Лекин Маҳкумлар билан муомала минимал стандарт қоидаларидек ихтисослашган халқаро ҳужжатда ҳам мазкур шахслар билан муомала қилишнинг фақат норма-тавсияларигина эмас, норма тамойиллари ҳам қайд қилинган. Барча шахсларни қийноққа солишдан ҳимоя қилиш декларациясининг 1-моддасида Минимал стандарт қоидаларга мурожаат қилишнинг “асосий тамойиллари” ва “Дастуриламал тамойиллар”ни ажратиб кўрсатади, уларда озодликдан маҳрум этилган инсоннинг устувор ҳуқуқлари кўрсатилиб. Бу ҳуқуқлар миллий қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилиши шартлиги белгиланган. Шу муносабат билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1988 йил 9 декабрда қабул қилинган “Қайси шаклда бўлмасин ушланадиган ёки қамоққа олинадиган барча шахсларни ҳимоя қилиш тамойиллари тўплами” жуда муҳимдир.

Ўзбекистон томонидан жазони ижро этишни тартибга солишга доир ишлаб чиқиладиган қонунчилик ҳужжатларида халқаро шартномаларда жиноий жазони ижро этишда инсон ҳуқуқлари. Айрим конвенцияларда маҳкум билан муомала қилиш, уларни назорат қилиш, жазони ўтаб бўлгандан сўнг ижтимоий мослашишларида ёрдам кўрсатиш қоидаларини ҳисобга олиш билан боғлиқ жиддий ҳуқуқ ижодкорлиги ишлари амалга оширилган.

Халқаро шартномаларни таҳлил этиш Ўзбекистон Республикаси

Жиноят-ижроия кодекси учун биринчи даражали аҳамиятга эга асосий масалалар гуруҳларини ажратиб олиш имконини беради. Бу, биринчидан, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидаларни амалга ошириш; иккинчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уни маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатида амалга ошириш; учинчидан, маҳкумлар билан муомала қилишнинг умумий қоидалари; тўртинчидан, жазони ижро этиш муасассалари персоналига талаблардир.

Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати қонун даражасида белгилаб қўйилган. Жиноят-ижроия кодексининг 2-боби бунинг яққол далолатидир, у ўз ичига 8-13 (6 та модда) моддаларни қамраб олади.

Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати – бу жазони ижро этишда вужудга келадиган жазонинг тури, мақсади ва маҳкумнинг ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган, асосий фуқаролик махсус ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисидан иборат бўлиб ҳисобланади.

Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг белгиланиши сиёсий ва ахлоқий аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Жумладан, сиёсий жиҳатдан жамият ва давлатнинг маҳкумга бўлган муносабатини англатади. Чунки маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолати жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузумига боғлиқ жазо мақсади билан белгиланади.

Жазони ўтаётган маҳкумлар уларнинг жазоси қандай бўлмасин, ўз мажбуриятларини бажарадилар, қонунда белгиланган доирада суд ҳукмида белгиланган тартиб билан боғлиқ ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин. Бунинг маъноси шуки, жазони ўтаётган ҳар бир маҳбус қандай жиноят содир этганлиги ва жазо туридан қатъи назар, у ўзининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларидан ва жамият аъзолигидан маҳрум қилинмайди. Фақатгина ҳуқуқ лаёқатида баъзи бир чеклашлар бўлади, бу маҳкумга жазо қўллаш, руҳий ва моддий жафо келтиришда намоён бўлади, маҳкумнинг фуқароларга нисбатан ёмонроқ шароитда кун кечириши – ҳуқуқ лаёқатининг чекланиши билан ифодаланади.

Жиноят-ижроия кодексининг 8-моддасида: «Маҳкумлар, ушбу Кодекс ва бошқа белгиланган истисно ҳамда чеклашлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўладилар ва мажбуриятларни бажарадилар. Маҳкум ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўлишлари ва мажбуриятларни бажаришлари мумкин.

Маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари муайян жазо турини ижро этиш тартиби ва шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади» деб ёзилган.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йилда мустақилликка эришгач, барча диққат эътибор иқтисодий барқарорликни, миллатлараро тинчликни таъминлаш, ёш авлод тарбиясига эътибор қаратиш ва ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилди. Президентимиз И.А. Каримов ўз нутқларида таъкидлаганлардек, «Ҳуқуқий давлатда қурол ҳам, қалқон ҳам қонундир». Шу сабабли мустақил Республикамиз жуда кўплаб умумжаҳон тан олган

инсон ҳуқуқларига оид бўлган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилди (юқорида кўрсатилган). Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатига 1997 йил қабул қилинган Жиноят-ижроия кодексида халқаро андозалар билан мослаштирилди, унга алоҳида боб ажратилди. Аввалги (1970 йил 24 июндаги) Ахлоқ тузатиш меҳнат кодексида бу нарсага фақат умумий таъриф берилганди, холос. Маҳкумлар ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига йўл қўйилмайди. Давлат маҳкумни жазолаш билан жазонинг моҳиятидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилади ва бошқа ҳуқуқ ва манфаатларини қандай бўлишидан қатъи назар ҳимоя қилишга мажбурдир. Бошқа ҳуқуқ ва манфаатлари деганда, жамият аъзолиги, фуқаролик ва оилавий муносабатлари, мулкӣ ва бошқа ҳуқуқлари ва ҳоказолар назарда тутилади. Маҳкумлар жазо ўташ жараёнида ҳам фуқароликдан келиб чиқадиган мажбуриятлардан озод этилишлари мумкин эмас. Лекин, айрим қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. (Масалан, озодликдан маҳрум қилинган маҳкум ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилиши мумкин эмас).

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этиб, жазога ҳукм қилинган ажнабий фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланадилар ва шу билан бир қаторда мажбуриятларини бажаришлари талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси жинойӣ жазоларни ижро этиш бўйича ўзаро ўша давлат билан имзоланган битимлар асосида амалга оширилади, шундай битим мавжуд бўлмаган ҳолларда эса халқаро ҳуқуқ нормаларига таянилади.

**Маҳкумларнинг асосий ҳуқуқлари қуйидагилар (Жиноят-ижроия кодекси 9-модда):**

■ жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида, ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ахборот олиш;

■ жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятига, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига ўз она тилида ёки бошқа тилда таклиф, ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилиш;

■ тушунтириш бериш ҳамда ёзишмалар олиб бориш, зарур ҳолларда таржимоннинг хизматидан фойдаланиш;

■ ўз таклиф, ариза ва шикоятларига мурожаат этилган тилда жавоб олиш;

■ Мурожаат этилган тилда жавоб беришнинг иложи бўлмаган тақдирда жавоб Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида берилади;

■ - ўқув, бадий ва бошқа хил ахборот материалларидан фойдаланиш;

■ соғлиқни сақлаш, шу жумладан тиббий хулосага кўра амбулатория-поликлиника ва стационар шароитда тиббий ёрдам олиш;

■ - ижтимоий таъминот, шу жумладан қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия олиш;

■ маҳқум ажнабий фуқаролар, шунингдек ўз давлатларининг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассалари билан алоқа қилиб туриш.

Маҳқумларнинг жамиятдан ажратмаган ҳолда турли хил ҳуқуқларга эга эканликларини юқорида кўриб ўтдик. Шулардан айримларига тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик: ҳар бир жазони ижро этувчи муассасада амбулатория-поликлиникалари ва стационарлар мавжуд, яъни маҳқум кундузги бўлимда даволаниши мумкин. Бу эса ҳар бир маҳқумнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилмаётганлигидан далолат беради. Маҳқумлар жазони ўтаётган муассаса кутубхонасидан фойдаланишлари, телевизор кўришлари, радио эшиттиришларни тинглашлари мумкин, мажлисларда сўзга чиқишлари, деворий газеталарга маъмурият рухсати ва назорати остида мақолалар беришлари мумкин. Шунингдек, Республикамиздаги барча жазони ижро этувчи муассаларда маҳқумларнинг спорт билан шуғулланишлари учун ҳам шароит яратиб берилган.

Маҳқумларнинг ҳуқуқий ҳолати энг аввало мажбуриятлардан иборат. Бу суднинг ҳукмида жазо учун белгиланган мажбуриятлардан келиб чиқади. Маҳқумнинг ҳуқуқий ҳолатидаги дастлабки чекланиши маҳқумга белгиланган жазо турига боғлиқ бўлади. У озодликдан маҳрум қилинади, жамиятдан ажратилади, ўзининг оиласи, ёру-биродарларидан узоқда бўлади, эркин ҳаракатланиш, иш танлаш, яшаш жойини танлаш, хоҳлаган кийимда юриш (манзил колониялари истисно) ҳуқуқидан тўла маҳрум бўлади. Шунингдек, умумжамоат қоидаларини бажаришга мажбур: ўзининг ётиш ва юриш жойларини озода сақлаш, шахсий гигиенага риоя қилиш, ички тартиб-қоидаларга бўйсунушлари каби.

Маҳқумларга жазони ўташ тартиби ва шартлари билан боғлиқ ҳолда қонунларни бажариш мажбурияти ҳам юклатилган.

Маҳқумлар ўз хоҳишига кўра меҳнат шаклини танлай олмайди, меҳнат ҳақининг 10% дан 30%гача қисми (суд ҳукми асосида) давлат бюджетига ўтказилади. Улар доимий равишда Ички ишлар бўлинмалари томонидан ташкил қилинадиган инспекциялар назоратида бўладилар. Маҳқумлар фақатгина жазони ижро этиш субъекти ҳисобланади, холос.

Маҳқумнинг ҳуқуқий ҳолати суд ҳукмида кўрсатилган муддат бир хил бўлавермайди. Бу, асосан, маҳқумнинг хулқига боғлиқ ҳолда рағбатлантириш ҳолатларида ўзгариши мумкин. Маҳқумни умумий ёки қаттиқ тартибли колониядан манзил колониясига ўтиши ҳуқуқий ҳолатидаги энгиллик ҳисобланади.

Жиноят-ижроия қонунчилиги маҳқумларнинг озодликдан маҳрум қилиш ҳуқуқий ҳолатларини ўзида акс эттиради. Озодликдан маҳрум қилиш жойларининг тартиб турига қараб маҳқумлар ҳуқуқий ҳолати бир-биридан фарқ қилади. Жамиятда унинг баъзи бир ижтимоий ҳуқуқлари чекланади, буни алоҳида қонунларда бериб бўлмайди. Масалан, Оила кодексининг 43-моддаси 1-қисм 3-бандига биноан, эр-хотиндан бири содир қилган жинояти учун 3 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса,

улардан бирининг аризасига кўра никоҳ бекор қилиниши мумкин. Мулк ҳуқуқидан суднинг ҳукмига кўра маҳрум қилинмаган бўлса, шахс қанча муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлишидан қатъий назар ҳеч ким бу ҳуқуқни буза олмайди, лекин жазони ўташ мобайнида шахс ўз мулкини тасарруф этиш ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

Маҳкумлар адвокатлардан малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Юридик ёрдам олиш учун адвокатлар билан учрашув маҳкумларга аризасига кўра берилади. Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлар миқдори чекланмаган. Уларнинг адвокатлар билан учрашуви тартиби Жиноят-ижроия кодекси (10-модда) ва қонун ҳужжатлари асосида белгилаб қўйилган. Маҳкумнинг адвокат олиш тартиби: жазони ўтаётган жой маъмуриятига ёзма ариза билан мурожаат қилади ва бунда маъмурият умумий қоидаларга кўра рухсат беради. Маҳкум жазони ўтаётган жойда «фавқулодда ҳолат жорий этилса ёки карантин эълон қилинганда юридик ёрдам олишга рухсат этилмайди. Ўз ўрнида маҳкумни ҳимоя қилаётган адвокат учрашувга кираётганида шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши шарт. Маҳкумнинг адвокат билан учрашувлар сони ва муддати чегараланмаган, маъмурият томонидан барча шароитлар яратиб берилади. Маҳкумнинг адвокат билан учрашиш тартиб қоидалари ИИВ қоидаларида кўрсатилган.

Маҳкумлар шахсий хавфсизлик ҳуқуқига ҳам эга (ЖИК 11-модда). Маълумки, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида виждон эркинлиги барча учун кафолатланади (31-модда) деб ёзиб қўйилган. Жиноят-ижроия кодексининг 12-моддасида ҳам «маҳкумларга виждон эркинлиги кафолатланади. Улар ҳар қандай динга эътиқод қилишга ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликка ҳақли.

Қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахслар ҳузурига, уларнинг илтимосига кўра, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган диний бирлашмаларнинг руҳонийлари таклиф этилади. Маҳкумларга диний расм-русумларнинг адо этиш имконияти берилади. Диний расм-русумларни адо этиш ихтиёрий бўлиб, бу нарса жазони ижро этувчи муассасанинг ички тартиб қоидаларни бузмаслиги, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситмаслиги лозим» - деб белгилаб қўйилган. Диний урф-одатларни амалга оширишга маъмурият рухсати билан бошқа маҳкумларга таъсир этмаган ҳолда, ички тартиб-интизомни ва иш вақтини бузмаган ҳолда рухсат берилади. Маҳкум маъмуриятга ариза билан мурожаат қилганда фақатгина белгиланган қонунларга кўра рўйхатдан ўтган диний ташкилотлар бўлиши керак. Уларнинг иш ҳақи маҳкумнинг ҳар ойлик маошидан берилади. Маҳкумлар турли хилдаги диний газета ва журналларни ўқиши мумкин. Ўлим жазосига ҳукм этилган маҳкумнинг илтимосига кўра, у диний расм-русумларни адо этиш мақсадида диний муассаса ходимлари билан учрашиши мумкин. Маҳкум диний ходим билан учрашадиган куни жазони ижро этувчи муассасасидаги меҳнатдан озод этилади.

### Қуйидагилар маҳкумнинг асосий мажбуриятлари саналади:

- жазони ўташ тартиби ва шартларига риоя этиш;
- жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятининг қонунга асосланган талабларни бажариш;

Мажбуриятни бажаришдан бош тортиш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг қонуний тус берилганлиги инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият эканлигидан далолат беришлиги билан бир қаторда жиноят-ижроия ҳуқуқининг инсонпарварлик тамойилига асосланиши билан изоҳланади. Зеро, маҳкум қандай жиноят содир этишидан қатъий назар унга худо томонидан яратилган энг буюк мўъжиза – инсон назари билан қараш, уни жамият учун керакли шахс қилиб қайта тарбиялашда намоён бўлади. Масалан, ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинган маҳкумни жазолаш воситаси сифатида қайта тарбиялаш эмас, унга ҳунар ўргатиш, ўз меҳнати билан халқ орасида обрў-эътиборга эга бўлишига замин яратилади, кўмаклашилади.

Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг белгиланишидаги энг асосий жиҳат-қонунлар ижросини бир хиллиги устидан назоратни прокуратура органлари қонунийликка асосланиб иш олиб боришларида акс этади.

Республикамиз мустақиллика эришгач, қабул қилинган барча кодекслар сингари Жиноят-ижроия кодекси ҳам маҳкум қандай жиноят ёки ижтимоий хавfli қилмиш содир этишидан қатъи назар қасд қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган. Ўз вақтида жиноят-ижроия ҳуқуқининг ривожига ўз хиссасини қўшган рус олимларидан бири Ц.И. Курский шундай ёзган эди: «жиноятчи- жамият учун ҳозирда хавfli бўлган шахс, уни қайта тарбиялаш даркор, қасд олиш эса асло ярамайди».

### Маҳкумни қайта тарбиялашда икки муҳим нарса мавжуд:

- *биринчидан*, маҳкум ўз хатосини тушуниб етмоғи;
- *иккинчидан*, маҳкум ўз меҳнати билан халқ ва жамоат орасида обрў-эътибор қозониши, меҳнат қилиши;

Шунингдек, маҳкумлар ўртасида ўзининг тартиббузарлиги, ёмон хулқи билан ажралиб турувчи маҳкумга турли хилдаги жазо чоралари ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан: тинчлантириш кўйлаги, қарцер ва бошқалар.

Маҳкумнинг қайта тарбияланишида жазонинг адолатлилиги, жазони ижро этувчи колониядаги муҳит, ҳуқуқ ва мажбуриятлардан тўлиқ фойдаланиш ҳам катта роль ўйнайди. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, маҳкумларнинг ижтимоий-ҳуқуқий мақомини тўғри белгиланиши, уларни жамият учун керакли шахс қилиб қайта тарбиялаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари учун бирламчи вазифа саналади.

Маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи бир қатор халқаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (стандартлар) мажмуи мавжуд. Булар сирасига биринчи навбатда БМТнинг маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомига оид Пактни киритиш мумкин.

У ўз ўрнида бир нечта халқаро меъёрий ҳужжатларга бўлинади.  
Масалан:

- ❖ 1955 йилда қабул қилинган маҳкумлар билан олиб бориладиган сўзлашувга минимал стандартли халқаро ҳужжат;
- ❖ 1979 йил қабул қилинган мансабдор шахсларнинг жазони ижро этиш органларида назорат олиб боришда ўзини тутиш қоидалари Кодекси;
- ❖ 1985 йил қабул қилинган вояга етмаган макумларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи халқаро ҳужжат;
- ❖ 1987 йил қабул қилинган «Европа турмалари қоидаси»;

Республикамиз мустақиллика эришгач қабул қилинган, янги Жиноят-ижроия кодекси БМТнинг бу стандарт халқаро ҳужжатларидан ўз моддаларига имплементация қилди. Жиноят-ижроия ҳуқуқидаги инсонпарварлик ва демократизм тамойилларининг белгилаб қўйилиши фикримизга яққол мисол бўла олади. Маҳкумлар худди ана шу тамойилларга асосан бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланишлари мумкин. Бу ҳам ўз навбатида маҳкумни қайта тарбияланишида муҳим роль ўйнаши шубҳасиз. Масалан: маҳкумнинг посилка, телеграмма олиш ҳуқуқлари, телефон сўзлашувлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, мавсумга оид кийим-кечак олишлари, яқинлари билан учрашувлар, барча эркин фуқароларга ўхшаб бепул тиббий хизматдан фойдаланишлари.

## **2-савол. Халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш.**

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий халқаро шартномалар шахснинг жамиятдаги турмуши етакчи соҳаларини, шу жумладан жиноий одил судловни амалга ошириш соҳасини ҳам қамраб олади. Юқорида қайд қилинган халқаро шартномалар ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси тамойилларини шакллантириш учун асос бўлган. Жазни ижро этишда Қонунчиликни таъминлаш ва маҳкумларнинг қонун олдидаги тенг ҳуқуқли, адолат, инсонпарварлик ва демократизм, жазони ижро этишни дифференциялаш ва индивидуаллаштириш, мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш, маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш тамойиллари (бу жойда мазкур тамойиллар миллий ҳуқуқда қабул қилинган атамаларга мувофиқ келтирилган; халқаро ҳужжатларда улар бошқача ифода этилган) шулар жумласидандир.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномаларда қуйидагилар эълон қилинади:

- ҳеч ким суд ҳукми ёки қароридан бошқа тарзда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас;
- маҳкумларни ирқи, тили, диний, сиёсий ёки бошқа эътиқоди, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, жинси, ёши, мулкӣ аҳволи белгилари бўйича ҳар қандай камситиш ман этилади;

■ озошликдан маҳрум этилган барча шахслар инсон шахсига мансуб инсонпарварларча муомала қилиниши ва кадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эгадир.

Мазкур қоидалар Ўзбекистоннинг жазони ижро этишни тартибга солувчи миллий қонунчилигига қай тарзда мувофиқлигини кўриб чиқайлик, Ўзбекистоннинг жиноят-ижроия қонунчилигида қайд этилган тамойилларга доир махсус нормалар кўрсатилган. Улар қонунчилик ҳужжатларида қайд этилган ёки бу ҳужжатларнинг айрим институтлари ва нормаларидан келиб чиқади. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексининг 5-моддасида *“Жазони ижро этиши учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ёки қарори, шунингдек, амнистия ёки афв акти асос бўлади”* деб кўрсатилган. Жиноят-ижроия кодексининг 2-моддасида *“Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг вазифаси жазо ижросини таъминлаш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат”* деб таъкидланади.

Норма-тамойиллар марказий ўқ вазифасини бажаради: қонунчиликнинг мазкур тармоғи барча институтлари уларга асосланади. Шунинг учун ҳам улар Жиноят-ижроия кодексининг 6-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур тамойилларнинг жиноят-ижроия қонунчилиги учун аҳамияти шундан иборатки, озошликдан маҳрум этилган маҳкумнинг ҳуқуқлари чекланган, демак у тегишли ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтождир. Жиноят-ижроия кодексига қайд этилган жазони ижро этиш тамойиллари инсон ҳуқуқлари бўйича ва озошликдан маҳрум этилган шахслар билан муомала тўғрисидаги халқаро шартномалар қоидаларини етарли даражада тўлиқ акс эттиради. Қонунчилик ва маҳкумларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик ва демократизм тамойиллари шулар жумласидандир. Улар Жиноят-ижроия кодексининг асосий институтлари ва нормаларида, жумладан, маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, уларни ахлоқан тузатиш воситалари ва ҳоказоларда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига Қийноққ солиш ва бошқа шафқатсиз ёки кадр-қимматни камситадиган муомала ва жазо турларига қарши конвенцияда қайд этилган асосий ғояларни акс эттирувчи тамойиллар ўз ифодасини топган. Бу тамойиллар жазони ижро этиш муассасалари ва жазони ижро этувчи бошқа органлар персонали маҳкумлар билан инсонпарварларча муомала қилишга йўналтиради.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кўплаб хорижий мамлакатларда озошликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган маҳкумларга таъсир этишнинг энг самарали. Айни пайтда, истиқболли усул ва методларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш масалалари турлича ҳал этилган.

Жумладан, Финляндия, Швейцария, Германия Федератив Республикаси, Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатларида жазони ижро этувчи муассаса ва органларнинг ҳар хил тизимларини шакллантириш, жазони ўташ даврида маҳкумлар билан муомала қилишнинг илмий асосланган методларини ишлаб чиқиш ва қўллаш, маҳкумларни тоифалаш ҳамда уларга



нисбатан дифференциал тарзда ёндашув борасида бой амалий тажрибалар тўпланган.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини ташкил этишда халқаро тажрибанинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш ва амалиётга татбиқ этиш, шунингдек жазо ижросини такомиллаштириш муаммоларини ўрганиш бир қатор хулосалар чиқариш имконини беради:

*Биринчидан,* Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кўплаб хорижий мамлакатларда озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган маҳкумларга таъсир этишнинг энг самарали, айна пайтда, истиқболли усул ва методларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш масалалари турлича ҳал этилган. Жумладан, жазони ижро этувчи муассаса ва органларнинг ҳар хил тизимларини шакллантириш, жазони ўташ даврида маҳкумлар билан муомала қилишнинг илмий асосланган методларини ишлаб чиқиш ва кўллаш, маҳкумларни тоифалаш ҳамда уларга нисбатан дифференциал тарзда ёндашув борасида бой амалий тажрибалар тўпланган.

*Иккинчидан,* Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижроси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда турли тартибдаги жазони ижро этиш колониялари ва турмада ижро этилиши билан республикамиздаги умумий ҳолатга яқин бўлса, хорижий давлатларда сақлаш шароити ҳар хил бўлган маҳаллий ва марказий турмаларда таъминланишини кўришимиз мумкин.

*Учинчидан,* Хорижий давлатларда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этувчи муассасалар фаолияти устидан бошқарув асосан адлия вазирлиги томонидан амалга оширилаётган бўлса, сўнгги 10-15 йиллар ичида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда ҳам бошқарувнинг худди шундай шаклига интилиш кучайиб бораётганлиги кузатилмоқда.

*Тўртинчидан,* Халқаро тажрибадан шуни кўриш мумкинки. Маҳкумларни озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ даври мамлакатимиздаги каби шартли равишда қуйидагича: жазони ўташ тартиби ва шартларига мослаштириш(адаптация), ахлоқан тузатиш, озодликка чиқишга тайёрлаш босқичларига ажратиш каби умумий хусусиятлар мавжуд.

*Бешинчидан,* Ўрганилган хорижий давлатлар тажрибаси жазони ижро этиш муассасаси жойлашган жойдаги кўзга кўринган жамоат арбоблари (шифокор, педагог, ишчи ва ҳ.з.)дан иборат васийлик кенгашлари фаолиятдан маҳкумларни ахлоқан тузатишда, тарбиявий ишларни олиб боришда, уларни озодликдаги кундалик турмуш тарзи ҳаётига тайёрлашда, турмалар тизимини назорат қилишнинг ўзига хос механизминини шакллантиришда, шунингдек ушбу жараённи амалга оширишда хусусий жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида ҳам самарали фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

*Олтинчидан,* Хорижий давлатларда маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва тарбиялашда, ижтимоий фойдали фаолиятга жалб этишда, умуман олганда маҳкумлар билан бўладиган муносабатларда яқка тартибда ёндашув ва

дифференциал сақлаш тартиби ва шароитларини кенг жорий этиш ҳамда уларни такомиллаштириб бориш ҳозирги кунда жазо ижросини таъминлашда энг самарали усул сифатида эътибор қаратилаётганлигини эътироф этиш зарур.

*Еттинчидан,* Ҳозирги кунда Ўзбекистонда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини ташкил этишнинг хорижий давлатлар тажрибасини қўллашнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари яратиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу мақсадни амалга ошириш, энг аввало, жазони ижро этиш тизимидаги мавжуд муаммоларни ва ҳамдўстликка аъзо ҳамда хорижий давлатлар тажрибаси, шунингдек жазни ижро этиш муассасаларининг илғор ишусуллари, махсус контингентни тарбиялаш ва ахлоқан тузатиш ишларини ўрганиш, таҳлил ва башорат қилиш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, такомиллаштириш бўйича кенг миқёсли илмий тадқиқот ишларининг йўлга қўйилишини тақозо этади. Айни пайтда мазкур соҳани ривожлантириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги негизида махсус илмий тадқиқот институти ёки марказини очиш зарурати мавжуд.

*Саккизинчидан,* Дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибаси кенг қамровли жамоатчилик назоратсиз фуқаролик жамияти мавжуд бўла олмаслигини кўрсатади. Бошқача айтганда, давлат органлари устидан кучли жамоатчилик назоратининг мавжудлиги демократиянинг муҳим шартидир. Демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятнинг ривожлантириш ва давлат қурилиши, ички ва ташқи сиёсатнинг энг устувор йўналиши этиб белгилар экан, бошқа соҳаларда бўлгани каби жазони ижро этиш муассасалари фаолияти устидан ҳам давлат органлари ва жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштирилини тақозо этади. Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳозирги кунга келиб нафақат бизнинг республикамизда, балки халқаро миқёсда ҳал қилиниши керак бўлган энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

### **Халқаро стандартларни Ўзбекистон миллий қонунчиликка имплементация қилиш.**

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий шартномалар шахснинг жамиятдаги турмуши етакчи соҳаларини, шу жумладан жиноий одил судловни амалга ошириш соҳасини ҳам қамраб олади. Халқаро шартномалар ЎзР Жиноят-ижроия кодексининг тамойилларини шакллантириш учун асос бўлади. Жазони ижро этишда қонунчиликни таъминлаш ва маҳкумларнинг қонун олдидаги тенг ҳуқуқлигини, адолат, инсонпарварлик ва демократизм, жазони ижро этишни дифференциациялаш ва индивидуаллаштириш, мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш, маҳкумларни қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш тамойиллари шулар жумласидандир.

## Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномаларда қуйидагилар эълон қилинади:

■ Ҳеч ким суд ҳукми ёки қароридан бошқа тарзда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас;

■ Маҳкумларни ирқи, тили, диний, сиёсий ва бошқа эътиқоди, миллий ва ижтимоий келиб чиқиши, жинси, ёши, мулкӣ аҳволи белгилари бўйича ҳар қандай камситиш ман этилади;

■ Озодликдан маҳрум этилган барча шахслар инсон шахсига мансуб инсонпарварларча муомала қилиниши ҳуқуқига эгадир.

Мазкур қоидалар Ўзбекистоннинг жазони ижро этишни тартибга солувчи миллий қонунчилиги қай тарзда мувофиқлигини кўриб чиқайлик, Ўзбекистоннинг жиноят-ижроия қонунчилигида қайд этилган тамойилларга доир махсус нормалар кўрсатилган. Улар қонунчилик ҳужжатларида қайд этилганки, бу ҳужжатларни айрим институтлари ва нормаларидан келиб чиқади. Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексининг 5-моддасида “Жазони ижро этиш учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ёки қарори, шунингдек амнистия ёки афв этиш акти асос бўлади” деб кўрсатилган. Жиноят-ижроия кодексининг 2-моддасида “Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг вазифаси жазо ижросини таъминлаш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат” деб таъкидланади.

Норма-тамойиллар марказий ўқ вазифасини бажаради: қонунчиликнинг мазкур тармоғи барча институтлари уларга асосланади. Шунинг учун ҳам улар Жиноят-ижроия кодексининг 6-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур тамойилларнинг жиноят-ижроия қонунчилиги учун аҳамияти шундан иборатки, озодликдан маҳрум этилган маҳкумнинг ҳуқуқлари чекланган, демак у тегишли ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтождир. Жиноят-ижроия кодексиде қайд этилган жазони ижро этиш тамойиллари инсон ҳуқуқлари бўйича ва озодликдан маҳрум этилган шахслар билан муомала тўғрисидаги халқаро шартномалар қоидаларини етарли даражада тўлиқ акс эттиради. Қонунчилик маҳкумларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик ва демократизм тамойиллари шулар жумласидандир. Улар Жиноят-ижроия кодексининг асосий институтлари ва нормаларида, жумладан маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомиини белгилаш, уларни ахлоқан тузатиш воситалари ва ҳоказоларда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексиде Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситадиган муомала ва жазо турларига қарши конвенцияда қайд этилган асосий ғояларни акс эттирувчи тамойиллар ўз ифодасини топган. Бу тамойиллар жазони ижро этиш муасассалари ва жазони ижро этувчи бошқа органлар персоналани маҳкумлар билан инсонпарварларча муомала қилишга йўналтиради.

Ўрта асрларда Шарқда, Ғарбдан фарқли равишда, озодликдан маҳрум қилиш тариқачидаги жазони ижро этиш учун қаср ва қалъа миноралари ёки ер устидаги қурилишлардан эмас, балки анъанавий зиндонлардан

фойдаланилган. Яқин Шарқда ушбу анъана бугунгача сақланиб қолган.

Мамлакатимиздаги озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини таъминловчи муасассаларнинг шаклланиши ва ривожланиши махсус адабиётларда уч босқичга, айрим адабиётларда беш босқичга бўлиб тадқиқ этилган.

Агар республикамизнинг сўнгги бир-икки асрлик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузумида жиддий ўзгаришлар бўлганини гувоҳи бўламиз. Шунини инобатга олиб, мамлакатимизда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини таъминловчи муасассалар фаолитяининг тадрижий ривожланиш даврини шартли тўртта даврга- Бухоро амирлиги. Қўқон ва Хива хонликларигача бўлган даврга; чор Россия хукмронлиги даврига; собиқ иттифок хукмронлиги ва Мустақиллик даврларига ажратган ҳолда ўрганиб, тадқиқ этилиши мақсадга мувофиқдир.

Бунда ҳар бир даврнинг сиёсий тузуми ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатини асос қилиб олган ҳолда босқичларга ажратиш мумкин. Жиноят-ижроия тизимида бошқарувни шакллантириш ва унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида амалга оширилган янгилик ва ислохотлар ҳар бир босқичнинг асосий мезони бўла олади.

***Биринчи давр.*** Жиноий жазоларни тайинлаш ва ижро этиш тартиби тўлиқ шариат қонунлари асосида ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини таъминлаш жойи сифатида зиндонлардан фойдаланилган Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликларигача бўлган давр. Бу даврни ёритишда буюк давлат арбоби соҳибқирон Амир Темур яшаб ўтган ва хукмдорлик қилган йиллардаги жиноят ва жазо масалаларига қисқача тўхтаб ўтиш ўринлидир. Профессор Ҳ.Бобоев Амир Темур давлатида қатъий қонунлар, биринчи навбатда, шариат амал қилганлигини таъкидлайди. Ҳақиқатдан ҳам соҳибқирон зулмкорларга, оддий кишиларга асоссиз жабру ситам ўтказадиганларга нисбатан муросасиз бўлиш билан бирга, жиноят ва жазо масалаларига ниҳоятда жиддий қараган. Жазолаш йўли билан салтанатда интизом сақлаш ҳақида махсус фармонлар жорий қилган ва аксинча, яхши хизмат қилганларни тақдирлаш, мукофотлар бериш тузуқларини ишлаб чиққан эди.

### **Жазолаш масалаларида у қуйидагича йўл тутган:**

*Биринчидан*, амир Темур жиноят жазосиз қолмаслигини уқтирди. У қайси бир сипоҳий ҳаддидан ошиб, ўз қўл остидаги кишига зулм ўтказар экан, уни тутиб, мазлум қўлига топширишни буюради, токи додига ўшалар етказсин.

*Иккинчидан*, жиноятни шариат, урф-одат ва Ёсоғ қонунларига биноан олиб боришни талаб қилган.

Умуман олганда, ушбу даврда фаолият курсатган ёхуд фойдаланилган жазолаш тизимини (агар тизим сифатида эътироф этилса) ҳозирги кундаги жиноий жазони ижро этиш тизими билан киёслаш, фикримизча, қуйидаги

асосларга кура хам бироз нотугри: *биринчидан*, жазолаш тизими марказлашмаган холда бошқарилган.

*Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро Билл ҳамда Қийноқ ва жазолашнинг қаттиқ ва инсонийликка зид турларига қарши кураш тўғрисида халқаро Конвенция талаблари.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги яна бир қарори асосида “Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар”, “Маҳалла посбони” жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 180-сонли қарори асосида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида махсус ваколатларга эга бўлган “Махсус комиссиялар”, “Маҳалла посбонлари” ва “Яраштириш комиссиялари” фаолиятини йўлга қўйиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кенг жамоатчиликни жалб этишнинг самарали тизими яратилди.

Таҳлилларга кўра, 2010 йилнинг 1 январигача республикамизда 8027 та “Маҳалла посбони” жамоат тузилмалари бўлиб, улар таркибида 50840 нафар посбон фаолият кўрсатган. Посбонлар ёрдамида 2006 йилда 4733 та, бевосита улар томонидан 1025 та жиноят очилган бўлиб, 2005 йилга нисбатан 12,3 фоиз кўп ҳуқуқбузарликлар аниқланган. Бу кўрсаткич 2009 йилда 7677 та (2008 йилда 7000 та)ни ташкил этиб, бевосита улар томонидан 1214 та (2008 йилда 1129 та) жиноят очилган. Бинобарин, посбонлар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларни очишда муайян даражада ижобий ютуқлар бор экан, ўз навбатида, улар томонидан келажакда мабодо жиноят содир этилган тақдирда уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш (алоҳида сақлаш) масалалари ҳам қонун даражасида ҳимояланиши лозим.

ЖИКнинг 176-моддаси 2-қисмида шартли ҳукм қилинган шахс ҳарбий хизматга чақирилган тақдирда жазоларни ижро этиш инспекцияси суд ҳукми (ажрими) нусхасини ҳамда ҳарбий хизмат ўташ жойида унинг хулқ-атвори устидан назорат қилиш учун керакли бошқа ҳужжатларни мудофаа ишлари бўйича тегишли бўлимга юборади. Ҳарбий қисм (муассаса) қўмондонлиги ўн кунлик муддат ичида маҳкум рўйхатга олинганлиги тўғрисида, хизматни тугатганидан кейин эса, жўнаб кетганлиги тўғрисида жазоларни ижро этиш инспекциясига хабар қилиши шарт, деб кўрсатилган. Ушбу кодекснинг 55-моддасида маҳкум жазони ўташ учун жўнаб кетганлиги ёки жазони ижро этиш муассасасига етиб келганлиги тўғрисида тергов ҳибсхонасининг ёки жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти томонидан уч кунлик муддат ичида бу ҳақда тегишли органга ёки жойга хабарнома юбориши шарт қилиб кўрсатилган. Маҳкум тўғрисидаги маълумот қайси орган томонидан ёки қандай ҳолат бўлишидан қатъи назар бир хил (айни вақтда зудлик билан ва иложи борича қисқа) муддатда хабар қилиниши шарт.

ЖИКнинг 178-модданинг 1-қисмида шартли ҳукм қилинган шахс хулқ-

атвори устидан назоратни амалга оширувчи орган синов муддати мобайнида белгиланган чеклашларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритишга ҳақлидир, деб кўрсатилган. Ушбу модда мазмунидан шартли ҳукм қилинган шахс хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширувчи орган синов муддати бошланган кундан белгиланган чеклашларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритишга ҳақли эканлиги маълум бўлади. Бу эса, бироз мантиққа зиддир.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни эътиборга олиб, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини ҳуқуқий таъминлаш истиқболларининг қуйидаги асосий йўналишларини алоҳида кўрсатиб ўтиш ўринлидир.

**Биринчи йўналиш.** Республикамиз жиноят-ижроия қонунчилигининг, хусусан, Жиноят-ижроия кодексининг инвентаризациясини амалга ошириш орқали уни такомиллаштириш ва қонун нормалари ўртасидаги мавжуд зиддиятларни бартараф этиб бориш зарур. Назария ва амалиётнинг таҳлили Жиноят-ижроия кодексига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади:

Жиноят-ижроия кодексининг 5-моддаси қуйидаги таҳрирда номланишини:

■ “5-модда. Жазони ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш асоси”;

■ 15-модданинг учинчи қисм иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилишини:

■ “жабрланувчидан узр сўраш, етказилган зарарни тўлаш ёки бартараф этиш мажбуриятини юклаш – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан”;

33-модда номи ва матни қуйидаги таҳрирда баён этилишини:

“33-модда. Қамоқ жазосини ижро этиш муассасалари.

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар жазони ҳукм чиқарилган жойдаги махсус қамоқ уйлари ёки тергов ҳибсхоналари ёхуд турмада ўтайдилар.

Маҳкумлар жазонинг бутун муддатини, одатда, битта муассасада ўтайдилар.

Маҳкумни бир махсус қамоқ уйлари ёки тергов ҳибсхоналари ёхуд турмадан иккинчисига ўтказишга ушбу Кодекснинг 57-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади”;

45-модда иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилишини:

“Жазони ижро этиш муассасаларига қуйидагилар қиради:

- махсус қамоқ уйлари;
- жазони ижро этиш колониялари;
- тарбия колониялари;
- турмалар”;

54-модданинг биринчи қисми:

■ “ўн кунлик муддат” деган сўзлар “бир ойлик муддат” деган сўзлар билан алмаштиришни;

58-модданинг иккинчи қисм учинчи хатбошидаги “маҳкум ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар” деган сўзлар “чет эл фуқаролари бўлган ва фуқаролиги бўлмаган маҳкум шахслар” деган сўзлар билан алмаштирилишини;

58-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбошиси билан тўлдирилишини:

“Маҳалла посбони” жамоат тузилмаларининг собиқ сардорлари ва посбонлари.”;

52-моддадаги “турма қамоғига” деган сўзлар “турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш жазосига” деган сўзлар билан алмаштирилишини;

176-модданинг иккинчи қисмидаги “ўн кунлик муддат” деган сўзлар “уч кунлик муддат” деган сўзлар билан алмаштирилишини;

178-модданинг биринчи қисмидаги “синов муддати” деган сўзлар “синов муддатини камида уч ойи ўтганидан кейинги давр” деган сўзлар билан алмаштирилишини.

***Иккинчи йўналиш.*** Қонун чиқарувчи орган томонидан халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидаларининг жиноят-ижроия қонунчилигида ва идоравий-норматив ҳужжатларда ўз аксини топмаган нормаларини ишлаб чиқиш ва халқаро нормаларга мослаштириш. Масалан, Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидаларининг 46-54-моддалари муассаса ходимлари тўғрисида бўлиб, ушбу қоида асосида республикамизда “Жиноят-ижроия тизими тўғрисида” ёки “Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этувчи органлар ва муассасалар фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мумкин.

Бундан ташқари, қонун чиқарувчи орган томонидан жамоатчилик, шунингдек нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг озодликдан маҳрум қилиш жойлари устидан амалга ошириладиган назоратнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб боришдан иборат. Бу эса, ўз навбатида, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш соҳасидаги ишларни давлат органлари ва жамоатчилик томонидан режалаштирилган тартибда мунтазам кузатиш, таҳлил қилиш ва баҳо бериш орқали аниқланган мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклиф, тавсия ва хулосалар ишлаб чиқиш ҳамда нафақат ҳозирги кун, балки эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда жиноят-ижроия тизимининг узоқ муддатли истиқболларини белгилаш каби кенг қамровли ҳамда мураккаб жараённинг ҳал этилиши учун ҳуқуқий ечим бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, “ҳуқуқий ислохотларнинг халқ манфаатларига, демак кайфиятига бевосита ва кучли таъсир ўтказувчи жиҳати қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг амал қилишини таъминлашдир. Уларнинг сифати жаҳон андозаларига қанчалик мос келиши

билан эмас, аввало, ҳаётийлиги, мамлакат турмуши, аҳоли руҳияти, кайфияти ва менталитетига қанчалик уйғунлиги билан ўлчанади. Шулар бўлмаса, чиройли қилиб ёзилган ва жаҳон андозаларига мос бўлган ҳар қандай қонун ёки ҳужжат қоғозда қолиб кетади”.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Маҳкумларга оид халқаро стандартлар ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Маҳкумларга оид халқаро стандартлар тушунчаси, турлари.
2. Халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш.
3. Халқаро стандартларни Ўзбекистон миллий қонунчиликка имплементация қилиш.
4. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро Билл ҳамда Қийноқ ва жазолашнинг қаттиқ ва инсонийликка зид турларига қарши кураш тўғрисида халқаро Конвенция талаблари.


## **16-мавзу: Маҳкумларга оид халқаро стандартлар ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш.**

Семинар машғулот (2- соат)

### **“САВОЛ-ЖАВОБ” МЕТОДИ.**

Ушбу метод мавзунинг тингловчилар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлиқ.

Таълим жараёнида методни қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:





## “САВОЛ-ЖАВОБ” МЕТОДИ

1-савол. Маҳкумларга оид халқаро стандартлар тушунчаси, турлари.

2-савол. Халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш.

3-савол. Халқаро стандартларни Ўзбекистон миллий қонунчиликка имплементация қилиш

4-савол. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро Билл ҳамда Қийноқ ва жазолашнинг қаттиқ ва инсонийликка зид турларига қарши кураш тўғрисида халқаро Конвенция талаблари.

### 17-мавзу: Жазони ижро этиш муассасаларининг турлари.

Маъруза машғулоти (2 соат).

#### Режа:

1-савол. Жазони ижро этиш муассасаларининг турлари.

2-савол. Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларига қабул қилиш тартиби.

#### 1- савол. Жазони ижро этиш муассасаларининг турлари.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижроси жазони ижро этиш муассасалари томонидан амалга оширилади.

**ЖИЭМларга қуйидагилар киради:**

- жазони ижро этиш колониялари;
- тарбия колониялари;
- турмалар.

Тергов ҳибсхоналари озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилган шахсларга нисбатан ЖИЭМлар вазифасини бажаради.

**Жазони ижро этиш колониялари вояга етган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган бўлиб, қуйидагиларга бўлинади:**

- манзил-колониялар;
- умумий тартибли колониялар;
- қаттиқ тартибли колониялар;
- махсус тартибли колониялар.

Тарбия колониялари вояга етмаган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган.

Турмалар вояга етган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган.

Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, маҳкумларнинг ҳуқуқлари камситилишига йўл қўйилмайди.

### **Манзил-колониялар қуйидагиларга бўлинади:**

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятлар учун, шунингдек қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақланадиган манзил-колониялар;

умумий, қаттиқ тартибли колониялардан, шунингдек тарбия колонияларидан ўтказилган маҳкумлар сақланадиган манзил-колониялар.

Манзил-колонияларда:

мазкур муассасаларга суд ҳукмига биноан келган вояга етган маҳкумлар;

умумий, қаттиқ тартибли колониялардан ва тарбия колонияларидан суднинг ажрими асосида ўтказилган вояга етган маҳкумлар;

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жинояти учун ва қасддан содир этган унча оғир бўлмаган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириш тарзида суднинг ажрими асосида юборилган вояга етган маҳкумлар жазони ўтайди.

### **Қаттиқ тартибли колонияларда жазони ўташ шартлари.**

Қаттиқ тартибли колонияларда маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар.

Маҳкумлар белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 52,7 фоизигача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин.

### **Маҳкумлар йил мобайнида:**

- беш марта қисқа муддатли ва беш марта узоқ муддатли учрашув;
- саккиз марта телефон орқали сўзлашув;
- саккизта посылка ёки йўқлов;
- саккизта бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Бу ҳол унга берилган барча имтиёзларнинг бекор булиши билан намоён бўлади ва Жиноят-ижроия кодексининг 109-моддасининг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида белгиланган ҳуқуқий чеклаш турлари ва қўшимча ҳуқуқлардан фойдаланишга руҳсат этилади.

Қаттиқ тартибли колониядаги интизомий бўлимларида карцерларда жазони ўтаётган маҳкумлар эса чекиш, столда ўйналадиган ўйинлардан, китоб, газета-журнал ва бошқа адабиётлардан, ўринкўрпа буюмлардан, телефон орқали сўзлашув ва учрашувлардан фойдаланиш, озиқ-овқат маҳсулоти ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш, йўқлов, посылка ҳамда бандеролларни олиш ва жўнатиш, хат ва бошқа жўнатмаларни юбориш ман этилади. Уларга ўзлари билан бирга озиқ-овқат ва шахсий буюмларни олиб кириш тақиқланади, ювиниш пайтида фойдаланиш учун бериладиган нарсалар бундан мустасно.

### **Махсус тартибли колонияларда жазони ўташ.**

Махсус тартибли колониялар озодликдан маҳрум қилиниб, ўта хавфли рецидивист деб топилган эркакларни, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган.

Махсус тартибли колонияларда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган эркаклар ҳам сақланади.

#### **Махсус тартибли колонияларда жазони:**

- мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган маҳкумлар;
- умрбод озодликдан маҳрум қилинганлар, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар;
- суд томонидан қаттиқ тартибли колониялардан интизомий жазо тарзида қайтарилган маҳкумлар ўтайдилар.

Ижобий тавсифга эга маҳкумлар ЖИКнинг 104-моддасида назарда тутилган тартибда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилади.

Махсус тартибли бир колониядан иккинчисига ўтказилган маҳкумлар жазони бу ерга ўтказилгунга қадар белгиланган сақлаш шароитида ўтайдилар.

Махсус тартибли колонияларда маҳкумлар камераларда ёки умумий яшаш биноларида яшайдилар.

Маҳкумлар белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори суммасигача ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин.

#### **Маҳкумлар йил мобайнида:**

- тўрт марта қисқа муддатли ва тўрт марта узоқ муддатли учрашув;
- олти марта телефон орқали сўзлашув;
- олтига посылка ёки йўқлов;
- олтига бандерол олиш ҳуқуқига эга;

Камераларда сақланадиган маҳкумларнинг кинофильмлар ва телекўрсатувлар кўриши тақиқланади.

### **Тарбия колонияларида жазони ўташ.**

Тарбия колониялари вояга етмай туриб жиноят содир этган маҳкумларни сақлашга мўлжалланган.

#### **Тарбия колонияларида:**

ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган маҳкумлар каттароқ ёшдаги маҳкумлардан;

биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар илгари озодликдан маҳрум этиш тарихидаги жазони ўтаган маҳкумлардан алоҳида сақланадилар.

Ижобий тавсифга эга маҳкумлар ЖИКнинг 104-моддасида назарда тутилган тартибда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилади.

Тарбия колонияларида маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар.

Маҳкумлар белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки ярим

бараваригача бўлган суммага ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин.

#### Тарбия колонияларида маҳкумлар йил мобайнида:

■ йигирма тўрт марта қисқа муддатли ва саккиз марта узоқ муддатли учрашув;

■ йигирма тўрт марта телефон орқали сўзлашув;

■ ўн иккита посилка ёки йўқлов;

■ ўн иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга;

Ўн саккиз ёшга тўлган ва тарбия колонияларида қолдирилган маҳкумларга вояга етмаган маҳкумлар учун белгиланган нормаларда овқат, уст-бош, моддий-маиший таъминот ва бошқа жазо ўташ шароитлари татбиқ этилади. Бу шахсларнинг меҳнат шароитлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

#### Тарбия колонияларида маҳкумлар ЖИКнинг 102-моддасида назарда тутилган рағбатлантириш чораларидан ташқари:

■ Жазони ижро этиш муассасаси ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган маданий-томоша ва спорт тадбирларини кўришга юбориш;

■ қисқа муддатли учрашув ўрнига ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки яқин қариндошлари кузатувида саккиз соатгача бўлган муддатга эркинликка чиқариш;

■ ҳибсхонада бўлиш муддатини қисқартириш ва ундан муддатидан илгари озод қилиш тариқасида рағбатлантирилишлари мумкин.

Жазони ўташ тартибини бузганлиги учун тарбия колонияларида маҳкумларга ЖИКнинг 105-моддасида назарда тутилган интизомий жазо чораларидан ташқари томошага боришдан бир марта маҳрум этиш тариқасидаги жазо қўлланилиши мумкин.

Тарбия колониясида ҳибсхонага киритиб қўйиш тариқасидаги интизомий жазо ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган маҳкумларга етти суткагача, ўн олти ва ундан катта ёшдаги маҳкумларга эса ўн суткагача бўлган муддатга қўлланилади.

Тарбия колониясининг ҳибсхонасига киритиб қўйилган маҳкумларнинг сайр қилиш муддати суткасига икки соат қилиб белгиланади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумлар, одатда, йигирма бир ёшга тўлгунга қадар, тарбия колонияларида қолдирилади.

Маҳкумларни тарбия колонияларида қолдириш муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори билан амалга оширилади.

Маҳкумлар йигирма бир ёшга тўлганидан, салбий тавсифга эга маҳкумлар эса ўн саккиз ёшга тўлганидан кейин жазо ўташни давом эттириш учун тарбия колониясидан умумий тартибли колонияга ўтказилади.

Жазо ўташни давом эттириш учун маҳкумларни жазони ижро этиш колониясига ўтказиш масалалари суд томонидан ЖПКнинг 537-моддасида назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

## **Турмаларда жазони ўташ.**

Турмалар турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсларни, шунингдек умумий ва қаттиқ тартибли колониялардан жазони ўташ тартибини ашаддий бузганлиги учун ўтказилган шахсларни сақлаш учун мўлжалланган.

**Турмаларда маҳкумлар ҳар куни муддати бир соатлик сайр қилиш ҳамда йил мобайнида:**

- тўрт марта қисқа муддатли ва бир марта узоқ муддатли учрашув;
- тўрт марта телефон орқали сўзлашув;
- тўртта посылка ёки йўқлов;
- тўртта бандерол олиш ҳуқуқига эга.

### **2- савол. Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларига қабул қилиш тартиби.**

Маҳкумлар жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи раҳбарлигидаги комиссия томонидан қабул қилинади.

Турли ноаниқликлар юзага келишининг олдини олиш мақсадида маҳкумлар жазони ижро этиш муассасасига шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларидаги маълумотлар асосида сўровдан ўтказилгач қабул қилинади.

Жазони ижро этиш муассасасига қабул қилиш вақтида маҳкумлар тўлиқ шахсий тинтувдан ўтказилади, уларнинг нарсалари ва буюмлари кўздан кечирилади.

Маҳкумларнинг ёнидан топилган, фойдаланишга руҳсат этилмаган нарсалар ва буюмлар жазони ижро этиш муассасаси бошлиғининг мазкур Қоидаларнинг 9-иловасига мувофиқ шаклдаги қарорига биноан олиб қўйилади ҳамда маҳкум озод бўлгунга қадар сақлаш учун топширилади ёки йўқ қилиб ташланади ёхуд давлат даромадига ўтказилади ва бу ҳақда тегишли ҳужжат (квитанция, далолатнома ёки қарор) тузилади.

Маҳкумнинг жазони ижро этиш муассасаси омборхонасига сақлаш учун топширилган нарсалари ва буюмлари бўйича мазкур Қоидаларнинг 10-иловасига мувофиқ шаклда икки нусхада квитанция тўлдирилиб, унинг бир нусхаси маҳкумга берилади, иккинчи нусхаси унинг шахсий ҳужжатлари йиғмажилдига қўшиб қўйилади.

Маҳкумнинг йўқ қилинган нарсалари ва буюмлари бўйича мазкур Қоидаларнинг 11-иловасига мувофиқ шаклда икки нусхада далолатнома тузилади ва унинг бир нусхаси маҳкумнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига қўшиб қўйилади, иккинчи нусхаси эса, тартибот бўлимида сақланади.

Тезкор навбатчи олиб қўйилган пул ва қимматли буюмларни бир сутка ичида уларни олиб қўйган мансабдор шахс томонидан тузилган далолатнома ёки билдирги орқали молия бўлимига топширади. Олиб қўйилган пул ва қимматли буюмларнинг ҳисоби мазкур Қоидаларнинг 12-иловасида назарда тутилган дафтарда юритилади.

Нарсалар ва буюмларни давлат даромадига ўтказиш тўғрисидаги мазкур

Қоидаларнинг 13-иловасига мувофиқ шаклдаги қарор прокурор томонидан тасдиқланади.

Жазони ижро этиш муассасасига етиб келган маҳкумлар уларнинг шахсини ўрганиш ва шароитга мослашиб олишлари учун ўн беш суткагача муддатга, одатда, қабул бўлимига жойлаштирилади, манзил-колонияга келган ҳамда хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун тергов ҳибсхоналари ва турмаларда қолдирилган шахслар бундан мустасно.

Турмаларда маҳкумлар суднинг ажримига асосан қайси режим туридаги колониядан келганлиги ёки турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш муддатини ўтаб бўлгач, қайси режим туридаги колонияга юборилиши инобатга олинган ҳолда мазкур Қоидаларнинг 14-иловасига мувофиқ камераларга жойлаштирилади.

Жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти маҳкум етиб келган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида бу ҳақда ҳукм чиқарган судни мазкур Қоидаларнинг 15-иловасига мувофиқ шаклда хабардор қилиши, шунингдек маҳкумнинг оиласига мазкур Қоидаларнинг 16-иловасига мувофиқ шаклда жазони ижро этиш муассасаси манзилини кўрсатиб ҳамда маҳкумнинг ёзишма олиб бориш, учрашув, посилка, йўқлов ва бандероллар олиш, телефон орқали сўзлашув ҳуқуқларини тушунтириб, хабарнома юбориши шарт.

Маҳкумларни қабул бўлимида сақлаш даврида улар тиббий кўрикдан ўтказилади ва уларда юқумли касалликлар аниқланмаса, ЖИЭМ маъмурияти суҳбатидан ўтказилиб, комиссия томонидан бригада ва туркумларга тақсимланади.

Жазони ижро этиш муассасасига етиб келганларидан сўнг маҳкумларга жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида керакли ахборот берилади, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади.

Махсус бўлим томонидан суднинг қарорига мувофиқ алимент тўлаши ёки моддий зарарни қоплаши лозим бўлган маҳкумлар рўйхати жазони ижро этиш муассасаси нинг молия бўлимига, алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликдан мажбурий даволаниши лозим деб топилган маҳкумлар рўйхати эса тиббиёт бўлимига топширилади.

Маҳкумларга мазкур Қоидаларнинг 17-иловасидаги рўйхатда назарда тутилган озиқ-овқат маҳсулотлари, нарса ва буюмларни сотиб олиш ҳамда ёнида сақлашга рухсат этилади. Тақиқланмаган, лекин белгиланган миқдордан ортиқча нарса ва буюмлар жазони ижро этиш муассасаси омборхонасида сақланади ва бу ҳақда далолатнома тузилади. Маҳкумнинг омборхонада сақланаётган зарур нарса ва буюмлари унинг аризасига асосан берилади.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Манзил-колониялар ва умумий тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ҳамда шартлари мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Жазони ижро этиш муассасаларининг турлари.
2. Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларига қабул қилиш тартиби.

## 17-Мавзу: Жазони ижро этиш муассасаларининг турлари.


Семинар машғулот (2 соат).

### Семинар машғулот.

Ушбу амалий машғулот **«Блиц-сўров»** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Блиц-сўров» (инглизча «блиц» – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гурухли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда ушбу методни қўллаш куйидагича кечади:



### Ўқув машғулотнинг саволлари:

1-савол. Жазони ижро этиш муассасаларининг турларини санаб беринг?

2-савол. Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларига қабул қилиш тартибини тушунтириб беринг?

3-савол. Жазони битта муассасада ўташ тартибини тушунтириб беринг?

4-савол. Турли тоифадаги маҳкумларни бирга сақлаш ҳоллари қандай?

5-савол. Маҳкумларни кўчириш тартибини тушунтириб беринг?

6-савол. Маҳкумларни сақлаш шароитининг ўзгартирилишига асос?

## **18-мавзу: Манзил-колониялар ва умумий тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ҳамда шартлари.**

Маъруза машғулот (2 соат).

### **Режа:**

1-савол. Манзил колонияларнинг таркибий тузилиши ва ҳуқуқий ҳолати  
2-савол. Манзил колонияларининг давлат буюртмасига асосан фаолият юритиши.

3-савол. Манзил колонияларда режимнинг талаблари.

4-савол. Умумий тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ва шартлари.

### **1- савол. Манзил-колонияларининг таркибий тузилиши ва ҳуқуқий ҳолати.**

Раҳбарият. (Муассаса бошлиғи, Муассаса бошлиғининг тезкор ва тартибот ишлар бўйича ўринбосари, Муассаса бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, Муассаса бошлиғининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари, Муассаса бошлиғининг умумий саволлар бўйича ўринбосари, Муассаса бош муҳандиси, Муассаса бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ёрдамчиси).

- ❖ Тезкор бўлим;
- ❖ Тартибот бўлими;
- ❖ Махсус қисм;
- ❖ Махсус контингент билан тарбиявий ишлар олиб бориш бўлими;
- ❖ Тиббий бўлим;
- ❖ Хўжалик ва таъминот бўлими;
- ❖ Режа-иқтисод бўлими, техника бўлими;
- ❖ Бухгалтерия;
- ❖ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати;
- ❖ Навбатчи қисм.

Собиқ Иттифоқ даврида, яъни 1963 йилда ўзини ижобий ҳуқ-атвори билан кўрсата бошлаган ва ахлоқан тузалиш йўлига қатъий ўтган маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш тариқасида ёпиқ шаклдаги жазони ижро этиш колонияларидан ярим очиқ шаклдаги манзил колонияларига ўтказиш ишлари қўлланила бошлади. Шундан сўнг (СССР Олий Совети Президиумининг 1977 йил йил 8 февралдаги ва 1985 йил 18 сентябрдаги Фармонларига асосан) манзил колонияларнинг қуйидаги турлари жорий этилган.



Ахлоқан тузалиш йўлига қартий кирган ва суд томонидан умумий, кучайтирилган ва қаттиқ тартибли колониялардан ўтказилган маҳкумлар сақланадиган манзил колониялар:

■ Эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этилган маҳкумлар сақланадиган манзил колониялар:

■ Қасддан унча оғир бўлмаган жиноят учун биринчи марта озодликдан маҳрум этилган маҳкумлар сақланадиган манзил колониялар.

Айни вақтда республикадаги манзил колониялар қуйидаги икки турга ажратилади. (Ўз.Р.ЖИК нинг 46-моддаси).

■ Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятлар учун, шунингдек қасддан унча оғир бўлмаган жиноятлар учун, шунингдек қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақланадиган манзил колониялар;

■ Умумий, қаттиқ тартибли колониялардан, шунингдек тарбия колонияларда ўтказилган маҳкумлар сақланадиган манзил колониялар.

2007 йил якунлари бўйича республикадаги мавжуд жазони ижро этиш колонияларидан 24 таси манзил колония эканлиги ва манзил колониялардаги жазони ўтаётган шахслар маҳкумларнинг умумий сонига нисбатан 21 фоизни (шундан 3-4 % аёллар) ташкил этиши (1990 йилда 7% ташкил этган) диққатга молик жиҳатдир.

### **Манзил колонияларига қуйидагилар ўтказилмайди.**

- суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилган маҳкумлар;
- умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси авф этиш тартибида озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилган маҳкумлар;
- юкумли касалликларга чалинган маҳкумлар;
- мажбурий даволанишда бўлган маҳкумлар;
- меҳнатга қобилиятсиз маҳкумлар;
- вояга етмаган маҳкумлар.

Битта манзил колонияларда турли хил жинсдаги (аёл-эркак) маҳкумларни жазо ўташликларига қонун рухсат этади.

Манзил колонияларда жазо ўташ шартлари шундан иборатки, маҳкумлар соқчисиз, аммо назорат остида сақланадилар: эрталаб ўрнидан туришдан кечки ётишгача бўлган вақт мобайнида колония ҳудуди доирасида эркин юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар: агар улар бажараётган иш ёки олаётган таълим тақоза этса, маъмуриятнинг рухсати билан колония ҳудудидан ташқарида назоратсиз юришлари мумкин: фуқоралар кийимида юрадилар: ёнларида пул ва қимматли буюмлар сақлашлари, пулдан чекланмаган миқдорда фойдаланишлари мумкин: чекланмаган миқдорда

телефон орқали сўзлашишлари, посылка, йўқлов ва бандероллар олишлари ҳамда жўнатишлари мумкин. Маҳкумлар чекланмаган миқдорда қисқа муддатли ва узоқ муддатли учрашув олиш ҳуқуқига эга.

Учрашувлар одатда ишдан бўш вақтларда берилади ҳамда маҳкумнинг илтимосига биноан манзил колония ҳудудидан ташқарида ўтказилиши мумкин.

Маҳкумлар хоналарга бўлинган ётоқхоналарда яшайдилар ва ҳар куни бир марта (оиласи билан яшаётган ҳафтада бир марта) кун тартибида белгиланган вақтда колония бошлиғининг навбатчи ёрдамчиси ёки туркум бошлиғи ҳузурида қайд этиш учун келишлари лозим. Сақлаш режимини бузмаган, оиласи бор маҳкумларга муассаса бошлиғи қарорига биноан манзил колония ҳудудида ёки ундан ташқарида оиласи билан алоҳида яшашга рухсат берилади. Манзил колония маъмурияти вакили маҳкумлар яшайдиган жойга сутканинг исталган вақтида кириши мумкин. (ЖИКнинг 114-моддаси).

Манзил колонияларнинг чегаралари колония жойлашган манзил ҳамда маҳкумлар томонидан бажариладиган ишларнинг хусусиятига қараб Қорақалпоғистон Ички ишлар вазири ва вилоят ИИБлари бошлиқларининг буйруқлари билан белгиланади ҳамда бу ҳақда маҳкумга унинг шахсий йиғма-жилдига тикиб қўйиладиган тилхат орқали маълум қилинади.

Маҳкумлар шу муассасадаги корхоналарда, пухта назорат таъминлаш имконияти бўлган ҳолларда бошқа вазирликлар ва идораларнинг ишлаб чиқариш объектларида, юридик шахс бўлмиш фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотларга меҳнатга жалб этилишлари мумкин. Уларга ҳар йили муддати ўн беш иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилади. (Ўз.Р.ЖИК нинг 91-моддаси 3-қисми). Шунингдек уларга муассаса жойлашган ердаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида сиртдан ўқишга рухсат этилади ва имтиҳонларни топшириш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ишдан озод қилинади (Ўз.Р.ЖИК нинг 100-модда 3-4 қисмлари).

№	Кўрсаткичлар (йил мобайнида)	Манзил колонияларида
1	Қисқа муддатли учрашув	Чекланмаган
2	Узоқ муддатли учрашув	Чекланмаган
3	Телефон сўзлашувлар	Чекланмаган
4	Посылка ёки йўқловлар	Чекланмаган
5	Озиқ-овқат ва зарур нарсаларни сотиб олиш учун рухсат этилган (бир ой муддатида энг кам иш ҳақининг баравари миқдорида) /енгиллаштирилган шароитда/	Чекланмаган
6	Бандерол	Чекланмаган
7	Сайр қилиш вақти	-
8	Яшаш жойи нормаси: эркаклар учун кв.м. Аёллар учун кв.м.	4,5 4,5

Маҳкум жазо муддатининг қонунда белгиланган қисмини ўтаб бўлганидан сўнг, маъмурият бир ойлик муддат ичида уни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш, жазони ўташни давом эттириш учун манзил-колонияга ўтказиш каби масалани имконият қадар кўриб чиқиши шарт.

Шу мақсадларда, назорат-муддат картатекаси маълумотлари асосида, муассасанинг махсус бўлими ҳар ойда расмий равишда жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва манзил-колонияга ўтказишга тушадиган маҳкумларнинг рўйхатини тайёрлайди. Рўйхатнинг нусхалари маҳкумларга эълон қилиниши ҳамда муассасанинг маъмурий комиссияси томонидан кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида ҳужжатларни тайёрлаш учун туркум бошлиқларига берилади.

Муассасанинг маъмурий комиссияси ўз йиғилишларини ойда камида икки марта ўтказди. Комиссия таркибига муассаса бошлиғининг ўринбосарлари, муассасанинг етакчи бўлим ва хизматларнинг раҳбарлари киритилади. Муассасанинг махсус бўлим бошлиғи комиссия котиби бўлиб, унга йиғилиш тайинланган кунгача камида уч кун қолганда, туркум бошлиқлари маҳкумларга оид зарур ҳужжатларни тақдим этади.

Маъмурий комиссия йиғилишларига тайёрланаётган ҳужжатларнинг сифати ва ўз вақтида тақдим этилиши устидан назорат қилиш муассаса бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари зиммасига юклатилади.

Комиссия йиғилишлари баённомалар билан расмийлаштирилиб, улар асосида муассаса бошлиғи томонидан маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ёки манзил-колонияларга ўтказишга тақдим қилиш ёхуд тақдим қилишни рад этиш ҳақида қарорлар чиқарилади.

Маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари озод этиш ёки манзил-колонияга ўтказишга тақдим қилишда рад этиш тўғрисидаги қарор асослантирилган бўлиши лозим ва у маҳкумга маълум қилиниб тилхат олинади.

Маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари озод этиш ёки манзил-колонияга ўтказиш тўғрисидаги қарор барча зарур ҳужжатлар билан бирга комиссия йиғилишидан сўнг бир ҳафталик муддат ичида судга юборилади.

Маъмурият комиссияси томонидан кўриб чиқилиши учун ҳужжатлар ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун жавобгарлик туркум бошлиқлари ҳамда муассаса бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари зиммасига, судга эса ҳужжатлар ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун жавобгарлик маъмурият комиссия котиби ва муассаса бошлиғи зиммасига юклатилади.

Муассасанинг маъмурият комиссияси ёки суд маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари озод этиш ёхуд манзил-колонияга ўтказишга тақдимнома киритишни рад этган тақдирда, бу ҳақда қарор чиққан кундан бошлаб камида олти ой муддат ўтганидан сўнг шу маҳкумга оид ҳужжатлар комиссия ёки суд томонидан кўриб чиқилиши учун такроран юборилади.

Маҳқумга жазони ўташдан муддатидан илгари озод этиш ёки уни манзил-колонияга ўтказиш ҳақида тақдимнома киритилишида рад қилиш учун қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

- ❖ маҳқумни ноинсофлик билан меҳнатга ёндошиши ёки ижтимоий-фойдали меҳнатдан воз кечиши;
- ❖ жазони ўташ тартибини қўпол равишда бузиши;
- ❖ мунтазам равишда интизом бузиши.

Маҳқумни касаллиги туфайли жазони ўташдан муддатидан илгари озод этиш тўғрисидаги тақдимнома Ўзбекистон Республикаси ИИВ Махсус тиббий комиссиясининг хулосаси асосида судга киритилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Махсус тиббий комиссияси томонидан кўриб чиқилиши учун ҳужжатларни касалхона маъмурияти ёки жазони ижро этиш муассасаларининг тиббиёт бўлимлари тайёрлайди.

Муассаса маъмурияти Ўзбекистон Республикаси ИИВ Махсус тиббий комиссияси томонидан маҳқумни касаллиги туфайли жазони ўташдан муддатидан илгари озод этиш мумкинлиги тўғрисида хулоса чиқарилганидан сўнг, уч кунлик муҳлатдан кечиктирмаган ҳолда ҳужжатларни узил-кесил қарор чиқариш учун судга тақдим қилади.

Маҳқумларни озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташдан муддатидан илгари озод этиш, ҳукми бекор қилиш ва иш юритишни тугатиш ёхуд ҳукми назорат тартибида ўзгартириш ва жазони шартли ҳукм билан алмаштириш тўғрисидаги судларнинг қарорлари, шунингдек, маҳқумни амнистия ёки авф акти асосида муддатидан илгари озод этиш ҳақидаги ҳужжатлар иш куни мобайнида олинган бўлса, зудлик билан ижро этилади, иш куни тугаганидан сўнг олинган ҳужжатлар эса эртаси куни эрталаб ижро этилади.

Маҳқумни жазодан озод этиш ёки унинг жазо муддатини қисқартириш ҳақидаги ҳужжатлар муассасага номахфий почта ёхуд хусусий шахслар орқали келиб тушса, улар қўшимча текширувдан ўтказилиши шарт.

Маҳқумни жазони ўташдан муддатидан илгари озод этиш ёки унинг жазо муддатини қисқартириш тўғрисидаги суд қарори гербли муҳр билан тасдиқланмаган, босилган муҳр ёзуви аниқ тушмаган ёки мазкур қарорни чиқармаган бошқа органнинг муҳри билан тасдиқланган ҳолларда, шунингдек, ҳужжатдаги анкета маълумотлари шахсий йиғма-жилд ҳужжатларига номувофиқ бўлган ёхуд келиб тушган ҳужжатнинг асл нусха эканлигига бошқа шубҳалар бўлган тақдирда, муассаса маъмурияти зудлик билан бу ҳақда юқори инстанцияга ва жазони ижро этиш жойларда қонунларга риоя қилиниши устидан назорат қилувчи прокурорга маълум қилиб, ҳужжатнинг асл нусха эканлигини тасдиқлашга доир шошилинч чоралар кўради ва ҳужжат ижросини масала ҳал этилгунга қадар тўхтатиб туради.

Маҳқумларни озод этиш ёки уларнинг жазони ўташ муддатини қисқартириш тўғрисида судлар чиқарган ажримларнинг ижроси ҳақида ҳукми чиқарган судга хабар қилинади. Маҳқумларни озод этиш ёки

уларнинг жазони ўташ муддатини қисқартириш ҳақида ажрим чиқарган судлар тегишли илтимос ёки сўров хати юборган тақдирда, бу ажрим ижроси тўғрисида хабардор этилади.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси енгилроғи билан алмаштирилган маҳкум озод этилганда, ундан боришни мўлжаллаётган ҳудуддаги ички ишлар бўлимига учрашиш ҳақидаги тилхат олинади ва шу бўлимга маҳкум озод этилганидан сўнг уч кун мобайнида ахфий почта орқали унинг шахсий йиғма жилди юборилади.

Муассасада маҳкум келгусида жазони ўташи учун манзил-колонияга ўтказилиши тўғрисида суднинг қарори келиб тушганида, маҳкум энг яқин босқичда соқчилар назорати остида тақсимот учун тергов ҳибсхонасига кўчирилади.

Меҳнат ва маиший жойлашишга эҳтиёжи бўлган маҳкумлар жазо муддатидан илгари озод қилинганда, ижтимоий мослашув марказлари, ногиронлар ва қариялар уйлари, шунингдек, интернатларга (вояга етмаган, ота-онаси ва васийлари бўлмаган шахслар) юбориш тўғрисидаги ҳужжатлар (йўлланмалар) озод этилганларнинг қўлига берилади.

## **2-савол. Манзил колонияларининг давлат буюритмасига асосан фаолият юритиши.**

Жазони манзил колонияларда ўтаётган маҳкумлар шу муассасаларнинг корхоналаридаги, маҳкумларнинг хулқ-атвори устидан пухта назорат таъминланадиган бўлган тақдирда, бошқа вазирликлар ва идораларнинг ишлаб чиқариш объектларидаги, юридик шахс бўлмиш фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотлардаги меҳнатга жалб этиладилар. Манзил-колония ҳудудидан ташқаридаги меҳнатга маҳкумларни жалб этиш уларнинг ҳар куни муассасага қайтишлари таъминланган тақдирдагина амалга оширилади.

Жазони ижро этиш муассасаларида ҳафтасига камида бир марта тарбиявий аҳамиятга молик бадий фильмлар бепул намойиш этилади. Манзил-колонияларда маҳкумларга кинофильмлар ҳақ эвазига намойиш этилади.

Манзил колонияларининг турар жой зонаси худди назорат ўтказиш пункти мавжуд бўлган яхлит сидирга девор билан ўралиб, унинг таркибига қуйидаги бинолар киради: ходимларнинг хизмат хоналари мавжуд бўлган маъмурий бино, маҳкумлар учун ётоқхоналар, навбатчи наряд учун мўлжалланган хонаси бор навбатчи хизмати биноси, ошхона магазин, амбулатория, кутубхона, оммавий-маданий ва тарбиявий тадбирларни ўтказиш учун бино, корхона ва дезинфекция камераси мавжуд ҳаммом, маҳкумларнинг шахсий буюмлари сақланадиган омборхона интизомий бўлинма, маҳкумлар билан учрашувга келганлар учун вақтинча яшашга мўлжалланган уй.

Бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик-омборхона объектлари манзил колонияларнинг маъмурий ҳудудида жойлашади.

Манзил-колонияларни интизомий бўлинмасида ҳибсхонани ҳар бири 4-6 ўринга мўлжалланган камерали ва навбатчи учун алоҳида хона жиҳозланади.

Интизомий бўлинма биноси бошқа иморатлардан яхлит сидирга девори билан ажратиб қўйилади. Манзил колонияларда карцерга мўлжалланган камералар жиҳозланмайди.

### **3-савол. Манзил колонияларда режимнинг талаблари.**

Манзил колонияларда қоровул қўшинлари томонидан қўриқлаш ишлари олиб борилмайди, яъни бу муассасалар ярим ёпиқ турдаги муассасалар ҳисобланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ тартиби, яъни режимнинг аҳамияти амалиётда жуда каттадир. Айнан маҳкумлар ахлоқини тузатишнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланган режим орқали жазони ўташ жойларида маҳкумлар ва муассаса ходимларининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш (ЖИКнинг 11-моддаси), маҳкумларни турли тоифаларга ажратган ҳолда сақлаш (ЖИКнинг 58 моддаси) уларни ўрнатилган тартибдаги наъмунавий кийим–бошда юриш, қуролланган соқчилар томонидан қўриқлашни, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни яшаш, мажбурий меҳнатга жалб этиш, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар, ўқотар қуроллар қўллаш, тинчлантириш қўйлагини кийдириш, жазони ижро этиш муассасаларида қайси ҳолатларда алоҳида ҳолатни жорий этиш, маҳкумларнинг учрашувларни, телефон орқали сўзлашувлари ва бошқа шу каби чора-тадбирларни ўтказиш тартиби белгилаб борилган.

Жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (**режими**) маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаси сифатида Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг 7- моддаси 2-қисмида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг **62-моддаси**да кўрсатилишича, жазони ижро этувчи муассасаларида режим жазодан кузлаган мақсадга эришиш учун белгиланган ва қуйидагиларни таъминлайди:

- маҳкумларни батамом ажратиб қўйиш, уларни қўриқлаш ва назорат қилиб туриш;
- маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини руёбга чиқариш, шунингдек уларнинг ўз мажбуриятларини адо этишни;
- муайян тоифадаги маҳкумларни алоҳида-алоҳида сақлашни;
- муассаса турига қараб маҳкумларни ҳар-ҳил шароитда сақлашни;
- маҳкумларнинг ва муассаса ходимларининг хавфсизлигини таъминлаш.

Режим талаблари жазони ўташ жойларидаги барча маҳкумлар тоифаси учун бир хилда бўлсада, бироқ қонунчиликда баъзи ҳолатларда шахсни соғлиғи, ёши, жинси ёки жазони ўтамаганлигини ҳамда ижобий ҳулқ-атворини эътиборга олган ҳолда маҳкумларга энгилликлар берилиши мумкин. Масалан, маҳкумни жазони маълум бир муддатини ўтагандан кейин уни энгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилиши ёки айрим тоифадаги

махкумлар (махкума ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тулмаган боласи бор аёллар) учун қўшимча ҳуқуқлар (ЖИКнинг 130-133 моддаларида) бериши шулар жумласидандир.

Жазони ижро этиш муассаларида маҳкумлар муассаса ходимлари ва бошқа шахслар хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек маҳкумлар томонидан мазкур муассасага етиб келгунга қадар содир этган, лекин жавобгарликка тортилмай қолган жиноятларни аниқлаш ва фош этиш; белгиланган сақлаш режимини бузиш ҳолларини аниқлаш ва уларнинг олдини-олиш, жазони ижро этиш муассасаларида содир этилган жиноятларни фош этиш, озодликдан маҳрум этиш жойларидан қочган маҳкумларни қидириб топиш ва бошқа жиноятчиларни фош этиш мақсадида тезкор қидирув фаолияти муассаса тезкор хизмати ходимлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади (ЖИКнинг 68-моддаси).



Табиий офат рўй берганда, жазони ижро этиш муассасаси жойлашган ерда авқулудда ёки ҳарбий ҳолат жорий этилган тақдирда, уруш даври мобайнида, маҳкумлар томонидан гуруҳ бўлиб бўйсунмаслик содир этилганда ЖИКнинг 74-моддасига асосан муассасаларда алоҳида ҳолат жорий этилади.

Алоҳида ҳолат Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда 30 суткагача бўлган муддатга жорий этилади. Айрим вазиятларда алоҳида ҳолатнинг амал қилиш вақти қўшимча равишда 30 суткагача узайтирилиши мумкин. Ушбу муддат давомида муассасаларда кўриқлаш ва назоратнинг кучайтирилган тури объектларга киришнинг алоҳида тартиби жорий этилади ҳамда кун тартиби узайтирилиши, айрим хизматларни фаолияти, шунингдек маҳкумларнинг айрим ҳуқуқларини чекланишга йўл қўйилади.

Жазони ижро этиш муассасаларида ички тартиб қоидаларининг ўзига хос хусусиятлари.

Жазони ижро этиш муассасасида ички тартиб қоидаларнинг ўзига хос хусусиятлари деганда биз асосан, жазо самарадорлигини ошириш ва ижросини таъминлаш мақсадида, жазони ижро этувчи органлар ёки муассасаларнинг вазиятлари ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда жазони ижро этиш муассасаларнинг ички тартиб қоидалари белгиланишини тушунамиз. Ички тартиб қоидаларда хусусан жазони ижро этиш билан боғлиқ бўлган ташкилий-техник муаммолари белгиланган бўлиб, ушбу нормалар Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг норматив ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**МБТНЁ нинг маҳкумлар қочганлиги тўғрисида хабар олгандаги дастлабки харакати.**

❖ Маҳкум қочганда зудлик билан муассаса бошлиғига хабар беради ва

шахсий таркибни «ТОНГ» ташвишгоҳи бўйича йиғиш чорасини кўради;

❖ навбатчи наряди ва кучайтирилган гуруҳ ёрдамида жиноят изи ва уша ерни кўриқлайди, қочган маҳкумнинг шахсини аниқлаш учун улар орасида текширув ўтказиб шахсий буюмлар ва қочоқ ҳақидаги маълумот олинади;

❖ воқеа содир этилган жойни текшириб чиқади;

❖ жиноят изини ва у ерни кўриқлашни таъминлаш, жабр кўрганларга тиббий ёрдам кўрсатиш исбот қилувчи далиларни сақлаш, муассасада тезкор вазиятни оғирлашиб кетмаслиги учун маҳкумларнинг ҳатти-ҳаракатини текширишни кучайтиради;

❖ содир этилган воқеа ҳақида ЖИЭББ навбатчиси, вилоят ИИБ, ҳарбий бўлинма навбатчиси, махсус прокуратурага ахборат бериб, колонияга тиббий, тезкор, тартибот ва махсус бўлимнинг бошлиқларини етиб келишини ташкиллаштиради.

❖ навбатчи наряди ва кучайтирилган гуруҳ ёрдамида жиноят изи ва ўша ерни кўриқлайди, қочган маҳкумнинг шахсини аниқлаш учун улар орасида текширув ўтказиб шахсий буюмлар ва қочган маҳкум ва маҳкумлар ҳақидаги маълумот олинади;

❖ ҳарбий қисм ходимлари билан биргаликда қочоқни «изи йўқолмасдан» қидиришни ташкиллаштиради.

#### **4- савол. Умумий тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ва шартлари.**

##### **Умумий тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби.**

##### **Умумий тартибли колонияларда жазони:**

❖ мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган маҳкумлар;

❖ ушбу Кодекснинг 129-моддасида назарда тутилган ҳолларда тарбия колонияларидан ўтказилган маҳкумлар;

❖ суд томонидан манзил-колониялардан интизомий жазо тарзида ўтказилган маҳкумлар;

❖ қасддан оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириш тартибида суднинг ажрими асосида юборилган маҳкумлар;

❖ рағбатлантириш тарзида ёки суд томонидан тайинланган турмага камаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш муддатини ўтаганидан кейин турмалардан ўтказилган маҳкумлар ўтайди.

Ижобий тавсифга эга маҳкумлар ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган тартибда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилади.

Умумий тартибли бир колониядан иккинчисига ўтказилган маҳкумлар жазони бу ерга ўтказилгунга қадар белгиланган сақлаш шароитида ўтайдилар.

Тарбия колониясидан ўтказилган маҳкумлар жазони енгиллаштирилган сақлаш шароитида ўтайдилар.



### **Умумий тартибли колонияларда жазони ўташ шартлари.**

Умумий тартибли колонияларда маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар.

Маҳкумлар белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 70,3 фоизигача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин.

### **Маҳкумлар йил мобайнида:**

- ✚ олти марта қисқа муддатли ва олти марта узоқ муддатли учрашув;
- ✚ ўн икки марта телефон орқали сўзлашув;
- ✚ ўн иккита посылка ёки йўқлов;
- ✚ ўн иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Манзил-колониялар ва умумий тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ҳамда шартлари мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Манзил колонияларнинг таркибий тузилиши ва ҳуқуқий ҳолати.
2. Манзил колонияларининг давлат буюртмасига асосан фаолият юритиши.
3. Манзил колонияларда режимнинг талаблари.
4. Умумий тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби.
5. Умумий тартибли колонияларда жазони ўташ шартлари.

**18-мавзу: Манзил-колониялар ва умумий тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ҳамда шартлари.**

Семинар машғулот (2 соат).

### **Семинар машғулот.**

Ушбу ўқув машғулотини **“Ақлий ҳужум”** методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Мавзу юзасидан тингловчиларга савол ташланади. “Ақлий ҳужум” методи орқали уларнинг мавзу бўйича билимлари аниқланади.

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат: ходимларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади; ходимларлар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади; ходимларнинг фикр-ғоялари (диктофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади; фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади; юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

### **Ўқув машғулотнинг саволлари:**

- 1-савол. Манзил колонияларнинг таркибий тузилиши ва ҳуқуқий ҳолати.
- 2-савол. Манзил колонияларининг давлат буюртмасига асосан фаолият юритиши.
- 3-савол. Манзил колонияларда режимнинг талаблари.
- 4-савол. Умумий тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби.
- 5-савол. Умумий тартибли колонияларда жазони ўташ шартлари.

### **19-мавзу: Қаттиқ ва махсус тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ҳамда шартлари.**

Маъруза машғулот (2 соат).

#### **Режа:**

- 1-савол. Қаттиқ тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ва шартлари.
- 2-савол. Махсус тартибли колонияларда жазони ўташ

#### **1-савол. Қаттиқ тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ва шартлари.**

Қаттиқ тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби

##### **Қаттиқ тартибли колонияларда жазони:**

- мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган маҳкумлар;
- турмалар ва махсус тартибли колониялардан рағбатлантириш тарзида ўтказилган маҳкумлар;
- суд томонидан тайинланган турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш муддатини ўтаганидан сўнг турмалардан ўтказилган маҳкумлар;
- суд томонидан манзил-колониялардан интизомий жазо тарзида қайтарилган маҳкумлар;
- қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони илгари ўтаган ва қасддан жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога қайта ҳукм қилиниб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириш тартибида суднинг ажрими асосида юборилган маҳкумлар ўтайди.

Ижобий тавсифга эга маҳкумлар ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган тартибда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилади.

Қаттиқ тартибли бир колониядан иккинчисига ўтказилган маҳкумлар жазони бу ерга ўтказилгунга қадар белгиланган сақлаш шароитида ўтайдилар.

Қаттиқ тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ўз ифодасини топган бўлиб, ушбу колонияда суд ҳукмига биноан юборилган маҳкумлар, турма ва махсус тартибли колониялардан рағбатлантириш тариқасида ўтказилган маҳкумлар, суд тайинлаган турма қамоғи муддатини ўташдан сўнг ўтказилган маҳкумлар, суд томонидан интизомий жазо тарзида қайтарилган маҳкумлар сақланади.

Жиноят кодексининг 50-моддасида ҳам қаттиқ тартибли колонияларда ўта оғир жинояти учун биринчи маротаба озодликдан маҳрум қилинган ва хавфли рецидивист деб топилган аёллар ҳам сақланадилар. Қаттиқ тартибли колонияларда ҳам умумий енгиллаштирилган оғир шароит қоидалари жорий этилади, лекин қаттиқ тартибли колониялардаги шароитлар ҳам умумий режим колонияларнинг шароитларидан қаттиқлаштирилганлиги билан фарқланади.

Маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва ҳалол меҳнатга ўргатиш учун уни енгил шароитга ўтказиш ва муассасада ўрнатилган тартиб-қоидаларни бузувчи ашадий тартибсиз деб топилганида эса, оғирлаштирилган шароитга ўтказиш масаласи кўриб чиқилади ва шу қоидага риоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 109-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, қаттиқ тартибли колониянинг карцерларига олти ойгача, аёллар сақланадиган колонияларда эса уч ойгача бўлган муддатга ўтказиб қўйилади.

Одатда, колонияларга келиб тушган маҳкум ЖИҚнинг 104-моддасининг 1-қисмида белгиланган муддат ўтгунга қадар шароитини ўзгартириш қоидаси татбиқ этилмайди. Бу муддат ўтганидан сўнг енгиллаштирилган шароитга ўтказиш масаласи кўриб чиқиши мумкин. Маҳкум енгиллаштирилган шароитга ўтказилганда, ўтказиш муддати белгиланмайди. Фақат маҳкумнинг хулқи ёмонлиги ва тартиббузарлиги натижасида уни оддий шароитга ёки оғирлаштирилган шароитга ўтказиш муддати белгиланади ва маҳкум кўпи билан олти ойга оғирлаштирилган шароитга ўтказилиши мумкин. Енгиллаштирилган ёки ҳуқуқлари чекланган шароитларда ҳам махсус ички тартиб қоидалар маҳкумни мажбурий меҳнатга жалб қилиш тартиби, уларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш қоидалари жорий этилади. Шунингдек, колонияларнинг ҳибсхонасида ва турмаларининг карцерида жазони ўташ тартибини бузувчи шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига назарда тутилган барча жазо чоралари, шу жумладан, ҳибсхона ёки карцерга такроран киритиб қўйиш чораси қўлланилади. Бундай ҳолларда жазо муддатининг яни ҳисоби аввалги қарор бўйича белгиланган жазо муддати тугаган заҳотиёқ бошланади.

### **Қаттиқ тартибли колонияларда жазони ўташ шартлари.**

Қаттиқ тартибли колонияларда маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар.

Маҳкумлар белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 52,7 фоизигача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин.

## Маҳкумлар йил мобайнида:

- беш марта қисқа муддатли ва беш марта узоқ муддатли учрашув;
- саккиз марта телефон орқали сўзлашув;
- саккизта посылка ёки йўқлов;
- саккизта бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Бу ҳол унга берилган барча имтиёзларнинг бекор булиши билан намоён бўлади ва Жиноят-ижроия кодексининг 109-моддасининг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида белгиланган ҳуқуқий чеклаш турлари ва қўшимча ҳуқуқлардан фойдаланишга рухсат этилади.

Қаттиқ тартибли колониядаги интизомий бўлимларида қарцерларда жазони ўтаётган маҳкумлар эса чекиш, столда ўйналадиган ўйинлардан, китоб, газета-журнал ва бошқа адабиётлардан, ўринкўрпа буюмлардан, телефон орқали сўзлашув ва учрашувлардан фойдаланиш, озиқ-овқат маҳсулоти ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш, йўқлов, посылка ҳамда бандеролларни олиш ва жўнатиш, хат ва бошқа жўнатмаларни юбориш ман этилади. Уларга ўзлари билан бирга озиқ-овқат ва шахсий буюмларни олиб кириш тақиқланади, ювиниш пайтида фойдаланиш учун бериладиган нарсалар бундан мустасно.

Маҳкумларни муассасаларга қабул қилиш муассаса бошлиғи раҳбарлигидаги комиссия томонидан амалга оширилади. Комиссия таркибига муассаса бошлиғининг ўринбосарлари, махсус, тезкор, тартибот, интендантлик ва хўжалик хизматларининг, тиббиёт бўлими ходимлари, Қоровул қўшинларининг ҳарбий бўлинмаси вакиллари киради. Манзил-колонияга келган ҳамда хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун тергов ҳибсхоналари ва турмаларда қолдирилган шахслардан ташқари муассасага етиб келган барча маҳкумлар уларнинг шахсини ўрганиш ва шароитга мослашиб олишлари учун ўн беш суткагача муддатга, одатда, қабул бўлимига жойлаштирилади ва маҳкумларга жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида керакли ахборот берилади, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади (ЖИК 56-м.). Маҳкумларни жазони ижро этиш колониясига қабул қилиш пайтида тўлиқ тинтув қилинади ва уларга тегишли буюмлар кўздан кечирилади. Маҳкумлар сақлаши ман этилган нарса ва буюмлар муассаса бошлиғининг қарорига асосан олиб қўйилади ҳамда маҳкум озод бўлгунга қадар сақлаш учун омборга топширилади ёки йўқ қилинади ёхуд давлат фойдасига ўтказилади ва бу ҳақда тегишли ҳужжат (далолатнома, квитанция, қарор) тайёрланади.

Муассаса омборига сақлаш учун топширилган буюмларга квитанция тўлдирилиб, бир нусхаси маҳкумнинг қўлига берилади, иккинчиси эса маҳкум озод бўлгунга қадар ёки бошқа муассасага ўтказилгунча муассаса омборида сақланади.

Маҳкумлар сақлаши ман этилган нарса ва буюмларни давлат фойдасига ўтказиш муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори асосида амалга оширилади.

Жазони ижро этиш колониясига қабул қилинган ҳар бир маҳкум

тўғрисидаги маълумотлар маҳкумларнинг ҳаракати ҳисобини юритиш ва маҳкумларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини қайд этиш дафтарига киритиб борилади. Муассасага келган ҳар бир маҳкумга арматура карточкалари билан шахсий ҳисобварақалар очилади, уларга белгиланган нормалар бўйича ва мавсумга қараб зарур буюмлар, кўрпа-тўшак ва чойшаб берилади.

ЖИЭЖдаги махсус бўлим судларнинг ҳукм(ажрим)ларига биноан моддий зарарни қоплаш ва алимент тўлаши лозим бўлган маҳкумлар рўйхатини тузиб бухгалтерияга, алкоголизм ва гиёҳвандликдан мажбурий даволаниши лозим бўлган шахсларнинг рўйхатини эса тиббиёт бўлимига топширади. Маҳкумлар қабул бўлинмасида сақланган вақт мобайнида тиббий кўрикдан ўтказилади ҳамда уларнинг шахсиятини ўрганиш мақсадида тезкор-тартибот, тарбиявий ва ишлаб чиқариш хизматлари ходимларининг суҳбатидан ўтади ва шундан кейингина комиссия томонидан туркумларга тақсимланиб, ишчи бригадаларга киритилади.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг принциплари орасида (ЖИК 6-м.) жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш принципи муҳим ўрин тутди. Бу принципга асосан озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг ахлоқан тузалишини тўғри белгилаш ва жазо самарадорлигини ошириш учун маҳкумларни тўғри таснифлаш зарурати келиб чиқади.

## **2-савол. Махсус тартибли колонияларда жазони ўташ.**

Махсус тартибли колониялар озодликдан маҳрум қилиниб, ўта хавфли рецидивист деб топилган эркакларни, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган.

Махсус тартибли колонияларда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган эркаклар ҳам сақланади.

### **Махсус тартибли колонияларда жазони:**

- ➔ мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган маҳкумлар;
- ➔ умрбод озодликдан маҳрум қилинганлар, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар;
- ➔ суд томонидан қаттиқ тартибли колониялардан интизомий жазо тарзида қайтарилган маҳкумлар ўтайдилар.

Ижобий тавсифга эга маҳкумлар ЖИКнинг 104-моддасида назарда тутилган тартибда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилади.

Махсус тартибли бир колониядан иккинчисига ўтказилган маҳкумлар жазони бу ерга ўтказилгунга қадар белгиланган сақлаш шароитида ўтайдилар.

Махсус тартибли колонияларда маҳкумлар камераларда ёки умумий яшаш биноларида яшайдилар.

Маҳкумлар белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори суммасигача ҳар ойда

озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин.

#### **Маҳкумлар йил мобайнида:**

- тўрт марта қисқа муддатли ва тўрт марта узоқ муддатли учрашув;
- олти марта телефон орқали сўзлашув;
- олтига посылка ёки йўқлов;
- олтига бандерол олиш ҳуқуқига эга;

Камераларда сақланадиган маҳкумларнинг кинофильмлар ва телекўрсатувлар кўриши тақиқланади.

Маҳкумларни кўчириш тартиби Жиноят-ижроия кодексининг 60-моддасида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва тергов қилинаётган шахслардан, ҳомиласи йигирма тўрт ҳафталикдан ошган ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар (ҳомиладор аёл ва бошқа бемор маҳкумлар зарурат бўлганда тиббий ходимлар кузатувида) бошқа маҳкумлардан алоҳида кўчирилади.

Кўчириш чоғида маҳкумлар зарур моддий-маиший ва санитария-гигиена шароитлари билан таъминланади, уларга мавсумий кийим ва пойабзал, белгиланган норма бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари берилади ҳамда кўчириш давлат ҳисобидан амалга оширилади (ЖИК 60-м.).

#### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Қаттиқ ва махсус тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ҳамда шартлари мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

#### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тушунчаси.
2. Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия тизимида озодликдан маҳрум қилиш жазоси ижросини ташкил этиш.

## 19-Мавзу: Қаттиқ ва махсус тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ҳамда шартлари.


Амалий машғулот (2 соат).

### Амалий машғулот.

Ушбу амалий машғулоти «Блиц-сўров» интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Блиц-сўров» (инглизча «блиц» – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинисига кўра белгиланади.

Машғулотларда ушбу методни қўллаш қуйидагича кечади:



### Ўқув машғулотнинг саволлари:

- 1-савол. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тушунчаси.
- 2-савол. Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия тизимида озодликдан маҳрум қилиш жазоси ижросини ташкил этиш.
- 3-савол. Қаттиқ тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби.
- 4-савол. Махсус тартибли колонияларда жазони ўташ шартлари

## 20-Мавзу: Турмада жазони ўташ тартиби ва тергов хибсхоналарининг вазифалари.

Маъруза машғулоти (2 соат).

### Режа:

- 1-савол. Турмада жазони ўташ тартиби ва шартлари.
- 2-савол. Тергов хибсхонаси ва унинг вазифалари.
- 3-савол. Тергов хибсхонаси ёки турмада маҳкумларни хўжалик ишларини бажариш учун қолдириш тартиби ва шартлари.
- 4-савол. Турмаларда маҳкумларни меҳнатга жалб этиш.

### 1- савол. Турмада жазони ўташ тартиби ва шартлари.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия-кодексининг 45-моддасига асосан озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро этувчи муассасалардан бири турмалар ҳисобланади.



Турмалар озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони ижро этувчи муассасалар орасидаги энг кам сонлиси ва қадимийси бўлиб ҳисобланади. Дастлабки турмалар 18-асрнинг 2-ярми ва 19-асрнинг бошларида Америка Қўшма Штатларининг Пенсильвания штатидаги Филадельфия шаҳрида вужудга келди<sup>1</sup>. Кейинчалик Филадельфия тизими деб ном олган турмаларга асос солинди.

Ўша даврдаги турма тизими учун характерли бўлган хусусиятлардан бири шунда эдики, маҳкумлар қандай жиноят қилишларидан ва жамият учун хавфлилик даражаси қандай бўлишларидан қатъи назар камераларда якка сақланар, ҳатто сайрга олиб чиқишда уларга маска (ниқоб) кийдирган ҳолда якка тартибда олиб борилган. Пировардида турмада сақланган маҳкумларнинг аксарият қисми руҳий касалликларга чалиниб, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказилган.

1853-1857 йилларда Англияда нисбатан прогрессив тизимни пайдо бўлиши натижасида маҳкумларни турмаларнинг умумий камераларида содир этган жиноятига қараб уч босқичда сақлаш тартиби ишлаб чиқилди.

Маҳкумни бир босқичдан бошқасига ўтказишда турма маъмурияти томонидан маҳкумнинг хулқ-атвори инобатга олинган ҳолда амалга оширилган.

Ҳар бир босқич ўз турига қараб номланган, яъни:

- 1-босқич - синов босқичи;
- 2-босқич - тузатиш босқичи;

<sup>1</sup> Қаранг: Леленталь С., Вежбенский П. Исполнение наказания виде лишения свободы. – М., 1978. – С. 44.



➤ 3-босқич - шартли озод қилиш босқичи деб аталган.

Мамлакатимиздаги турмаларнинг пайдо бўлиши чор Россиясининг турма тизими ва мамлакатимиз ҳудудида ўша даврда фаолият кўрсатган зиндонлар билан боғлиқдир. Россия турма қонунчилиги 19-асрда бирмунча ривожланган ҳамда турма тизими Адлия ва Ички ишлар вазирлиги бўйсунувида бўлиб, унга қалъа қамоқхоналари, гаупвахталар, қамоқ уйлари ва монастыр турмалари кирган.

Ҳозирги даврдаги замонавий турмалар маҳкумлар сақланадиган махсус корпуслар, ошхона, кир ювиш хонаси, ҳаммом, стацанор шароитда маҳкумларни даволаш имконияти бўлган тиббий бўлим, сайр қилиш майдончалари ва ишлаб чиқариш бинолари (камералари) билан жиҳозланган ҳолда қурилади. Турма ҳудуди баландлиги 4 ярим метрдан кам бўлмаган яхлит бетон девор билан ўралиб, унинг теварак-атрофи эса инженер-техник кўриқлаш воситалари билан таъминланади.

Турмада вояга етган катта ёшдаги эркак ва аёл маҳкумлар сақланади. Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг 122-моддасига асосан турмада суд залининг ўзида турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган ва умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колонияларда жазони ўташ тартиботини ашаддий бузганлиги учун ўтказилган маҳкумлар жазони ўтайдилар.

Турмада маҳкумларни енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказиш Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг 104-моддасига асосан, яъни:

❖ содир этилган оғир жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида чорак (тўртдан бир) қисмини ўтаганидан кейин;

❖ содир этилган ўта оғир жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаганидан кейин.

Маҳкумларни енгиллаштирилган сақлаш шароитига муддатидан олдин ўтказишга йўл қўйилмайди, маҳкумни соғлигига кўра тегишли тиббий хулоса асосида ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

Турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган маҳкум биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирони бўлса, шунингдек аёл маҳкумлар ҳомиладор ёки ёнида эмизикли болалари бўлса улар енгиллаштирилган сақлаш шароитида сақланадилар ва ушбу сақлаш шароитига ўтказилган маҳкумларга рағбатлантириш тарзида ҳар кунлик сайр муддатлари бир соатга узайтирилади.

Турмада барча маҳкумлар умумий камераларда сақланадилар. Алоҳида ҳолларда турма бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори асосида уни бир кишилик камерада сақлашга йўл қўйилади.

Турмада маҳкумлар белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг етмиш беш фоизгача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин. Маҳкумлар сотиб олиши ва ёнида сақлаши мумкин бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхати ИИВнинг 2012 йил 29 декабрдаги 174-сонли буйруғи билан тартибга солинади (17-илова):

1. Нон маҳсулотлари.

2. Тузланган ва дудланган балиқ.
3. Сариеғ, пишлоқ, чўчка ёғи ва жизза.
4. Қуруқ қандолат маҳсулотлари.
5. Қуруқ чой, қаҳва, какао ва улардан тайёрланган маҳсулотлар.
6. Сабзавот, мева ва мева қоқилари (туршак).
7. Консервалар (балиқ, гўшт, сабзавот ва мева консервалари).
8. Қуйилтирилган сут ва курт.
9. Маҳкумлар учун белгиланган намунадаги кийим, пойабзал, шунингдек кўрпа-тўшак — белгиланган нормаси асосида.
10. Ич кийим (иссиқ ва оддий), майка, пайпоқ ва қўлқоп — 2 жуфт.
11. Шарф, рўмолча, камар ва тикув иплари.
12. Хонада кийишга мўлжалланган шиппак — 1 жуфт.
13. Ойна ва электрли соқол олиш ускунаси.
14. Кружка, қошиқ, чойнак, пиёла ва полиэтилен идиш, шунингдек электр чойнак ва сув қайнатадиган асбоб, қўлда ясалгани бундан мустасно.
15. Ювиниш-тараниш ашёлари (атир совун, кир совун, тиш пастаси ёки порошоги, тиш чўткаси, тароқ, сочиқ, дезинфекция воситалари).
16. Тиббиёт ходими рухсати билан қўлтиқ таёқ ва ёғоч ҳасса, шунингдек кўзойнак учун пластмассали ғилоф.
17. Дарсликлар, газета ва журналлар, суднинг ҳукми, ажрими ва қарорининг нусхаси, ёзув ашёлари (ёзув қоғози, дафтар, оддий қора қалам, ручка, қора, кўк ва бинафшаранг стерженлар, конверт, откритка ва маркалар), бадий, техникага оид, публицистик ва диний адабиётлар ҳамда диний расм-русумларни адо этишга ҳамда ибодат учун керакли нарсалар.
18. Бир комплектдан шашка, шахмат, домино ва нарда.
19. Хатлар, фотоальбом ва фотосуратлар.
19. Кийим ва пойабзал чўткаси ва мойи.
20. Гугурт, тамаки маҳсулотлари (нос), чекиш ва ҳожатхона қоғози.

Изоҳ:

1. Маҳкума аёлларда булардан ташқари дурра (рўмол), белбоғ, дока, пахта, тўғноғич, вазелин, крем, шампун, лаб бўёғи ва упа бўлиши мумкин.
2. Спорт тадбирларини ўтказиш вақтида маҳкумларга спорт кийими ва пойабзалидан фойдаланишга рухсат этилади.
3. ЖИЭМларнинг интизомий бўлинмаларида сақланаётган маҳкумларга куруқ чойнинг барча турлари, шунингдек қаҳва, какао ва улардан тайёрланган маҳсулотларни истеъмол қилишга рухсат этилмайди.

Турмада маҳкумлар ҳар куни муддати бир соатлик сайр қилиш ва йил мобайнида:

- ❖ тўрт марта қисқа муддатли ва бир марта узок муддатли учрашув;
- ❖ тўрт марта телефон орқали сўзлашув;
- ❖ тўртта посылка ва йўқлов;
- ❖ тўртта бадерол олиш ҳуқуқига эга.

Жазони турмада ўтаётган маҳкумларни муассаса ҳудуди доирасидан

ташқаридаги ишларга олиб чиқиш тақиқланади. Маҳкумлар меҳнатидан уларни ишлаб чиқариш цехларига олиб чиққан ҳолда фойдаланишнинг иложи бўлмаса, улар санитария нормалари ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилган ҳолда ишчи камералардаги меҳнатга жалб этилиши мумкин. Цехлардан (ишчи камералардан) олиб чиқишда маҳкумлар тинтув қилинади, улар ишлаган жой эса кўздан кечирилади.

Турма маъмурияти зарурат бўлганда, турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилишни ўтаётган маҳкумларни муассаса ҳудудидаги таъмирлаш-қурилиш ишларига жалб этиши мумкин, бунда уларни хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун турмада қолдирилган маҳкумлардан батамом ажратиб қўйилишини таъминлаш керак. Турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган маҳкумларни режим корпусидаги ва турма ҳудудидаги хўжалик хизматига оид ишларнинг барча турларига жалб этиш тақиқланади. Турмалар ва тергов ҳибсхоналарида телевизорлар хўжалик хизматига оид ишларини бажаришга қолдирилган маҳкумлар учун ўрнатилади. Жазони камераларда ўтаётган ҳамда жазони ижро этиш муассасаларининг интизомий бўлинмаларида сақланаётган маҳкумларга кинофильмлар ва телевизорлар кўришга рухсат этилмайди.

## **2-савол. Тергов ҳибсхонаси ва унинг вазифалари.**

Амалдаги қонунчилик ташқи томондан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога ўхшайдиган, ажратиб қўйиш ва озодликдан чеклаш билан боғлиқ бир қатор чораларни белгилаб қўйган.



Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 237-моддасига мувофиқ, қамоққа олиш эҳтиёт чораси шундай чоралардан бири ҳисобланади. ЖПКнинг 242-моддасига кўра, қамоққа олиш эҳтиёт чораси Жиноят кодексида 5 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо бериш назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади.

Қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар тергов ҳибсхоналарида сақланадилар.

Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг 45-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрдаги “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги қонунининг 8-моддасига мувофиқ:

❖ ушлаб турилганлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати органларининг тергов ҳибсхоналарида, ушлаб турилган ҳарбий хизматчилар эса Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг гарнизон ҳамда қўшин гауптвахталарида сақланади;

❖ ушлаб турилганларни айрим жойларда истисно тарзида ушбу мақсадлар учун махсус мослаштирилган биноларда, денгиз ва дарё кемаларида эса махсус ажратилган каюталарда сақлашга йўл қўйилади;

❖ ушлаб турилганлар қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда жазони ижро этиш муассасаларида сақланиши мумкин;

❖ қамоққа олинганлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати органларининг тергов ҳибсхоналарида сақланади;

❖ қамоққа олинганлар қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида ҳамда жазони ижро этиш муассасаларида, қамоққа олинган ҳарбий хизматчилар эса гауптвахталарда сақланиши мумкин;

❖ ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларида вақтинча сақланиши мумкин<sup>6</sup>.

Қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш асослари ҳақида гапира туриб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасини эслаб ўтишимиз лозим, яъни: “Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас”.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2012 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 175-сонли буйруғининг умумий қоидаларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

❖ **ушлаб турилган** — жиноят содир этганликда гумон қилиниб, ЖПКнинг 221-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ушлаб турилган шахс;

❖ **қамоққа олинган** — ЖПКнинг нормаларига мувофиқ ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи;

❖ **ТХда сақланаётган шахслар** — қамоққа олинганлар, ушлаб турилганлар ёки вақтинча сақланаётган шахслар (транзит орқали ўтувчилар);

❖ **тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари** — мазкур Қоидаларнинг 1-иловасида белгиланган, шунингдек сақланиши, тарқатилиши, истеъмол қилиниши, фойдаланилиши тақиқланган пуллар, қимматли қоғозлар ҳамда бошқа қимматликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, нарсалар ва моддалар.

ТХда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини, ўз мажбуриятларини бажаришини, уларнинг ажратиб қўйилишини, алоҳида-алоҳида жойлаштирилишини, шунингдек ЖПК, ЖК, ва Қонунда назарда тутилган

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 410-модда.

бошқа вазифалар бажарилишини таъминлайдиган режим ўрнатилади.

ЖИКда белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда ТҲларда маҳкумлар ҳам сақланиши мумкин. Жазони ТҲда ўташ учун қолдирилган маҳкумлар жазони ЖИК талабларига мувофиқ ўтайди ҳамда ЖИКда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

ТҲда режимни таъминлаш ТҲ маъмурияти, шунингдек ходимлари зиммасига юклатилади, улар ўз хизмат вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ТҲларда ҳар беш йилда камида бир марта инспекторлик текшируви ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ва унинг ўринбосарлари, ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси (бундан буён матнда ЖИЭББ деб юритилади) бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг буйруғига мувофиқ бошқа шахслар инспекторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2012 йил 29 декабрдаги 175-сонли буйруғининг ТҲга олиб келинган шахсларни қабул қилиш ҳамда камераларга жойлаштириш деган бобида ТҲга олиб келинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун ЖПКнинг 225-моддасида назарда тутилган тартибда тузилган ушлаб туриш баённомаси ёки суднинг ЖПКда назарда тутилган тартибда чиқарган қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарори асос бўлади.

ТҲга олиб келинган ёнида икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар (бундан буён матнда болали аёллар деб юритилади) кўшимча равишда боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ёки боланинг айнан шу аёлга тегишлилигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, бундай ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, жиноят ишини юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг (бундан буён матнда жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки орган деб юритилади) боланинг айнан шу аёлга тегишлилиги тўғрисидаги маълумотномасига асосан қабул қилинади.

Мазкур ҳужжатлар тегишли мансабдор шахслар томонидан имзоланган ва гербли муҳр билан тасдиқланган бўлиши шарт.

ТҲга олиб келинган шахслар ТҲ бошлиғининг ёрдамчиси — тезкор навбатчи (бундан буён матнда ТҲБЁ-ТН деб юритилади) ёки унинг ёрдамчиси томонидан сутка давомида қабул қилинади.

ТҲда сақланаётган шахсларни камераларда алоҳида-алоҳида жойлаштириш уларнинг шахсини ва психологик жиҳатдан мослигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Чекувчилар имкони борича чекмайдиганлардан алоҳида жойлаштирилади.

ТҲда сақланаётган шахслар қуйидаги талабларга риоя этилган ҳолда бир-биридан алоҳида сақланади ва камераларга жойлаштирилади:

- эркаклар аёллардан алоҳида сақланади;
- вояга етмаганлар катта ёшлилардан алоҳида сақланади. Алоҳида ҳолларда прокурорнинг розилиги билан, вояга етмаганлар сақланаётган

камераларда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этганлик учун жинойий жавобгарликка биринчи марта тортилаётган, ижобий тавсифга эга катта ёшлиларни сақлашга йўл кўйилади;

■ жинойий жавобгарликка биринчи марта тортилаётган шахслар илгари озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланган шахслардан алоҳида сақланади.

Жиноят ишини юритаётган мансабдор шахснинг ёки органнинг ёзма кўрсатмаси бўлганда, битта жиноят иши бўйича ёхуд бир нечта ўзаро боғлиқ жиноят ишлари бўйича ТХда сақланаётган шахслар ҳам алоҳида-алоҳида сақланади.

Овқат ейишдан бош тортаётган ТХда сақланаётган шахс имкони борича ТХда сақланаётган бошқа шахслардан алоҳида сақланади ҳамда тиббий ходимнинг кузатуви остида бўлади.

Қуйидагилар ТХда сақланаётган бошқа шахслардан алоҳида сақланади:

- чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;
- судья, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими, адвокат бўлиб ишлаган ёки ишлаётган шахслар;
- ўта оғир жиноятларни содир этганликда гумон қилинаётганлар ёки айбланаётганлар;
- ўта хавфли рецидивистлар;
- маҳкумлар;
- ҳаёти ва соғлиғига ТХда сақланаётган бошқа шахслар томонидан хавф туғилган ТХда сақланаётган шахслар ТХ бошлиғининг ёки унинг ўринини босувчи шахснинг қарорига кўра ёхуд жиноят ишини юритаётган мансабдор шахснинг ёки органнинг ёзма кўрсатмасига кўра;
- юқумли касалликларга чалинган ёки алоҳида тиббий парвариш ва кузатувга мухтож бўлган беморлар.

Вояга етмаганлар ёши, жисмоний ривожланиши ва тарбия даражасига қараб, тартибот биноларининг алоҳида корпуслари ёки бўлимларининг кичик ҳажмли (4, 5 ва 6 ўринли) камераларига жойлаштирилади.



Ҳомиладор аёллар ва болали аёллар тартибот биносининг алоҳида корпусларига ёки бошқа шахслардан ажратилган бўлимлардаги махсус жиҳозланган камераларга жойлаштирилади.



Ўта хавфли, юқумли ёки паразитар касалликлар билан касалланган шахслар карантин учун ажратилган камераларга жойлаштирилади. Карантин муддати тиббий кўрсаткичларга мувофиқ белгиланади.

Руҳий бузилишлари мавжуд бўлган шахслар, жумладан ТХ ходимларига ва ТХда сақланаётган бошқа шахсларга тажовуз қилишга мойил бўлган шахслар камераларга психиатр ва психологнинг тавсиясига кўра

жойлаштирилади.

Қонунга мувофиқ, қамоққа олинганлар ЖК 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда айбланаётган бўлса, прокурорнинг қарорига ёки суднинг ажримига кўра ТҲнинг бир кишилик камерасида сақлаб турилиши мумкин. Бу чора вояга етмаганларга, олтмиш ёшдан ошган шахсларга, шифокорнинг ёзма хулосаси билан тасдиқланган оғир касалларга ва руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

#### Тергов ҳибсхоналарига қуйидаги асосий вазифалар юкланади:

- ❖ тергов ёки суддан қочишнинг олдини олиш мақсадида барча тоифадаги маҳкумларни тегишли қўриқлаш ва ажратиб қўйиш;
- ❖ қонуний кучга кирган суд ҳукмларини ижро этиш (хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилган маҳкумларга нисбатан);
- ❖ тегишли яшаш шароитларни яратиб бериш, белгиланган нормадаги моддий-маиший ва тиббий таъминотни амалга ошириш;
- ❖ дастлабки қамоққа олиш тўғрисидаги низом нормаларида, Ички ишлар вазирлиги норматив ҳужжатларида назарда тутилган кўрсатмаларнинг, шунингдек, тергов ва суд органлари топшириғини ўз вақтида ва аниқ бажарилишини таъминлаш.

Тергов ҳибсхоналари одатда шаҳар четида ёки ундан унча узоқ бўлмаган жойлардаги йўллар яқинида қурилиши керак. Улар маданий-маиший ва бошқа бинолардан, шунингдек, жарлар, ер ости коммуникацияларига эга бўлган идоралардан узоқда бўлиши лозим.

#### Тергов ҳибсхонаси ўз ичига қуйидаги биноларни ҳам олади:

- режим корпуслари;
- хўжалик бинолари;
- ишлаб чиқариш бинолари;
- қўриқлаш сигналига эга ўраб олиш иншоотлари.

Тергов ҳибсхоналарининг камералари курук, шамоллатиб туриладиган ва табиий ёруғликка эга қилиб қурилади, уларда ҳожатхоналар, санитария тармоқлари бўлади. Сайр қилиш ҳовлиси режим корпусидаги биноларда қурилади. Ўзбекистон Республикаси Жазони ижро этиш бош бошқармаси, вилоят ички ишлар бошқармалари ва бўлимларида барча йўналишлардаги тергов ҳибсхоналарини бошқариб турадиган, уларга ҳар томонлама ёрдам бериб турадиган бўлимлар бор.

#### Тергов ҳибсхоналарининг раҳбарияти таркибига қуйидагилар киради:

- тергов ҳибсхонасининг бошлиғи;
- унинг тартибот ва тарбиявий, оператив ва умумий ишлар бўйича ўринбосарлари.

## Тергов хибсхонаси қуйидаги қисм (бўлим)лар ва хизматларга эга:

- ❖ тарбиявий қисм;
- ❖ оператив қисм;
- ❖ - тартибот ва қўриқлаш хизмати;
- ❖ - молиявий қисм;
- ❖ - тиббий-санитария қисми;
- ❖ - хўжалик қисми;
- ❖ - кадрлар гуруҳи;
- ❖ - махсус қисм.

## Тергов хибсхоналаридаги режимнинг асосий талаблари қуйидагилардир:

- ❖ ажратиб қўйиш, қўриқлаш ва назорат қилиш;
- ❖ турли тоифадаги қамоққа олинган ва судланганларни дифференциация асосида камераларга жойлаштириш;
- ❖ қамоққа олинган ва судланганларнинг хатти-ҳаракатларини ва уларнинг ўз мажбуриятларига амал қилишини таъминлаш.

Дастлабки қамоққа олиш режимининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, қамоққа олинганлар умумий, бир томонидан қулфланадиган қулфли камераларда куну-тун қўриқланадиган ва назорат қилиб туриладиган ҳолда сақланадилар.

Алоҳида ҳолларда (тажовузкорлик қилганда, овқатланишдан бош тортганда ва ш.к.) қамоққа олинганлар (ёки иши юритувда бўлган шахслар) тергов хибсхонаси бошлиғининг асосланган, прокурор томонидан рухсат этилган қарорига кўра бир кишилик камераларда сақланиши мумкин. Тергов хибсхонасига киритиб қўйилган шахсларнинг (хўжалик ишларини бажариш учун қолдирилган шахслардан ташқари) эркин ҳаракат қилишига йўл қўйилмайди.

**3-савол. Тергов хибсхонаси ёки турмада маҳкумларни хўжалик ишларини бажариш учун қолдириш тартиби ва шартлари.**

Маҳкумларни тергов хибсхонасида ёки турмада қолдириш тартиби (ЖИК 53-моддаси).

Қасддан содир этилган оғир жинояти учун биринчи марта саккиз йилгача ва саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар алоҳида ҳолларда, маҳкумнинг ёзма розилиги бўлган тақдирда, муассаса бошлиғининг қарорига биноан хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун тергов хибсхонаси ёки турмада қолдирилиши мумкин. Хўжалик хизматига оид



ишларни бажариш учун тергов ҳибсхонасида ёки турмада қолдирилган маҳкумлар жазони қулфлаб қўйилмайдиган умумий камераларда, бошқа шахслардан батамом ажратилган ҳолда, ушбу Кодекснинг 18-бобида назарда тутилган шароитларда ўтайдилар. Маҳкумларга узоқ муддатли учрашувга рухсат бериш имконияти бўлмаса, уларга битта узоқ муддатли учрашув ўрнига иккита қисқа муддатли учрашувга рухсат берилади.

Тергов ҳибсхонасида ёки турмада қуйдаги маҳкумларни олиб қолиши тақиқланади:

- вояга етмаган шахслар;
- ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;
- судлар ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг собиқ ходимларига мансуб маҳкумлар хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилмайдилар.

Суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига кўра умумий қоида бўйича озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилган маҳкумлар жазони тегишли тартибдаги жазони ижро этиш муассасасида ўтайдилар. Шулар билан бир каторда маҳкумни суд ҳукми билан жазони ўташ колониясига юборишни белгилаган бўлишига қарамасдан тергов изоляторида ёки турмага қолдириш зарурати юзага келади. Шарҳланётган моддадага кўра маҳкумни хўжалик таъминоти ишларни бажариш учун тергов изоляторида ёки турмада қолдириш мумкин. Маҳкумни тергов изоляторида ёки турмада хўжалик таъминоти ишларни бажариш учун қолдириш шу билан боғлиқки, бу ишларни бажаришда ихтиёрий ёлланма ишчиларни топиш қийин бўлади (кам ҳақ тўланиши, обруйига тўғри келмагани учун). Тергов изоляторида ёки турмада қолдиришга кўпи билан саккиз йилгача ва саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этишга муддатга ҳукм қилинганларга йўл қўйилади. Шарҳланаётган модда маҳкумларни тергов изоляторларда ва турмага хўжалик ишларни бажариш учун қолдириш билан боғлиқ бўлган қоидаларни тартибга солади. Энг аввало бунинг учун маҳкумларнинг ёзма розилиги талаб қилинади. Бу ҳолат маҳкумни тергов изоляторида ёки турмага қолдириш учун нафакат расмий аҳамиятга эга, балки унинг ҳуқуқларга риоя қилишига кафолат бўлиб ҳам хизмат қилади. Масалан: агар, маҳкум яна жазони ижро этиш колониясига қайта ўтказиш тўғрисида ариза берса, тергов изолятори ёки турма маъмурияти унинг талабини қондирилади. Тергов изолятори ёки турманинг бошлиғини буйруғи маҳкумни хўжалик ишларни бажаришга қолдириш учун асосий юридик ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Бу ҳужжатнинг бир нусхаси маҳкумнинг шахсий деласига тикиб қўйилади.

Тергов изолятори ёки турмада қолдирилган шахсларни бошқалардан ажратилган ҳолда сақлаш лозим. Чунки тергов изоляторида одатда оғир ва ўта оғир жиноят содир этганликда айбланаётган шахслар сақланади.

Уларнинг бирга сақланиши маҳкумнинг хулқига салбий таъсир кўрсатса, иккинчидан, эса тергов жараёни боришига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Хўжалик таъминоти ишларни бажариш учун тергов изоляторида ёки қолдирилганлар шахслар қулфланмайдиган умумий камераларда сақланадилар, шунингдек, бу каби маҳкумлар жазони колонияларда ўтаётганлар фойдаланаётган барча ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Улар ўз қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашишлари мумкин. Уларга қисқа муддатли ёки узоқ муддатли учрашув ҳуқуқи берилади. Агар узоқ муддатли учрашувга рухсат бериш имкони бўлмаса, бир марталик узоқ муддатли учрашув ўрнига, икки марта қисқа муддатли учрашувга рухсат берилади. Қисқа муддатли учрашувлар муддати тўрт соатгача белгиланиши мумкин. Шунингдек, мазкур модданинг учинчи қисмида тергов ҳибсхонасида ёки турмада қолдирилиши мумкин бўлмаган шахслар тоифаси белгиланган. Вояга етмаган шахслар, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, судлар ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг собиқ ходимларига мансуб маҳкумлар шулар жумласига киради. Бундан мақсад уларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир.

Тергов ҳибсхоналари ва ЖИЭМ тиббий бўлимлари санитария қонунчилиги талабларини бажарилиши устидан қуйидаги санитария назоратини амалга оширадилар.

### **Худудни тозалаш устидан санитария-гигиена назорати.**

Муассасалар худудини тозалаш-бу чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, олиб кетиш ва зарарсизлантириш бўйича режали равишда ўтказиладиган санитария-техник ва хўжалик тадбирларидан иборатдир. Тозалашнинг икки асосий тизими мавжуд: олиб кетиш тизими-барча чиқиндилар уларни зарарсизлантириш ҳамда утилизация қилиш жойларига махсус транспорт билан олиб кетилади ва оқизиладиган ёки канализация тизими. Муассасалардаги канализация иншоотларини ҳисобга олиш, ўз вақтида таъмирлаш ва ундан фойдаланиш масъулияти интендантга хўжалик таъминоти бўлими (гуруҳи) бошлиғи зиммасига юкланади. Муассасалар объектлари ва худудини тозалаш ҳамда канализация тармоқлари тузилиши ва улардан фойдаланиш устидан санитария назорати муассасанинг тиббий бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликларнинг меъёрий ҳужжатлари асосида огоҳлантириш ҳамда жорий санитария назорати шаклида амалга оширилади. Огоҳлантирувчи санитария назорати масалаларини ҳал қилишда муассаса тиббий бўлими ИИВ, Ички ишлар Бош бошқармаси Ички ишлар бошқармасининг санитария-эпидемиология хизматининг методик кўрсатмаларига амал қилади, улардан ва жойлардаги соғлиқни сақлаш идоралари санитария-эпидемиология хизматларидан канализация тармоқлари ва иншоотлари қуриладиган, чиқиндиларни зарарсизлантирадиган ва улардан қайта фойдаланиладиган ерларни танлашда; шунингдек уларни фойдаланиш учун қабул қилиб

олишда, ер ости ва ер устки сувлари ва тупроқларининг зарарли саноат чиқиндилари ва бошқа оқавалар, хўжалик-маиший чиқиндилар билан ифлосланишини олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларини ўтказиш масалаларида маслаҳат ва амалий ёрдам оладилар.

**Муассаса худуди тозалиги устидан жорий санитария назоратини ўрнатиш қуйидагиларни ўз ичига олади:**

■ чиқиндиларни мунтазам равишда четга олиб чиқиб кетиш, худуднинг санитария ҳолати, канализация тармоқлари ва иншоотларидан фойдаланишда, қаттиқ чиқиндиларни зарарсизлантиришда санитария меъёрлари ва қоидаларига риоя этилиши устидан доимий кузатув ишларини олиб бориш.-муассаса бошқа вазирлик ва идоралар, корхона ва ташкилотларга тааллуқли бўлган канализация тизими ва қаттиқ чиқиндиларни зарарсизлантириш бўйича қурилмалар билан таъминланганда, тиббий бўлим фақат муассаса худудида жойлашган канализация тармоқлари ва иншоотларидан фойдаланиш устидан жорий санитария назоратини амалга оширади.

Агар канализация тармоқларга хизмат кўрсатиш ва ундан фойдаланиш муассасанинг ўз кучи ва маблағи билан амалга оширилаётган бўлса, тиббий бўлим канализациянинг барча тармоқлари ва иншоотлари устидан, шу жумладан оқава сувларни тозалаш бўйича иншоотлар устидан ҳам жорий санитария назоратини ташкил этади ва амалга оширади ҳамда муассасада санитария – эпидемиологик хизматлари тавсияларини бажарилишини назорат қилади.

Муассаса тиббий бўлим бошлиғи канализация тармоқлари ва иншоотларининг аҳволи, оқава сувларни тозалашнинг самараси, қаттиқ чиқиндиларни тўплаш, йўқотиш ва утилизация тизими тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши, камчиликларни аниқлаши ва масъул лавозимдаги шахслар билан биргаликда уларни бартараф этиш муддатларини белгилаши лозим. Муассаса тиббий бўлим бошлиғи мунтазам равишда муассаса бошлиғига худуднинг санитария ҳолати ва уни янада яхшилаш чоралари тўғрисида маълумот бериб туриши, сув таъминоти манбаининг ифлосланиши хавфи туғилганда ёки худудда санитария қоидалари бузилганда эса зудлик билан муассаса раҳбариятига ва ИИБ, ИИББ, ИИБ санитария – эпидемиологик хизматларига хабар қилиши лозим. Ётоқхоналар, ошхоналар ва бошқа жамоат бинолари жойлашган жойдан коммунал, санитария-техник ва бошқа объектларгача бўлган оралик жой санитария-ҳимоя минтақаси санитария қоидалари ва меъёрлари ҳужжатларида келтирилган ўлчовлардан биридир.

**4-савол. Турмаларда маҳкумларни меҳнатга жалб этиш.**

**Қамоққа олинганларни меҳнатга жалб этиш.**

Қамоққа олинганлар тегишли шароитлар мавжуд бўлганда ТХ худудида ўз хоҳишларига кўра ва жинойт ишини юритаётган мансабдор шахс ёки

органининг ёзма рухсати билан меҳнатга жалб этилиши мумкин. Қамоққа олинганларнинг меҳнат шароити қонун ҳужжатларида белгиланган хавфсизлик, санитария ва гигиена талабларига жавоб бериши керак. Қамоққа олинганлар ўз меҳнати учун тегишли ҳақ олишга ҳақлидир. ТҲда сақланаётган шахсларни барча турдаги хўжалик хизматида оид ишларга жалб этиш тақиқланади. ТҲда сақланаётган шахслар меҳнат жараёнида доимий назоратда бўладилар. Улар камерага қайтаётганда тинтувдан ўтказилади ва ишлаб чиқариш хоналари кўздан кечирилади. Қамоққа олинганларнинг иш ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган миқдордан кам бўлмаслиги лозим ва қонунда назарда тутилган чегирмалар қилинганидан кейин уларнинг шахсий ҳисобварақларига ўтказилади. Қамоққа олинганларни меҳнатга жалб этиш мақсадида ТҲлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириши мумкин. Қамоққа олинганларнинг ТҲлардаги ишлаб чиқариш фаолиятини олинган даромадлардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қамоққа олинганларни сақлаш шарт-шароитларини яхшилаш, шунингдек ТҲларнинг ижтимоий соҳасини ривожлантириш учун фойдаланилади. ЖИКнинг 53-моддасига мувофиқ, қасддан содир этилган оғир жинояти учун биринчи марта саккиз йилгача ва саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар алоҳида ҳолларда, маҳкумнинг ёзма розилиги бўлган тақдирда, муассаса бошлиғининг қарорига биноан хўжалик хизматида оид ишларни бажариш учун ТҲда қолдирилиши мумкин. Хўжалик хизматида оид ишларни бажариш учун ТҲда қолдирилган маҳкумлар жазони қулфлаб қўйилмайдиган умумий камераларда, бошқа шахслардан батамом ажратилган ҳолда, Вояга етмаган шахслар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек судлар ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг собиқ ходимларига мансуб маҳкумлар хўжалик хизматида оид ишларни бажариш учун қолдирилмайдилар. Хўжалик хизматида оид ишларни бажариш учун ТҲда қолиш истагини билдирган маҳкум ТҲ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилади. Унинг аризаси Аризаларни ҳисобга олиш дафтарида қайд этилади ва маҳкумнинг номзодини ўрганиш учун ТҲ бошлиғининг тартибот, қўриқлаш ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарига берилади. Хўжалик хизматида оид ишларни бажариш учун қолдирилган маҳкумлар рўйхати уларнинг қолдирилиши асослилигини назорат қилиш учун ҳар чорақда ЖИЭББга тақдим этилади.

Маҳкумни хўжалик хизматида оид ишларни бажариш учун қолдириш рад этилган тақдирда, унга рад этиш сабаблари тушунтирилади. Маҳкумнинг хўжалик хизматида оид ишларни бажаришга жалб этиш тўғрисидаги аризаси ва ТҲ бошлиғининг қароридан кўчирма унинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига қўшиб қўйилади. Ҳар бир ТҲда хўжалик хизматида оид ишларни бажариш учун қолдириладиган маҳкумлар сони ЖИЭББ томонидан ТҲни умумий тўлдириш лимитининг етти фоизидан ошмаган ҳолда белгиланади. Хўжалик хизматида оид ишларни бажариш учун қолдирилган маҳкумлар доимий назорат остида бўлади ва ТҲ ходимларининг кўрсатмаси бўйича ишлайди. Уларни ТҲ ҳудудидан

ташқаридаги ишларга, махсус бўлимлар, фотолабораториялар, нусха кўпайтириш техникалари ўрнатилган жойларда, барча турдаги транспорт воситалари ҳайдовчилигига, радиостанция, муҳандислик-техника ва алоқа воситалари, шунингдек хизмат итлари билан ишлашга жалб этиш тақиқланади. Зарур ҳолларда, кечиктириб бўлмайдиган авария, созлаш ва қайта тиклаш ишларини амалга ошириш мақсадида хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилган маҳкумлар ТХ бошлиғининг рухсати билан ТХнинг қўриқланадиган ҳудудидан ташқарига олиб чиқилиши мумкин. Бунда олиб чиқилиши мумкин деб ҳисобланган маҳкумларнинг рўйхати уларнинг фотосуратлари ва улар ҳақидаги зарур маълумотлар кўрсатилган ҳолда ТХ бошлиғи томонидан тасдиқланади. Ишлар амалга оширилаётган вақтда рўйхатнинг бир нусхаси ТХнинг назорат ўтказиш жойида сақланади.

### **Турмаларда маҳкумлар меҳнати.**

Маҳкумларга меҳнат қилиш учун турма ҳудудидан четга чиқиш ман этилади. Турмалардаги ишлаб чиқариш цехлари қўриқланадиган ҳудуда жойлаштирилади. Ўта хавфли рецидивислар ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси авф этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси авф этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган маҳкумлар ишга махсус жиҳозланган цехларга олиб борилади. Шу мақсадда қўриққш ва кузатишнинг қўшимча воситалари ўрнатилади. Бу кўрсатилган маҳкумлар бошқа тоифадаги маҳкумлар билан ақлоқага киришишининг олдини олиш мақсадида қилинади. Турмадаги маҳкумларнинг меҳнати хам ҳақ тўланади.

#### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Турмада жазони ўташ тартиби ва тергов ҳибсхоналарининг вазифалари мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

#### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Турмада жазони ўташ тартиби ва шартлари.
2. Тергов ҳибсхонаси ва унинг вазифалари.
3. Тергов ҳибсхонаси ёки турмада маҳкумларни хўжалик ишларини бажариш учун қолдириш тартиби ва шартлари.
4. Турмаларда маҳкумларни меҳнатга жалб этиш.
5. Тергов ҳибсхонасида ёки турмада қуйдаги маҳкумларни олиб қолиши тақиқланади.
6. Ҳудудни тозалаш устидан санитария-гигиена назорати.
7. Маҳкумлар меҳнати хам ҳақ тўлаш

## 20-мавзу: Турмада жазони ўташ тартиби ва тергов ҳибсхоналарининг вазифалари.


Семинар машғулоти (2 соат).

### Семинар машғулоти

Ушбу амалий машғулоти «**Блиц-сўров**» интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Блиц-сўров» (инглизча «блиц» – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулоти тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда ушбу методни қўллаш қуйидагича кечади:



### Ўқув машғулотнинг саволлари:

- 1-савол. Турмада жазони ўташ тартиби ва шартлари.
- 2-савол. Тергов ҳибсхонаси ва унинг вазифалари.
- 3-савол. Тергов ҳибсхонаси ёки турмада маҳкумларни хўжалик ишларини бажариш учун қолдириш тартиби ва шартлари.
- 4-савол. Турмаларда маҳкумларни меҳнатга жалб этиш.
- 5-савол. Тергов ҳибсхонасида ёки турмада қуйдаги маҳкумларни олиб қолиши тақиқланади.
- 6-савол. Худудни тозалаш устидан санитария-гигиена назорати.
- 7-савол. Маҳкумлар меҳнатига ҳақ тўлаш

## **21-Мавзу: Жазони ижро этиш тизимида тарбия колониялари фаолиятининг ўзига хослиги.**

Маъруза машғулот (2 соат).

### **Режа:**

1-савол. Жазони ижро этиш тизимида тарбия колонияларининг тўтган ўрни ва таркибий тузилиши.

2-савол. Тарбия колонияларида жазони ўташ тартиби ва шартлари.

3-савол. Тарбия колонияларида қўлланиладиган қўшимча рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари

4-савол. Маҳкумларни тарбия колонияларида қолдириш ва маҳкумларни тарбия колонияларидан жазони ижро этиш колонияларига ўтказиш.

### **1-савол. Жазони ижро этиш тизимида тарбия колонияларининг тўтган ўрни ва таркибий тузилиши.**

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаган маҳкумларни озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташлари учун қонунда тарбия колонияси назарда тутилган.

Қонунчилигимизда «тарбия» терминига урғу берилиши бежиз эмас, чунки тарбия колонияларида жазони ижро этиш колонияларига қараганда маҳкумларга психологик-педагогик ва тарбиявий таъсир кўрсатишнинг турли шакллари ва методлари кўпроқ ишлаб чиқилган ва ушбу методларни амалиётда кўпроқ қўллаш талаб этилади. Бунда маҳкумларни - ёши, индивидуал хусусиятлари, психологик ва жисмоний ривожланиш ҳолатлари албатта эътиборга олинади.

Жазони ижро этиш тизимида вояга етмаганларга нисбатан жазони уташ жойларини тарихи ҳақида тухталадиган бўлсак, ўтган асрнинг бошларигача бу масалага жиддий эътибор берилмаган.

Масалан:- 1909 йилгача Россия турма қонунчилигида 10 ёшдан 17 ёшгача бўлган вояга етмаганлар қатта ёшдагилар билан биргаликда сақланиб келган.

Туркистонда биринчи вояга етмаган маҳкумларни тарбиялаш учун мулжалланган тиббий таълимот муассасалари фақат 1921 йилга келиб Туркистон АССР Адлия халқ комиссарлиги томонидан 1921 йил 29-майда тасдиқланган «Вояга етмаган озодликдан маҳрум этилганлар учун мулжалланган Тошкент меҳнат уйи (Реформаториумлар) тўғрисида» ги Низом асосида ташкил этилади.

1955 йилда келиб Собиқ Иттифокда расман вояга етмаганлар учун тарбия меҳнат колониялари ташкил этилди ва уни икки тури бўлиб:- умумий ва кучайтирилган тартибли турларга жорий этилди.

2003 йил 12 декабрдаги Жиноят ижроия кодексининг 125-моддаси 3 ва 4 қисмларига ўзгартиришлар киритилиб «умумий ва кучайтирилган тартиботли» деган сўзлар чиқариб ташланди. 2004 йилга келиб

кучайтирилган тартибли тарбия колониялари тўғатилди ва Республика бўйича битта тарбия колонияси қолди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 17 моддаси 2 қисмига асосан жиноят содир этгунга қадар 13 ёшга тулган шахслар жавбгарликни оғирлаштирадиган ҳолатарда (қайси жиноятлар) қасддан одам ўлдирганликлари учунгина жабогарликка тортиладилар деб кўрсатилган. (Вояга етмаган озодликдан маҳрум қилинган 6 ойдан 10 йилгача ЖИК нинг 85 моддаси 1 қисми). Бир неча ҳукм юзасидан тайинланган жазо 15 йилдан ошмаслиги белгиланган. Демак ТК да 13 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар ва муассаса бошлиғининг, прокурор томонидан тасдиқланган қарорига асосан қолдирилган (ТК жазони ўташ даврида салбий тавсифга эга бўлмаган) 21 ёшгача бўлган вояга етган маҳкумлар жазо муддатини ўтайдилар.

Тарбия колонияларида биринчи ўринда маҳкумларнинг тарбияси ва таълими уларни ҳалол яшашга тайёрлаш масалаларини кўйилади. Вояга етмаганларга қарши кўрашишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки бунда ҳуқуқбузар шахснинг хусусиятлари ва психологик жисмоний ҳолати ҳисобга олинади. Психология фани шахс шаклланишининг икки босқичини ажратиб кўрсатади:

- ✚ Ўспиринлик яъни болаларнинг 11-12 ёшдан 15 ёшгача бўлган даври.

- ✚ Кичик ўрта ёш яъни 15-18 ёш.

- ✚ 14-17 ёшдаги вояга етмаган – бу одатда умумий ўрта таълим ёки касб ҳунари мактабининг лицей коллеж ўқувчиси баъзан эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш саноатининг фаол иштирокчиси ҳамдир. Бу ёшда одам ўзининг илк мустақил қадамларини кўя бошлади. Унинг табиати ҳали шаклланмаган бўлади. Психологик сифатлари ва хусусиятлари ҳали барқарор бўлмайди, қилмишлари ва хатти-ҳаракатлар шунчалик изчил эмаски, улардаги бирор истиқболли хулқ-атворни кузатиш баъзан жуда қийин бўлади. Бундан ташқари уларнинг хулқ- атвор ва унинг оқибатлари ҳақидаги тасаввурлари шунчаки юзаки бўладиги улар жавобгарлик ҳақида чуқур ўйлаб ўтирмайдилар айнан шу ёшдаги даврда улар катталарга ўхшашга ҳаракат қиладилар.

Кичик ўрта ёш маънавий ва жисмоний кўчнинг тез ривожланиб бориши билан тавсифланади. Бу одамни мустақил меҳнат ва ижтимоий ҳаётга лаёқатли қиладиган. Одамларга ва ўзига қизиқиш уйғотади. Низоилик ва ҳиссиётга берилувчанлик яққол намоён бўлади. Бу ёрқин изтироблар, ҳиссиётлар, ўртоқлик ва дўстлик ҳиссининг ривожланиш давридир.

Шундай қилиб вояга етмаган шахс ҳали етарлича шаклланмаган ва у ўлғаймаган кишидир. Тарбия колонияларида амалда оғир жиноят (ўғирлик, қасддан одам ўлдириш, баданга оғир шикаст етказиш, номусга тегиш ва х.к.) содир этган шахслар шунингдек, илгари жиноят содир этган ва ахлоқан тузалмаган шахслар сақланади. Таҳлил шуни кўрсатадиги вояга етмаган жиноятчиларнинг фақат 15-20% гина жиноят содир этиш пайтида ижобий ижтимоий педагогик тавсифга эга бўладилар ва жиноятни катталарнинг гиж-гижлаши ёки шуҳлик оқибатида содир этадилар. Агар содир этилган жиноятларнинг асосий турлари бўйича олиб қараладиган бўлса, вояга маҳкум



Ўғил болаларнинг 74% иқтисодиёт соҳасида жиноят этган маҳкумлардир, жумладан ўғирлик учун 62%, талончилик учун 8% ва босқинчилик 4% дан 14% ортиқ жиноятчиар инсоннинг ҳаёти соғлиги ва жинсий эркинликларига қарши оғир жиноятлар содир этган шахслардир. Жумладан 5% - одам ўлдириш учун, 3% - қасддан баданга шикаст етказганлик учун, 7% номусга текканлик учун судланган.

Вояга етмаган маҳкума қизлар орасида 62% дан ортиғи иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун судланган, жумладан ўғирлик учун 38%, товламачилик учун 24%, ҳаёт ва соғлиққа қарши жиноятлар учун 22% ҳукм қилинган. Вояга етмаган маҳкум ўғил болаларнинг 48%га 5 йилдан – 10 йилгача озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо белгиланади. 3-5 йилгача озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар 28%, 1-3 йилгача ҳукм қилинганлар 18%, 10 йилдан ортиқ муддатга ҳукм қилинганлар 7% ни ташкил этади. Тарбия колонияларида сақланаётган маҳкумларни тавсифлашда психологик педагогик хусусиятлар содир этган жиноятнинг хусусияти ва оғирлигини ҳисобга олган ҳолда 15-17 ёшли жиноятчиларни ажратиб кўрсатиш лозим (тарбия колонияларида улар ўғил болаларнинг 57%; қизларнинг 40% ни ташкил қилади).

Улар асосан ўзларининг ёшида англаб содир этилган жиноятлар учун жазоланганлар бу шахслар қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, номусга тегиш, талончилик, ўғирлик, ашадий безорилик ва хоказолар учун судланганлар. Бундан ташқари, ушбу успиринларга тарбиявий таъсир чоралари кўрсатилган лекин улар натижа бермаган.

Россия калонияларида 21 мингдан ошиқ ваёга етмаганлар сақланади шулардан 13000 таси қизлар улар 3та тарбия калонияларида сақланади.

Россия Федерациясида 23 та тарбия калониялар мавжуд Ўзбекистонда 1та тарбия калония бор у Тошкент вилояти Занги-ота туманида жойлашган.

Россия Федерациясида тарбия калониялар одатдаги, енгиллаштирилган, имтиёзли, қаттиқ тартибли режимларга бўлинади.

Хабар берилишича, ҳозирги кунда Тарбия колониясида республика бўйича жами 49 нафар вояга етмаган маҳкум тарбияланмоқда. Шундан энг кичиги 14 ёш ва энг катта тарбияланувчи 20 ёшда.

Қайд этилишича, Вазирлар Маҳкамасининг 318-сонли қарори билан 2019-2020 ўқув йили Тарбия колонияси қошида Зангиота тумани Халқ таълими бошқармасига қарашли 35-сон мактаб филиали очилиб, унда 14 нафар олий тоифали ўқитувчи ва педагоглар таълим бермоқда.

Тарбияланувчилар яшаш шароити, ётоқхонаси 2019 йил республикада ягона «кубрик» усулида таъмирланган.

«Тарбия колониясида амфитеатр барпо этилган, амфитеатр барпо этишдан мақсад, болаларда нутқ маданиятини ривожлантириш ва ўз фикрини мустақил равишда баён қилиши, бу ҳам бир тарбия усули ҳамда ижодий тадбирлар ўтказиш учун мулжалланган.

## 2-савол. Тарбия колонияларида жазони ўташ тартиби ва шартлари.

### Тарбия колонияларида жазони ўташ тартиби.

#### Тарбия колонияларида:

❖ ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган маҳкумлар каттароқ ёшдаги маҳкумлардан;

❖ биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар илгари озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаган маҳкумлардан алоҳида сақланадилар. Ижобий тавсифга эга маҳкумлар ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган тартибда енгиллаштирилган сақлашшароитига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларга бўлган эътиборан нафақат ижтимоий ёки сиёсий ҳолатларда ва ҳатто жиноят содир этиб айбли ҳисобланганларида ҳам алоҳида инсонпарварлик муносабатлари қонунлаштириб берилган. Жумладан, вояга етмаганлар жавобгарлиги, уларнинг ҳуқуқларининг алоҳида ҳимояланганлиги ва ҳатто жазоларни белгилаш ва ўташ жараёнидаги инсонпарварлик хусусиятлари қонунда алоҳида белгиланган.

Вояга етмаганлар жавобгарлиги ва улар учун жазо масалалари ҳам ЖК ва ЖИКларида алоҳида бобларда ажратиб берилган ва жиддий янгиликларни назарда тутди. Ўн саккиз ёшга етган маҳкумлар вояга етмаган маҳкумлардан ажратилган ҳолда сақланади. Вояга етмаганларга нисбатан алоҳида турдаги жазони ижро этиш колонияларининг ташкил этилиши уларга нисбатан тарбиявий чораларни алоҳида турларини жорий этиш имкониятларини яратади. ЖКнинг 85-моддаси ва ЖИКнинг 45-моддасига биноан вояга етмаган озодликдан маҳрум қилиш маҳкумлар тарбия колонияларида сақланадилар. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш жараёнида бу қоидага қатъий амал қилинади ва фақат суд ҳукмига қадар шахс тергов ҳибсхонасида сақланадиган ҳоллардагина бу қоидага риоя қилинмаслиги мумкин. Бу вақтда улар ҳали озодликдан маҳрум қилинган ҳисобланмайдилар.

Вояга етмаган маҳкумларда маҳкумларни таснифланиши уларнинг жинсига қараб ҳам фарқланади. Жумладан, илгари озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан маҳкумларнинг эркак жинсидагилар яна озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганларида кучайтирилган тарбия колонияларида сақлансалар, вояга етмаган қизларга эса бу қоида татбиқ этилмайди. Қизлар нечанчи марта озодликдан маҳрум қилинган бўлишларидан қатъи назар умумий тартибли колонияларга юбориладилар.

Вояга етмаганларнинг таснифланиши аксарият ҳолларда ёшига нисбатан татбиқ этилади. Жумладан, ўн олти ёшгача бўлганлар алоҳида ва ўн олти ёшдан ошганлар алоҳида ажратилади.

Вояга етмаганларга нисбатан ЖКга биноан озодликдан маҳрум қилишнинг муддати ҳар бир жиноят учун ўн беш йилгача, бир неча жиноятлар ёки бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинланганида ўн икки

йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин. Бундан ташқари вояга етмаганларнинг озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойлари ҳам алоҳида ташкил этилган улар бундай жазоларни тарбия колонияларида ўтайдилар. Вояга етмаганлар учун белгиланган тарбия колонияларидаги шароитлари ҳам енгиллаштирилганлиги билан ажралиб туради.

Қонунга биноан тарбия колонияларининг фақат умумий тартибли тури мавжуд. ЖИКнинг 22 бобида тарбия колонияларининг хусусиятлари алоҳида қонунлаштириб берилган. Умумий тартибли колонияларнинг ички хусусиятлари ҳам катталар учун белгиланган колониялардан енгиллаштирилганлиги билан фарқланади.

Тарбия колонияси ҳудуди баландлиги 3 (уч) метрдан кам бўлмаган девор билан ўралади, унинг ташқи периметри бўйлаб ниқобли девор ўрнатилади. Маҳкумлар учун мўлжалланган касб-ҳунар таълими ва касб тайёрганлиги синф ҳамда ёрдамчи техник хоналари бошқа бинолардан ишончли тарзда батамом ажратиб қўйилган бўлиши лозим. Турар жой зонаси ҳудудида спорт зали ёки бир вақтнинг ўзида барча маҳкумларни сафга тизиш учун майдон, стадион, зарур спорт инвентари комплекси мавжуд майдончалар жиҳозланади. Назорат-ўтказиш пункти мавжуд блокда курол-аслаҳани сақлаш ва бериш учун мўлжалланган хоналар жойлаштирилади. Тарбия колонияларнинг интизомий бўлинмасида карцерга мўлжалланган камералар жиҳозланмайди.

Вояга етмаган эркаклар озодликдан маҳрум қилишга биринчи марта ҳукм қилинганларида ва аёллар нечанчи марта озодликдан маҳрум қилишган бўлишига қарамай умумий тартибли тарбия колонияларида сақланадилар. Эркак жинсидаги маҳкумлар илгари озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан бўлсалар кучайтирилган тартибли колонияларида сақланадилар.

Тарбия колонияларида маҳкумлар вояга етгунга қадар сақланадилар. Вояга етганлигидан сўнг уларни жазони ўташ колонияларига ўтказадилар. Қонунга биноан маҳкумнинг содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилигига қараб жазони ижро этиш колониясининг тури белгиланади. Унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятини қасдан содир этганлар унча оғир бўлмаган жиноятни қасдан биринчи марта содир этилганлар умумий тартибли колонияга ўтказадилар. Ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар оғир жинояти учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар сақланадиган умумий тартибли колонияга ўтказдилар. Эҳтиётсизликдан жиноят содир этганлар ўн саккиз ёшга етганларидан сўнг манзил колонияларига ўтказиладилар.

### **Тарбия колонияларида жазони ўташ шартлари.**

Тарбия колонияларида маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар. Маҳкумлар белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки ярим бараваригача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин. (ЎЗР30.08.2003 й. 535-II-сон Қонуни таҳриридаги

қисм) Тарбия колонияларида маҳкумлар йил мобайнида:

- ❖ йигирма тўрт марта қисқа муддатли ва сақиз марта узоқ муддатли учрашув;

- ❖ йигирма тўрт марта телефон орқали сўзлашув;

- ❖ ўн иккита посылка ёки йўқлов;

- ❖ ўн иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Ўн сақиз ёшга тўлган ва тарбия колонияларида қолдирилган маҳкумларга вояга етмаган маҳкумлар учун белгиланган нормаларда овқат, уст-бош, моддий-маиший таъминот ва бошқа жазо ўташ шароитлари татбиқ этилади. Бу шахсларнинг меҳнат шароитлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Тарбия колонияларида ҳам маҳкумларни енгиллаштирилган имтиёзли ва оддий шароитлари мавжуд. Бундан ташқари маҳкумнинг интизомсизлиги, ички тартиб қоидаларини доимий бузувчиларига нисбатан қўлланиладиган ҳибсхоналар ҳам мавжуд ҳибсхоналарга киритиб қўйилган маҳкумларнинг шароити албатта оғирлаштирилади. Енгиллаштирилган шароитга ўтказиш маҳкумнинг ижобий ҳулки, меҳнатга ҳалол муносабати ҳамда интизомий жазо чорасининг бўлмаслиги ва биринчи марта озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўтаётган эркакга ёки аёлларга камида жазонинг уч ойини утаганидан сўнг, илгари озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан эркакларга эса камида олти ойини ўтаганидан сўнг қўлланилади.

Маҳкумни енгиллаштирилган шароитдан яна умумий шароитларга ҳам қайтарилиши мумкин. Маҳкумни ҳибсхонага киритиб қўйиш улар ёмон ҳулки, доимий интизомий жазоланганлиги сабаб бўлиши мумкин. Ҳисобхонага киритиб қўйиш ўн суткадан ошмаслиги лозим.

Тарбия колонияларида маҳкумларга тарбиячилар тайинланади. Тарбиячилар маҳкумларнинг кундалик фаолиятларини белгилаб беради, назорат қилади ва бошқаради. Тарбия колонияларида маҳкумни енгиллаштирилган шароитга ўтказиш ёки ҳисобхонага киритиб қўйишни тарбиячининг тавсиясига кўра колония бошлиғининг буйруғи билан ҳал қилинади.

Тарбия колонияларида маҳкумлар умумий ётоқхоналарда яшайдилар. Умумий тартибли тарбия колониясида сақланаётганлар бир йилда олти марта қисқа муддатли ва олти марта узоқ муддатли учрашув, ўн икки марта телефон орқали сўзлашув, олти посылка ёки йўқлов, олти бандерол олиш ҳуқуқига эга. Енгиллаштирилган шароитга ўтказилганларида қўшимча яна биттадан учрашув, телефон орқали сўзлашув, посылка ёки йўқлов олиш ҳуқуқи ҳам берилади.

Тарбия колонияларида рағбатлантириш чоралари жуда кенг қўлланилади. Вояга етмаганларнинг ахлоқан тузалишида ва уларни қайта тарбияланишларида рағбатлантириш чораларининг аҳамияти жуда сезилади. Рағбатлантириш чоралари маҳкумнинг ҳар бир ютуғи, ҳулкининг ижобийлиги ёки меҳнат нормаларининг бажарганлиги натижасида қўлланилади. ЖИҚнинг 102-моддасига биноан ташаккур эълон қилиш, илгариги интизомий жазони муддатни олдин бекор қилиш, мақтов ёрлиғи

бериш, қимматли совға билан тақдирлаш, пул муқофати бериш, қонунда белгиланган ҳолатлардан ташқари қўшимча посилка, йўқлов ёки бандерол олиш ҳуқуқи бериш, қўшимча учрашув ёки телефон орқали сўзлашувга рухсат бериш, озиқ-овқат ёки зарурий нарсалар сотиб олиш пул қийматини ошириш каби имтиёзлар берилади. Бундай имтиёзларни муддатлари чегараланмаган.

### **3-савол. Тарбия колонияларида қўлланиладиган қўшимча рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари.**

Тарбия колонияларида маҳкумлар ушбу Кодекснинг 102-моддасида назарда тутилган рағбатлантириш чораларидан ташқари:

■ муассаса ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган маданий-томоша ва спорт тадбирларини кўришга юбориш;

■ қисқа муддатли учрашув ўрнига ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки яқин қариндошлари кузатувида саккиз соатгача бўлган муддатга эркинликка чиқариш;

■ ҳибсхонада бўлиш муддатини қисқартириш ва ундан муддатидан илгари озод қилиш тариқасида рағбатлантирилишлари мумкин. Жазони ўташ тартибини бузганлиги учун тарбия колонияларида маҳкумларга ушбу ЖИКнинг 105-моддасида назарда тутилган интизомий жазо чораларидан ташқари томошага боришдан бир марта маҳрум этиш тариқасидаги жазо қўлланилиши мумкин.

Тарбия колонияларида маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш чоралари ҳам жуда кенг қўлланилади, бу вояга етмаганларнинг ахлоқан тузалишида ва уларни қайта тарбияланишида сезиларли аҳамиятга эга. Ўз ўрнида рағбатлантириш чоралари ҳам маҳкум хулқининг ижобийлиги ёки меҳнат нормаларини бажарганлигини инобатга орган ҳолда берилади. Умуман олганда, тарбия колониялардаги маҳкумларни қўшимча рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари ҳам Жиноят-ижроия кодексининг 126-моддасида ўз ифодасини топган.

Яхши хулқ-атвори, меҳнатга ва таълимга виждонан муносабати, тарбиявий тадбирларни ўтказишда фаол иштироки учун тарбия колонияларида озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумларга шарҳланаётган моддада Жиноят-ижроия кодексининг 102-моддасида назарда тутилган рағбатлантириш чораларидан ташқари ҳам рағбатлантириш чоралари қўлланилиши назарда тутилади.

Тарбия колониясида маҳкумнинг ҳар бир ютуғи, хулқининг ижобийлиги ёки меҳнат нормаларининг бажарганлиги дарҳол рағбатлантирилади. Муассаса ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган маданий-томоша ва спорт тадбирларини кўришга юбориш ана шундай қўшимча рағбатлантириш чораларидан ҳисобланади. Муассаса ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган маданий-томоша ва спорт тадбирларини кўришга юбориш, албатта, мазкур

муассаса ходимлари назоратида амалга оширилади.

Тарбия колониясида озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумга қўлланиладиган қўшимча рағбатлантирувчи чоралардан бири бўлиб, маҳкумнинг ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки яқин қариндошлари кузатувида саккиз соатгача бўлган муддатга эркинликка чиқариш ҳисобланади. Маҳкумнинг ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки яқин қариндошлари кузатувида саккиз соатгача бўлган муддатга эркинликка чиқариш қисқа муддатли учрашув ўрнига қўлланилади.

Тарбия колониясида ҳибсхонага киритиб қўйиш тариқасидаги интизомий жазо чораси муддатини қисқартириш ва ундан муддатидан илгари озод қилиш ҳам шарҳланаётган моддада қўшимча рағбатлантирувчи чора сифатида назарда тутилади.

Шунингдек, ушбу моддада юқорида кўрсатилган қўшимча рағбатлантириш чораларидан ташқари тарбия колонияларида жазони ўташ тартибини бузганлиги учун маҳкумларга қўшимча интизомий жазо чораси ҳам назарда тутилган. Маданий-томоша ва спорт тадбирларини кўришга юборишдан бир мартага маҳрум қилишдан иборат қўшимча интизомий жазо чораси Жиноят-ижроия кодексининг моддасидаги интизомий жазо чораларига кирмайди.

### **Ҳибсхонага киритиб қўйиш тариқасидаги интизомий жазо чорасини қўллаш хусусиятлари.**

Тарбия колониясида ҳибсхонага киритиб қўйиш тариқасидаги интизомий жазо ўн уч ёшдан ўн олтигача бўлган маҳкумларга етти суткагача, ўн олти ва ундан катта ёшдаги маҳкумларга эса ўн суткагача бўлган муддатга қўлланилади.

Тарбия колониясининг ҳибсхонасига киритиб қўйилган маҳкумларнинг сайр қилиш муддати суткасига икки соат қилиб белгиланади.

Тарбия колонияларида маҳкумларга нисбатан тарбиячилар тайинланиб, тарбиячилар маҳкумларнинг кундалик фаолиятларини белгилаб беради, назорат қилади ва бошқаради. Тарбия колонияларида маҳкумларни енгиллаштирилган шароитга ўтказиш ёки ҳибсхонага киритиб қўйиш тарбиячининг тавсиясига кўра, колония бошлиғининг буйруғи билан амалга оширилади.

Маҳкумнинг интизомсизлиги, ички тартиб-қоидаларни доимий бузувчиларга нисбатан қўлланиладиган ҳибсхоналар мавжуд бўлиб, ҳибсхоналарга қўйилган маҳкумларнинг шароити, албатта, оғирлаштирилади. Жиноят-ижроия кодексининг 127-моддасида тарбия колониясида ҳибсхонага киритиб қўйиш тариқасидаги интизомий жазо ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган маҳкумларга етти суткагача, ўн олти ва ундан катта ёшдаги маҳкумларга эса ўн суткагача бўлган муддатга қўлланилади. 2003 йил 30 августда Жиноят-ижроия кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар бу моддани ҳам четлаб ўтмади. Унда тарбия колониясининг ҳибсхонасига киритиб қўйилган маҳкумларнинг сайр қилиш муддати суткасига икки соат қилиб белгиланди. Енгиллаштирилган шароитга ўтказиш маҳкумнинг ижобий хулқи, меҳнатга ҳалол муносабати ҳамда интизомий жазо чорасининг бўлмаслиги ва жазонинг камида 1/4 қисмини ўтаганидан сўнг қўлланилади.

#### **4-савол. Маҳкумларни тарбия колонияларида қолдириш ва маҳкумларни тарбия колонияларидан жазони ижро этиш колонияларига ўтказиш.**

##### **Маҳкумларни тарбия колонияларида қолдириш.**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумлар, одатда, йигирма бир ёшга тўлгунга қадар, тарбия колонияларида қолдирилади.

Маҳкумларни тарбия колонияларида қолдириш муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия кодексига кўра, вояга етмасдан туриб, жиноят содир қилган шахслар тарбия колонияларида жазони ўтайдилар. Тарбия колонияларида маҳкумлар вояга етгунларига қадар сақланишлари мумкин. Вояга етганларидан сўнг, улар жазони ўташ колонияларига ўтказишлари мумкин. Масалан, Жиноят-ижроия кодексининг 129-моддасига асосан, маҳкумлар йигирма бир ёшга тўлганида, салбий тавсифга эга маҳкумлар эса ўн саккиз ёшга тўлганидан сўнг жазо ўташни даво этиришлик мақсадида тарбия колониясидан умумий тартибли колонияга ўтказилади.

Эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноят учун ҳукм қилинган маҳкумлар ўн саккиз ёшга тўлганидан кейин жазо ўташни давом этириш учун ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар сақланадиган манзил-колонияларга ўтказилади.

Вояга етмаган маҳкумнинг ижобий хулқи, меҳнатга бўлган ҳалол муносабати ва бошқаларга ўрناк бўла олишлиги ҳисобга олиниб, жазо ўташни давом этириш учун маҳкумларни жазони ижро этиш колониясига ўтказиш масалалари суд томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 537-моддасининг 4-бандида белгиланган тартибда амалга оширилади: «ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш масаласини ҳал этишда судья унинг тузалиш даражасини ҳисобга олиши лозим. Маҳкум тарбия колониясида жазони ўташ муддатини давом этириш учун узоғи билан 25 ёшга тўлгунга қадар қолдирилиши мумкин».

Шунингдек, маҳкумларни жазони ижро этиш колонияларига ўтказиш масаласи Жиноят-ижроия кодексининг 128-129-моддалари талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилиб, одатда, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар 18 ёшда бўлса, 21 ёшга ўлгунга қадар тарбия колонияларида қолдирилади, маҳкумларни тарбия колонияларида қолдириш муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори билан, жазони ўташни давом этириш учун жазони ижро этиш колонияларига ўтказиш масаласи агарда маҳкум ёки унинг адвокати тегишли илтимоснома билан судга бевосита мурожаат этмаган бўлса, суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 537-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

##### **Маҳкумларни тарбия колонияларидан жазони ижро этиш колонияларига ўтказиш.**

Маҳкумлар йигирма бир ёшга тўлганидан, салбий тавсифга эга

маҳкумлар эса ўн саккиз ёшга тўлганидан кейин жазо ўташни давом эттириш учун тарбия колониясидан умумий тартибли колонияга ўтказилади.

Жазо ўташни давом эттириш учун маҳкумларни жазони ижро этиш колониясига ўтказиш масалалари суд томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 537-моддасида назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

Тарбия колонияларида маҳкумлар вояга етгунга қадар сақланадилар. Вояга етганлигидан сўнг уларни жазони ўташ колонияларига ўтказадилар. Қонунга биноан маҳкумнинг содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилигига қараб жазони ижро этиш колониясининг тури белгиланади. Унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятини қасддан биринчи марта содир этган маҳкумлар жазони умумий тартибли колонияларда ўтайдилар. Ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар оғир жинояти учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар сақланадиган умумий тартибли колонияга ўтказиладилар.

Эҳтиётсизликдан жиноят содир этганлар ўн саккиз ёшга етганларидан сўнг манзил колонияларига ўтказдилар.

Маҳкумнинг ижобий хулқи, меҳнатга ҳалол муносабати ва бошқаларга ўрнак бўла олишлигини ҳисобга олиб маъмурият уни яна йигирма беш ёшга етгунга қадар тарбия колониясида қолдириши ҳам мумкин. Маҳкумни жазони ижро этиш колонияларига ўтказиш масаласини суд томонидан ҳал этилади.

#### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Жазони ижро этиш тизимида тарбия колониялари фаолиятининг ўзига хослиги мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

#### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Жазони ижро этиш тизимида тарбия колонияларининг тўтган ўрни ва таркибий тузилиши.
2. Тарбия колонияларида жазони ўташ тартиби ва шартлари.
3. Тарбия колонияларида қўлланиладиган қўшимча рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари
4. Маҳкумларни тарбия колонияларида қолдириш ва маҳкумларни тарбия колонияларидан жазони ижро этиш колонияларига ўтказиш




## 21-мавзу: Жазони ижро этиш тизимида тарбия колониялари фаолиятининг ўзига хослиги.

Семинар машғулоти (2 соат)

### Семинар машғулоти

Ушбу ўқув машғулоти “Давра суҳбати” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган саволлар юзасидан тингловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.



“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир тингловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида ўқитувчи мавзунини бошлаб беради ва

тингловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар.

Сўзлаётган тингловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса тингловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

#### Ўқув машғулотнинг саволлари:

1-савол. Жазони ижро этиш тизимида тарбия колонияларининг тўтган ўрни ва таркибий тузилиши.

2-савол. Тарбия колонияларида жазони ўташ тартиби ва шартлари.

3-савол. Тарбия колонияларида қўлланиладиган қўшимча рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари

4-савол. Маҳкумларни тарбия колонияларида қолдириш ва маҳкумларни тарбия колонияларидан жазони ижро этиш колонияларига ўтказиш

**22-мавзу: Айрим тоифадаги маҳкумлар томонидан жазони ўташ хусусиятлари ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш.**

Маъруза машғулоти (2 соат)

**Режа:**

1-савол. Айрим тоифадаги маҳкумлар томонидан жазони ўташ хусусиятлари.

2-савол. Ўзбекистон Республикасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони жорий этилиши ва унинг аҳамияти.

3-савол. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ тартиби ва шартлари.

4-савол. ЖИЭМ ҳудуди доирасидан ташқарида яшаётган маҳкума аёллар ҳамда уларнинг уч ёшга тўлмаган болаларининг моддий-маиший таъминоти.

**1-савол. Айрим тоифадаги маҳкумлар томонидан жазони ўташ хусусиятлари.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 6-моддасида кўрсатиб ўтилган инсонпарварлик принципига асосан жазони ижро этиш муассасаларида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазосини ўтаётган аёлларга кўшимча ҳуқуқлар берилган.



Булар жумласига ЖИКнинг 130-133-моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган маҳкума аёлларнинг муассаса доирасидан ташқарида яшаши, болаларни жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштириш, маҳкума аёлларнинг муассаса доирасидан четга қисқа муддатли чиқиши каби ҳуқуқларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Маҳкума ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар ЖИКда маҳкумлар учун назарда тутилган ҳуқуқлардан ташқари (ЖИК 130-м.):

- ❖ ЖИЭМ ҳудуди доирасидан ташқарида яшаш;
- ❖ болаларини жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштириш;
- ❖ болаларини жойлаштириб келиш ва улар билан учрашиш учун ЖИЭМ доирасидан четга чиқиш ҳуқуқига ҳам эга.

Ҳомиладор ёки уч ёшгача болалари бор маҳкума аёллар жазони ўташ учун болалар уйи мавжуд бўлган ЖИЭМга юборилади.

Маҳкума аёлларга вояга етмаган болалари билан муддати беш суткагача

бўлган, шу жумладан ЖИЭМ худуди доирасидан ташқарида яшаш имконияти билан, узоқ муддатли учрашув берилиши мумкин.

Ижобий тавсифга эга маҳкума аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод этилган вақт мобайнида, шунингдек боласи уч ёшга тўлгунга қадар ЖИЭМ бошлиғининг прокурор тасдиқлаган қарори билан колония худудидан ташқарида яшашга рухсат этилиши мумкин (ЖИК 131-м.).

ЖИЭМ худуди доирасидан ташқарида яшашга рухсат берилган маҳкума аёлларга гувоҳнома берилади.

ЖИЭМ худудидан ташқарида яшайдиган маҳкума аёллар ўзлари рўйхатда турган туркумдан чиқарилмайди. Уларнинг иш ҳақи ҳисоб-китоб қилиниб, шахсий ҳисобварақларидаги пуллари, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари, нарса ва буюмлари ўзларига берилади.

ЖИЭМ худудидан ташқарида яшаш ҳуқуқи Жиноят кодекси 73-моддасининг 4-қисми «а», «б», «в» ва «г» бандларида кўрсатилган қуйидаги маҳкумларга берилмайди, яъни:

- а) умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганларга;
- б) ўта хавфли рецидивистга;
- в) уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшманинг ташкилотчи ва катнашувчиларига;
- г) жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш, ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, Ўзбекистон Республикасига, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этиш, ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа хилдаги оммавий қирғин қуролиларини, шундай қуролини ишлаб чиқариш учун фойдаланиши мумкинлиги аён бўлган материал ва ускуналарни контрабанда қилиш учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан.

Колония худуди доирасидан ташқарида яшайдиган маҳкумалар:

- ❖ хона типдаги турар жойларда жойлашадилар ва ЖИЭМ маъмуриятининг назорати остида бўладилар;
- ❖ эрталаб ўриндан туришдан кечки ётишгача бўлган вақт мобайнида белгиланган йўналишлар доирасида эркин юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар;
- ❖ фуқаролар киядиган кийимда юришлари, ёнларида пул ва қимматли буюмлар сақлашлари, пулдан чекланмаган ҳолда фойдаланишлари мумкин;
- ❖ чекланмаган миқдорда бандерол, посилка ва йўқловлар олиш ҳамда жўнатиш, қисқа муддатли учрашувлар олиш ҳуқуқига эга.

Қисқа муддатли учрашувлар, одатда, ишдан бўш вақтда берилади.

ЖИЭМ хуудуи доирасидан ташқарида яшаш ҳукуқи қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

➤ жазони ўташ тартиби мунтазам равишда ёки бир марта қўпол тарзда бузилганда;

➤ ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод қилиш даври тугаганда;

➤ бола уч ёшга тўлганда.

Маҳкума аёлнинг ЖИЭМ хуудуи доирасидан ташқарида яшаш ҳукуқи ЖИЭМ бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланадиган қарори билан бекор қилинади.

Маҳкума аёлларни сақлашга мўлжалланган колониялар қошида болалар уйи ташкил этилади, унда болалар нормал яшаши ва камол топиши учун зарур шароитлар таъминланади (ЖИК 132-м.).

Маҳкума аёллар уч ёшга тўлмаган болаларини болалар уйига жойлаштиришга ва ишдан бўш вақтда улар билан бирга бўлишга ҳақли.

Болалар уйидаги бола уч ёшга тўлганидан кейин онасининг розилиги билан унинг қариндошларига ёки, ҳомийлик ва васийлик органининг қарорига биноан, бошқа шахсларга берилиши ёхуд тегишли болалар муассасаларига юборилиши мумкин.

Агар маҳкуманинг жазони ўташ муддати тугашига кўпи билан бир йил қолган ва у оналик бурчларини лозим даражада бажариб келган бўлса, ЖИЭМ маъмурияти боланинг болалар уйида бўлиш вақтини узайтириши мумкин.

Мактабгача ёшдаги болалари бор маҳкума аёлларга болаларини қариндошлариникига, васийлариникига ёки болалар муассасаларига жойлаштириб келиш учун бориш-келиш вақтини (тўрт суткагача) ҳисобга олмаган ҳолда ўн беш суткагача муддатга четга чиқишга рухсат этилиши мумкин (ЖИК 133-м.).

Вояга етмаган ногирон болалари бор аёлларга бир йилда бир марта улар билан учрашиш учун йўлга кетадиган вақтни ҳисобга олмаганда етти суткагача бўлган муддатга четга чиқишга рухсат этилади.

Маҳкум ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар, вояга етмаганларга, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларига бериладиган овқат оширилган нормаларда белгиланади. Тиббий хулоса асосида уларга қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари олишга рухсат этилиши мумкин.

ЖИЭМ хуудидан ташқарида яшаётган маҳкума аёллар ҳамда уларнинг уч ёшга тўлмаган болалари, ЖИЭМларнинг болалар уйларидаги ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар учун белгиланган нормаларда озиқ-овқат, кийим ва пойабзал билан таъминланади.

Манзил-колониясида уч ёшгача боласи бор маҳкума аёлларнинг зарур пул маблағлари бўлмаса, улар манзил-колония маъмуриятига боласи учун ЖИЭМнинг болалар уйида сақланаётган болалар учун мўлжалланган озиқ-овқат, кийим ва пойабзал беришни сўраб ариза билан мурожаат қилиш

хукукига эга.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан сўнг, ЖИЭМ маъмурияти ЖИЭМ худудидан ташқарида яшаётган маҳкума аёлларни ЖИЭМ корхонасига ёки бошқа корхоналарга ишга жойлаштиради. Бунда ЖИЭМ маъмурияти маҳкума аёлларнинг боласини мактабгача таълим муассасаларига жойлаштиришга ёрдам беради.

### Интизомий бўлинмаларга:

- ❖ I гуруҳ ногиронлари;
- ❖ ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод этилган, шунингдек ёнида эмизикли боласи бор аёллар киритилмайди.

### **2-савол. Ўзбекистон Республикасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони жорий этилиши ва унинг аҳамияти.**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, суд-хуқуқ тизимини ислоҳ этишда биринчи галдаги эътибор жинойий жазоларни либераллаштиришга қаратилди. Жумладан, ўлим жазосини жазо тури сифатида жинойий қонунчилигимиздан чиқариб ташлаш бўйича ишлар босқичма-босқич амалга оширилди ва ниҳоят, 2005 йил 1 августда мамлакатимиз Президенти “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармонига имзо чекди. Унда 2008 йилнинг 1 январидан республикамызда жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилиниши, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилиши эълон қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ана шу таклифларни ҳисобга олган ҳолда 2007 йил 15 июнда “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонун қабул қилди. Олий Мажлис Сенати эса ўзининг ўнинчи ялпи мажлисида мазкур қонунни маъқуллади.

**Шу ўринда ўлим жазосини бутунлай бекор қилишдан кўзланган мақсад нима деган ҳақли савол туғилади.**

➤ *Биринчидан*, бундай шафқатсиз жазо тури Конституциямызининг муқаддимасида таъкидланган, биз барпо қилаётган инсонпарвар демократик хуқуқий давлат сиёсатида тўғри келмайди. Чинакам демократик инсонпарвар давлат ҳеч қачон қонун йўли билан инсонни ўлимга маҳкум этиши лозим эмас.

➤ *Иккинчидан*, ўлим жазоси халқаро хуқуқий нормаларга зиддир. Инсон хуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 3-моддасида “Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик хуқуқига эгадир”, деб белгилаб қўйилган. “Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”нинг 6-моддасида эса “Яшаш хуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас хуқуқидир. Бу хуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшаш хуқуқидан маҳрум қила олмайди” дея таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг Асосий қонуни муқаддимасида, шунингдек Жиноят-ижроия кодексининг 4-моддасида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган. Демак, эртами-кечми республикаимиз қонунларини халқаро ҳуқуқ талабларига мослаштириш заруратини даврнинг ўзи тақозо қиларди.

➤ *Учинчидан*, яна Конституциямизнинг 24-моддасида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир”, деб қатъий белгилаб қўйилган. “Узвий” бу “Ажралмас” дегани. Ажралмас ҳуқуқдан ноқонуний маҳрум қилиш, ажратиш энг оғир жиноят, қонун йўли билан маҳрум қилиш эса шафқатсизликдир. Демак, Асосий қонунимиз талабидан келиб чиқадиган бўлсак, инсонни ўлим жазосига маҳкум этиш мумкин эмас. Шундай экан, бу жазо турини Жиноят кодексидан чиқариб ташлаш зарур эди. Чунки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддасида “Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиш мумкин эмас” дейилган.

➤ *Тўртинчидан*, ўлим жазосини бекор қилиш суд хатосини тузатиш имконини беради. Зеро, киши суд томонидан ўлим жазосига асоссиз маҳкум этилиб, ҳукм ижро этилгач, унинг айбсизлиги исботланган ҳолатлар учраб туради. Биологик ҳаётга чек қўйилган, яъни, жисмонан йўқ қилинган инсонни эса қайта тирилтириб бўлмайди. Умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилган шахсни эса унинг айбсизлиги исботлангач, озод қилиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ўлим жазосини қонун йўли билан бекор қилинганлиги халқаро ҳуқуқ нормаларига, жаҳон андозаларига тўла-тўқис мосдир. Аммо республикаимизда шунинг учунгина бундай йўл тутилмади. Чунки, ўзбек халқи азалдан кечиримли, бағрикенг халқ бўлган. Ислом дини ақидаларида ҳам кечиримлилик ниҳоятда улуғланади. Шу маънода “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун миллий қонунчилигимизга халқаро ҳуқуқ нормаларининг имплементация қилиниши жиҳатидан ҳам, инсонпарварлик руҳидаги миллий ва диний қадриятларимизнинг сингдирилиши нуктаи назаридан ҳам тарихий ҳодиса, суд-ҳуқуқ тизими ислохотларининг том маънодаги янги такомил босқичи бўлди.

Фавқулодда жазо чораси бўлиб айбдорни отиб ўлдиришдан иборат (ЖКнинг 51-моддаси).

ЖКсида фақат 2 та модда учун ўлим жазоси кўрсатилган:

- ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми;
- ЖКнинг 155-моддаси 3-қисми.

Ўлим жазоси Ўзбекистон Республикасининг 1959 йил 21 майдаги Қонуни билан ЖКнинг тахминан 33 та моддасида назарда тутилган жиноятлар учун қўлланилади.

Ўлим жазоси Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябр Қонуни билан ЖКда фақат (13 та) жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (97-модданинг 2-қисми), номусга тегиш

(118-модданинг 4-қисми), жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш (119-модданинг 4-қисми), агрессия (151-модданинг 2-қисми), урушнинг қонун ва удумларини бузиш (152-модда), геноцид (153-модда), терроризм (155-модданинг 3-қисми), давлатга хоинлик қилиш (157-модданинг 1-қисми), Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш (158-модданинг 1-қисми), жосуслик (160-модданинг 1-қисми), жиноий уюшма ташкил этиш (242-модданинг 1-қисми), контрабанда (246-модданинг 2-қисми), гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда сотиш (272-модданинг 2-қисми) учунгина белгиланади.

Ўлим жазоси Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август Қонуни билан фақат (4 та) жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (97-модданинг 2-қисми), агрессия (151-модданинг 2-қисми), геноцид (153-модда) ва терроризм (155-модданинг 3-қисми) учун қўлланилади.

Ўлим жазоси Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабр Қонуни билан фақат (2 та) жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (97-модданинг 2-қисми) ва терроризм (155-модданинг 3-қисми) учун қўлланилади.

Ўлим жазоси фақат отиб ўлдириш билан ижро этилади. Ўлим жазосини ижро этишда шифокор, жазони ижро этиш жойларида махсус назоратни олиб боровчи прокурор ва жазони ижро этиш муассасасининг бошлиғи иштирок этиши шарт. Ўлим жазоси асосан тергов изоляторида ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 51-моддасига биноан умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни махсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатдир.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (ЖК 97-м. 2-қ.) ва терроризм (ЖК 155-м. 3-қ.) учун белгиланади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Ана шу жиҳатлардан қонунимиз қатор хориж давлатларининг умрбод озодликдан маҳрум этиш борасидаги қонунларидан ўзининг инсонпарварлиги билан ажралиб туради. Зеро, ислом динида ноҳақ одам ўлдириш, инсонни қийноқларга солиш қораланади. Мазкур қонун юқоридаги хусусиятларига инсонпарварликни, кечиримлиликни, раҳм-шафқатлиликни тарғиб этувчи жаҳон динлари, хусусан, ислом дини қоидаларига, ғояларига мосдир.

Шу ўринда республикамызда умрбод озодликдан маҳрум этиш масаласига инсонпарварона ёндашилганини алоҳида таъкидлашимиз зарур. Масалан, Польша ва Германияда 5, Бельгия ва Россия Федерациясида 6, Германияда 7, Данияда 9, Грузияда 11, Швецияда 13, Беларусда 14, Япония ва Озарбайжонда 16, Қозоғистонда ва Кореяда 17, Франциядек демократик давлатда 18, Голландияда 19, Молдавада 24, Хитой Халқ Республикасида эса

64 хил жиноят учун умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм этилади<sup>7</sup>. Бизнинг мамлакатимизда эса фақат икки жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари учун ушбу жазо қўлланилиши қонунда белгилаб қўйилган. Яна қонунимизнинг инсонпарварлиги шундаки, суд иш бўйича барча ҳолатларни ҳар томонлама холис ўрганиб, айбдорни умрбод эмас унга муқобил жазо тури сифатида узоқ муддатли (20 йилдан 25 йилгача) озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм этилиши ҳам назарда тутилган.

### **3-савол. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ тартиби ва шартлари**

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ тартиби ЖИҚнинг 136-моддасида назарда тутилган, яъни:

■ Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар махсус сақлаш шароитларига эга бўлган махсус тартибли колонияларда сақланадилар. Уларга нисбатан ушбу бобда назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда махсус тартибли колониялар тартиби татбиқ этилади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар камераларга қўпи билан икки кишидан жойлаштириладилар. Маҳкумларнинг илтимосига қўра ёки зарурат тақозо этганда улар бир кишилик камераларда сақланишлари мумкин.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар жазони қаттиқ, одатдаги ва енгиллаштирилган сақлаш шароитларида ўтайдилар.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар жазонинг дастлабки ўн йилини қаттиқ сақлаш шароитларида ўтайдилар.

Жазонинг камида ўн йилини ўтаган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар қаттиқ сақлаш шароитларидан одатдаги сақлаш шароитларига ўтказилишлари мумкин.

Жазонинг камида ўн беш йилини ўтаган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар одатдаги сақлаш шароитларидан енгиллаштирилган сақлаш шароитларига ўтказилишлари мумкин.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ шартлари ЖИҚнинг 137-м.да белгиланган, яъни:

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган битта маҳкумга тўғри келадиган яшаш майдони нормаси тўрт квадрат метрдан кам бўлиши мумкин эмас.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиниб, жазони қаттиқ сақлаш шароитларида ўтаётган маҳкумлар ўз шахсий ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлардан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 26,5 фоизигача бўлган суммага ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш, йил мобайнида бир марта қисқа муддатли учрашув, бир марта телефон орқали сўзлашув, битта посилка ёки йўқлов, битта

<sup>7</sup> Якубов А.С. Важный этап последовательной либерализации судебно-правовой системы Узбекистана // Правда Востока. – 2007. – 26 июня.



бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиниб, жазони одатдаги сақлаш шароитларида ўтаётган маҳкумлар ўз шахсий ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлардан қонунчиликда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 35,2 фоизигача миқдордаги суммага ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш, йил мобайнида бир марта узоқ муддатли ва бир марта қисқа муддатли учрашув, икки марта телефон орқали сўзлашув, иккита посылка ёки йўқлов, иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиниб, жазони енгиллаштирилган сақлаш шароитларида ўтаётган маҳкумлар ўз шахсий ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлардан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 52,7 фоизигача миқдордаги суммага ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш, йил мобайнида бир марта узоқ муддатли ва икки марта қисқа муддатли учрашув, уч марта телефон орқали сўзлашув, учта посылка ёки йўқлов, учта бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар, сақлаш шароитларидан қатъи назар, ҳар куни бир ярим соатгача сайр қилиш ҳуқуқига эга.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг меҳнати одатдаги ва енгиллаштирилган сақлаш шароитларида сақланаётган шахслар учун иш камераларида ташкил этилади (ЖИК 138-м.).

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан ЖИК 102-моддаси биринчи қисмининг иккинчи - бешинчи хатбошиларида назарда тутилган рағбатлантириш чоралари қўлланилади. Жазони ўташнинг енгиллаштирилган шароитларига белгиланган тартибда ўтказилган маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш тартибида қўшимча учрашиш ёки телефон орқали сўзлашиш имконияти ҳам берилиши мумкин (ЖИК 139-м.).

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан ЖИК 105-моддаси биринчи қисмининг иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган интизомий жазо чоралари қўлланилади. Умрбод озодликдан маҳрум қилиниб, одатдаги ва енгиллаштирилган сақлаш шароитларида белгиланган тартибни ашаддий бузувчи деб топилган маҳкумлар қуйидаги тартибда:

■ енгиллаштирилган сақлаш шароитларидан одатдаги ёки қаттиқ сақлаш шароитларига;

■ одатдаги сақлаш шароитларидан қаттиқ сақлаш шароитларига ўтказилишлари мумкин.

Умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг афв этиш тўғрисида илтимоснома бериш тартиби (ЖИК 140-м.)

Афв этиш тўғрисида илтимоснома бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома умрбод озодликдан маҳрум қилинган шахс томонидан у тайинланган жазонинг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахс томонидан у тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг ўн беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

**4-савол. ЖИЭМ ҳудуди доирасидан ташқарида яшаётган маҳкума аёллар ҳамда уларнинг уч ёшга тўлмаган болаларининг моддий-маиший таъминоти.**

ЖИЭМ ҳудудидан ташқарида яшаётган маҳкума аёллар ҳамда уларнинг уч ёшга тўлмаган болалари, ЖИЭМларнинг болалар уйларидаги ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар учун белгиланган нормаларда озиқ-овқат, кийим ва пойабзал билан таъминланади.

Манзил-колониyaсида уч ёшгача боласи бор маҳкума аёлларнинг зарур пул маблағлари бўлмаса, улар манзил-колониya маъмуриятига боласи учун ЖИЭМнинг болалар уйида сақланаётган болалар учун мўлжалланган озиқ-овқат, кийим ва пойабзал беришни сўраб ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан сўнг, ЖИЭМ маъмурияти ЖИЭМ ҳудудидан ташқарида яшаётган маҳкума аёлларни ЖИЭМ корхонасига ёки бошқа корхоналарга ишга жойлаштиради. Бунда ЖИЭМ маъмурияти маҳкума аёлларнинг боласини мактабгача таълим муассасаларига жойлаштиришга ёрдам беради.

#### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Айрим тоифадаги маҳкумлар томонидан жазони ўташ хусусиятлари ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

#### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Айрим тоифадаги маҳкумлар томонидан жазони ўташ хусусиятлари.
2. Ўзбекистон Республикасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони жорий этилиши ва унинг аҳамияти.
3. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ тартиби ва шартлари.
4. ЖИЭМ ҳудуди доирасидан ташқарида яшаётган маҳкума аёллар ҳамда уларнинг уч ёшга тўлмаган болаларининг моддий-маиший таъминоти.


. 22-мавзу: Айрим тоифадаги маҳкумлар томонидан жазони ўташ хусусиятлари ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш.

Семинар машғулоти (2 соат)

### Семинар машғулоти

Ушбу ўқув машғулоти “Давра суҳбати” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган саволлар юзасидан тингловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.



“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир тингловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг

оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида ўқитувчи мавзунини бошлаб беради ва тингловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар.

Сўзлаётган тингловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса тингловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

### Ўқув машғулотнинг саволлари:

1. Айрим тоифадаги маҳкумлар томонидан жазони ўташ хусусиятлари.
2. Ўзбекистон Республикасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони жорий этилиши ва унинг аҳамияти.
3. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ тартиби ва шартлари.
4. ЖИЭМ худуди доирасидан ташқарида яшаётган маҳкума аёллар ҳамда уларнинг уч ёшга тўлмаган болаларининг моддий-маиший таъминоти.

## 23-Мавзу: Жазони ўташдан озод қилиш.

Маъруза машғулоти (2 соат)

### Режа:

1-савол. Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш.

2-савол. Жазо ижросини тугатиш асослари.

3-савол. Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилиш тартиби

4-савол. Маҳкумларнинг озод қилиниши тўғрисида хабар бериш ва озод бўлган шахсларни кузатиб бориш.

### 1- саволи. Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш.

#### Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ҳоллари.

Суд томонидан тайинланган жазо муддати тугагунга қадар маҳкум куйидаги ҳолларда жазони ўташдан озод қилиниши мумкин:

- муддатидан илгари шартли озод қилинганда;
- жазо енгилроғи билан алмаштирилганда;
- касаллиги ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги туфайли;
- амнистия ёки авф этилганлиги туфайли.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ҳамда Жиноят-ижроия кодексига мувофиқ, жазони ижро этиш муассасаларида суд томонидан тайинланган жазо муддатининг қонун билан белгиланган қисмини амалда ўтаган маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишга, жазони енгилроғи билан алмаштиришга ва сақлаш шароитини ўзгартиришга тақдим этиш тартибини белгилайди.



Маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш ҳамда адолат, инсонпарварлик ва одиллик принципларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш ва сақлаш шароитини ўзгартириш масаласи жазони ижро этиш колонияси, тарбия колонияси ва тергов хибсхонаси (бундан буён матнда муассаса деб юритилади) ходимларидан иборат белгиланган таркибдаги комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Комиссия таркиби буйруқ билан тасдиқланади. Комиссия котиби этиб муассаса маҳсус бўлими бошлиғи тайинланади.

Маҳкум жазо муддатининг қонун билан белгиланган қисмини ўтаб бўлганидан сўнг комиссия бир ойлик муддат ичида маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишга, жазони енгилроғи билан алмаштиришга ва сақлаш шароитини ўзгартиришга тақдим этишни қўллаш ёки рад этиш масаласини қўйидаги асосларга кўра кўриб чиқади:

● Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73 ва 89-моддалари талаблари асосида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни;

● Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 74 ва 90-моддалари талаблари асосида жазони енгилроғи билан алмаштиришни;

● Маҳкумни турма тартиботидан жазони ижро этиш колониясига, махсус тартибли колониядан қаттиқ тартибли колонияга ўтказишни;

● Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 104-моддаси 1-қисми талаблари асосида енгилаштирилган сақлаш шароитига ўтказишни;

● Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 104-моддаси 3-қисми талаблари асосида маҳкумларни қаттиқ ва умумий тартибли колониялардан манзил-колонияга шу Кодекснинг 113-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган тартибда ўтказишни;

● сақлаш режимини ашаддий бузувчи маҳкумларни манзил-колониядан умумий ёки қаттиқ тартибли колонияга, қаттиқ тартибли колониядан махсус тартибли колонияга қайтариш ва колониядан турмага ўтказишни;

● Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 129-моддаси талаблари асосида маҳкумлар йигирма бир ёшга тўлганидан тарбия колониясидан умумий тартибли жазони ижро этиш колониясига ўтказишни;

● Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 136-моддаси 5-6 қисмлари талаблари асосида умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларни қаттиқ сақлаш шароитидан одатдаги сақлаш шароитига, одатдаги сақлаш шароитидан енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказишни.

Комиссия ўз йиғилишдарини бир ойда камида икки мартаба ўтказади.

Комиссия йиғилишида маҳкумнинг сақлаш шароитини ўзгартириш масаласи юзасидан тўпланган қўйидаги ҳужжатларни кўриб чиқади:

■ маҳкумнинг ҳулки, муассасада ўрнатилган кун тартибига риоя этиш, меҳнатга ва ўқишга бўлган муносабати, содир этган жиноятдан амалда пушаймонлиги, жинояти натижасида давлат ва фуқароларга етказилган зарарни қоплашга бўлган интилиши, оила аъзолари ва яқинлари билан аълоқаси, жазо муддатини ўташ даврида олган рағбатлантириш ва интизомий

жазо чоралари, шунингдек маҳкумни сақлаш шароитини ўзгартиришга тақдим этилиши мумкинлиги ёки рад этилиши лозимлиги сабаблари тўлиқ баён этилиб, туркум бошлиғи томонидан имзоланган тавсифнома;

■ туркум тарбиячилар кенгаши йиғилиши баённомасидан кучирма.

Комиссия йиғилишида маҳкумни манзил-колонияга ўтказиш масаласи юзасидан мазкур ҳужжатлар бирга қўйидаги ҳужжатлар кўриб чиқилади:

❖ маҳкумнинг соғлиги ҳақидаги шифокор имзоси билан тасдиқланган тиббий маълумотнома;

❖ суднинг ҳукми (қарори, ажрими) бўйича маҳкумнинг жиноят иши бўйича давлат ва фуқаролардан қарздорлиги, ижро варақаси бўйича етказилган зарарнинг қопланган миқдори тўғрисидаги маълумотнома. Қарздорлик ихтиёрий равишда қисман ёки тўлиқ қопланган бўлса, маълумотномада бу ҳақида алоҳида кўрсатиб ўтилади.

❖

Комиссия йиғилишида маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш билан бирга қўйидаги ҳужжатларни кўриб чиқади:

■ озод қилишга тайёрлаш, ишга жойлашишга ва турмушга мослашишга кўмаклашиши бўйича йўриқчи томонидан маҳкум озод бўлганидан сўнг уни ҳисобга олиш, танлаган манзилига доимий рўйхатга қўйиш (уй-жой билан таъминлаш), ишга жойлаштириш ва бошқа масалаларни ҳал этиш бўйича олиб борилган ёзишмалар.

Юқорида қайд этилган ҳужжатлар комиссия йиғилиши ўтказилишидан 3 кун олдин туркум бошлиғи томонидан комиссия таркибига тақдим этилади.

Комиссия йиғилишида кўриб чиқилиши учун тайёрланган ҳужжатлар сифати ва уларнинг ўз вақтида тақдим этилиши муассаса бошлиғининг тартибот ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари томонидан назорат қилинади.

Муассаса бошлиғи ва комиссия аъзолари комиссия котиби томонидан йиғилишга тақдим этилган ҳужжатларни тўлиқ ўрганиб чиқади. Маҳкумнинг хулқи, озод бўлганидан сўнг турмушга мослашиши ёки ишга жойлашиши каби масалаларда аниқлик киритиш эҳтиёжи туғилган тақдирда муассаса бошлиғи маҳкум билан савол-жавоб ўтказади ҳамда маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишга, жазони енгилроғи билан алмаштиришга ёки сақлаш шароитини ўзгартиришга тақдим этиш ёки рад қилиш масаласини комиссия аъзоларининг овозига қўяди.

Комиссия аъзолари маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишга, жазони енгилроғи билан алмаштиришга ёки сақлаш шароитини ўзгартиришга тақдим этиш ёки рад этиш масаласини унинг иштирокисиз овозга қўйиш йўли билан ҳал этадилар.

Комиссия йиғилишида аъзоларнинг ярмидан кўпи иштирок этиб, овоз берсагина яқуний қарор қабул қилинган ҳисобланади. Берилган овозлар тенг


бўлган тақдирда муассаса бошлиғи овоз берган қарор якуний ҳисобланади.


Комиссия қарори котиб томонидан комиссия йиғилиши баённомасида қайд этилади ва маҳкумга эълон қилинади.

Комиссия томонидан маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш ёки сақлаш шароитини ўзгартириш масаласи рад этилган тақдирда комиссия йиғилиши баённомасида рад этиш сабаби кўрсатиб ўтилади.

Комиссия йиғилишида кўрилган масалаларнинг ҳар бири бўйича қарор расмийлаштирилади. Қабул қилинган қарор маҳкумга эълон қилинади ва маҳкум томонидан имзоланади. Расмийлаштирилган қарор йиғилишга тақдим этилган ҳужжатлар билан бирга маҳкумнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдининг иккинчи қисмига жамланади.

Маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишга, жазони енгилроғи билан алмаштиришга ёки сақлаш шароитини ўзгартиришга тақдим этишдан рад қилиш учун қонунда белгиланган чекловлардан келиб чиққан ҳолда қўйидагилар асос бўлиб хизмат қилиши мумкин:

 маҳкумнинг муассасада ўрнатилган кун тартибини бузганлиги учун қўлланган ва комиссия йиғилиши ўтказилган кунга қадар ўрнатилган тартибда олинмаган ёки бекор бўлмаган интизомий жазо чораларининг мавжудлиги;

 маҳкумнинг эмоционал, маънавий ва ахлоқий ҳатти-ҳаракатларида кузатилган салбий ҳолатлар асосида уни келгусида жамиятдан ажратилмаган ҳолда тарбиялаш имкони йўқлиги ҳақида берилган салбий тавсифнома.

Маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишга, жазони енгилроғи билан алмаштиришга ёки сақлаш шароитини ўзгартиришга тақдим этишдан рад қилиш ҳақида қарор қабул қилинганда маҳкум комиссия йиғилиши ўтказилган кундан 6 ой муддат ўтгандан сўнг такроран жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишга, жазони енгилроғи билан алмаштиришга ёки сақлаш шароитини ўзгартиришга қайта тақдим этилади.

Маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш, қаттиқ ёки умумий тартибли муассасадан манзил муассасага, турмадан жазони ижро этиш муассасасига, махсус тартибли муассасадан қаттиқ тартибли муассасага, сақлаш режимини ашаддий бузувчи маҳкумларни манзил-колониядан умумий ёки қаттиқ тартибли колонияга, қаттиқ тартибли колониядан махсус тартибли колонияга қайтариш ва колониядан турмага, тарбия колониясидан умумий тартибли жазони ижро этиш колониясига ўтказиш бўйича комиссия қарори қабул қилинганидан сўнг муассаса махсус бўлими томонидан тақдимнома тайёрланиб, мазкур Йўриқноманинг тегишли бандларида санаб ўтилган ҳужжатлар билан бирга комиссия йиғилиши ўтказилган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичида муассаса жойлашган ҳудуддаги жинойт ишлари бўйича судга юборилади.

Муассаса томонидан киритилган тақдимнома жазони ижро этиш муассасанинг тартиботли қисмида (муассаса ичкарасида) жойлашган маъмурий биноларининг бирида ўтказиладиган суд жараёнида кўриб чиқилади.

### Суд ажримларининг ижроси.



Маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш ҳақидаги суд ажрими жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти томонидан муассасага келиб тушган куни зудлик билан ижрога қаратилади

Жазоси енгилроғи билан алмаштирилган маҳкумдан озод этилганидан сўнг яшаш манзилидаги ички ишлар органига рўйхатдан ўтиш учун боришлиги ҳақида тилхат олинади. Мазкур тилхат суднинг жазони енгилроғи билан алмаштириш ҳақидаги қарори билан бирга маҳкумнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдининг биринчи қисмига жамланади.

Жазоси енгилроғи билан алмаштирилган маҳкумларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилди маҳкум муассасадан озод этилганидан сўнг уч кунлик муддат ичида маҳкум жўнаб кетган манзилдаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бошқармасига юборилади.

Маҳкумни озод этиш ҳақидаги суд ажрими ижро этилиб, маҳкум жазони ижро этиш муассасасидан озод этилганлиги бўйича ҳукм чиқарган судга хабарнома юборилади.

### 2- савол. Жазо ижросини тугатиш асослари.

Жазо ижросини тугатиш - жазони ижро этишдан озод қилиш жараёнининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади ва унинг асослари Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг 167-моддасида кўрсатилган. Қуйидагилар жазо ижросини тугатиш учун асос бўлади:

- маҳкумнинг суд тайинлаган жазо муддатини ўтаб бўлиши;
- ЖИКнинг 163-моддасида назарда тутилган ҳолларда маҳкумнинг жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиниши;
- суд ҳукмининг бекор бўлиши ва иш юритишнинг тугатилиши;
- ҳукмнинг назорат тартибида ўзгартирилиши ва жазонинг шартли ҳукм билан алмаштирилиши;
- маҳкумнинг вафоти.





Жиноят-ижроия кодексининг 168-моддасида жазо ижросини тугатиш вақти кўрсатилган бўлиб, унга асосан муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамок, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ижроси мазкур жазо муддатига қонун ҳужжатларига мувофиқ киритилиши мумкин бўлган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда бу муддатнинг охиригача кунлари тугатилади.

Агар жазо муддати дам олиш ёки байрам кунлари тугайдиган бўлса, маҳкум ушбу дам олиш ёки байрам кунидан бир кун олдин озод қилинади. Муддат ойлар билан ҳисобланган тақдирда бу муддат кейинги ойнинг тегишли кунлари, агар мазкур ойда шундай кун бўлмаса – шу ойнинг охиригача кунлари тугайди.

Ахлоқ тузатиш ишлари муддати тугаётган кунлари жазоларни ижро этиш инспекцияси жазони ўтаётган шахсни ва у ишлаётган корхона, муассаса ёки ташкилот маъмуриятини иш ҳақидан чегириб қолишни тугатиш ва бошқа чеклашларни олиб ташлаш тўғрисида хабардор қилади.

Жазони ижро этиш муассасаси қамокқа ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар озод этилаётганда улар билан тўла ҳисоб-китоб қилади, уларнинг шахсий ҳужжатлари, буюмлари ва бошқа қимматли нарсаларини, шунингдек шахсий ҳисобварақларида турган пулларини қайтариб беради ҳамда жазони ўтаб бўлганлиги ёки жазодан озод қилинганлик тўғрисида белгиланган намунада маълумотнома беради. Маълумотномада озод этилаётган шахснинг фотосурати ва қўйидагилар гербли муҳр билан тасдиқланган ҳолда кўрсатилади:

- озод қилиш асослари;
- жазони ҳақиқатда ўтаган муддати;
- жазонинг ўталмай қолган муддати (муддатидан илгари шартли озод қилишда);
- қўшимча жазо тури;
- ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги;
- маҳкумнинг борадиган жойи;
- берилган пул маблағи (агар берилган бўлса).

Сил касаллигига дучор бўлган шахсларнинг озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотномаларга белгиланган намунадиги штамп қўйилади. Бунинг сабаби озод этилган шахс яшаш жойи бўйича тегишли соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан ҳисобга олиниши ва заруратга қараб даволаш муолажаларини давом эттиради.

Маҳкум вафот этган тақдирда жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти бу ҳақда зудлик билан марҳумнинг яқин қариндошларидан бирига телеграф орқали хабар қилади.

Марҳумнинг жасади қариндошларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда берилади, яъни агар марҳум ҳақида хабар берилганидан сўнг 48 соат мобайнида вафот этган маҳкумнинг қариндошларидан жасадни бериш тўғрисида ариза тушмаса, шунингдек юқумли касаллик туфайли ёки шу каби бошқа ҳолатларда юқори турувчи

орган хулосасига мувофиқ муассаса маъмурияти марҳумни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгилаб қўйилган тартибда дафн этади (ЖИКнинг 170-моддаси).

Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган чет эллик фуқароларнинг ўлими ҳақида халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиқиб тегишли орган ва муассасага хабар қилинади. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 4-моддасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида жиноят-ижроия қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартноманинг қоидалари устунлиги тан олинishi ва қўлланилиши эътироф этилган.

**3-савол. Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилиш тартиби.**

#### **Маҳкумларни озод қилишга тайёрлаш. (171-модда.)**

Жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахснинг жазони ўташ муддати тугашига узоғи билан уч ой қолганда уни озодликка чиқаришга тайёрлаш, меҳнат ва турмушда ўрнашишга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, унинг муассасадан озод бўлгандан кейинги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш мақсадида маҳкум билан тарбиявий иш олиб боради.

Ишда ва турмушда ўрнашишга муҳтож шахслар аниқланган тақдирда муассаса маъмурияти олдиндан маҳкум яшашни мўлжаллаётган жойдаги озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашуви марказини унинг озод қилиниши, турар жойи бор-йўқлиги, меҳнат қобилияти ва ихтисоси тўғрисида хабардор этади.

Муассаса маъмурияти айти бир вақтда устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати ўрнатилиши зарур бўлган шахсларни аниқлайди ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга тегишли тақдимнома киритади.

Одатда узоқ вақт озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаган шахс оиласи, қавм-қариндошлари, таниш-билишлари, илгари истиқомат қилган ва ишлаган жойидаги жамоа билан муносабатлари мушкуллашади. У камокдан қайтиб келгач, янги шароитларга кўникиши, мослашуви қийин кечади. Шу сабабли у мурувватга муҳтож бўлади.

Ҳар бир маҳкумни озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтагандан сўнг қаерда, кимлар билан яшаши, нима билан шуғулланиши ҳақида ғамхўрлик қилиши у билан олиб бориладиган тарбиявий ишнинг муҳим таркибий қисмидир. Бундай ғамхўрлик маҳкум озод этилишига уч ой қолганда айниқса кучайтирилиши, маҳкумнинг эҳтиёжларини аниқлаш ва қаноатлантиришга қаратилган муайян шароитларни вужудга келтиришни назарда тутиши лозим.

Маҳкумни ҳалол турмуш ва меҳнат шароитларига ўргатиш унинг оиласи, қариндошлари, таниш-билишлари ва жамият олдида, камситилмаслиги учун керакли ахлоқ-одоб қоидаларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришдан бошланиши, ҳаёт чорраҳаларида ёмон

йўлга кириш, худбинликка ружу қилиш қанчалик оғир оқибатларга олиб келиши ҳақида суҳбатлар ўтказиш воситасида, турли маънавий, тарбиявий таъсир этиш тарзида жонлаштириш лозим.

Агар маҳқум муҳтож бўлса, муассаса маъмурияти олдиндан унинг яшайдиган жойидаги маҳалла оқсоқолларини унга мурувват кўрсатиши ҳақида хабардор қилиши, ўша ердаги ҳокимият қошидаги ижтимоий мослашув маркази, махсус комиссиялар ва меҳнат жамоалари билан тадбирларни режалаштириш керак. Бу ҳақда Вазирлар маҳкамасининг 1999 йилдаги 113-сонли рақамли қарорига биноан зарур озод этилаётган шахснинг устидан маъмурий назорат ўрнатилиши лозим бўлса, жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти бу ҳақда судга тақдимнома киритиб, судда бу масала барвақтроқ кўрилишига эришиши лозим.

Жазодан озод қилинаётган шахс тиббий кўриқдан ўтказилади. Унга тегишли барча ҳужжатлар, шу жумладан паспорт, меҳнат дафтарчаси, пенсионерлик ёки ногиронлик гувоҳномаси, таълим ва ҳунар ўрганганлиги ҳақида ҳужжатлар, касаллик дафтарчаси, хатёзишмалари, китоб-дафтарлари қайтариб берилади. Агар унинг шахсий ҳисоб жилдида фахрий, махсус ва ҳарбий унвонлар тўғрисида гувоҳномалар, кўкракка тақиладиган нишонлар, медал ва орденлар бўлса, улар ҳам қайтариб берилади. Бу ишларга барвақтроқ ҳозирлик кўрилиши керак.

### **Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинаётган шахсларга моддий ёрдам кўрсатиш.**

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинаётган шахслар яшашни мўлжаллаётган жойга етиб олиши учун йўл ҳужжатлари, белгиланган норма бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари ёки пул компенсацияси билан таъминланадилар.



Озод қилинаётган шахсларда мавсумий кийим ва пойабзал, шунингдек уларни сотиб олишга пул бўлмаса, улар кийим ва пойабзал билан бепул таъминланадилар. Шу мақсадлар учун озод қилинаётган шахсларга бир йўла тўланадиган пул нафақаси берилиши мумкин.

### **4-савол. Маҳқумларнинг озод қилиниши тўғрисида хабар бериш ва озод бўлган шахсларни кузатиб бориш.**

Жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳқумларнинг озод этилганлиги тўғрисида:

■ биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига, ҳомиладор аёллар ва ёш боласи (болалари) бор аёлларга, шунингдек вояга етмаганларга нисбатан — уларнинг қариндошлари ёки қариндошларининг ўрнини босувчи бошқа шахсларни;

■ ишга кириш ва турмушини йўлга қўйишга муҳтож бўлган шахсларга нисбатан — вилоятлар (туманлар, шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги ижтимоий мослашув марказларини;

■ сил ёки таносил касалликларига дучор бўлган, шунингдек алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликдан мажбурий даволаш курсини тугалламаган шахсларга нисбатан — вилоят, шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари (бўлимлари) ёки соғлиқни сақлаш органларининг даволаш муассасаларини;

■ маъмурий назорат остига олиниши лозим бўлган шахсларга нисбатан ички ишлар ҳудудий органларини олдиндан хабардор этади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маҳкумлар касаллиги ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги оқибатида, амнистия акти ёки афв асосида озод этилган ҳолларда, шунингдек маҳкумлар жазодан шартли равишда муддатидан илгари озод этилган тақдирда, билдириш қоғози улар озод этилган куни жўнатилади.



Хукм қилинган чет эл фуқароларининг озод этилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бирор бир давлатнинг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси мавжуд бўлмаган тақдирда, бундай давлатнинг ваколатли органини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига озод этилганлик тўғрисидаги билдириш қоғози жўнатилади.

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси бўйича яшаган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс озод қилинаётганда жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳкум қамоққа олингунига қадар рўйхатга олинган жойдаги ички ишлар ҳудудий органининг мамлакатга кириш, ундан чиқиш ва рўйхатга олиш билан шуғулланувчи тегишли хизматини хабардор қилади.

Соғлиғи ҳолатига кўра доимий парваришга муҳтож шахслар, шунингдек ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар қариндошлари ёки бошқа шахслар ёхуд муассаса маъмурияти вакилининг кузатувида яшаш жойига жўнатилади.



Ногиронлар ва қариялар, ўз илтимосига кўра, ногиронлар ва қариялар уйига жўнатилади.

Ногиронлар ва қариялар, ўз илтимосига кўра, ногиронлар ва қариялар уйига жўнатилади.



Вояга етмаган маҳкумлар ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига жўнатилади. Ота-онаси йўқ вояга етмаган шахслар, зарур ҳолларда, интернатларга жўнатилади ёки ҳомийлар қарамоғига берилади.

Жазони ўташдан озод қилиш ҳар бир озод қилинган шахсни у ёки бу масалада ҳал қилиши зарур бўлган муаммолар олдида рўпара қилади. Жумладан, озод қилинган шахс рўйхатдан ўтиш, уй-жой олиш, ишга жойлашиш ва шу каби муаммолар олдида заиф бўлиб қолиши мумкин ва яна жиноят йўлига кириб кетиш хафви кучаяди. Шунинг учун ҳам жазони ижро

этиш муассасаларида маҳкумларни озодликка чиқариш жараёнини шундай ташкил этиш керакки, токи бу жараён масалани ҳам ҳуқуқий, ҳам ижтимоий жиҳатларини қамраб олсин. Озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни иш билан таъминлаш ва уларнинг турмушини йўлга қўйиш муаммосига ёндошишдаги асосий масала – бу муаммонинг ижтимоий муҳимлигидадир. Маҳкумларни жамиятга қайтариш – фақат салбий ҳолатлар билан курашишнигина эмас, балки биринчи галда жамият ўз фуқаролари жиноий жазони ўташ муносабати билан йўқотган ҳаётий фаолиятини таъминлашини ташкил этишни ҳам талаб этади. Бозор иқтисодиёти шароитида республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жамият ҳаётига ўзининг ўзгартиришларини киритмоқда. Шу муносабат билан озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб чиққан, айниқса узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни озод этишда ёрдамга муҳтожларини аниқлаш, уларни иш билан таъминлаш ва турмушини йўлга қўйиш каби масалалар давлат, жамият, жамоатчилик эътиборидан заррача четда қолмаслиги зарур.

#### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Жазони ўташдан озод қилиш мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

#### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш.
2. Жазо ижросини тугатиш асослари.
3. Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилиш тартиби
4. Маҳкумларнинг озод қилиниши тўғрисида хабар бериш ва озод бўлган шахсларни кузатиб бориш.

## 23-Мавзу: Жазони ўташдан озод қилиш.


Семинар машғулот (2 соат)

### Семинар машғулот.

Ушбу ўқув машғулооти “**Сухбат**” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Машғулотда ўқитувчи ва ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўртасида диалогик характерга эга савол-жавобга асосланувчи ушбу метод негизини жонли мулоқот ташкил этади. Методнинг афзаллиги сухбат жараёнида ойдинлашмаган масалалар юзасидан қўшимча саволлар бериш, ўқувчи (тингловчи ва курсант)нинг фикрлашга ундаш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Таълимий муносабатнинг жонли мулоқотга асосланиши эса ўқитувчи ва ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўртасида руҳий яқинликни қарор топтириб, фаол фикр алмашиш имконини беради.

### Методни қўллашда қуйидаги тартибда иш кўрилади:



### Ўқув машғулотнинг саволлари:

- 1-савол. Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш.
- 2-савол. Жазо ижросини тугатиш асослари.
- 3-савол. Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилиш тартиби
- 4-савол. Маҳкумларнинг озод қилиниши тўғрисида хабар бериш ва озод бўлган шахсларни кузатиб бориш.

## **24-мавзу: Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни амнистия ёки афв этиш акти асосида жазодан озод қилиш.**

Маъруза машғулот (2 соат).

### **Режа:**

1-савол. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни амнистия акти асосида жазодан озод қилиш тартиби ва асослари.

2-савол. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни афв акти асосида жазодан озод қилиш тартиби ва асослари.

### **1-савол. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни амнистия акти асосида жазодан озод қилиш тартиби ва асослари.**

**Амнистия** – жиноят процессининг исталган босқичида – дастлабки тергов, суриштирув, терговга қадар текширув ва ҳаттоки, жиноят ишини кўзғатишгача бўлган босқичда ҳам қўлланилиши мумкин. Бошқача айтганда амнистиянинг афв этишдан фарқли хусусияти шундаки, амнистия кенг мазмунга эга бўлиб, шахсни жиноий жавобгарликдан ҳам, жиноий жазодан ҳам озод қилади.

Қонунни бузган, бироқ ўз қилмиши ҳуқуққа хилофлигини англаган ва тузалиш йўлига ўтганини қатъиятлик билан намоён қилган шахсларга жамият ва ўз оиласи даврасига қайтиш имкони берилиши, ўзбек халқининг кечиримлилик, раҳмдиллик ва бағрикенглик каби азалий қадриятларининг рўёбга чиқарилиши ҳисобланади. Кўпчиликда «Президент амнистия чиқарибди» деган, нотўғри тушунча пайдо бўлди. Чунки аксарият инсонлар амнистия ва афв битта нарса, шунчаки амнистиянинг ўзбекчага таржимаси афв бўлади, деб ўйлашади. Бир қараганда улар кўп ҳам нотўғри ўйлашмаяпти, сабаби иккаласининг ҳам асосий мақсади битта — меҳр-шафқат ва инсонпарварлик тамойилларига асосланиб жиноят содир этган шахсни кечириб ва уни жазодан бутунлай ёки қисман озод қилишдир. Бироқ шундай бўлсада, бу икки тушунча бир-биридан фарқланади. Қуйида уларнинг энг асосий 10 та фарқи ҳақида маълумот олиш мумкин.

#### **Амнистия ва афвнинг бир-биридан 10 та фарқи.**

**биринчидан,** қўлланадиган шахслар тоифаси бўйича Афв – бу муайян шахслар учун, уларнинг шахсини тавсифловчи маълумотларни (ёши, соғлигининг ҳолати, оилавий аҳволи) инобатга олиб жазодан озод қилиш ҳисобланади.

Амнистия эса аниқ шахсларга эмас, умумий тоифаларга эълон қилинади. Масалан, 18 ёшга тўлмаган шахслар, аёллар ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этганларга амнистия акти қўлланилди, дейлик. Бунда амнистияга неча киши тушиши, кимлар тушиши олдиндан аниқ бўлмайди. Афв ҳужжатида эса кимларга қўлланилаётгани номма-ном ёзилади (айрим ҳолатлар истисно, масалан, 16 февраль воқеаларида қатнашиб, чин кўнгилдан пушаймон бўлганларга афв эълон қилингани каби).

**иккинчидан,** қўлланиладиган шахслар ҳолати бўйича Афв фақат суд ҳукми билан жазо тайинланган маҳкумларга эълон қилинади. Амнистия эса жиноят процессининг исталган босқичида - дастлабки тергов, суриштирув, терговга қадар текширув ва ҳаттоки жиноят ишини кўзгатишгача бўлган босқичда ҳам қўлланилиши мумкин. Бошқача айтганда, амнистиянинг афв этишдан фарқли хусусияти шундаки, амнистия кенг мазмунга эга бўлиб, шахсни жиноий жавобгарликдан ҳам, жиноий жазодан ҳам озод қилади.

**учинчидан,** эълон қилувчи субъектлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан, афв фақат Президент томонидан эълон қилинади. Амнистия акти эса Президент тақдимномасига биноан Олий Мажлисининг Сенати томонидан эълон қилинади. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 1991 йилдан 2004 йилгача бўлган даврда амнистия актлари Президент Фармони асосида қабул қилинган. 2005 йилдан юртимизда икки палатали Парламент ташкил этилгач, мазкур ваколат айнан Сенатнинг мутлақ ваколатларидан бири сифатида Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган эди.

**тўртинчидан,** қўллаш масаласини бажарувчи шахслар бўйича Амнистия актларини қўллаш масаласи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасалари ва судлар томонидан кўриб чиқилади. 2008 йилдан бошлаб, амнистия актини қўллашга оид якуний қарорни фақат судлар чиқариши белгилаб қўйилган. Афвни қўллаш масаласини эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги афв этиш масалалари бўйича махсус комиссия ҳал қилади.

**бешинчидан,** қўллаш тартиби бўйича Амнистия акти чиққандан кейин, уни кимларга қўллаш масаласини ҳал қилиш узоққа чўзилади ва кўплаб ташкилий жараённи ўз ичига олади. Масалан, амнистия актида эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган маҳкумлар озодликка чиқарилсин, деган қоида мавжуд бўлса, унда ижро колониялари маъмурияти ана шу тоифага тушадиган маҳбусларнинг аниқ сонини аниқлайди, рўйхатини шакллантиради ва уларга амнистия актини қўллашни сўраб судларга тақдимнома киритади. Шу каби ишларни терговчи, прокурор ва судлар ҳам амалга ошириши керак. Гарчи амнистия акти юридик моҳиятига кўра, номуайян шахслар доирасига қаратилган ҳужжат бўлса-да, бироқ уни қўллаш тўғрисидаги қарор судлар томонидан ҳар бир шахсга нисбатан алоҳида қабул қилинади. Афвни қўллаш эса кўп вақт ва тартибни талаб қилмайди. У қабул қилиниши билан дарҳол ижро этилади, бунинг учун яна алоҳида босқичлардан ўтиш шарт эмас. Масалан, А. исмли шахс жазодан озод этилсин деган Президент Фармони чиқса, у ўша заҳоти ижро этилади ҳамда А. исмли шахс озодликка чиқарилади.

**олтинчидан,** шахснинг хоҳиши бўйича Афвни қўллаш учун одатда жиноят содир этган шахсларнинг илтимосномаси асос бўлади. Амнистия актини қўллашда эса бундай илтимоснома талаб этилмайди. Терговчи, прокурор, жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ва судлар амнистия актига тушадиган барча шахслар рўйхатини шакллантириб, уларга амнистия



қўллаш масаласини ҳал этиши лозим. Бироқ қонунчиликда истисно тарзда жиноий жавобгарликка тортилган шахслар ўзига амнистия акти қўлланишини хоҳламаса, уларга амнистия актини қўллаш тақиқланади. Кўриб турганингиздек, шахслар ўзини афв этилишини сўраб илтимоснома беради, амнистия акти эса шахсларнинг хоҳиш-истагига қарамасдан ҳаммага умумий қўлланади.

**еттинчидан, ҳуқуқий** оқибатлари бўйича Амнистия актининг ҳуқуқий оқибатлари кенгроқ бўлади.

Яъни, амнистия акти қўлланилиши натижасида қуйидаги ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши мумкин:

- шахс жиноий жавобгарликдан озод этилиши;
- маҳқум асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан озод этилиши; маҳқумга тайинланган асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазонинг қисқартирилиши (камайтирилиши);
- маҳқум жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод этилиши;
- маҳқумга тайинланган жазонинг ўталмаган қисми енгилроғи билан алмаштирилиши; жиноят содир этган шахсдан судланганлик муддатидан илгари олиб ташланиши.

**саққизинчидан,** шахсларнинг таъсири бўйича Амнистия акти эълон қилинишига жиноят содир этган шахслар ҳеч қандай кўринишда таъсир ўтказа олмайди. Бу ҳукуматнинг мутлақ ҳуқуқи бўлиб, вазият тақозо этганда бир йил ичида бир неча маротаба эълон қилиниши ёки эълон қилинмаслиги ҳам мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасида истисно тарзида 1992 ҳамда 2003 йилларда бир йилда икки марта амнистия акти эълон қилинган. Қолган барча йилларда бир мартадан эълон қилинган. Афвни қўллаш учун эса одатда жиноят содир этган шахслар ҳукумат қарорига бевосита таъсир ўтказади. Яъни афвни қўллаш ёки қўлламаслик масаласи уларнинг ташаббуси билан ҳам бевосита боғлиқ бўлади.

**тўққизинчидан,** шахсий омилларнинг аҳамияти бўйича Амнистия ва афв ўртасида яна бир кичикроқ фарқ бу шахсий омилларнинг таъсирида кўринади. Яъни афвни қўллашда маҳқумнинг қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлигига, маҳқумнинг шахсини тавсифловчи маълумотларга, унинг ёши, соғлигининг ҳолати, оилавий аҳволига (қарамоғида вояга етмаган фарзандлар, меҳнатга қобилиятсиз эр (хотин) ва (ёки) кекса ёшдаги ота-онаси мавжудлигига) албатта эътибор қаратилади. Бу омилларни ҳисобга олмасдан афв қўлланиши деярли имконсиз. Амнистия актида эса ҳар доим ҳам бундай омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмайди. Масалан, амнистияда 60 ёшдан ошган кексалар жазодан озод этилиши ҳақида қоида бўлса, бу барча кексаларга бирдек қўлланади. Улар орасида қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлмагани бўлса ҳам, амнистия акти асосида озодликка чиқарилади. Ёки бундай ҳолда уларнинг оилавий аҳволини ўрганишга ҳам эҳтиёж йўқ. Фақат истисно тариқасида айрим ҳолларда шахсларнинг соғлиғи (масалан, сил касалига чалинганлар) ёки уларнинг қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлиги (тақиқланган

ташкilotлар фаолиятидаги иштироки) амнистия қўллашда эътиборга олиниши ҳам мумкин.

**ўнинчидан**, норматив ҳужжат мақоми бўйича охириги фарқ амалий эмас, балки илмий фарқдир. Ҳуқуқшунослик қоидаларига кўра, амнистия норматив акт ҳисобланади, афв эса бундай эмас. Чунки амнистия ҳуқуқ нормасининг туғилишига сабаб бўлади, афв эса ҳуқуқни қўллаш характеридаги акт холос. Шунингдек, афв аниқ шахсга йўналтирилгани сабабли янги қоида яратмайди, ўзга шахсларга таъсир қилмайди, қонунчиликдаги тартибларга ўзгариш киритмайди. Шунга кўра афв норматив акт сифатида баҳоланмайди.

## **2- савол. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни афв акти асосида жазодан озод қилиш тартиби ва асослари.**

**Афв** – бу муайян шахслар учун, уларнинг шахсини тавсифловчи маълумотларни (ёши, соғлигининг ҳолати, оилавий аҳволи) инобатга олиб жазодан озод қилиш ҳисобланади.

Афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларни тақдим этиш, расмийлаштириш ва кўриб чиқиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Афв этиш маҳкумни жазодан тўлиқ ёки қисман озод этадиган ёки суд томонидан тайинланган жазони бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирадиган ёхуд судланганликни олиб ташлайдиган инсонпарварлик акти ҳисобланади.

Афв этиш муайян маҳкумга нисбатан индивидуал тартибда амалга оширилади ҳамда уни оқлайдиган ва у томонидан жиноят содир этганлик фактини бартараф қиладиган ҳолат ҳисобланмайди.

Афв этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони қабул қилиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ихтиёрига кўра исталган маҳкумни ёки жазони ўтаб бўлган шахсни афв этиши мумкин.

Афв этиш Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилади.

**Афв этиш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:**

- асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилиш;
- жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш;
- умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш;
- судланганликни олиб ташлаш.

**Афв эса фақат маҳкумларга қўлланишини ҳисобга олганда, ҳуқуқий оқибатлари камроқ бўлади.**

Булар:

- асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан тўлиқ ёки қисман озод этилади;
- жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод этилади;
- умрбод озодликдан маҳрум этиш ёки бошқа ўталмаган жазони нисбатан енгилроқ жазо билан алмаштирилади;
- судланганлик олиб ташланади.
- 

***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия фаолиятини ташкил этиш.***

Афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланган Комиссия томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмаларининг фуқаролик ва афв этиш шўъбаси (кейинги ўринларда — Шўъба) Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

Комиссиянинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва «Нуроний» жамғармаси вакиллари киритилади.

Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, шунингдек, бошқа давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ҳамда бошқа шахслар ҳам киритилиши мумкин.

Комиссия мажлисларини Комиссия раиси ёки унинг топшириғига кўра ўринбосар ўтказди.

Комиссия мажлислари афв этиш тўғрисидаги илтимосномалар келиб тушишига қараб ўтказилади.

Зарур ҳолларда Комиссия мажлислари видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин.

Комиссия мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, ички ишлар, адлия ҳамда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлари, улар бўлмаган тақдирда ўринбосарлари иштирок этиши мумкин.

Комиссия афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш учун ўз мажлисларига давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ва бошқа

шахсларни таклиф этиш ҳуқуқига эга.

Комиссия мажлисида баённома юритилади.

### ***Афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларни тақдим этиш тартиби***

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома маҳкум ёки жазони ўтаб бўлган шахс, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан афв этиш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳуқуқи берилган шахс (орган)лар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига ёзма шаклда берилади.

Агар илтимоснома қонун ҳужжатлари билан афв этиш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳуқуқи берилган шахс (орган) томонидан берилган бўлса, маҳкумнинг ёзма розилиги олиниши шарт. Бундай ҳолатда афв этиш тўғрисидаги илтимоснома ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган органларга маҳкумнинг розилигини олиш, тегишли материалларни белгиланган тартибда расмийлаштириш учун юборилади. Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома маҳкумнинг ёзма розилиги ва ушбу Низом талабларига мувофиқ расмийлаштирилган бошқа материаллар билан бирга Шўъбага юборилади.

**Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома суд ҳукми қонуний кучга киргандан кейин қуйидаги муддатларда берилиши мумкин:**

■ умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазонинг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин;

■ узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг ўн беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин;

■ бошқа жазога ҳукм этилган шахс томонидан ўталган (ижро этилган) жазо муддати (ҳажми)дан қатъи назар, ушбу банднинг «г» кичик бандида кўрсатилган шахслар бундан мустасно;

■ илгари амнистия акти асосида жиноий жавобгарликдан озод этилган, шартли ҳукм қилинган, муддатидан илгари шартли равишда, амнистия акти ва афв этиш асосида жазодан озод қилинган, шунингдек, ўзига нисбатан енгилроқ жазо билан алмаштириш қўлланилган ҳамда яна қасддан жиноят содир этган шахс, худди шунингдек, ўта хавфли рецидивист томонидан у тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб

бўлганидан кейин, ушбу банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган шахслар бундан мустасно.

#### **Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома Шўъбага:**

■ жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти ёки ҳукмни ижро этувчи бошқа орган (кейинги ўринларда — муассаса маъмурияти) орқали;

■ судланганликни олиб ташлаш бўйича афв этиш тўғрисидаги илтимоснома берилган ҳолларда мустақил равишда юборилади.

#### ***Афв этиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби ва тақдим этиш муддатлари***

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома муассаса маъмурияти томонидан афв этиш тўғрисидаги илтимосномалар ҳисоби юритиладиган махсус журналда илтимоснома берилган кунда рўйхатдан ўтказилади, бу ҳақда маҳкум имзо қўйдирилган ҳолда хабардор этилади.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс томонидан берилган кундан бошлаб ўн кундан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ёки суд томонидан жазони ижро этиш зиммасига юкланган бошқа органга юборилади.

Жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсни афв этиш тўғрисидаги илтимоснома Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан, хизмат бўйича чеклаш ва интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсни афв этиш тўғрисидаги илтимоснома Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ёки жазони ижро этувчи бошқа орган томонидан ушбу Низомда белгиланган тартибда Шўъбага юборилади.

Ушбу Низомнинг 16 ва 34-бандлари талабларига мувофиқ берилган афв этиш тўғрисидаги илтимосномани юборишни муассаса маъмурияти томонидан рад этиш мумкин эмас. Муассаса маъмурияти томонидан илтимоснома юборилганлиги ҳақида маҳкум икки кун давомида имзо қўйдирилган ҳолда хабардор этилади.

Ушбу низомнинг 16 ва 34-бандларида кўрсатилган муддатлар ўтгунга қадар афв этиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилинган ҳолларда муассаса маъмурияти томонидан ушбу илтимоснома кейинчалик кўриб чиқиш учун юборилмаган ҳолда рўйхатдан ўтказилади, маҳкумга эса афв этиш тўғрисидаги илтимосномани бериш тартиби имзо қўйдирилган ҳолда тушунтирилади.

Афв этиш тўғрисидаги илтимосномага муассаса маъмурияти томонидан қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

■ - маҳкумнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг муассаса маъмурияти томонидан тасдиқланган нусхаси;

■ маҳкумнинг биографик маълумотлари, унинг оилавий ҳолати ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, маҳкумнинг олдинги афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқиш натижалари кўрсатилган сўровнома;

■ маҳкумнинг жазони ўташ давридаги хулқ-атвори, меҳнат ва ўқишга муносабати, содир этилган қилмишга муносабати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган муассаса маъмуриятининг маҳкум ҳақидаги тавсифномаси;

■ - маҳкумнинг соғлиғи ҳолати ҳақида маълумотнома;

■ маҳкумнинг жазони ўташига асос бўлган суд ҳукми (ҳукмлари)нинг муассаса маъмурияти томонидан тасдиқланган нусхаси ва юқори турувчи суд инстанцияларининг ушбу суд ҳукми (ҳукмлари) бўйича қарорларининг, шунингдек, маҳкумга нисбатан чиқарилган бошқа суд қарорларининг муассаса маъмурияти томонидан тасдиқланган нусхалари;

■ муассаса маъмуриятининг суд ҳукми қонуний кучга кириши, маҳкумга нисбатан амнистия акти ёки афв этиш қўлланилиши, шунингдек, жиноят оқибатида етказилган зарар маҳкум томонидан қопланиши ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ахбороти.

Афв этиш тўғрисидаги илтимосномага маҳкумнинг илтимосига кўра афв этиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бошқа материаллар илова қилиниши мумкин.

Ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган органлар афв этиш тўғрисидаги илтимосномани олган кундан бошлаб ўн кун давомида:

афв этиш тўғрисидаги илтимосномани келиб тушган материаллар билан бирга ўрганади ва ҳар бир маҳкум бўйича мазкур органлар раҳбарларининг ўринбосарлари томонидан тасдиқланадиган умумлаштирилган маълумотнома-жадвал тайёрлайди;

илтимосномани умумлаштирилган маълумотнома-жадвал ва бошқа материаллар билан бирга Шўъбага юборади. Оғир ва ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан илтимоснома, маълумотнома-жадвал, суд қарори ёки унинг қарор қилувчи қисми ҳамда бошқа материалларнинг нусхалари Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Бош прокуратурасига, Жиноят кодексининг 150 — 163, 244<sup>1</sup>, 244<sup>2</sup>, 244<sup>3</sup> ва 246-моддаларида (диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларга доир қисми бўйича) назарда тутилган жиноятлар бўйича илтимоснома, маълумотнома-жадвал, суд қарори ёки унинг қарор қилувчи қисми ҳамда бошқа материалларнинг нусхалари Давлат хавфсизлик хизматига ҳам юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси ва Давлат

хавфсизлик хизмати бир ой давомида Шўъбага мазкур органлар раҳбарлари ўринбосарлари томонидан тасдиқланадиган маҳкумни афв этиш мумкинлиги масаласи юзасидан хулоса тақдим этади. Хулосада маҳкумнинг шахси ва содир этилган жиноятнинг ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, маҳкумга нисбатан қабул қилинган суд қарорларининг мазмуни кўрсатилади.

Материаллар рўйхат қилинган, ип ўтказиб боғланган ва муҳрланган шаклда Шўъбага юборилади.

Ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган органлар:

- маҳкум вафот этганда;
- маҳкум сақлаш шароити ўзгарганлиги муносабати билан бошқа муассасага ўтказилганда;
- афв этиш ҳақидаги масалани ҳал қилишга таъсир этиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар юзага келганда, жумладан маҳкумга нисбатан жазодан озод қилишнинг бошқа турлари қўлланилганда, Шўъбани дарҳол хабардор қилиши шарт.

***Шўъбанинг афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш учун материалларни тайёрлаш бўйича ваколатлари.***

Шўъба ҳужжат айланишини ва ҳисоботни юритиш, дастлабки материаллар ва тегишли хулосаларни тўплаш, маълумотнома-жадвал ва баённомалар лойиҳаларини, шунингдек, Комиссия мажлисларини ўтказиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни тайёрлашни ўз ичига олган Комиссия ишини ташкил этади.

Тегишли материаллар билан бирга афв этиш тўғрисида келиб тушган ҳар бир илтимоснома Шўъба томонидан ушбу Низом талабларига риоя қилинганлиги юзасидан ўрганилади.

Шўъба ўрганиш натижалари бўйича афв этиш тўғрисидаги илтимоснома келиб тушган кундан бошлаб ўн кун давомида:

■ илтимосномани белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун қабул қилади;

■ агар ҳужжатларни беришда ёки расмийлаштиришда ушбу Низом талаблари бузилишига йўл қўйилган бўлса, илтимосномани кўриб чиқиш учун қабул қилишни рад этади ва илтимосномани у келган органга ёхуд уни юборган шахсга қайтаради. Бунда афв этиш тўғрисидаги илтимоснома аниқланган камчиликлар бартараф этилгандан кейин, у қайтарилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан такроран тақдим этилиши мумкин.

Ҳукмнинг асоссизлигига ёки қонунийлик бузилганлигига доир текширилиши зарур бўлган маълумотлар келтирилган афв этиш тўғрисидаги илтимосномалар Шўъба томонидан текшириш учун тегишли органларга юборилади.

Шўъба, зарурат бўлганда, тегишли органлар ва ташкилотларга қуйидагиларни олиш учун сўровлар юборишга ҳақли:

■ маҳкумнинг содир этилган жиноятга, меҳнатга, ўқишга нисбатан муносабатини, унинг хулқ-атворини, соғлиғи ҳолатини, шунингдек, жиноят оқибатида етказилган зарар қопланганлигини акс эттирувчи ахборотни;

■ маҳкумга нисбатан амнистия акти ёки афв этиш қўлланилганлиги, шартли ҳукм қилинганлиги, ҳукм ижроси кечиктирилганлиги, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинганлиги, жазонинг ўталмаган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилганлиги, касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод этилганлиги, муқаддам судланганлиги, судланганлиги олиб ташланганлиги ва тугалланганлиги ҳақидаги маълумотларни;

■ афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни.

Тегисли органлар ва ташкилотлар сўров келиб тушган кундан бошлаб ўн кун давомида сўралган ахборотни ва маълумотларни тақдим этади.

Шўъба тўпланган материалларни ўрганиш яқунлари бўйича умумлаштирилган маълумотнома-жадвал тузади. Унда қуйидагилар акс эттирилади:

■ маҳкумнинг биографик маълумотлари, оилавий аҳволи, соғлиғи ҳолати ва унинг шахсини тавсифловчи бошқа маълумотлар;

■ маҳкумнинг муқаддам судланганлиги, унга нисбатан амнистия акти ва афв этиш қўлланилганлиги, шартли ҳукм қилинганлиги, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинганлиги, ҳукм ижроси кечиктирилганлиги, жазонинг ўталмаган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилганлиги, касаллиги сабабли жазони ўташдан озод қилинганлиги, судланганлиги олиб ташланганлиги ва тугалланганлиги ҳақидаги маълумотлар;

■ ҳукм чиқарган суд номи ва ҳукм чиқарилган сана, суд ҳукми қонуний кучга кириши ҳақидаги маълумотлар, маҳкумга нисбатан ҳукмнинг хулоса қисми мазмуни (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг маҳкум ҳукм қилинган моддалари, тайинланган жазо тури, муддати ёки ҳажми, ундирилиши лозим бўлган зарар суммаси);

■ маҳкум жазони ўтаётган жой, жазони ижро этиш муассасаларида унинг белгиланган режимга риоя қилиши, жиноят оқибатида етказилган зарарнинг қопланганлиги, жазо муддати (ҳажми)нинг ўталган ва ўталмаган қисмлари, шунингдек, афв этиш тўғрисидаги олдинги илтимосномаларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотлар;

■ Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси ва Давлат хавфсизлик хизматининг маҳкумларни афв этиш мумкинлиги ҳақидаги хулосалари;



■ афв этиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа материаллар.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома ва тайёрланган тегишли материаллар Шўъба томонидан Комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун киритилади.

### *Афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш*

Афв этиш тўғрисидаги илтимосномани Комиссия томонидан кўриб чиқиш муддати илтимоснома келиб тушган кундан бошлаб уч ойдан ошмаслиги лозим.

Афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда Комиссия томонидан қуйидагилар эътиборга олинади:

→ содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси;

→ жазони ўташ ёки ижро этиш вақтида маҳкумнинг хулқ-атвори (тузалиши);

→ ўталган (ижро этилган) жазо муддати (ҳажми);

→ маҳкумга нисбатан муқаддам амнистия акти, афв этиш қўлланилганлиги ёки жазодан муддатидан илгари шартли озод этилганлиги, жазонинг енгилроқ жазо билан алмаштирилганлиги;

→ жиноят оқибатида етказилган зарарнинг қопланганлиги;

→ маҳкумнинг шахси, соғлиғи ҳолати, судланганлиги, оилавий аҳволи ва ёши;

→ Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси ва Давлат хавфсизлик хизматининг хулосалари;

→ Комиссия илтимосномани кўриб чиқиш учун муҳим деб ҳисоблаган бошқа ҳолатлар.

Афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда қўшимча текширилиши зарур бўлган масалалар келиб чиққан ҳолларда, Комиссия илтимосномани кўриб чиқишдан олиб ташлаш, илтимоснома кўриб чиқиладиган муддат давомида, жумладан жойига чиққан ҳамда манфаатдор органлар ва ташкилотлар вакиллари жалб қилган ҳолда тегишли органларга ўрганиш ўтказиш ҳақида топшириқ бериш ёки ўрганишни мустақил ташкил этишга ҳақли. Ўрганиш якуни бўйича Комиссияга ўрганилган масала юзасидан хулоса киритилади.

Комиссия мажлиси унда Комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

Комиссия афв этиш тўғрисидаги илтимосномани дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижалари бўйича оддий кўпчилик овоз билан баённома қарорини қабул қилади.

Овозлар тенг бўлиб қолганда, Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи

овоз ҳисобланади.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома ижобий кўриб чиқилганда, Комиссия Ўзбекистон Республикаси Президентига таклиф киритади.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома рад этилганда, Шўъба бу ҳақда бир кун давомида илтимоснома берган шахсни хабардор қилиш учун илтимоснома келиб тушган органга ёки илтимосномани мустақил равишда юборган шахсга хабар беради.

Муассаса маъмурияти афв этиш тўғрисидаги илтимоснома рад этилганлиги ҳақидаги маълумотни олгандан сўнг кейинги кундан кечиктирмасдан илтимоснома берган маҳкумни имзо қўйдирган ҳолда хабардор қилади.

Оғир ва ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларни афв этиш тўғрисидаги такрорий мурожаатга олдинги илтимоснома рад этилган кундан бошлаб бир йил ўтгандан сўнг, бошқа жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларни афв этиш тўғрисидаги такрорий мурожаатга эса олдинги илтимоснома рад этилган кундан бошлаб олти ой ўтгандан кейин йўл қўйилади, жиддий аҳамиятга эга бўлган янги ҳолатлар юзага келган ҳоллар бундан мустасно.

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан ўз ихтиёрига кўра маҳкумни ёки жазони ўтаб бўлган шахсни афв этиш тартиби.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маҳкумнинг ёки жазони ўтаб бўлган шахснинг афв этишни сўраб ёзган илтимосномаси мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар ўз ташаббуси билан исталган маҳкумни ёки жазони ўтаб бўлган шахсни афв этиши мумкин.

Бу ҳақда Шўъбага Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқ хати юборилади.

Шўъба Ўзбекистон Республикаси Президентидан топшириқ хатини олган кундан эътиборан бир иш куни ичида Комиссия аъзоларига Комиссиянинг мажлиси ўтказилиши куни ва жойи ҳақида хабар беради.

Комиссиянинг мажлиси якуни бўйича Шўъба томонидан маҳкумларни ёки жазони ўтаб бўлган шахсларнинг шахсини ва ҳужжатларини ўрганиш бўйича Комиссия аъзолари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа мутасадди ташкилотлар масъул ходимларидан иборат таркибда ишчи гуруҳлар шакллантирилади ва уларнинг жойларга чиқиши ташкил этилади.

Ишчи гуруҳ Комиссиянинг муҳокамасига киритиш учун ҳужжатлари ажратиб олинган маҳкумлардан ёки жазони ўтаб бўлган шахслардан уларга нисбатан афв этиш масаласи кўриб чиқилишига эътирози йўқлиги ҳақида розилик хатини олади.

Маҳкум ёки жазони ўтаб бўлган шахс розилик хатини ёзмаган тақдирда, унинг ҳужжатлари Комиссиянинг муҳокамасига киритилмайди.

Комиссия ишчи гуруҳ томонидан тақдим этилган маҳкумларнинг ёки жазони ўтаб бўлган шахсларнинг ҳужжатларини муҳокама қилиб, афв этилиши мумкин бўлган маҳкумлар ёки жазони ўтаб бўлган шахслар бўйича

баённома қарорини қабул қилади ва Ўзбекистон Республикаси Президентига таклиф киритади.

Комиссиянинг маҳкумни ёки жазони ўтаб бўлган шахсни афв этишга тавсия қилишни рад этганлиги, маҳкумга ёки жазони ўтаб бўлган шахсга келгусида афв этишни сўраб илтимоснома билан мурожаат қилишга монелик қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг афв этиш тўғрисидаги фармони ижро қилиш учун:

жарима жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига;

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсларга, шунингдек, судланганлиги олиб ташланган шахсларга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ёки суд томонидан жазони ижро этиш зиммасига юкланган бошқа органга;

хизмат бўйича чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсларга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига ёки жазони ижро этувчи бошқа органларга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг афв этиш тўғрисидаги фармони маълумот учун ва ижроси устидан назоратни амалга ошириш учун тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Бош прокуратурасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг афв этиш тўғрисидаги фармони ижросини назорат қилиш Шўъба томонидан амалга оширилади.

Шу муносабат билан, 2009 йил 13 мартда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом ўз кучини йўқотди. Хўш, янги таҳрирда қабул қилинган Низом билан эскисининг қандай фарқи бор?

**Биринчидан**, афв этиш ҳақида илтимосномани киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар рўйхати бирмунча аниқлаштирилди. Эски Низомда “Афв этиш ҳақидаги илтимоснома, қоида тариқасида, судланган шахс томонидан ёзма шаклда Ўзбекистон Республикаси Президенти номига берилади” деб белгиланган эди. Янги Низомда эса, ушбу илтимоснома судланган ёки жазони ўтаб чиққан шахс, шунингдек, қонун томонидан илтимоснома киритиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс (орган) томонидан киритилиши мумкин эканлиги келтирилган. Шунингдек, илтимоснома бошқа шахс (орган) томонидан берилганда афв этилиши сўралаётган шахснинг ёзма розилиги бўлиши керак.



**Иккинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги афв этиш масалалари бўйича Комиссиянинг таркибига кимлар кириши аниқ кўрсатиб берилди. Янги Низомга асосан, ушбу Комиссиянинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, шунингдек, Ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар қўмитаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш Республика кенгаши ҳамда “Нуроний” жамғармаси вакиллари иборат бўлади.

Шунингдек, Комиссия таркибига Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг вакиллари ҳамда бошқа шахслар ҳам жалб қилиниши мумкин.



**Учинчидан**, афв этиш ҳақидаги илтимосномага илова қилинадиган ҳужжатлар сони ортди. Жумладан, илтимосномани дастлабки тарзда кўриб чиқувчи Президент ҳузуридаги афв этиш масалалари бўйича Комиссия секторига илтимоснома билан бирга юбориладиган ҳужжатлар рўйхатига жазони ижро этувчи муассасанинг маъмурияти томонидан тасдиқланган маҳкумнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси қўшилди.

Мазкур янги Фармон ва Низомнинг қабул қилиниши – давлатимизнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам фуқаролар учун ғамхўрлигининг ёрқин мисолидир.

Зеро, жиноятга қўл урган, боши деворга теккандан сўнг адашганлигини тушуниб етган одамларни афв этиш – муқаддас динимизнинг ҳам асосий арконларидан бири саналади.

“Афв” ва “Амнистия” тушунчаларининг бир-биридан ўзаро фарқлай олишимиз даркор. Чунки аксарият инсонлар афв ва амнистия бир хил нарса, шунчаки амнистиянинг ўзбекча таржимаси авф бўлади, деб ўйлашади. Иккала тушунчанинг асосий мақсади битта – меҳр-шавқат ва инсонпарварлик тамойилларига асосланиб жиноят содир этган шахсни кечириш ва уни жазодан бутунлай ёки қисман озод қилишдир. Бироқ, шундай бўлишига қарамасдан бу икки тушунча бир-биридан фарқланади. Афв ва амнистия қандай шаклларда амалга оширилади?, Улар қандай фарқланади? – деган саволларга жавоб топиш учун қуйидаги фарқларни кўриб чиқамиз:


**Биринчидан, афв** – бу муайян шахслар учун, уларнинг шахсини тавсифловчи маълумотларни (ёши, соғлигининг ҳолати, оилавий аҳволи) инобатга олиб жазодан озод қилиш ҳисобланади. **Амнистия** – аниқ шахсларга эмас, умумий тоифаларга эълон қилинади.

**Иккинчидан, афв** – фақат суд ҳукми билан жазо тайинланган маҳкумларга эълон қилинади. **Учинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан, **афв фақат Президент томонидан эълон қилинади**. Амнистия акти – Президент тақдимномасига биноан **Олий Мажлисининг Сенати томонидан эълон қилинади**.

**Тўртинчидан, амнистия актларини қўллаш масаласи** – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасалари ва судлар томонидан кўриб чиқилади. 2008 йилдан бошлаб, амнистия актини қўллашга оид якуний қарорни фақат судлар чиқариши белгилаб қўйилган. **Афвни қўллаш масаласини** – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги афв этиш масалалари бўйича махсус комиссия ҳал қилади.

**Бешинчидан, амнистия акти чиққандан кейин**, уни кимларга қўллаш масалани ҳал қилиш узоққа чўзилади ва кўплаб ташкилий жараённи ўз ичига олади. **Афвни қўллаш** эса кўп вақт ва тартибни талаб қилмайди. У қабул қилиниши билан дарҳол ижро этилади, бунинг учун яна алоҳида босқичлардан ўтиш шарт эмас.

Маълумот учун:



**Олтинчидан, афвни қўллаш** учун одатда жиноят содир этган шахсларнинг илтимосномаси асос бўлади. **Амнистия актини қўллашда** эса бундай илтимоснома талаб этилмайди. Терговчи, прокурор, жазони ижро

этиш муассасаси маъмурияти ва судлар амнистия актига тушадиган барча шахслар рўйхатини шакллантириб, уларга амнистия қўллаш масаласини ҳал этиши лозим. Бироқ қонунчиликда истисно тарзда жиноий жавобгарликка тортилган шахслар ўзига амнистия акти қўлланишини хоҳламаса, уларга амнистия актини қўллаш тақиқланади. Шахслар ўзини афв этилишини сўраб илтимоснома беради, амнистия акти эса шахсларнинг хоҳиш-истагига қарамасдан ҳаммага умумий қўлланади.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни амнистия ёки афв этиш акти асосида жазодан озод қилиш мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни амнистия акти асосида жазодан озод қилиш тартиби ва асослари.
2. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни афв акти асосида жазодан озод қилиш тартиби ва асослари.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўз ихтиёрига кўра маҳкумни ёки жазони ўтаб бўлган шахсни афв этиш тартиби.
4. Афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия фаолиятини ташкил этиш.
6. . “Афв” ва “Амнистия” тушунчаларининг бир-биридан фарқи.
7. Оғир ва ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларни афв этиш?
8. Умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларни афв этиш?

## 24-мавзу: Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни амнистия ёки афв этиш акти асосида жазодан озод қилиш.


Семинар машғулот (2 соат)

### Семинар машғулот.

Ушбу ўқув машғулоти **“Сухбат”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Машғулотда ўқитувчи ва ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўртасида диалогик характерга эга савол-жавобга асосланувчи ушбу метод негизини жонли мулоқот ташкил этади. Методнинг афзаллиги сухбат жараёнида ойдинлашмаган масалалар юзасидан қўшимча саволлар бериш, ўқувчи (тингловчи ва курсант)нинг фикрлашга ундаш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Таълимий муносабатнинг жонли мулоқотга асосланиши эса ўқитувчи ва ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўртасида руҳий яқинликни қарор топтириб, фаол фикр алмашиш имконини беради.

#### Методни қўллашда қуйидаги тартибда иш қўрилади:



### **Ўқув машғулотнинг саволлари:**

1-савол. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни амнистия акти асосида жазодан озод қилиш тартиби ва асослари.

2-савол. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни афв акти асосида жазодан озод қилиш тартиби ва асослари.

3-савол. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўз ихтиёрига кўра маҳкумни ёки жазони ўтаб бўлган шахсни афв этиш тартиби.

4-савол. Афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш.

5-савол. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия фаолиятини ташкил этиш.

6-савол. “Афв” ва “Амнистия” тушунчаларининг бир-биридан фарқи.

7-савол. Оғир ва ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларни афв этиш?

8-савол. Умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларни афв этиш?

### **25-мавзу: Жазо ижросини ташкил қилинишининг шаклланиши ва уни ташкил этишда хорижий давлатлар тажрибаси.**

Маъруза машғулоти (2 соат).

#### **Режа:**

1. Жиноий жазо ижросини ташкил этишда хорижий давлатлар тажрибаси: Оборнлик тузим, Пенсильвания тузими, Ирланд тизими.

2. Ҳозирги даврда жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини ташкил этишда МДХ, Европа давлатлари ва АҚШ тажрибаси.

#### **1-савол. Жиноий жазо ижросини ташкил этишда хорижий давлатлар тажрибаси: Оборнлик тузим, Пенсильвания тузими, Ирланд тизими**

Қадимда қамоқхоналар асирларни, жиноятчиларни, хусусий ва давлатга қарздорларни ушлаб туриш, бошқа жазоларни кучайтириш ёки қатл этиш учун ташкил қилинган.

Қадимги Римда Сервий Туллий<sup>8</sup> замонларида ер ости қамоқхонаси Туллианум мавжуд бўлган. Унда кўплаб насронийлар турли юқумли касалликлардан нобуд бўлганлар.

Ўрта асрларда асирлар, қарздорлар, жиноятчилар, сиёсий хавфли шахсларни, монастир хужраларида, қалъа ё рицарлик қасрлари минорасида, шаҳар ратушаларида ушлаб туриш амалиёти кенг тарқалган. Машъум қамоқхоналардан Лондондаги Тауэр, Венециядаги дожейлар саройи, Нюрнбергдаги ратушанинг ер ости қамоқхоналари тарихга маълум.

Европада дастлабки ройишлик уйлариининг ташкил этилишига салб

---

<sup>8</sup> Сервий Туллий – қадимги Рим ҳукмдори (м.а. 577 – 535 й.й.). Унинг номини давлатчилик тузуми соҳасида ислохотлар ва буюк қурилишлар фаолияти билан боғлашади.



юришларидан кейин оммавий фақирлик ва гадоларнинг кўпайганлиги туртки бўлган. Шундай уйлардан бири 1950 йил Лондондаги House of correction (*тарж.* тузатиш уйи), кейинчалик 1588 йилда Амстердамда ва Нюрнбергда гадо болалар учун махсус уйлар, 1613 йил Любекда, 1615 йил Гамбургда, 1682 йил Мюнхенда ташкил этилди. У ерга нафақат дарбадарлар, фақирлар, турли тоифа жиноятчилар, балки ишчи ва хизматкорлар танбаллиги ҳамда кўрс-кўпол хулқи учун ҳам жойлаштирилганлар. Бунинг оқибатида ройишлик уйлари тўлиб-тошиб турли юқумли касалликларнинг (*масалан*, тиф) ва разолатнинг ўчоғига айланган. ХҮШ асрларда барча қамоқхоналар даҳшатли ва аянчли аҳволда эди. Қамоқхона бинолари паст, тор, ёруғлик ва ҳаво кирмайдиган ҳолатда бўлган. Аёллар, эркаклар, болалар бирга ушлаб турилган. Овқатлари танқис ва ночор: одатда, сув ва нондан иборат, ётар жойлари захланиб чириб бошлаган поҳолдан иборат бўлган. Англияда ҳам бошқа давлатларда ҳам қамоқхоналар шунақа ачинарли, нохуш аҳволда қолган. Фақатгина Нидерландиядаги қамоқхоналар аҳволи бирмунча яхшироқ бўлиб, унга уларнинг инсонпарварлик қарашлари туфайли эришилган. Бу ердаги қамоқлар анча тартиблилиги, ташкиллаштирилганлиги, назоратда бўлганлиги билан ажралиб турарди. 1775 йил Генте шаҳрида алоҳида махсус Maison de force (*тарж.* мажбурий уй) қамоқхонаси қурилди, унда ҳибсдагилар кундузи қаттиқ назорат остида ишлатилар, кечаси алоҳида камераларга жойлаштирилар эди. Маҳбуслар Гентедагидек кечасига бунақа тарқатилишидан ташқари биринчи марта бошқа тузатиш чоралари, яъни маънавий жиҳатдан гуруҳлаш ҳам маҳбуслар маънавиятини туширмаслик ниятида қўлланилар эди. Шу тарзда Генте қамоғи, биринчи марта, жиноятчилар ахлоқини тузатиш мақсадини кўзлаганди.

Кейинчалик бошқа давлатлар ҳам жиноятчиларни қамоқда сақлашдан улар ахлоқини тузатишни мақсад қилиб олганди. Шунинг учун протестантлик мамлакатларида қамоқхоналарнинг алоҳида махсус тартибли тизимлари синовдан ўтказилди.

Америкалик квакерлар<sup>9</sup> қамоқни тавба қиладиган жой (*penitentiare*) шаклида уюштиришга ҳаракат қилдилар. Ушбу мақсадда Вальмут Стритдаги эски қамоқхона ёнбошига 1730 йилда янги бино (бир кишилик ўттизта камералар билан) қуриб битказилди. Бу – қамоқхонанинг алоҳида махсус яқка сақлаш типигаги тури эди. Бироқ, бу тажриба узоққа етмади – қамоқхоналар тўлиб кетиб, бир кишилик камералар фақат кечасигина ётадиган бинога айланди. Масалан, “Оборнлик тузим” деб юритиладиган қамоқда маҳбусларни гаплашмаслиги кўзда тутилган ва кечасигагина тарқатилиш тизими йўлга қўйилган. Бу ерда маҳбусларга ён атрофга қараш ҳамда бир-бирига имо-ишора қилиш ҳам таъқиқланган. 550 та маҳбусга мўлжалланган ва кечаси шунча ҳужрага ажратиладиган Оборн қамоғи 1820 йилда қуриб бўлинганди. Маҳбуслар саҳарда камералардан чиқарилиб, умумий устахоналарга кузатиб қўйилган. Бу ерда улар кучли назорат остида

<sup>9</sup> Квакерлар (ингл. quakers) – насронийликдаги йўналиш, ХҮШ аср ўртасида Англия ва Уэльс ўртасидаги инқилоб даврида пайдо бўлган. Мустақил диний ташкилотлар бирлашмаси, улар ўртасида эътиқод ва амалиётда бир-биридан фарқланишига йўл қўйилган.

сукут сақлаб ишлардилар, ушбу ҳолат тушликда ҳам давом этарди, қўшнилар бехосдан муомалага киришмаслиги учун столнинг атрофида бир томонга қаратиб ўтказиларди. Кун машаққат, ғусса, жимжитликда ўтарди; тартибнинг ҳар қандай бузилиши учун зудлик билан таъзирий чоралар кўриларди: қамчи билан уриш учун назоратчилар доимо шай турардилар. Маҳбуслар нафақат айтган сўзи учун, балки иш жараёнидаги парижонхотирлиги учун ҳам жазоланарди. Кечкурун маҳбуслар яна камераларига тарқатилар ва у ердан туриб коридордаги руҳоний ибодатларини тинглаши зарур эди. Кўплари бу йўсиндаги тартиботни кўтара олмасди, шунинг натижасида сукутни бузганлиги учун интизомий жазо чораларининг сони мутассил ошиб борарди. АҚШда қисқа муддат ичида шу тоифадаги қамокларнинг ўн учтаси, шу жумладан, Нью Йорк яқинида минг камерага мўлжалланган Синг-Синг қамокхонаси қурилди. Оборн тузими Европагача ҳам кириб келди, лекин шу ўринда айтиш жоизки, у бир қанча юмшатишлар билан содир бўлди.

1818 йил Пенсильвания штатида сақланиши якка тартибли қамокларни Питсбург шаҳрида қуришга қарор қилинди ва 1826 йилда қуриб тамомланди. Якка тартибли ҳибслар “Пенсильвания тузими” деб атала бошланди. Дастлабки йиллардаёқ якка тартибли қамокхоналар кўпгина ўз афзалликларини кўрсатди: қочишлар камайди, фитна ва уюшган норозиликлар, маҳбусларнинг ахлоқий бузилишлари чекланди. Бироқ, жамиятдан тўла ажратиш, қариндошлар билан хат ёзиб туришларнинг таъқиқланиши кўпчиликни ақдан озишигача олиб борадиган ҳолатга солиб қўйди; касалланиш даражаси юқори кўрсаткичларгача ўсиб борди; маҳбусларнинг маънавий аҳволи узлуксиз тушкунлашиб, атрофда рўй бераётган ҳодисаларга бефарқлик муносабатини келтириб чиқарди.

Капитан Крофтон томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Ирландия қонуни билан 1854 йил 7 августда кучга киритилган прогрессив ирланд тизими жиноятчининг ташаббускорлик фаолиятини ривожлантириш орқали жамият томонидан рад этилганлар сафидан чиқиб, тенг ҳуқуқли фуқароларга айлантиришга қаратилган эди. Ушбу мақсад узок муддатли жазоланиш тартибини енгиллаштирувчи босқичлар орқали юмшатиларди. Дастлабки биринчи даражада якка тартибли ҳибс тўққиз ой мобайнида (аёллар учун 4 ой) давом этиб, унинг олдинги тўрт ойида маҳбус ҳатто энг оғир жисмоний меҳнат қилганда ҳам фақат вегетарианча озиқлантириларди, ундан кейингина енгилроқ ишга ўтказилиб, аралаш парҳезли озиқага ўтказилган. Якка сақлаб туриш маҳбус тегишли хулқ-атворда юрса, бир ой муддатга қисқартирилиши мумкин бўлган, акс ҳолатда унинг оғир ҳолати яна бир ойгача узайтирилиши мумкин эди. Иккинчи даражада маҳбус кундузи бошқалар билан ишлаб, кечасига ажратиб қўйилган, бу ҳибс тури беш босқичда бўлган: синовдагилар туркуми, бунда якка сақланиб турилганда ёмон хулқи билан кўзга кўринган маҳбуслар, 3,2,1-туркумлар ва ниҳоят махсус туркумдагилар. 3,2,1-туркумдагилар ҳар ойда баҳо олиб уларга маркалар берилган, бу ерда хулқи, таълими, меҳнати алоҳида баҳоланган. Улар тўплаган маркалар сони ҳисоблаб борилиб, кейинги навбатдаги туркумга ўтказилган. Барча бешинчи ёки тўртинчи туркумни ўтаган

махбуслар *intermediate prisons* номли махсус оралиқ ўтиш қамоқхоналарига ўтказилган, бу эса учинчи даражани ташкил этарди. Бу *intermediate prisons* даражадаги қамоқ тартиботи деярли мутлақо бўлмаган, махбуслар меҳнати учун нафақат кўпайтирилган маош олган, балки нисбатан анча эркин бўлган, уларга черковга боришлари ёки харидлар қилишлари учун таъқибсиз юришга рухсат берилган. Ўтиш қамоқларидаги ўталган ва қолган муддатлар ҳисобга олиниб, жазо муддатлари қисқартирила борилган. Қолган муддатга махбуслар тўртинчи даражага ўтказилганлар, яъни улар муддатдан олдин шартли озод этилганлар, уларга бўшатирилганлиги ҳақида билетлар берилган, бироқ озодликда бирон нохуш ҳолат, ҳодисага йўл қўйилса, хулқи ёмон тарафга ўзгарса берилган билетлар қайтариб олиб қўйилган ва озод этилган махбус яна қамоққа қайтарилган. Мазкур тизим инсонпарварлик томонидан европача ҳибсда сақлаш тизимига бир мунча таъсир кўрсатиб, уни анча юмшатган.

Ирланд тизими шак-шубҳасиз бир қанча афзалликларга эга бўлиб ундаги жазолашнинг асосий мақсади жиноятчининг ижтимоийлашувини таъминлаш бўлганини эътироф этиш керак. Шу билан бирга мазкур тизимнинг ўзи ҳам бир қанча камчиликларига эга.

Булар:

→ *биринчидан*, махбусларни кетма-кет бир қатор алоҳида қамоқ бинолари орқали ўтишини талаб қилувчи тизим ўзининг мураккаблиги ҳамда қимматга тушиши билан ажралиб туради;

→ *иккинчидан*, эса, бошқа прогрессив қамоқхоналарда тизимга қараганда кўпроқ тарбиявий таъсир қамоқ персоналининг педагогик маҳорати ва маълумот даражасига боғлиқ бўлган;

→ *учинчидан*, ирланд тизими қамоқхоналардан мақсад ахлоқни тузатиш бўлгани ҳолда, асосий мақсад – қарама-қарши тамойилларига узвий боғлиқ: жиноий жазолаш ва жиноятчининг ижтимоийлашуви масаласини ҳал эта олмасди.

Шу тариқа қамоқ иншоотининг энг яхши *типи* шу кунгача ҳатто назарияларда ҳам ишлаб чиқилмаган. Бу маънода мазкур соҳада, бир тўхтамга келиш имконияти мавжудлигининг ўзи даргумон, чунки турли хил халқ, элатларнинг миллий ўзига хослиги, хусусиятлари ўртасидаги айрим тафовутлар давлатларнинг қамоқ тизимига таъсирини ўтказмасдан иложи йўқ. Турфа типларидан қатъий назар ўлим жазосининг бекор қилиниши ва жисмоний жазонинг йўқотилишидан кейин, озодликдан маҳрум этиш, бу соҳада раҳбарий тамойилларнинг ўрнатилиши, қамоқни жиноий жазонинг ягона усули бўлиб қолишига олиб келди ва келгусида ҳал этиладиган масалалардан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун, жиноят ҳуқуқида қамоқ ва унинг у ёки бу кўринишдаги тизимини шартлайдиган моддий асосларнинг барчасини келажакда қайтадан кўриб чиқиш ва қайта баҳолаш лозим бўлади.

Ҳозирдаёқ, жиноий жазони ҳар бир жиноятчининг маънавий қиёфасига мувофиқ равишда дифференциациялаш лозимлиги ўз навбатида жазолашнинг бундай индивидуаллаштиришни ҳал этиш масаласини

мураккаб иш эканлигига шубҳа уйғотмайди.

1955 йил БМТнинг томонидан жиноятларни олдини олиш ҳамда ҳуқуқбузарлар билан муомала қилишга бағишланган “Қамоққа олинганлар билан муомала қилишнинг халқаро минимал стандартлари” қабул қилинди. Ушбу ҳужжат тавсия характериға эгадир.

Унга кўра, қамоқдаги тартибот эркин ҳаётдан минимал даражада фарқланиши – “уларнинг одамийлик қиёфасини йўқотмаслиги шарти сифатида масъулият ҳисси ҳамда инсонийлик шаъни, қадри-қимматини букмаслиги учун” лозим. Қамоқларда таҳқирлашнинг ҳар қандай усули тақиқланиши зарур. Аёллар эркаклардан, судланувчилар маҳкумлардан, вояга етмаганлар катталардан, биринчи марта судланувчилар рецедивистлардан алоҳида сақланиши лозим. Ҳар бир қамоққа олинганга алоҳида “хона ёки камера”, умумий сақлаш жойларида эса алоҳида ётоқ жойи ажратилиши керак. Камераларнинг ёритилиши бемалол ишлашга ёки ўқишга, яъни кўриш қобилиятиға зарар етказмайдиган бўлиши, сифими ва шамоллатиб турилиши эса санитария қоидаларига мувофиқ келиши лозим. Озиқлантириш мунтазам ҳамда соғлиққа зарар етказмайдиган, кучларини тўплашга етарли, албатта сув билан таъминганлик бўлиши шарт. Маҳбусларнинг очиқ ҳавода 1 соат сайр этиши таъминланиши, жисмоний машғулот билан шуғулланишга шароити бўлиши зарур. Қамоққа олинганлар ўзининг қариндош-уруғлари билан шахсан учрашувига мунтазам йўл кўйилиши, оммавий-ахборот воситаларидан янгиликларни билиб бориши, кутубхоналардан фойдаланиши учун шароит яратилиши лозим.

Интизомий жазолаш қўлланган ҳолларда уларни таҳқирлашга, жисмоний азоб бермаслик кўзда тутилган. Қамоқхоналар шифокор штатига эга бўлиши, қамалганлар тиш дўхтирлари ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқиға эга бўлиши керак.

## **2-савол. Ҳозирги даврда жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини ташкил этишда МДХ, Европа давлатлари ва АҚШ тажрибаси.**

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кўплаб хорижий мамлакатларда озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган маҳкумларға таъсир этишнинг энг самарали. Аини пайтда, истиқболли усул ва методларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётға жорий этиш масалалари турлича ҳал этилган.

Жумладан, Финляндия, Швейцария, Германия Федератив Республикаси, Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатларида жазони ижро этувчи муасасса ва органларнинг ҳар хил тизимларини шакллантириш, жазони ўташ даврида маҳкумлар билан муомала қилишнинг илмий асосланган методларини ишлаб чиқиш ва қўллаш, маҳкумларни тоифалаш ҳамда уларға нисбатан дифференциал тарзда ёнлашув борасида бой амалий тажрибалар тўпланган.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини ташкил этишда халқаро тажрибанинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш ва амалиётға татбиқ этиш, шунингдек жазо ижросини такомиллаштириш муаммоларини

Ўрганиш бир қатор хулосалар чиқариш имконини беради:

→ *Биринчи.* Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кўплаб хорижий мамлакатларда озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган маҳкумларга таъсир этишнинг энг самарали, айти пайтда, истиқболли усул ва методларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш масалалари турлича ҳал этилган. Жумладан, жазони ижро этувчи муассаса ва органларнинг ҳар хил тизимларини шакллантириш, жазони ўташ даврида маҳкумлар билан муомала қилишнинг илмий асосланган методларини ишлаб чиқиш ва кўллаш, маҳкумларни тоифалаш ҳамда уларга нисбатан дифференциал тарзда ёндашув борасида бой амалий тажрибалар тўпланган.

→ *Иккинчи.* Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижроси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда турли тартибдаги жазони ижро этиш колониялари ва турмада ижро этилиши билан республикамиздаги умумий ҳолатга яқин бўлса, хорижий давлатларда сақлаш шароити ҳар хил бўлган маҳаллий ва марказий турмаларда таъминланишини кўришимиз мумкин.

→ *Учинчи.* Хорижий давлатларда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этувчи муассасалар фаолияти устидан бошқарув асосан адлия вазирлиги томонидан амалга оширилаётган бўлса, сўнгги 10-15 йиллар ичида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда ҳам бошқарувнинг худди шундай шаклига интилиш кучайиб бораётганлиги кузатилмоқда.

→ *Тўртинчи.* Халқаро тажрибадан шуни кўриш мумкинки. Маҳкумларни озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ даври мамлакатимиздаги каби шартли равишда қуйидагича: жазони ўташ тартиби ва шартларига мослаштириш(адаптация), ахлоқан тузатиш, озодликка чиқишга тайёрлаш босқичларига ажратиш каби умумий хусусиятлар мавжуд.

→ *Бешинчи.* Ўрганилган хорижий давлатлар тажрибаси жазони ижро этиш муассасаси жойлашган жойдаги кўзга кўринган жамоат арбоблари (шифокор, педагог, ишчи ва ҳ.з.)дан иборат васийлик кенгашлари фаолиятдан маҳкумларни ахлоқан тузатишда, тарбиявий ишларни олиб боришда, уларни озодликдаги кундалик турмуш тарзи ҳаётига тайёрлашда, турмалар тизимини назорат қилишнинг ўзига хос механизминини шакллантиришда, шунингдек ушбу жараённи амалга оширишда хусусий жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида ҳам самарали фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

→ *Олтинчи.* Хорижий давлатларда маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва тарбиялашда, ижтимоий фойдали фаолиятга жалб этишда, умуман олганда маҳкумлар билан бўладиган муносабатларда яқка тартибда ёндашув ва дифференциал сақлаш тартиби ва шароитларини кенг жорий этиш ҳамда

уларни такомиллаштириб бориш ҳозирги кунда жазо ижросини таъминлашда энг самарали усул сифатида эътибор қаратилаётганлигини эътироф этиш зарур.

→ *Еттинчи.* Ҳозирги кунда Ўзбекистонда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини ташкил этишнинг хорижий давлатлар тажрибасини қўллашнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари яратиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу мақсадни амалга ошириш, энг аввало, жазони ижро этиш тизимидаги мавжуд муаммоларни ва ҳамдўстликка аъзо ҳамда хорижий давлатлар тажрибаси, шунингдек жазни ижро этиш муассасаларининг илғор ишусуллари, махсус контингентни тарбиялаш ва ахлоқан тузатиш ишларини ўрганиш, таҳлил ва башорат қилиш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, такомиллаштириш бўйича кенг миқёсли илмий тадқиқот ишларининг йўлга қўйилишини тақозо этади. Айни пайтда мазкур соҳани ривожлантириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги негизида махсус илмий тадқиқот институти ёки марказини очиш зарурати мавжуд.

→ *Саккизинчи.* Дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибаси кенг қамровли жамоатчилик назоратисиз фуқаролик жамияти мавжуд бўла олмаслигини кўрсатади. Бошқача айтганда, давлат органлари устидан кучли жамоатчилик назоратининг мавжудлиги демократиянинг муҳим шартидир. Демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятнинг ривожлантириш ва давлат қурилиши, ички ва ташқи сиёсатнинг энг устувор йўналиши этиб белгилар экан, бошқа соҳаларда бўлгани каби жазони ижро этиш муассасалари фаолияти устидан ҳам давлат органлари ва жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштирилини тақозо этади. Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳозирги кунга келиб нафақат бизнинг республикамизда, балки халқаро миқёсда ҳал қилиниши керак бўлган энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

### **Ўзбекистонда жазо ижросини ташкил қилинишининг шаклланиши ва тарихи.**

Ўрта асрларда Шарқда, Ғарбдан фарқли равишда, озодликдан маҳрум қилиш тариқачидаги жазони ижро этиш учун қаср ва қалъа миноралари ёки ер устидаги қурилишлардан эмас, балки анъанавий зиндонлардан фойдаланилган. Яқин Шарқда ушбу анъана бугунгача сақланиб қолган.

Мамлакатимиздаги озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини таъминловчи муассасаларнинг шаклланиши ва ривожланиши махсус адабиётларда уч босқичга, айрим адабиётларда беш босқичга бўлиб тадқиқ этилган.

Агар республикамизнинг сўнгги бир-икки асрлик тарихига назар

ташлайдиган бўлсак, унинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузумида жиддий ўзгаришлар бўлганини гувоҳи бўламиз.

Шуни инобатга олиб, мамлакатимизда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини таъминловчи муассасалар фаолиятининг тадрижий ривожланиш даврини шартли тўртта даврга бўлинади:

■ Бухоро амирлигига;

■ Қўқон ва Хива хонлиқларигача бўлган даврга;

■ Чор Россия ҳукмронлиги даврига;

■ Собиқ иттифоқ ҳукмронлиги ва Мустақиллик даврларига ажратган ҳолда ўрганиб, тадқиқ этилиши мақсадга мувофиқдир.

Бунда ҳар бир даврнинг сиёсий тузуми ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатини асос қилиб олган ҳолда босқичларга ажратиш мумкин. Жиноят-ижроия тизимида бошқарувни шакллантириш ва унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида амалга оширилган янгилик ва ислоҳотлар ҳар бир босқичнинг асосий мезони бўла олади.

**Биринчи давр.** Жиноий жазоларни тайинлаш ва ижро этиш тартиби тўлиқ шариат қонунлари асосида ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини таъминлаш жойи сифатида зиндонлардан фойдаланилган Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонлиқларигача бўлган давр. Бу даврни ёритишда буюк давлат арбоби соҳибқирон Амир Темур яшаб ўтган ва ҳукмдорлик қилган йиллардаги жиноят ва жазо масалаларига қисқача тўхтаб ўтиш ўринлидир. Профессор Ҳ.Бобоев Амир Темур давлатида қатъий қонунлар, биринчи навбатда, шариат амал қилганлигини таъкидлайди. Ҳақиқатдан ҳам соҳибқирон зулмкорларга, оддий кишиларга асоссиз жабру ситам ўтказадиганларга нисбатан муросасиз бўлиш билан бирга, жиноят ва жазо масалаларига ниҳоятда жиддий қараган. Жазолаш йўли билан салтанатда интизом сақлаш ҳақида махсус фармонлар жорий қилган ва аксинча, яхши хизмат қилганларни тақдирлаш, мукофотлар бериш тузукларини ишлаб чиққан эди.

### **Жазолаш масалаларида у қуйидагича йўл тутган:**

→ *Биринчидан*, амир Темур жиноят жазосиз қолмаслигини уқтирди. У қайси бир сипоҳий ҳаддидан ошиб, ўз қўл остидаги кишига зулм ўтказар экан, уни тутиб, мазлум қўлига топширишни буюради, токи додига ўшалар етказсин.

→ *Иккинчидан*, жиноятни шариат, урф-одат ва Ёсоғ қонунларига биноан олиб боришни талаб қилган.

Умуман олганда, ушбу даврда фаолият курсатган ёхуд фойдаланилган жазолаш тизимини (агар тизим сифатида эътироф этилса) ҳозирги кундаги жиноий жазони ижро этиш тизими билан киёслаш, фикримизча, қуйидаги асосларга кура ҳам бироз нотўғри:

→ *биринчидан*, жазолаш тизими марказлашмаган ҳолда бошқарилган. Шунингдек, қайси жазо қандай давлат идораси томонидан ижро этилиши ва

уларнинг ваколатини катъий белгилаб қуйиш каби масалаларга жиддий эътибор қаратилмаган;

→ *иккинчидан*, ўтроқ аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларда шариат қонунлари, кўчманчилар - қозоқлар, қорақалпоқлар ва қирғизлар яшайдиган жойларда одат ҳуқуқи нормалари билан жазони тайинлаш ва уташ тартибга солинган;

→ *учинчидан*, утмишдаги жазолаш тизими инсонпарварлик тамойилларига асосланмаган, яъни унда жисмоний азоб-укубат бериш (дарра уриш, оёқ-қулини кесиш) ёки инсонни ҳдётдан маҳрум қилишнинг дахшатли усулларида фойдаланиш етакчи урин тутган.

**Иккинчи давр.** Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо шариат судлари ва 1864 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Жазолар туғрисида»ги низом асосида чор Россияси судлари томонидан белгиланган ва ижроси зиндонлар ҳамда махсус қурилган биноларда таъминланган чор Россияси ҳукмронлиги даври.

Мамлакатимиз ҳудудида дастлабки махсус озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларининг қурилиши айнан шу даврда бошланди. Аниқроғи, 1870 йилда чор Россияси генерал-губернатори Скобеловнинг фармонида асосан Самарқанд вилояти Каттакургон шаҳрида жойлашган тергов хибсхонаси сиёсий маҳкумларни сақдаш учун қамокхона сифатида ташкил этилган.

1878 йили чор Россиясининг яна бир генерал-губернатори Чернишевнинг ташаббуси билан Қуконда қамокхона қурилган. Октябрь инқилобигача қамокхонада асосан сургун қилинганлар ва тузумга қаршлари зид ҳамда ундан норози бўлган шахслар сақланган.

Айрим ҳолларда эса ушбу жазони қуллаш ва ижросини таъминлашда Туркистон генерал-губернаторининг фармойишларидан ҳам фойдаланилган.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ушбу муассаса қамокхона, ахлоқ тузатиш уйи, шунингдек, қаровсиз қолган вояга етмаганлар сақланадиган жой сифатида фойдаланилган. Шу муносабат билан муассаса тез-тез бир идора бўйсунувидан бошқа бир идора бўйсунувига ўтказиб турилган. Баъзида бевосита Москва тасарруфида бўлиб, марказдан бошқарилган.

1881 йили чор Россияси генерал-губернатори Скобеловнинг шахсий отхонаси ўрнида Фарғона шаҳрида қамокхона ташкил этилган. Бу муассасадан мустамлака тузумга қарши ғалаён қилган шахсларни Сибирга сургун қилишдан аввал вақтинча сақлайдиган жой сифатида фойдаланилган. Совет ҳокимияти йилларида, аниқроғи 1925-1961 йилларда, муассаса бевосита Москва тасарруфида бўлган.

XIX аср охирида Туркистон улқасига юборилган чор Россияси князи Константин ва Тошкент шаҳрида жойлашган Ўрта Осиё генерал-губернатори Черняевларнинг ташаббуси билан Тошкент қамокхонаси ташкил этилди. қамокхонада Октябрь инқилобигача бўлган даврда Россиядан сургун қилинганлар ҳамда бойлар синфидан чиққан эркин фикрловчилар сақланган. Уша пайтларда турма марказлашган тартибда Россиядан бошқарилган.



*Учинчи давр.* Жиноий жаю тизимида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросининг мақсади – маҳкумни ахлоқан тузатиш эканлиги ва маҳкумларга нисбатан жисмоний ва маънавий азоб-укубат етказилмаслиги биринчи маротаба расман эътироф этилган, шунингдек бу турдаги жазо ижросини таъминловчи ихтисослашган давлат органлари тўлатўкис шаклланган, айти пайтда ушбу оргалар асносида пайдо бўлган жазони ижро этиш тизимидан маълум бир даврда давлат томонидан оммавий қатағон сиёсати юргизилган собиқ Иттифоқ ҳукмронлиги даври.

**Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини ташкил этишда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар тажрибаси.**

Мустақиллик йилларида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар мамлакатимиз раҳбарияти томонидан улкан социал ва ижтимоий - сиёсий аҳамиятга эга масала сифатида қаралмоқда. Бу эса, ўз навбатида, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини таъминловчи муассасалар фаолиятини такомиллаштириб бориш ва ушбу соҳада хорижий давлатлар, энг аввало, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш, лозим бўлса, тажрибанинг ижобий томонларини бизнинг республикамизда ҳам қўллаш вазифасининг ҳал этилишини тақозо этади.

Ўтган асрнинг 90-йилларида МДҲни ташкил топиши ҳар бир республикада жазони ижро этиш тизимини мустақил равишда ислоҳ қилиш заруратини келтириб чиқарди. Аксарият МДҲга аъзо мамлакатларда жиноят-ижроия конунчилигига жиддий ўзгартиришлар киритилган бўлса, айримларида қўшимча равишда янги жиноят-ижроия конунчилигини, ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, жазони ижро этиш тизимини Ички ишлар вазирлигидан бошқа вазирликлар ихтиёрига ўтказиш каби масалалар жиддий аҳамият касб эта бошдади,

Жумладан, Озарбайжон (1993 йилда), Молдова (1995 йилда) ва Россия (1998 йилда)да жазони ижро этиш тизими ИИВ буйсунивидан чиқарилиб, Адлия вазирлиги ихтиёрига бириктирилган. Белорусь, Арманистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистонда ИИВ таркибида қолган. Украинада эса мамлакат Президентининг 1998 йилги фармонида кўра, ижроия хокимиятнинг марказий органи ҳисобланадиган жазоларни ижро этиш масалалари буйича давлат Департаменти ташкил этилган. Таққослаш учун қуйидаги рақамларни келтириб ўтишни ўринли деб ҳисоблаймиз, яъни 2000 йилдаги ҳолат буйича Украина жазони ижро этиш тизимида жами 156 та жазони ижро этиш муассасалари фаолият кўрсатган (шулардан 1 таси тарбия колонияси, 112 таси жазони ижро этиш колонияси, 30 таси тергов хибсхонаси ва 30 таси турмадир) ва ҳар юз минг аҳолига (аҳолиси 52, млн.киши) 340 та маҳкум тўғри келган.

Россия, Озарбайжон ва Молдовада жазони ижро этиш тизимини Адлия вазирлигига ўтказиш катгагина миқдорда молиявий харажатлар эвазига

амалга оширилган. Грузияда эса жазони ижро этиш тизими ҳеч қандай жиддий тайёргарликларсиз ИИВдан Адлия вазирлигига расман ўтказиб қўйилган, холос. Натижада озодликдан маҳрум қилиш жойларидан маҳкумларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб қочиб кетишига йўл қўйилган ва мураккаб бўлиб турган мамлакат ичидаги сиёсий вазиятнинг янада ёмонлашувига сабаб бўлган. Оқибатда Грузиядаги воқеалар ривожини Адлия вазири ва жазони ижро этиш тизими раҳбарининг истеъфоси билан яқунланган. Хрзирги кунга келиб Грузияда ижроия ҳокимиятнинг марказий органи сифатида Жазони ижро этиш вазирлиги ташкил этилган.

Қозоғистонда утиш даврининг модели сифатида Ички ишлар вазирлиги (ҳозирги кунда Адлия вазирлиги) тасарруфида булган Жиноят-ижроия тизими кумитаси ташкил этилган булиб, 1997 йил Павлодар лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда пенитенциар тизим (жазони ижро этиш тизими) ходимларини маҳкумлар билан муомала қилиш ва улар билан иш олиб бериш усуллари ва методларида сезиларли даражада ижобий ишлар амалга оширилган.

Ушбу лойиҳа куйидаги мақсадларни ўз ичига олган эди:

- пенитенциар тизимни бошқариш жараёнини яхшилаш ва озодликдан маҳрум қилиш муассасалари (турма) ходимларининг инсон ҳуқуқлари соҳаси буйича билимларини онириш;

- маҳкумларнинг сақлаш шароитларини яхшилаш;

- озодликдан маҳрум қилиш муассасаларининг ишини назорат қилиб боришда нодавлат фуқаролик институтларини жалб этиш фаолияти фаоллигини ошириш;

- сил касалигига чалинган маҳкумларни даолашда Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти талабларига риоя этиш;

- - ушбу лойиҳани Қозоғистоннинг бошқа туман ва минтақаларидаги мавжуд жазони ижро этиш муассасаларида ҳам фойдаланиш мумкин бўлган моделларини яратиш.

Республикада маҳкумларнинг сақлаш шароитларини яхшилаш, жазолаш тариқасида қўлланиладиган айрим чекловларни олиб ташлаш (масалан, маҳкумнинг сочини олиб ташлаш, курпа-тушак ва ёстиқлардан фойдаланишни чеклаб қуйиш) каби ижобий ҳолатлар инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш асосида амалга оширилганлиги ва бу нарсани кейинчалик ҳалқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилганлиги диққатга молик жиҳатдир. 2000 йилда Қозоғистон Республикаси жазони ижро этиш тизимида жами 75 та жазони ижро этиш муассасалари фаолият курсатган (шулардан 4 таси тарбия колонияси, 53 таси жазони ижро этиш колонияси, 17 таси тергов хибсхонаси ва 1 таси турмадир) ва ҳозир юз минг аҳолига (аҳолиси 16,8 млн. киши) 506 та маҳкум тўғри келган.

Қирғизистон Республикасида ҳам жазони ижро этиш тизими фаолиятини такомиллаштириш буйича бир қанча ишлар амалга оширилган, шу жумладан, қонунчилик соҳасида ҳам. Масалан, 1999 йил 11 ноябрида Қирғизистонда янги Жиноят-ижроия кодекси қабул қилинди ва шу йилнинг 13 декабридан амалга киритилди. Қирғизистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 46-моддаси 1-қисмига асосан ахлоқ тузатиш муассасалари - қамоқ уйлари,

манзил-колонияси, ахлоқ тузатиш колонияси, тарбия колонияси ва турмадан иборатлиги белгилаб қуйилди.

Статистик маълумотларнинг таҳлилига кура, ушбу муассасаларда (уларнинг сони 34 та) жами 18,4 минг (шундан 3 мингга яқини тергов хибсхоналарида) маҳкум сақланган бўлиб, шулардан 4 мингга яқини манзил-колонияларда жазони ўтаган. Эътиборли томони шундаки, Қирғизистон Республикасининг амалдаги жиноят-ижроия қонунчилиги (ЖИК 46-м. 2-к.) хусусий ахлоқ тузатиш муассасаларининг фаолият курсатишига ҳам рухсат этади.

Қирғизистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 декабрдаги фармонига асосан Президент ҳукумат олдига пенитенциар тизимни ИИВ ихтиёридан Адлия вазирлиги ихтиёрига ўтказишмасаласини урганиш ва чуқур таҳтил қилиш вазифасини кўйиб, тизим қайси орган таркибда булмасин, энг асосий ва долзарб вазифа хавфсизлик ва инсон ҳуқуқлариш поймол этилмаслиги зарурлигига катъий уқдириб утди. Таъкидлаш зарурки, ҳозирги кунга келиб Қирғизистонда жазони ижро этиш тизими Адлия вазирлиги тасарруфида фаолият кўрсатмоқда.

1997 йил 8 январда Россия Федерацияси ҳам ўзининг янги Жиноят-ижроия кодексини қабул килди. Шу билан бирга, Россия Федерацияси Президентининг 1997 йил 8 октябрдаги ва 1998 йил 28 июлдаги фармонларига асосан Россия Федерациясида Жазони ижро этиш бош бошқармаси ИИВдан Адлия вазирлиги ихтиёрига ўтказилган ва 2004 йилнинг 9 мартига қадар жазони ижро этиш тизими марказий бошқарув органи сифатида фаолият кўрсатган.

Умуман олганда бирор-бир тизим бошқарувини у органдан бу органга ўтказиш каттагина иқтисодий харажатлар талаб қиладиган давлат ичидаги «кичик инкилоб»дир. Мутахассисларнинг баҳслашича, Жазони ижро этиш бош бошқармасини Ички ишлар вазирлигидан Адлия вазирлигига ўтказиш Россия учун «бор-йўғи» 3,5 млрд. рубл.га тушган. Бу эса, аҳолиси 4,5 млн. киши булган Қирғизистон Республикасининг ярим йиллик бюджети билан баробар маблағни ташкил этган.

Аксарият ҳуқуқшунос олимлар (Ю.А. Реент, Э.С. Рахмаев, А.К. Шағалиевлар)нинг фикрича, Россия ушбу «кичик инкилоб»ни Европа Иттифоқига аъзо бўлиб кириш шартларидан бири сифатида бажариш мажбуриятга борлиги сабаблигина амалга оширган.

Россия Федерацияси Президентининг 2004 йил 9 мартдаги фармонига биноан Жазони ижро эташ бош бошқармаси Жазони ижро этиш федерал хизмати (рахбар - хизмат директори хисобланади) айлантирилди ва Адлия вазирлиги доирасида амалда мустақил тармоқ тизим сифатида фаолият курсата бошлади.

Россия Федерацияси Жиноят-ижроия кодексининг 74-моддасида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги ахлоқ тузатиш муассасаларининг қуйидаги турлари курсатилган - ахлоқ тузатиш муассасалари, тарбия калониялари, турмалар, ахлоқ тузатиш даволаш муассасалари, тергов хибсхоналари.

2009 йилнинг 1 январдаги ҳолат буйича Россия Федерацияси Жазони ижро этиш федерал хизматиға қарашли муассасаларда жами 887,7 минг киши сақланган, шу жумладан: 758 та ахлоқ тузатиш колониясида - 734,3 минг киши; 225 та тергов ҳибсхонаси, 7 та турма ва 164 та тергов ҳибсхонаси режимида фаолият курсатувчи муассаса (бино)да -144,9 минг киши; 62 та тарбия колониясида — 8,5 минг вояга етмаган маҳкум сақланган. Ушбу ахлоқ тузатиш муассасаларидаги аёл маҳкумларнинг сони 68,3 минг кишидан иборат бўлиб, аёллар колонияси қошидаги мавжуд 12 та болалар уйида 797 та бола тарбияланган (аҳолиси 141 млн. 760 минг киши).

Жазони ижро этиш федерал хизмати 2007 йилдан Россия Федерацияси Хукумати томонидан 2006 йил 5 сентябрда тасдиқланган «Жазони ижро этиш тизимини ривожлантириш (2007-2016 йилларга мулжалланган)» федерал дастурини амалга оширишни бошлаган. Ушбу дастурни амалиётга татбиқ этилиши ахлоқ тузатиш муассасаларининг моддий-техник аҳолини яхшилаш, маҳкумларни сақлаш шароитларини халқаро стандартларга мослаштириш каби вазифаларни ҳал этиши лозим. Ҳозирги кунда Россия Федерацияси жазони ижро этиш тизимида мавжуд бўлган 262 та федерал давлат унитар корхонаси, 495 та маҳкумларни меҳнатга мослаштириш маркази, 37 та даволаш, 34 та ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари тизим фаолиятининг асосий ишлаб чиқариш қувватини ташкил этади.

Маҳкумларнинг умумий таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида ахлоқ тузатиш ва тарбия колонияларида 309 та кечки умумтаълим мактаби ва 482 та ўқув-маслаҳат пункти, 334 та ибодатхона, 722 та турли хил диний конфессияларнинг ибодат қилиш хоналарини фаолият курсатишига руҳсат этилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, сунгги 10-15 йиллар ичида МДХга аъзо мамлакатларда жазони ижро этиш муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда Адлия вазирлиги доирасида амалга ошираётганлиги кузатилмоқда.

Бу масалада ҳуқуқшунос олим А. Шомансуров томонидан билдириб утилган фикрлар қизиқарлидир. Жумладан: «Бу тизимни ислох қилишнинг асосий шартларидан бири уларни ИИВ бўйсунивидан чиқариш, деб ҳисоблайман. Тизимни Адлия вазирлиги ихтиёрига ўтказишдан мақсад - жамиятда жазони ижро этиш буйича янги муносабатларни шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилувчи юридик ва сиёсий база яратишга эришишдир» деб айтиб ўтган.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Жазо ижросини ташкил қилинишининг шаклланиши ва уни ташкил этишда хорижий давлатлар тажрибаси мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1-савол. Жиноий жазо ижросини ташкил этишда хорижий давлатлар тажрибаси: Оборнлик тузим, Пенсильвания тузими, Ирланд тизими.

2-савол. Ҳозирги даврда жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини ташкил этишда МДХ, Европа давлатлари ва АҚШ тажрибаси.

3-савол. Ўзбекистонда жазо ижросини ташкил қилинишининг шаклланиши ва тарихи

4-савол. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини ташкил этишда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар тажрибаси

5. Махкумларнинг умумий таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш

## **25-Мавзу: Жазо ижросини ташкил қилинишининг шаклланиши ва уни ташкил этишда хорижий давлатлар тажрибаси.**


Семинар машғулот (2 соат).

### **Семинар машғулот.**

Ушбу амалий машғулоти «*Блиц-сўров*» интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Блиц-сўров» (инглизча «блиц» – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда ушбу методни қўллаш қуйидагича кечади:



### **Ўқув машғулотнинг саволлари:**

1-савол. Жиной жазо ижросини ташкил этишда хорижий давлатлар тажрибаси: Оборнлик тузим, Пенсильвания тузими, Ирланд тизими.

2-савол. Ҳозирги даврдажазони ижро этиш муассасалари фаолиятини ташкил этишда МДХ, Европа давлатлари ва АҚШ тажрибаси.

3-савол. Ўзбекистонда жазо ижросини ташкил қилинишининг шаклланиши ва тарихи

4-савол. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини ташкил этишда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар тажрибаси

### **1-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

1. Жинойт-ижроия сиёсати давлатнинг қандай сиёсатини ташкил этади:

2. Жинойт-ижроия қонун ҳужжатлари қуйидагилардан қайси бирини белгилайди:

3. Жинойт-ижроия қонун ҳужжатининг вазифаларини аниқланг:

4. Жинойт-ижроия қонун ҳужжатларининг амал қилиш доираси:

5. Жазони ижро этиш асоси:

6. Жинойт-ижроия қонун ҳужжатларининг умумий принципларини кўрсатинг:

7. Жинойт-ижроия қонун ҳужжатларининг махсус принципларидан бирини топинг:

8. Ўзбекистон Республикасининг Жинойт-ижроия кодекси қачон қабул қилинган:

9. Ўзбекистон Республикасининг Жинойт-ижроия кодекси қачон қонуний кучга кирган:

10. “Жиной жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жинойт, Жинойт-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни қачон қабул қилинган:

### **2- МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

1. Жинойт-ижроия ҳуқуқи қандай ижтимоий муносабатларни тартибга солади:

2. Жинойт-ижроия ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи нормалардан бирини кўрсатинг:

3. Жазо нима:

4. Ўзбекистон Республикасининг жазо тизимида қўлланиладиган жазолардан бирини кўрсатинг:

5. Фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланиладиган жазоларни кўрсатинг:

6. Жинойт-ижроия ҳуқуқининг манбалари қайси вариантда тўғри кўрсатилган:

7. Жиноят-ижроия кодексидаги ташкилий-техник нормалар куйида кўрсатилган қайси ҳуқуқий манба орқали тартибга солинади:
8. Жиноят-ижроия муносабатининг субъектларини кўрсатинг:
9. Жазони ижро этувчи муассасаси ва органларидан бирини аниқланг:
10. Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораси аниқ белгиланган вариантни топинг:

### 3- МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати Жиноят-ижроия кодексининг қайси бобида белгиланган:
2. Маҳкумларнинг асосий ҳуқуқларини кўрсатинг:
3. Маҳкумларнинг ким билан бўлиб ўтган учрашувлари қонунда белгиланган учрашувлар сонига кирмайди:
4. Маҳкумларнинг юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш Жиноят-ижроия кодексининг қайси моддасида кўрсатилган:
5. Маҳкумнинг шахсий хавфсизлигига таҳдид юзага келганда ЖИЭМ маъмурияти қандай чора кўриши шарт:
6. Ажнабий мамлакатлар фуқароси бўлган маҳкумнинг ҳуқуқлари қандай таъминланади:
7. Қайси турдаги жазони ўтаётган маҳкумлар илтимосига кўра рўйхатдан ўтган диний бирлашмаларнинг руҳонийлари таклиф этилади:
8. Маҳкумларнинг асосий мажбуриятлари - бу:
9. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг қайси ҳуқуқлари қонунда нисбатан чеклаб қўйилган:
10. ЎзР ЖИК қайси-моддасига асосан маҳкумлар адвокатлардан малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

### 4-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Маҳкумларнинг моддий-маиший ва тиббий-санитария таъминоти Жиноят-ижроия кодексининг қайси бобида назарда тутилган:
2. Маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти қайси йўналишлар бўйича амалга оширилади:
3. Умумий турар жойларда ҳар бир маҳкумнинг яшаш майдони нормаси қанчадан кам бўлиши мумкин эмас:
4. Аёллар ва вояга етмаганлар сақланадиган колониялардаги маҳкумларнинг яшаш жой нормаси:
5. Озодликдан маҳрум этиш жойларида маҳкумларнинг яшаш хоналари қуришда қайси хусусиятлар инобатга олиниши шарт:
6. Маҳкумлар овқатланишининг минимал нормаси ким томонидан белгиланади:
7. Маҳкумларнинг овқат нормалари қайси хусусиятларга қараб дифференциациялаштирилади:
8. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларга овқатланиш неча маҳал

қилиб белгиланади:

9. Озодликдан маҳрум этилган қайси тоифадаги маҳкумларга оширилган овқат нормаси белгиланган:

10. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумлар яшайдиган биноларда ўрнатилган умивальниклар қанча маҳкумни ювиниши учун мўлжалланган:

## 5-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Жиноят-ижроия кодексининг қайси боби озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар меҳнати, иш ва дам олиш вақти, меҳнатига ҳақ тўлаш масаласига бағишланган:

2. Пенитенциар муассасаларда маҳкумларни меҳнатга мажбурий жалб этиш ғояси кимга тегишли:

3. Озодликдан маҳрум этиш жойларида маҳкумларни меҳнатга мажбурий жалб этишдан маҳкум Нафталий Френкельнинг кўзлаган мақсади нимадан иборат эди:

4. Озодликдан маҳрум этилган қайси тоифадаги маҳкумларга меҳнат мажбурияти жорий этилмайди:

5. Озодликдан маҳрум этиш жойларида қайси тоифадаги маҳкумлар ўз ихтиёрига кўра меҳнатга жалб этилади:

6. Озодликдан маҳрум этиш жойларида маҳкумларни меҳнатга жалб этишнинг асосий мақсади:

7. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг ҳафталик иш нормасини аниқланг:

8. Озодликдан маҳрум этиш жойларида меҳнатга жалб этилган маҳкумларга ҳар ҳафта қанча дам олиш куни берилади:

9. 14 дан 16 ёшгача бўлган маҳкумлар ҳафтасига неча соатгача меҳнатга жалб этилади:

10. Маҳкумлар ишланмайдиган ва ишдан озод қилинадиган кунлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг қайси моддасига биноан тадбиқ этилади:

## 6-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс жазони ижро этиш муассасасига қабул қилиш чоғида, жазони ўташ пайтида вақти-вақти билан, бироқ қанча ойда камида бир марта, шунингдек мурожаатларга кўра тиббий кўриқдан ўтказилади.

2. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс жазони ижро этиш муассасасига қабул қилинган пайтдан эътиборан қанча кун ичида у билан суҳбат ўтказилади.

3. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг тиббий-санитария таъминоти кимнинг ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг қайси-моддаси бўйича маҳкумлар тиббий-санитария хизматидан фойдаланади.

5. Маҳкум овқат ейишни рад этганда қўлланиладиган чоралар



Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг қайси-моддаси бўйича амалга оширилади.

6. Маҳкумнинг овқат ейишни рад этганлиги факти аниқланганда муассаса бошлиғи ёхуд унинг ўрнини босувчи шахс бу ҳақда зудлик билан кимни хабардор қилади.

7. Қишки мавсумда маҳкумлар яшаш жойлари иситилиб, ҳарорат қанча даража бўлиши таъминланади.

8. Жиноят-ижроия кодексининг қайси-моддасида озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг яшаш жойи ҳақида фикр юритилган

9. Маҳкумларни транзит-жўнатиш участкаларида сақлашнинг энг кўп муддати кўпи билан қанча суткани ташкил эта.

10. Руҳий касалларга нисбатан соғлиқни сақлаш органлари томонидан суд-психиатрия экспертизаси хулосасига мувофиқ тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қандай тартибда қўлланилади:

## 7-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Руҳий касалларга нисбатан соғлиқни сақлаш органлари томонидан суд-психиатрия экспертизаси хулосасига мувофиқ тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қандай тартибда қўлланилади:

2. Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган шахсларни тиббий хулоса асосида мажбурий даволашга юбориш кимлар томонидан амалга оширилади:

3. Руҳий касалликлар шифохоналарида беморларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайси ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган:

4. Мажбурий даволанаётган бемор вафот этганда унинг сабабларини аниқлаш учун руҳий касаллик шифохонаси маъмурияти қандай тадбирни бажариши шарт ва мажбур:

5. Вояга етмаган шахснинг жабрланувчидан узр сўраш тартиби:

6. Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус даволаш-олдини олиш муассасаларида меҳнатга муқаррар жалб этиш орқали, касал даволанишга ётқизилган кундан бошлаб қанча кун ичида, даволаш муассасасининг комиссияси томонидан мажбурий даволаш белгиланади.

7. Даволаниш муддати қанча йилдан ошмаслиги лозим

8. Беморнинг жасадини олиш ҳақида қариндошларига қанса соат ичида шифохона маъмурияти хабардор қилишлари керак.

9. “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Қонуни қачон қабул қилинган.

10. Жазо билан бирга тайинланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг қайси моддаси билан тартибга солинади.

## 8-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Жазони ижро этиш муассасаларининг худуди ва чегарасида ходимлар томонидан хизмат олиб боришни ташкиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари:

2. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Қоровул кўшинлари ЖИЭМда маҳкумларни кўриқлаш ва назорат қилишда қуйидагилардан қайсини бирини амалга оширади:

3. Ҳарбий нарядлар зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш вақтида қандай ҳуқуқлардан фойдаланади:

4. Жазони ижро этиш муассасаси худуди ва унинг чегарасида хизмат олиб борувчи ходимлар сони қайси мезонга асосланиб ажратилади:

5. Кўриқлаш тизимига нималар киради:

6. Муассаса худудини кўриқлашда бир-бирини алмаштириб турувчи навбатчилик хизмати неча сменада ташкил этилади:

7. Жазони ижро этиш муассасаси худудини кўриқлашда пост табеллари неча нусхада тузилади:

8. Муассаса худудини кўриқлаш учун қўйиладиган ходимларнинг ички ва ташқи постларда хизмат олиб бориш вақти қайси вариантда аниқ кўрсатилган:

9. Жазони ижро этиш муассасаларида қўйиладиган ички постлардан бирини кўрсатинг:

10. Муассаса навбатчилик хизмати таркибига кўрсатилганлардан қайси бир гуруҳ киради:

## 9-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Маҳкумни ахлоқан тузатиш бу:

2. Қуйида кўрсатилганлардан қайси бири маҳкумнинг ахлоқан тузатиш воситасига кирмайди:

3. Ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларини топинг:

4. Маҳкумлар ахлоқини тузатишнинг асосий воситалари Жиноят-ижроия кодексининг қайси моддасида белгилаб қўйилган:

5. Ахлоқан тузатишнинг асосий воситалари маҳкумга нисбатан қайси хусусиятлар инобатга олинган ҳолда қўлланилади:

6. Маҳкумлар ахлоқини тузатишнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланган режим қандай функцияларни бажаради:

7. Ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларини қайси турдаги жазони ўтаётган маҳкумларга тўла ҳажмда қўллаш мумкин:

8. Маҳкумлар ахлоқини тузатишнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланган тарбиявий ишлар методларга асосланади:

9. Жазони ўташ жойларида жамоат таъсиринининг шаклларида бирини кўрсатинг:

10. Жазони ўташ жойларида маҳкумларни ижтимоий-фойдали меҳнат билан тўлиқ банд этилмаслиги қандай оқибатларга олиб келади:

## 10-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Маҳкумнинг йўқ қилинган нарсалари ва буюмлари бўйича неча нусхада далолатнома тузилади
2. Режимнинг асосий талаблари Жиноят-ижроия кодексининг қайси моддасида белгиланган:
3. Режимнинг асосий талабларини кўрсатинг:
4. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларга нималар ман қилинади:
5. Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг мажбуриятларидан бирини кўрсатинг:
6. Озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган маҳкумларга ўз ёнида сақлашга рухсат этилган нарсалар ва буюмлар рўйхати ким томонидан белгиланади:
7. Маҳкумларнинг ёнидан топилган, фойдаланишга рухсат этилмаган нарсалар ва буюмлар нима қилинади:
8. Жазони ижро этиш муассасининг кун тартибига қуйидагилардан қайси бири кирмайди:
9. Жазони ижро этиш муассасининг кун тартиби ким томонидан тасдиқланади:
10. Маҳкумларнинг қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашиш ҳуқуқи Жиноят-ижроия кодексининг қайси моддасида мустаҳкамлаб қўйилган:
11. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларга узоқ муддатли учрашувлар муассаса ҳудудида қанча муддатгача берилиши мумкин:

## 11-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Бодикамералардаги видеоёзувлар электрон маълумот сақлаш қурилмаларига юкланиб (кўчирилиб), электрон маълумот сақлаш қурилмалари ёки компьютер хотирасида неча йил мобайнида тартибот бўлими (бўлинма) бошлиғининг хизмат хонасида сақланади.
2. Маҳкум томонидан ходимга хизмат давомида берилган бодикамерага зиён етказилган тақдирда, ходим томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, маҳкум Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг қайси-моддасига мувофиқ интизомий жазога тортилади.
3. Бодикамералар бириктирилиши лозим бўлган ходимлар рўйхати ким томонидан белгиланади.
4. Бодикамералар ишламаган ёки ходим томонидан рухсатсиз ўчириб қўйилган ҳолларда ва муассаса бошлиғининг ёрдамчиси - тезкор навбатчи зудлик билан бевосита кимга ахборот беради.
5. Ходимларга бириктирилган бодикамераларнинг доимий равишда соз ва дастурий-техник таъминоти ишчи ҳолатда бўлиши юзасидан қатъий назорат олиб бориш вазифаси кимнинг зиммасига юкланади.
6. Бодикамера қайси ҳолларда ишлатилади.
7. Ҳар кунлик иш фаолиятини олиб бораётган ёки кунлик хизматга жалб этилган ходим маҳкумларни узлуксиз назорат қилиш ҳамда улар томонидан

жиноят ва тартиббузарликлар содир этилишини аниқлаш учун нималар билан таъминланади.

8. Махсус мосламалар нима?

9. Назорат нима?

10. Тартиббузарлик нима?

## 12-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Жиноят-ижроия кодексининг қайси моддасида Жазони ижро этиш муассасаларида алоҳида ҳолат жорий этиш асослаб берилган.

2. Алоҳида ҳолат Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда қанча суткагача бўлган муддатга жорий этилади.

3. Алоҳида ҳолатнинг амал қилиш вақти алоҳида ҳолларда қўшимча равишда яна қанча суткагача узайтирилиши мумкин.

4. Алоҳида ҳолат ким томондан жорий этилади.

5. Жиноят-ижроия кодексининг қайси моддасида Ўқотар қурол қўллаш тартиби белгиланган.

6. Жиноят-ижроия кодексининг қайси моддасида Ўқотар қурол қўллаш асослари белгиланган.

7. Жиноят-ижроия кодексининг қайси моддасида Махсус воситаларни ишлатиш белгиланган.

8. Жиноят-ижроия кодексининг қайси моддасида Тинчлантириш кўйлагини қўллаш белгиланган.

9. Жиноят-ижроия кодексининг қайси моддасида Маҳкум овқат ейишни рад этганда қўлланиладиган чоралар белгиланган.

10. Жиноят-ижроия кодексининг қайси моддасида Маҳкумларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш белгиланган.

## 13-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг жазони ўташ шартларини либераллаштириш тўғрисида»ги фармони қачон қабул қилинган?

2. Жиноят-ижроия қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар натижасида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга қай даражада енгиллаштиришлар яратилди?

3. Оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг неча фоизига яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди?

4. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан текшириш жиноят ижроия кодексининг нечанчи моддасида кўрсатилган?

5. Жазони ўташ жойларига кириш жиноят ижроия кодексининг нечанчи моддасида кўрсатилган?

6. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан текшириш жиноят ижроия кодексининг нечанчи моддасида кўрсатилган?

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 март кунидаги фармонининг номини кўрсатинг?

8. Жиноят процессуал кодексининг нечанчи моддасига кўра, суриштирув органлари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш кўрсатиб ўтилган?

9. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида фармони қачон қабул қилинган?

10. Жазони ижро этиш муассасалари ходимлари ички ишлар органларининг қайси хизмат ходимлари билан ҳамкорлик қиладилар?

#### 14-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Жазони ижро этиш колонияларида маҳкумлар билан тарбиявий-профилактик ишлар қайси йўналишлар бўйича олиб борилади?

2. Жазони ижро этиш колонияларида маҳкумларни маълум мақсадларга йўналтирадиган тарбиявий ишлар қайси шаклларда олиб борилади?

3. Якка тартибдаги тарбиявий ишлар бу..... ?

4. Гуруҳ таркибида тарбиявий иш бу.....?

5. Оммавий тартибда тарбиявий иш бу.....?

6. Муассаса жамоа кенгаши маҳкумларнинг умумий йиғилишида неча кишидан кам бўлмаган таркибда, қанча муддатга, очик овоз бериш йўли билан сайланади?

7. Туркум жамоа кенгашига аъзолар туркум маҳкумларининг умумий йиғилишида нечадан кам бўлмаган таркибда, қанча муддатга, очик овоз бериш йўли билан сайланади?

8. Ташаббускор ташкилотларнинг ҳужжатлари сақланиш муддати қанча?

9. Муассаса жамоа кенгашининг мажлиси қанча муддатда ўтказилади ва мажлис баёни расмийлаштирилади?

10. Жазони ижро этиш колонияларида тузалиш йўлига ўтган маҳкумлар қанча муддат ичида шаходатлаш кўригидан ўтказилади?

#### 15-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Тарбия колониясида маҳкумларни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича қайси комплекс чора-тадбирлар бўйича амалга оширилмоқда?

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озодликдан маҳрум этилган шахсларни меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қачон қабул қилинган?

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Озодликдан маҳрум этилган шахслар учун умумий таълим ва касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қачон қабул қилинган?

4. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида “Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари” нечанчи йилда қабул қилинган?

5. Мамлакатимиз Конституциясининг нечанчи моддасида “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир” деб белгилаб қўйилган?

6. Жазони ижро этиш муассасаларида неччи ёшгача бўлган маҳкумлар мажбурий равишда таълим олишга жалб этиладилар?

7. Жазони ижро этиш муассасаларида неччи ёшгача бўлган маҳкумлар хоҳишларига кўра таълим олишга жалб этиладилар?

8. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар таълими ва касб тайёргарлиги жиноят ижроия кодексининг нечанчи бобида кўрсатилган?

9. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларнинг умумий ўрта таълими жиноят ижроия кодексининг нечанчи моддасида кўрсатилган?

10. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларни хунари таълими ва касб тайёргарлиги жиноят ижроия кодексининг нечанчи моддасида кўрсатилган?

## 16-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси қачон қабул қилинган?

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси қачон кучга кирган?

3. Адвокатлар билан учрашуви тартиби Жиноят-ижроия кодексининг нечанчи моддасида белгилаб қўйилган?

4. Маҳкумнинг адвокат олиш тартиби: жазони ўтаётган жой маъмуриятига ёзма нима билан мурожаат қилади ва бунда маъмурият умумий қоидаларга кўра рухсат беради?

5. Маҳкум жазони ўтаётган жойда фавқулодда ҳолат жорий этилса ёки карантин эълон қилинганда юридик ёрдам олишга рухсат этиладими?

6. Маҳкумнинг адвокат билан учрашувлар сони ва муддати чегараланганми?

7. Маҳкумлар шахсий хавфсизлик ҳуқуқига ҳам эга бу жиноят ижроия кодексининг нечанчи моддасида кўрсатиб ўтилган?

8. Жиноят-ижроия кодексининг нечанчи моддасида “маҳкумларга виждон эркинлиги кафолатланади” деб кўрсатиб қўйилган?

9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексининг нечанчи моддасида “Жазони ижро этиш учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ёки қарори, шунингдек, амнистия ёки афв акти асос бўлади” деб кўрсатилган?

10. Жиноят-ижроия кодексининг нечанчи моддасида “Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг вазифаси жазо ижросини таъминлаш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат” деб таъкидланади?

## 17-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Жазони ижро этиш муассасаларига қуйидагилардан қайсилари киради?
2. Жазони ижро этиш колонияларига қайсилари киради?
3. Манзил-колонияларга қуйидагилардан қайсилари ўтказилмайди?
4. Манзил колонияларда маҳкумлар йил мобайнида неча мартаба қисқа ва узоқ муддатли учрашувлар олиш ҳуқуқига эга?
5. Қаттиқ тартибли колонияларда маҳкумлар белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори неча фоизгача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин?
6. Қаттиқ тартибли колонияларда маҳкумлар йил мобайнида неча мартаба қисқа ва узоқ муддатли учрашувлар олиш ҳуқуқига эга?
7. Маҳкум жазо муддатини ўташ мобайнида йўл қуйган тартиббузарлиги учун неча кунгача интизомий бўлинмага ёпилади?
8. Маҳкум куникма бўлими (карантин) да неча кунгача сақланади?
9. Жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (режими) маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаси сифатида Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг нечанчи моддасида мустаҳкамлаб қўйилган?
10. Маҳкумга уни манзил-колонияга ўтказиш ҳақида тақдимнома киритилишида рад қилиш учун нималар асос бўлиши мумкин?

## 18-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Маҳкумга жазони ўташдан уни манзил-колонияга ўтказиш ҳақида тақдимнома киритилишида рад қилиш учун нималар асос бўлиши мумкин?
2. Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг 62-моддасида кўрсатилишича, жазони ижро этувчи муассасаларида режим жазодан кузлаган мақсадга эришиш учун белгиланган ва қуйидагиларни таъминлайди?
3. Жиноят ижроия кодексининг қайси-моддасига асосан муассасаларда алоҳида ҳолат жорий этилади?
4. Алоҳида ҳолат Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда қанча суткагача бўлган муддатга жорий этилади?
5. Маҳкумлар белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг қанча фоизгача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин?
6. Умумий тартибли колонияларда маҳкумлар йил мобайнида қисқа муддатли ва марта узоқ муддатли учрашув олиш ҳуқуқига эга?
7. Умумий тартибли колонияларда маҳкумлар йил мобайнида неча марта телефон орқали сўзлашув ҳуқуқига эга?
8. Умумий тартибли колонияларда маҳкумлар йил мобайнида неча марта посылка ёки йўқлов олиш ҳуқуқига эга?
9. Умумий тартибли колонияларда маҳкумлар йил мобайнида неча марта бандерол олиш ҳуқуқига эга?
10. Жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (режими)

махкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаси сифатида Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг нечинчи моддасида мустаҳкамлаб қўйилган?

### 19-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Маҳкумларни кўчириш тартиби Жиноят-ижроия кодексининг нечанчи моддасида кўрсатиб ўтилган?

2. Муассасага етиб келган барча маҳкумлар уларнинг шахсини ўрганиш ва шароитга мослашиб олишлари учун неча сутка муддатга қабул бўлимига жойлаштирилади?

3. Маҳкумларга жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида керакли ахборотлар шунингдек уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ЖИКнинг нечанчи моддасида кўрсатилган?

4. Маҳкумларни жазони ижро этиш колониясига қабул қилиш пайтида қандай тинтувдан ўтказилади?

5. Маҳкумларни жазони ижро этиш колониясига қабул қилиш пайтида уларга тегишли бўлган буюмлар қандай тинтувдан ўтказилади?

6. Муассаса омборига сақлаш учун топширилган буюмларга қандай тегишли ҳужжат тайёрланади?

7. Қаттиқ тартибли колонияларда маҳкумлар йил мобайнида неча маротаба қисқа ва узоқ муддатли учрашувлар берилади?

8. Махсус тартибли колонияларда маҳкумлар йил мобайнида неча маротаба телефон, посилка ёки йўқлов ва бандерол олиш ҳуқуқига эга?

9. Махсус тартибли колонияларда маҳкумлар йил мобайнида неча маротаба қисқа ва узоқ муддатли учрашувлар берилади?

10. Жазони ўтаётган маҳкумлар ўзлари билан бирга озиқ-овқат ва шахсий буюмларни олиб кириш мумкинми?

### 20-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия-кодексининг қайси моддасига асосан озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро этувчи муассасалардан бири турмалар ҳисобланади.

2. Турмада маҳкумларни енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказиш Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг қайси моддасига асосан ўтказилади?

3. Турма ҳудуди баландлиги неча метрдан кам бўлмаган яхлит бетон девор билан ўралган?

4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида яъни: “Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамокда сақланиши мумкин эмас” деб кўрсатилган?

5. Маҳкумлар сотиб олиши ва ёнида сақлаши мумкин бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхати ИИВнинг қайси буйруғи билан тартибга солинади?

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғи қачон қабул қилинган?

7. Тергов ҳибсхонасида ёки турмада қайси тоифадаги маҳкумларни олиб



қолиши тақиқланади?

8. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш жинойт ижроия кодексининг нечанчи моддасида кўрсатилган?

9. Маҳкумларни тергов ҳибсхонасида ёки турмада қолдириш тартиби жинойт ижроия кодексининг нечанчи моддасида кўрсатилган?

10. Турмада маҳкумлар йил мобайнида неча марта қисқа ва узок муддатли учрашувлар берилади?

## 21-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий принциплари нималардан иборат?

2. Тарбия колонияси ҳудуди баландлиги неча метрдан кам бўлмаган девор билан ўралади?

3. Тарбия колонияларида маҳкумлар йил мобайнида неча мартаба қисқа ва узок муддатли учрашув ҳуқуқи берилади?

4. Жинойт-ижроия кодексининг 127-моддасида тарбия колониясида ҳибсхонага киритиб қўйиш тариқасидаги интизомий жазо ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган маҳкумларга неча суткагача бўлган муддатга қўлланилади?

5. Жинойт-ижроия кодексининг 127-моддасида тарбия колониясида ҳибсхонага киритиб қўйиш тариқасидаги интизомий жазо ўн олти ва ундан катта ёшдаги маҳкумларга неча суткагача бўлган муддатга қўлланилади?

6. Ўзбекистон Республикаси Жинойт ижроия кодексининг 102-моддасига биноан рағбатлантириш турларини кўрсатинг?

7. Тарбия колониясида тарбияланувчилар тузалиш йўлига ўтганидан сўнг неча ёшга тўлгунга қадар тарбия колонияларида қолдирилади?

8. Тарбия колониясида салбий тавсифланган тарбияланувчилар неча ёшга тўлгандан сўнг тарбия колонияларидан жазони ижро этиш колонияларига ўтказилади?

9. Тарбия колонияларида маҳкумлар йил мобайнида неча мартаба посылка ёки йўқлов олиш ҳуқуқи берилади?

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 490-сонли қарори қачон қабул қилинган?

## 22-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Айрим тоифадаги маҳкумлар томонидан жазони ўташ хусусиятлари ЖИКнинг нечанчи бобида кўрсатиб ўтилган?

2. Маҳкума ҳомиладор аёллар ва боласи бор аёллар учун қўшимча ҳуқуқлар ЖИКнинг нечанчи моддасида кўрсатиб ўтилган?

3. Жазони ижро этиш муассаса ҳудуди доирасидан ташқарида яшашга рухсат берилган маҳкума аёлларга нима берилади?

4. Маҳкума аёлларнинг муассасадан ташқаридаги болалар уйларидаги

вояга етмаган болалар билан учрашувлари маҳкума аёлларнинг нима кўра амалга оширилади?

5. Маҳкума аёлларнинг муассаса дорасидан четга қисқа муддатли чиқиши ЖИКнинг нечанчи моддасида белгилаб қўйилган?

6. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш ЖИКнинг нечанчи бобида кўрсатиб ўтилган?

7. Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар камераларга кўпи билан неча кишидан жойлаштирилади?

8. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ тартиби ЖИКнинг нечанчи моддасида кўрсатилган?

9. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ шартлари ЖИКнинг нечанчи моддасида кўрсатилган?

10. Умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг афв этиш тўғрисида илтимоснома бериш тартиби ЖИКнинг нечанчи моддасида кўрсатиб ўтилган?

### 23-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Жазо муддати тугагунга қадар маҳкум қайси ҳолларда жазони ўташдан озод қилиниши мумкин?

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қайси моддаси талаблари асосида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади?

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қайси моддаси талаблари асосида жазони енгилроғи билан алмаштирилади?

4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг қайси моддасига асосан енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилади?

5. Жазо ижросини тугатиш - жазони ижро этишдан озод қилиш жараёнининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади ва унинг асослари Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг қайси моддасида кўрсатилган?

6. Жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахснинг жазони ўташ муддати тугашига узоғи билан неча ой қолганда уни озодликка чиқаришга тайёрлайди?

7. Маҳкумларни озод қилишга тайёрлаш ЖИКнинг нечанчи моддасида кўрсатилган?

8. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар билан тарбиявий ва ижтимоий-психологик ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги буйруқ қачон тасдиқланган?

9. Жазо муддати дам олиш ёки байрам куни тугайдиган бўлса, маҳкум ушбу дам олиш ёки байрам кунидан неча кун олдин озод қилинади?

10. Жазоси енгироғи билан алмаштирилган маҳкумларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилди маҳкум муассасадан озод этилганидан сўнг неча кунлик муддат ичида маҳкум жўнаб кетган манзилдаги пробацация хизматига юборилади?

## 24-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Жазо муддати тугагунга қадар маҳкум қайси ҳолларда жазони ўташдан озод қилиниши мумкин?
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қайси моддаси талаблари асосида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади?
3. Оғир ва ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларни афв этиш тўғрисидаги такрорий мурожаатга олдинги илтимоснома рад этилган кундан бошлаб қанча муддат ўтгандан кейин йўл қўйилади?
4. Бошқа жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларни афв этиш тўғрисидаги такрорий мурожаатга эса олдинги илтимоснома рад этилган кундан бошлаб қанча муддат ўтгандан кейин йўл қўйилади?
5. Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома суд ҳукми қонуний кучга киргандан кейин қанча муддатда жазодан озод қилиниши мумкин?
6. Умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазонинг ҳақиқатда қанча муддатини ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда афв қўлланилиши мумкин?
7. Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазо муддатининг қанча муддатини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин афв қўлланилиши мумкин?
8. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар билан тарбиявий ва ижтимоий-психологик ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги буйруқ қачон тасдиқланган?
9. Жазо муддати дам олиш ёки байрам куни тугайдиган бўлса, маҳкум ушбу дам олиш ёки байрам кунидан неча кун олдин озод қилинади?
10. Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг қанча муддатини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин афв қўлланилиши мумкин?

## 25-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Қадимда қамокхоналар нима мақсадларда ташкил қилинган?
2. Қамокхона бинолари қай ҳолатда бўлган?
3. Оборн қамоғи нечанчи йили қуриб биткизилган эди?
4. БМТнинг томонидан жиноятларни олдини олиш ҳамда ҳуқуқбузарлар билан муомала қилишга бағишланган “Қамокқа олинганлар билан муомала қилишнинг халқаро минимал стандартлари” қачон қабул қилинди?
5. Хорижий давлатларда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этувчи муассасалар фаолияти устидан бошқарув асосан қайси

вазирлик томонидан амалга оширилган?

6. Жазони ўташ даврида шартли равишда озодликка тайёрлаш куйидагича хусусиятлари мавжуд?

7. Ўрта асрларда Шарқда, Ғарбдан фарқли равишда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш учун нималардан фойдаланилган?

8. Мамлакатимиздаги озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини таъминловчи муассасаларнинг шаклланиши ва ривожланиши махсус адабиётларда неча босқичга бўлиб тадқиқ этилган?

9. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги «Жазолар туғрисида»ги низом қачон қабул қилинган?

10. Россия Федерацияси Президентининг қайси фармонида биноан Жазони ижро этиш бош бошқармаси жазони ижро этиш федерал хизматига айлантирилди?

## ГЛОССАРИЙ

**департамент** (франтсуз тилидан департемент-бўлим): бўлим-бир қатор мамлакатларда маъмурий-худудий бирлик: Бўлим-баъзи давлатлар ва мамлакатлардаги вазирлик, идоралар ёки уларнинг бўлинмаларининг номи. АҚШ давлат департаменти.

**маҳкум** — қонун билан тақиқланган муайян жиноятни содир этгани учун суд томонидан айбдор деб топилган шахс.

**колония**-мустақил сиёсий ва иқтисодий кучга ега бўлмаган, чет давлат (метрополия) ҳокимияти остидаги қарам худуд бўлиб, улар асосида бошқарилади.

**жазони ижро этиш муассасаси**-озодликдан маҳрум этилган маҳкумлар сақланадиган жой, маҳкум-суднинг қонуний ҳукми кучга киргандан сўнг, туркум маҳкумлар ётоқхонаси, ҳарбий қисм-қоровул кўшинлари шартнома асосида хизмат қилаётган ишчи, махсус бўлим-маҳкумлар йиғма жилди сақланадиган жой, тезкор бўлим, камера-тартиббузарликка йўл қўйган маҳкумлар сақланадиган хона, карантин-ижтимоий мослашув жойи

**режим**-Кенг маънода режим-бу иш, фаолият, нарсанинг мавжудлиги шартлари. У куйидаги маъноларда ишлатилиши мумкин: аниқ белгиланган тартиб, мунтазам: кундалик мунтазам — кун учун аниқ ўлчанган мунтазам ҳаракатлар. Иш тартиби-бу корхонада ишлаш ва дам олишнинг тузатилган тартиби. Касалхона режими-бу даволовчи шифокор томонидан бемор учун ўрнатилган турмуш тарзи. Диет-парҳез, маълум бир тартибга мувофиқ овқатланиш.

**жиноят-ижроия ҳуқуқий муносабатлари** -жиноий жазонинг барча турларини ижро этиш борасида ва жараёнида турли субъектлар ўртасида юзага келадиган, жиноят-ижроия ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар.

**адвокат** (лот. advocatus, advocare — ёрдамга чақириш) — юридик ёрдам кўрсатувчи шахс.

**жиноят** — жиноят қонунида назарда тutilган ижтимоий хавфли қилмиш.

**вояга етмаган** — ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс.

**қонун** — инсон, жамият ва давлат манфаатлари нуқтаи назаридан энг муҳим ҳисобланадиган ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва тартибга солиш воситаси.

**жамият** — кишиларнинг тарихан қарор топган ҳамкорлик фаолиятлари мажмуи.

**ушлаб турилган** — жиноят содир этганликда гумон қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 221-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ушлаб турилган шахс;

**қамоққа олинган** — Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг нормаларига мувофиқ ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи;

**қамоқда сақлаш** — жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни ёхуд ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни қамоқда сақлаш.

**малака** — шахснинг касбий фаолиятнинг муайян турини бажаришга тайёргарлигини ифодаладиган, маълумот тўғрисидаги тегишли ҳужжат билан тасдиқланадиган билим, қобилият, маҳорат ва кўникмалар даражаси;

**мутахассислик** — малака бериш билан яқунланадиган муайян касбий тайёргарлик турининг номи;

**тарбия** — аниқ мақсадли ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама камол топтиришга, уларнинг онгини, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва дунёқарашини шакллантиришга қаратилган тизимли жараён;

**таълим** — таълим олувчиларга чуқур назарий билим, малакалар ва амалий кўникмалар беришга, шунингдек уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникмаларини шакллантиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли жараён;

**таълим-тарбия жараёни иштирокчилари** — таълим олувчилар, вояга етмаган таълим олувчиларнинг ота-оналари ёки бошқа қонуний вакиллари, педагог ходимлар ва уларнинг вакиллари;

**давлат таълим муассасаси** — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан давлат мулки бўлган мол-мулк негизида ташкил этилган, давлат таълим стандартларига ва давлат таълим талабларига мувофиқ таълим берадиган муассаса.

**тарбия** — аниқ мақсадли ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама камол топтиришга, уларнинг онгини, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва дунёқарашини шакллантиришга қаратилган тизимли жараён;

**вояга етмаган** — ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс.

**инсон ҳуқуқлари** - инсон ҳуқуқлари концепцияси табиий ҳуқуқлар доктринасидан келиб чиқади ҳамда жамиятнинг барча аъзолари учун мавжуд қонунларда белгиланган ҳуқуқлардан ташқари бошқа ҳуқуқларга ҳам эга эканликларини кўзда тутади.

**ушлаб турилган** — жиноят содир этганликда гумон қилиниб,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 221-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ушлаб турилган шахс;

**қамоқда сақлаш** — жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни ёхуд ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни қамоқда сақлаш.

**инсон ҳуқуқлари** – бу бутун инсониятнинг интилишлари, орзу-умидларини ўзига жамлаган кенг қамровли тушунчадир.

**давлат** — мамлакат миқёсида жамиятни уюштириш масалаларини ҳал қилиш, унинг ташқи муносабатларини белгилаш ваколатлари бўлган ҳукмрон тузилма.

**ҳужжат**- ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган факт ва воқеаларни тасдиқловчи, лозим даражада тузилган ва зарурий реквизитлари (штамп, имзо, муҳр, сана, тартиб рақами) мавжуд бўлган ёзма ҳужжат.

**коррупция** - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

**департамент** (франтсуз тилидан департемент-бўлим): бўлим-бир қатор мамлакатларда маъмурий-худудий бирлик: Бўлим-баъзи давлатлар ва мамлакатлардаги вазирлик, идоралар ёки уларнинг бўлинмаларининг номи. АҚШ давлат департаменти.

**жазони ижро этиш муассасаси**-озодликдан маҳрум этилган маҳкумлар сақланадиган жой, маҳкум-суднинг қонуний ҳукми кучга киргандан сўнг, туркум маҳкумлар ётоқхонаси, ҳарбий қисм-қоровул кўшинлари шартнома асосида хизмат қилаётган ишчи, махсус бўлим-маҳкумлар йиғма жилди сақланадиган жой, тезкор бўлим, камера-тартиббузарликка йўл қўйган маҳкумлар сақланадиган хона, карантин-ижтимоий мослашув жойи

**посилка**-бу хатдан каттароқ ва оғирроқ бўлган қоғоз маҳсулотлари ва босма нашрлар билан почта алоқаси. Китоблар, журналлар, плакатлар ва бошқалар. одатда посилкаларга юборилади. Сиз посилкани етказиб бериш вақти ва нархини олдиндан ҳисоблашингиз, исталган қулай вақтда беришингиз мумкин.

**маҳкумлар ҳуқуқий ҳолати** – бу жазони ижро этишда вужудга келадиган жазонинг тури, мақсади ва маҳкумнинг хулқи билан боғлиқ бўлган асосий фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисидан иборатдир.

**жиноят-ижроия ҳуқуқий муносабатлари** -жиноий жазонинг барча турларини ижро этиш борасида ва жараёнида турли субъектлар ўртасида юзага келадиган, жиноят-ижроия ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар.

**ҳуқуқ** — давлат томонидан белгиланган ёки тасдиқланган умумий мажбурий ижтимоий нормалар тизими.

**адвокат** (лот. advocatus, advocare — ёрдамга чақириш) — юридик ёрдам кўрсатувчи шахс.

**жиноят** — жиноят қонунида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш.

**вояга етмаган** — ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс.

**қонун** — инсон, жамият ва давлат манфаатлари нуқтаи назаридан энг муҳим ҳисобланадиган ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва тартибга солиш воситаси.

**жамият** — кишиларнинг тарихан қарор топган ҳамкорлик фаолиятлари мажмуи.

**ушлаб турилган** — жиноят содир этганликда гумон қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 221-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ушлаб турилган шахс;

**қамоқда сақлаш** — жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни ёхуд ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни қамоқда сақлаш.

## АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

### Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.—Т:Ўзбекистон, 2017.;
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.;
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.;
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.;
5. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни;
6. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги ЎРҚ-167-II-сон қонуни;
7. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-342-сон қонуни;
8. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 апрелдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни;
9. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сон қонуни;
10. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни ;
11. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги “Экстемизмга қарши кураш тўғрисида”ги ЎРҚ-489-сон қонуни;

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармони;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги

“Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4075-сон қарори;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарори;

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 август кундаги «Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазони ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3200-сонли Қарори.

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари**

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2012 йил 29 декабрдаги 174-сонли буйруғи «Озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги.

2. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2012 йил 29 декабрдаги 175-сонли буйруғи «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов хибсхоналарининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги.

3. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 1 апрелдаги 80-сонли «Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар билан тарбиявий ва ижтимоий-психологик ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги буйруғи.

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

1. Ш.М. Мирзиёев Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.;

2. Ш.М. Мирзиёев Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. –48.;

3. Ш.М. Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 104 б.;

4. Ш.М. Мирзиёев Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

### **Дарслиklar, Ўқув қўлланмалар**

1. Ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш: Маърузалар курси / Д.С.Мухамадалиев, Ж.С.Мухторов, Б.А.Саидов ва бошқ. – Т.:



Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 259 б.;

**Интернет сайтлари**

**<http://mvd.uz>** (Ўзбекистон Республикаси ИИВ);

**<http://ipkmvd.uz>** (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти);

**<http://akadmvd.uz>** (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси);

**<http://lex.uz>** (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси);

**<http://www.tsil.uz>** (Тошкент давлат юридик университети);

**<http://www.connect.uz>** (Ўзбекистон умумтаълим портали);

**<http://uzsci.net>** (Илмий таълим тармоғи);

**<http://www.ziyonet.uz>** (Ахборот таълим тармоғи).

К.С.БЕЙСЕНОВ, Ф.С.АХМЕДОВ

**“ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ФАОЛИЯТИ” МУТАХАССИСЛИГИ  
БУЙИЧА СЕРЖАНТЛАР ТАРКИБИ ХОДИМЛАРИНИ МАХСУС  
КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ ЎҚУВ КУРСИ”НИНГ “ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ  
ФАОЛИЯТИ” МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Мухаррир Н.З. Тасимов**

Босишга рухсат этилди. Нашриёт ҳисоб табоғи 13,7.  
Буюртма № \_\_\_\_ . Адади 50 нусха.  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,  
100213. Тошкент шаҳар. Ҳусайн Байқаро кўчаси, 27а-уй.